



# ТУЛПОР КҮЛ

Ўтган қадим замонда, Қоратегин томонда бир чол билан бир кампир ёшини яшаб, ошини ошаб ўтган экан. Чол-кампирнинг бир-биридан азамат уч ўгли бўлиб, учовининг фёғли уч хил экан. Катта ўгли жудаям хасис, очкўз, очофат, маккор бўлиб ўсибди. Уртанчасиям бировга ош тугул бир сиқим туз бермас, қурумсоқ экан. Кенжа ўғил сахий, раҳмдил, бир бурда нон топса бошқалар билан бўлиб ёйдиган бўлиб ўсибди. Катта ака-укалардан чол-кампир хавотирланиб: «Булар бизга раҳмат эмас, лаънат келтиради, кенжамиз эса, олқиш олиб беради», — деб кенжа ўғилларига алоҳида меҳр кўзи билан қарашибди. Бор умидларини шунга тикишибди. Ота-оналарининг укаларини жудаям севиб, ардоқлашлари катта ака-укаларига ёқмас, шунинг учун унга иш буюришгани-буюришган экан. «Уни қил», «Буни қил!» «Мановини бажар!» — деб унинг тинкасини қуритишар экан. Қунлар кетидан қунлар, ойлар кетидан ойлар ўтиб, ака-укалар вояга етишибди. Кенжа ўғил иш қилиб чарчамабди, акалари иш буюриб. Чол-кампирнинг бир биядан бошқа бисотлари йўқ экан. Шу биянинг сутини қимиз қилишар, ўзини ишлатиб, ер ҳайдатиб, ўтин судратиб, юк ташиб юришар экан.

Қунлардан бир қун... Келинг, бошидан айтиб бера қолай. Чол-кампир уч ўгли билан яшаётган Қоратегин қишлоғининг куп ботар томонида, қир-адирлар орасида бир кўл бор экан. Кўл қанчалик чиройли, хушманзара, гўзал жой бўлмасин, у жойга ҳеч ким бормас экан. Негаки, «Кўл бўйида девлар яшармиш, сувида сув қиз бормиш. Кимда-ким борса дев урармиш, сув қизи чалармиш», — деган гап тарқалган экан. Шунинг учун ҳам ҳеч ким кўл ёнига йўла-мас, ҳайвон боққани ҳам, ов овлаганиям бормас экан. Кенжа ботирининг кўлга боргиси келибди-ю, нимани баҳона қи-

либ боришни билмабди. Кунлардан бир куни отаси катта ўглига: «Болам, ўтин олиб келсанг, бозорга олиб бориб сотсанг, пулига нон олиб келсанг»,— деб қолибди. Шунинг куни турган Кенжа ботир: «Хизмат кичикдап, отажон, бу хизматга мен борама»,— дебди. Отаси билан онаси: «Қўй, сен ҳали ёшсан, акаларингдан бири боради»,— дейишса ҳам Кенжа ўғил: «Мен бораман!»— деб оёқ тираб туриб олибди. Ноилоҳ отаси Кенжа ўғилга жавоб берибди. Кенжа ўғил отини етаклаб, тоққа ўтин тергани бир ўзи жўнабди. Отини ўтлата-ўтлата, ўтин териб, кўлга яқин бориб қолганини ҳам билмай қолибди. Шунда: «Кел-е, кўлни бир кўрай-чи, нима гап экан? Ҳамма ундай дейди, бундай дейди. Қулоқ билан эшитган бошқа, кўз билан кўрган бошқа»,— дебди-да, кўлга қараб кетибди.

Кўлга бориб, ажабтовур манзара устидан чиқиб қолибди. Чор-атроф анвойи гулларга тўлиб-тошиб ётганмиш, асаларилар гувиллаб бол терармиш. Тоғ мевалари: дўлапа дейсизми, олма дейсизми — гуж-гуж бўлиб, гарқ пишиб ётганмиш. Тўрт томондан ўраб олнинг кўлнинг суви кўм-кўк шишадай эмиш. Бу манзарани кўриб кенжа ўғил бир-дам хурсанд бўлиб кетибдики, асти сўрамади. Отини ўтга қўйиб, бир жойга бориб, кўл бўйида сувни томоша қилиб ўтириб қолибди. Сувнинг тагида ҳар хил балиқлар турли-туман рақсга тушиб, ҳар хил ҳунар кўрсатармиш. Бир пайт томоша қилиб турса, сув тагидан бир оқ тулпор кўришган эмиш. Тулпор тўппа-тўғри боланинг оти ўтлаб юрган томонга қараб юрибди. Сўнгра сувдан қирғоққа чиқиб, биянинг атрофидан уч маротаба айланиб, яна кўлга тушиб кетибди. Бия оқ тулпор охириги маротаба айланганда кишнаб юборибди. Нима гап бўлаётганига ақли етмасдан ҳайрон бўлиб турган бола ўзинга келиб, биясининг олдига чопибди. Қараса, бия қандай бўлса шундай эмиш. Фақат ўт емай қўйибди, холос. «Қорни тўйибди, кеч ҳам бўлиб қолибди, энди қайтсам ҳам бўлади»,— деб бола биясини етаклабди-да, йиққан ўтинларини унга ортиб уйга қараб жўнабди. Отаси биянинг қорни пишиб қолганини кўриб: «Нима бўлди? Хом беда бердингми? Қорни пишиб қолибди»,— дебди. Бола, «йўқ», дебди. Ота-бола қараб туришса, биянинг қорни шишгандан пишиб катталашаверибди. Нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб туришса, бияни тўлғоқ тутибди. Шундай тўлғоқ тутибдики, биянинг кишнаганига етти маҳалла уйғониб кетибди. Тепинганида ер ларзага келибди. Бир пайт қулуни тушибди. Худод тавба, қулунининг икки қўлигнинг тагидан қанотлари кўриниб турганмиш. Икки қулоғи орасидаги пешонасида оқ қашқаси бў-

либ, буйни бамисоли қирқ қарич эмиш, ерга тушибоқ, осмонга учаман дермиш. Шу пайт осмонни қора булут қоплабди. Шамол туриб, ҳаммаёқни чағи-тўзон қоплабди. Бола нима қилишни билмасдан қараб турган экан, осмондан бир дев қора қуюндек учиб келиб, отнинг боласини чағаллаганича осмонга олиб чиқиб кетибди. Бола тоза хафа бўлибди: йиғлабди, сиқтабди. Аммо ҳеч нарса қўлидан келмабди. Акалари ҳамма гашни эшитиб қолишибди. Эрталаб катта ака билан ўртанча ака оталарига қараб:

— Ўтвини биз олиб келамиз бугун,— дейишибди. Кенжа ука нима дейишини билмай қолибди. Катта ака отни етаклабди, ўртанча ака отни ҳайдабди. Йўлга равона бўлишибди. «Тулпорга эга бўламиз»,— дебди катта ака йўлда. «Тўғри айтасиз»,— дебди ўртанча. Ака-ука шундай қилиб, кўлга етиб борганларини ҳам билмай қолишибди. Отни ўтга қўйиб, ўзлари панароқ жойга бориб нойлаб ётишибди. Бир пайт кўлдан оқ от чиқиб бияни уч маротаба айлашибди-да, яна кўлга тушиб кетибди. Ака-укалар чопиб бориб, отни пойлаб ўтиришди. Отда ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди. Уйларига қайтиб келиб: «Сен алдадинг, ҳеч қандай от отмизга чопмади. Бир оқ от кўлдан чиқиб уч маротаба айланди-да, сувга тушиб кетди»,— дейишиб, укаларини ҳақоратлашибди. Бола ичида, ҳали замои кўрасанлар, деб турган экан, бияни тўлғоқ тутибди, шундай тўлғоқ тутибдики, кишнашига одамзод уёқда турсин, жамики қуш-паррандалар, ҳайвонлар ҳам чидаб турулмабди. Ер титрабди, дондарахтлар ниграбди. Шу пайт қулун ерга тушибди. Ўзи олдинги қулунга ўхшамасмиш: кўк чавқар эмиш, отга ҳам ўхшамасмиш. Акаларининг қувончи узоққа бормабди. Ҳайрон бўлиб туришган экан, осмондан чақмоқ чаққандай бўлиб, баҳайбат бир дев чийиллаганича тушиб, отни чағаллаб олибди-да, осмонга кўтариб учиб кетибди. Ҳамма ёқасини ушлаганича, турган жойида қотиб қолибди. «Бунда бир сир бор»,— дебди кенжа ўғил. «Мен кўлга бораман»,— дебди шунда ўртанча ака, бахтимни мен ҳам синаб кўрай, дебди-да, отни етаклаб, икки ака-укасини ёнига олиб, кўлга кетибди. Ота-онаси уйида қолибди. Ака-укалар кўлга етиб бориб, отни ўтга қўйиб, бир ерда пойлаб ётишибди. Кичик ука уларга билдирмай, аста кўлнинг қирғоғига бориб сувнинг тағига қараб ўтирган экан, биридан-бири чиройли олтин тилла балиқлар ёнига келиб, унга салом беришибди. Шу пайт бирдан оқ от кўриниб, олдинига сувдан чиқайми-йўқми дегандай, иккиланиб турибди-да, кейин сувни қоқ иккига ёриб қирғоққа чиқибди, сўнгра бияни уч марта айланиб, икки-уч искаган бўлибди. Акалари хурсанд бўлиб кетибди.

Бияларини етаклаб уйга қайтишибди. Вақти-соати келиб бияга тўлғоқ келибди. Ака-ука бияни ўртага олиб пойлаб ётишган экап, от бўлиб отмас, ит бўлиб итмас бир махлуқ тугилибди. У ерга тушар-тушмасдан зинғиллаганича осмонга учиб кетибди. Ҳаммалари ҳайрон бўлиб, турган жой-заридида пима қилишни билмай қолишибди.

Шу пайт Кенжа ўғил отасига қараб:

— Ота, биямиз уч мартаба сув отдан қулунлади. Биринчи марта тойчоқ тугди, иккинчи марта от бўлиб отмас, эшак бўлиб эшакмас махлуқ тугди. Учинчи марта эса, қандайдир жонзод тугилди. Энди менга жавоб берсангиз, дунё кезиб бу сирни билиб келсам. Қирқ кун деганда келсам келдим, мабодо келмасам, ўлди деб азамни очаверинглар,— дебди. Отаси жавоб берибди. Кенжа ўғил йўлга тушибди. Шу пайтдан бошлаб икки акасининг ичиди: «Укам оқ отни олиб келса, бой-бадавлат бўлиб, балким подшо бўлиб кетар. Йўқ, уни биз йўлдан қайтаришимиз керак»,— деган ўй пайдо бўлиб, ич-ичларини кемира бошлабди. Ўртагча ака катта акасига ўйини айтган экан, катта ака: «Тўғри айтдинг, мен ҳам шу ўйдаман, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Биз ҳам йўлга чиқиб, уни йўлдан қайтармоғимиз керак. Борди-ю, қайсарлик қилиб, отни қўлга киритса, уни йўлда ўлдириб, отга ўзимиз эга бўламан»,— дебди. Икковлон маслаҳатни бир жойга қўйиб, оталарининг олдига боришибди.

— Ота, укамиз ҳали ёш, ўзини якка-ёлғиз юбориб чакки қилдик. Бизга жавоб берсангиз, уни қувиб етиб олиб, ҳамроҳ бўлсак,— дейишибди. Оталари: «Булар бир шум ниятни ўйлаган-ку»,— деб кўнглидан ўтказиб олдинига кўпмабди. Ҳеч қўйишмагач, бўлмабди, жавоб берибди.

Шундай қилиб, катта ака билан ўртанча ака кенжа ўғилнинг изига тушибди. Уларни шу ерга қўяйлик-да, энди гапни боладан эшитайлик.

Бола тўппа-тўғри кўлга борибди. Кўл бўйида сувга тикилиб ўтирган экан, яна ҳар хил балиқлар олдига келиб салом бергандай қилиқлар қилишибди. Бир пайт балиқларнинг ичидан бирови ажралиб чиқибди-да, унга яқинроқ келиб, шундай дебди:

— Сен оқ отни кўргани келдинг, шундайми?

— Тўғри айтдинг, оқ отни кўргани келдим,— дебди бола.

— Бу қийин,— дебди балиқ.— У ер ости мамлакатининг маликаси Гулрухсорнинг оти бўлади. У йилда икки-уч марта кўлдан чиқиб, шу орада ўтлаб юрган бияни чопади, Бия тулпор туғади. Аммо тулпорни ер юзида қолдирмай, яна ўзининг юртига олдириб кетади. Буни Гулрухсорнинг

осмонда учиб юрувчи ошнаси Қора дев бажаради. Қора дев қулун туғилиши билан уни осмонга олиб чиқади-да, Гулрухсорга келтириб беради,— дебди.— Иккинчи маротаба чопганда отмас, ашакмас — бир махлуқ туғилади. Уни ҳам Қора дев олиб қочади. Ундан дев ўзига одам тайёрлайди. Учинчи маротаба чопганда, одам эмас, ашак ҳам эмас, махлуқ эмас — дев туғилади. Дев бўлганда ҳам Қора дев туғилади. Уни Қора дев ўзига фарзаид қилиб олади. Бунни ўзинг ҳам кўрдинг,— дебди. Шунда бола:

— Гулрухсорникига қапдай борса бўлади?— деб сўрабди.

— Унинг олдига бориш асло мумкин эмас. Кўл тубидан етти йиллик йўл, бунинг устига, Гулрухсорни сон-сапоқсиз чапг-тўзонли тоғлар, суви заҳар аччиқ кўллар, ваҳший жонзодлар қўрққлаб ётади. У ерга боришни хаёлинга ҳам келтирма,— дебди яна балиқ.

— Сен бориш йўлини айтсанг бўлгани, мен бормай қўймайман,— дебди бола. Балиқ ўйлаб-ўйлаб турибди-да:

— Дарён кўлга икки маротаба ҳам шум пиятсиз келдинг. Биаларни побуд қилишни ҳечам ўйламадинг. Аксинча, хуржупингдаги попларни шулар есин деб, бизларга ташладинг. Нон ҳаққи, майли, айтсам айта қолай. Ган бупдоқ, яхшилаб қулоқ сол. Кўлнинг нариги томондаги тоғ оралиғида бир сўқмоқ бор. Уша ерга бориб, сўқмоқдан юриверасан. Кейин бир гор келади. Шу горнинг ичига кирасан. Бир тош бор. Қиз болага ўхшайди. Шу тош йнглаб туради. Бир кўздан марварид, бир кўздан дур тушади. Уларга алданиб, дур ё олтидан ола кўрма, қарамасдан йўлингда давом этаверасан. Кейин яна бир гор келади. Горнинг оғзида бир арслон ётади. Арслоннинг олдида беда, унинг ёнидаги тулпор олдида гўшт бор. Сен гўштни арслоннинг олдига, бедани отнинг олдига олиб ташлагин. Шунда сенга раҳмат айтгандай бўлиб арслон бўкиради, от кишнайди. Шунда горнинг эшиги очилади! Сен қўрқмасдан дадил ичкарига киривер. Горнинг тўрида бир паланг от бор. Паланг отнинг тизгини шундоққина ёнида ухлаб ётган жодугар мастонинг қўлида боғлоглиқ туради. Тизгинни аста ечиб ол. Аммо кампирнинг бирор ерига тегиб кетма. Паланг отни кўлга киритгач, уни тез миниб ол-да, ёлини қашла. От сени кампир шафтолини артиб егунча вақт ўтмасдан Гулрухсорнинг қошига олиб боради. Ана энди уёғи ўзинга боғлиқ. Айтганларимни бажо келтирсанг, тулпорга ҳам, Гулрухсорга ҳам эга бўласан,— дебди. Бола:

— Кўлнинг уёғига қандай ўтсам бўлади, айтиб берол-

ни нуқул гўшт, қазн, ёг билан меҳмон қилгач, улардан гап сўрабди:

— Абдуқодирнинг ҳоли қалай. Менсиз тозаям қийнал-гандир? Ҳаммасини жодугар мастон кампир қилди. Ёш ум-римни хазон этди. Абдуқодирнинг дардида, сизларнинг со-гинчингпада адойи тамом бўлдим. Бўлмаса бувишингиз узоқ-узоқларга кетиб қоларди. Е ўзини ўзи ўлдирарди,— дебди.

— Нима гап ўзи? Нега ҳамма югур-югурда, барча тап-вишда, нима, бу азами ё тўй ташвишими?— деб баб-баравар сўрашибди бувишларидан ит билан мушук. Шунда малика:

— Золим отам мени эртага узоқ бир жойдаги ярамас, хасис подшонинг арзандаси подшоваччага эрга узатишти. Ҳамма шунинг ташвишида. Лекин у ерга менинг ўлигим боради. Менга Абдуқодирдан бошқа ҳеч ким керак эмас. Тилласи ҳам, зари ҳам қуриб кетсин,— дебди. Шу найт дар-воза тақиллаб қолибди. Малика тешикдан аста қараб, қай кўз билан кўрсинки, мастон кампирга кўзи тушибди. Малика, ёшлигимда ўрганганларимни ҳозир ишлатмасам, ўлганимда ишлатаманми, дебди-да, бир дуо билан кучукни хушрўйгина йигитчага, мушукни гўзал қизчага айлантириб қўйибди. Кейин, бориб дарвозани очинглар, деб буюрибди. Ясан-тусан қилиб бўйнига эшак мунчоқ-пишак мунчоқ осиб олган, ўзига хўп зеб-оро берган мастон кириб келиб ма-ликага:

— Нега эшикни тез очмадинг?— дебди. Кейин йигит-ча билан қизчани кўриб, хавотирлангандан хавотирланиб:— Булар кимлар бўлди?— деб сўрабди. Малика:

— Буларни янги куёвингиз юборибди. Маликам билан бўлиб, унинг хизматини қилиб юринглар, то ёнимга кел-гунча, дебди.

Мастоннинг хавотири тарқалиб:

— Ана айтмадимми, куёвинг ақлли-фаросатли, ҳали кўникиб кетасан,— дебди. Малика ичиди: «Куёвинг бо-шингда қолсин, сени бошингда мен қолай»,— дебди. Мастон кампир, тезроқ тайёрланинглар, эртага жўнаймиз, дебди-да, уйдан чиқиб кетибди. Малика қиз билан йигитчани бир дуо билан яна ўз ҳолларига келтирибди. Шунда Миёвқал маликадан «Хуштак қаерда?»— деб сўраб қолибди. «Хуш-так ҳалиям бояги жодугарнинг тили тагида»,— деб жавоб берибди малика. «Олишнинг иложи йўқми?»— сўрабди ку-чук. «Ҳечам иложи йўқ, жонидан ҳам юз карра эҳтиёт қи-лади,— деб жавоб берибди малика. «Бир илож қилиб олиш жерак»,— дебди Миёвқал. Кейин ўйлаб-ўйлаб туриб, «Йўли-

ни топдм, йўлини топдм», деб юборибди. «Қандай йўл экан, тез айт!» — сўрабди малика.

— Бозорга одам юбортириб, икки-уч кило Қўқон қалампиридан олдирамиз, кейин кампирга, куёвингиз томонларда қалампир йўқ экан, шуни туйиб, бир идишга солиб оламиз, дейсиз. Кейин нима гаплигини биласиз.

— Кампир кўнмаса-чи? — хавотирланиб сўрабди малика.

— Кўнмаса кўндирасиз, хотинларда нима кўп ҳийла кўп-ку! Сиз ҳам, қалампирга бошқоронги бўлсам, куёвингиз каердай топиб беради? Оламиз, дедимми — оламиз, дейсиз. Кейин кампир кўнади. Кўнмасдан пложи йўқ. Сиз, ойпжон, қалампирни эзиб туринг, мен ҳозир идиш тайёрлайман, дейсиз-да, ошхонага кириб кетасиз. Ошхонада қанча кўп турсангиз, шунча яхши. Уёғини менга қўйиб беринг.

Малика мушукнинг айтганини қилибди. Кампир олдинга ҳечам кўнмабди. Малика ҳам кўнмаганига қўймабди, кўндирибди. Кампир қалампирни эзиб оз-моз туз аралаштириб, яна эзиб турган экан, мушук орқасидан билдирмай бориб тоғорадаги қалампирга думини тикқиб олибди-да, кампирнинг бурни аралаш оғзига сурибди. Қўқон қалампирни жудаям аччиқ эмасми, кампирнинг кўзи ачишиб, бурни суюлиб, устма-уст «апчу-апчу» деяверибди. Шу пайт тилининг тагидан ҳуштак отилиб чиқиб кетибди. Худди шуни кутиб турган олғир мушуквой ҳуштакни дарров олиб маликага берибди. Кейин, маликам, дарров ҳуштакни менинг тилимнинг тагига солдиринг, дебди. Шунда малика: «Ҳуштаквой, Миёвкалининг тилининг тагига кир», — дебди. Ҳуштак: «Бажонидил, хизматингизга тайёрман», — дебди-да, бир сакраб мушукнинг тили тагига кириб олибди. Миёвкал маликага қараб: «Биз кетдик, бизни кутинг, биз Абдуқодирнинг олдига борамиз» — дебди-да, Вов-вов тўрани олиб яшин тезлигида йўлга тушибди. Икковлоп ўзларида йўқ хурсанд бўлишиб, йўлма-йўл қўшиқ айтишиб, гоҳ чопқиллаб, гоҳ сакраб дам-бадам ўйинга тушиб кетишаётган экан, йўлларидан катта дарё чиқиб қолибди. Шу пайт ораларига шайтон оралабдими ёки мастон кампирнинг иблис-пиблиси тушибдими, Миёвкал билан Вов-вов тўранинг ўртасида тортишув пайдо бўлибди. Вов-вов тўра, дарёдан ҳуштакни мен олиб ўтаман, дебди. Миёвкал бўлса, ҳуштак менинг тилим тагига, сен мен кўтариб олиб ўтасан, дебди. Бунга Вов-вов тўра кўнмай, йўқ, меп тилимнинг тагига солиб олай, негаки, сени кўтариб ўтаётганимда билмасдан оғзингни очиб юборсанг, ҳуштакдан айрилиб қоламиз, дебди. Мушук Вов-вов тўра, сенинг тилигни осилтирадиган одатинг бор, билмасдан тилигни осилтириб юборсанг, ҳуштак чиқиб

сини олган бошқа жониворлар ҳам бор. Сен таблага кирганида яхшилаб разм солсанг, қаншарида оқ қашқаси бор отга кўзинг тушади. Унинг ёнига бориб, фирқираши билан кишнашига қулоқ сол. Бошқа отларнинг кишнаши билан унकिкининг фарқи бор. Уларники ингичкароқ. Худди бола йиғисига ўхшайди. Сенинг отинг бошқачароқ кишнайди. Ана шу бошқачароқ кишнаган отнинг ёлидан маҳкам ушла-да, ўзингни тез устига от,— дебди Қаландар. Бобо шундай деб, болани етаклаб саройга олиб борибди. Олдинига саройга киришга боланинг юраги дов бермабди. Дарвеш, киравер, қўрқма, дегач, саройга кириб борибди. Сарой қўриқчилари болани ушлаб олиб, бошига қамчи ёғдиришса ҳам у чўчимабди. Подшога рўбарў келиб, мана бу бола бесўроқ саройингизга киргани учун жазосини бердик-да, олдингизга олиб келдик,— дебди қоровуллардан бири.

— Ҳаллод!— дебди подшо.

— Лаббай! Буюринг, кимнинг ажали етди, калласини олиш пайти келди,— деб жаллод етиб келибди.

— Мапа бу бола шоҳликка бесўроқ кирибди, танасини бошидан жудо қил!— дебди. Шунда қизининг болага раҳми келиб:

— Ота, аввал гап сўра-чи, ўлдириш қочмайди,— дебди. Отаси:

— Сўрасанг сўрай қол,— дебди.

Малика:

— Нега келдинг?— деган эканг, бола:

— Отимни ахтариб юрибман,— деб жавоб берибди. Малика кулиб юбориб:

— Тепамизда кўриниб турган анави тор сенга ўхшаб оқ тулпоримнинг тойини налаб келганларнинг суяги. Энди бу жойдан қутулишнинг гумон. Борди-ю, саволларимизга тўғри жавоб берсанг, шундагина ўлмай қолиб, юртингга кетишнинг мумкин.

Худди шуни кутиб турган бола:

— Майли, саволларинг бўлса бераверинглар,— дебди.

Маликанинг отаси — подшо болага қараб:

— Подшолигимда ой йўқ, ойна олиб тушиб, тахтим ёнига қўйсанг, майли, отни олсанг ола қол!— дебди.

Бола:

— Анави турган ой — қизингиз малика ойдан камлик қиладими? Шу ой турганда бошқа ойга ҳожат борми?— деб жавоб берибди. Жавоб подшога ҳам, қизига ҳам, турганларга ҳам маъқул бўлибди.

— Тўғри айтасан,— дебди подшо.— Ой деса дегудек қизим бор. У турганда бошқа ойга на ҳожат.— Подшо шундай

дебди-да, кейин:— Вазиримга рўбарў бўласан. У сени кўзи билан йиқитса — ўлганинг, йиқитолмаса — майли, отни олганинг бўлсин,— деб вазирини чақиртирибди. Вазир келиб, хизмат, шоҳим, дебди. Подшо вазирга қараб: «Шу турган болага назар ташла, шоҳликка муносибми?»— дебди.

Вазир болага тикилибди. Бола унга тикилибди, ҳамма турган икковига тикилибди. Вазир қараб тураверибди. Бир пайт бола қалтираб, қалтираб йиқилай дермиш. Бобоннинг айтганлари эсига тушибди-да, кўзини вазирнинг кўз қорачигига тикиб тураверибди. Вазир аста-секин қалтираб, охири:

— Бўлди, тиклма, енгдинг, менинг кўзимдан кўра сенинг кўзинг олғирроқ экан,— деб бир четга бориб ўтирибди.

Подшо ҳам, ўтирганлар ҳам болага қойил қолишибди.

— Балли, сен вазирни енгдинг,— дебди подшо.— От сеники бўла қолсин. Аммо таблага ўзинг бориб, тойчоғингни топиб олиб кетавер,— дебди. Бола таблага борибди. Таблада юзлаб от бўлиб, ҳаммаси бир хил ранг, бир хил кўринишда эмиш. «Қайси от менинг тойим экан»,— деб бола-нинг росаям боши қотибди. Шу пайт бир от кишнаб бола-нинг ёнига келибди. Бола овозини отининг овозига ўхшатмай, қўлидаги қамчи билан бир солган экан, ҳалиги от чипқирганича осмон-фалакка чиқиб кетибди. «Бу бобой айтган алвасти бўлса керак. Отга айланиб олган экан-да,— дебди ичда бола. Шу пайт яна бир от олдига пишириб келибди. Бола қараса, келбати отига ўхшамасмиш. Уни ҳам, нари бор, деб бир қамчи солган экан, у буралиб-буралиб бир қора илонга айланибди-да, вишиллаганича тоғдаги горга чиқиб кетибди. «Бу ҳам аждарҳо экан-у, менга от бўлиб кўрнинибди-да»,— деб ўйлабди бола. Бола: «Нима қилсам экан, отимни қандай топаман?»— деб турган экан, бир гала от орасида турган отга кўзи тушибди. Яқинроқ бориб, яхшироқ қараган экан, нигоҳи пешонасидаги тангадай оқ қашқага тушиб, қувониб кетибди. Тўппа-тўғри бориб, отнинг ёлидан ушлабди-да, ўзини унинг устига олибди. Худди шуни кутиб тургандай от ўзини осмон-фалакка отибди. Бола кўзини чирт юмиб олибди. Шу пайт от яна ерга тушибди. Подшо:

— Охири отингни топибсан-да, аммо бари бир сенга жавоб бермаймиз. Зиндонда чириб йўқ бўлиб кетасан,— дебди. Шунда қиз:

— Ота, жавоб бер. Шартларингни бажариб, саволларингга тўғри жавоб берди-ку?— дебди.

— Йўқ,— дебди подшо,— дунёда тулпорга эга бўлган

иқкита хукмдор бўлмаслиги лозим. Ахир, ўзинг ҳам илгарилари шундай дер эдинг-ку,— дебди.

— Илгарилари ёш эканман. Ҳозир катта бўлиб, ақлим кирди. Ким тулпорга эга бўлса, бўлаверсин. У бир подшоликда бўлса, пккинчи подшолик қизиқиб, уни қўлга киритиш учун кураш очади ёки хиёнат йўлига ўтади. Ҳаммада бўлиб, у побблигини йўқотдими, уруш ҳам бўлмайди, хиёнатга ҳам йўл қолмайди,— дебди қизи. Подшо қизининг гапидан даргазаб бўлиб:

— Болани зиндонга солинглар, отини таблага қўйинглар. Боз устига отасига ақл ўргатмоқчи бўлган қизимни уйга қамаб, кўчага чиқарманглар. Кимда-ким шу фармонни бузса, ўзи ўлимда, моли талонда,— дебди ўшқриб.

Шу пайт от кишнаганича бориб, болани олиб қочмоқчи бўлган экан, уни ушлаб кишанга солиб қўйишибди. Тулпор нишқирганича дарвозаларни яшиндай бузиб, осмон-фалакка учиб кетибди. Болани ер ости зиндонига ташлашибди. Қизни ҳам уйга қамаб қўйишибди. Бола нима қилишни, кишандан қандай қутулишни билмай, боши қотиб қолибди. Бирдан балиқ берган мўйлов тук эсига тушиб қўлига олган экан, рўпарасида бир қиз пайдо бўлибди.

— Ҳамма гапдан хабарим бор. Энди сени биргина отинг қутқазади... Мен уни излаб топаман. Мен сени кишандан озод қиламан, сен бўлсанг, аста ётган жойингдан йўл қазиб, малиқа қамаб қўйилган хонанинг тагига боришга ҳаракат қил. Сепга балиқ тишидан ташлаб кетаман, тоғни шунда кавлайсан. Аммо эҳтиёт бўл, ҳеч ким сөзмаслиги лозим. Подшо пойлоқчи қилиб, аждарҳолари, алвастиларидан қўйган. Бплиб қолишса ёмон,— қиз шундай деб болани кишандан озод қилибди.

Болани ер кавлашда қўяйлик-да, гапни қиздан эшитайлик. Малиқа отасидан ранжиб, йигитни қутқазиб, у билан жетишга аҳд қилибди-да, у ҳам ер остидан йигит турган жойга қараб йўл кавлай бошлабди.

Эндиги гапни отдан эшитинг. От тулпор эмасми, учиб-учиб, отаси оқ отнинг ёнига борибди. Оқ отни искаб-искаб, хайрлашгандай бўлиб, кишной-кишной изига қайтибди-да, жўл ёқасига келиб ўтлаб юраверибди. Шу пайт балиқ сувдан чиқиб, қиз ҳолига келибди-да, отни ушлаб ёлини слабди, баданини қашлаб ювиб-тарабди. Сўнг қулогига:

— Сен эганг — болани қутқазишинг лозим. Сени деб шу аҳволга тушди,— дебди. От унинг гапини маъқуллаб кишанга юборган экан, шу ўртада укам қайтса, ўлдириб тулпорига эга бўламиз, деб пойлаб ётган ака-ука эшитиб қолибди.

Отни қўйиб, гапни йигитдан эшитинг. Йигит кавлаб-кав-

лаб, қиз ётган жойга яқинлашибди. Қиз ҳам ерни каплаб-кавлаб, йигитга яқинлаша бош: абди. Бир пайт бола қоронғида қўлини чўзган экан, қўли қизнинг қўлига тегибди. Икковлари топишиб, қизинкига келишибди. Йигит қиз билан кечгача гаплашиб ўтиргач. яна ўз жойига қайтибди. Ҳар қуни шу такрорланибди. Буни подшоҳнинг Қора дев и сезиб қолиб, боланинг йўлини пойлабди-да:

— Мен и малика юборди, тез бўлар экансан, қочаркан-сизлар. Мен сизларни саройдан ташқарига чиқариб қўяман,— дебди. Йигит унинг гапига лаққа тушиб, олдига тушиб юра бошлаган экан, Қора дев бошига гурзиси билан бир уриб, ҳушидан кетказибди-да, тошнинг остига бостириб, ўзини йигит қоллига солиб, қизнинг қошига борибди. Қиз йигитни кўриб хурсанд бўлиб кетибди:

— Энди вақт етди. Қочамиз. Қочиб сизинкига бориб, ўша жойда яшаймиз,— дебди.

— Айтганинг бўлади, қачон қочамиз?— деган экан, қиз, ҳозир, дебди.

— Ҳозир қийин, бир оз сабр қил. Кейинроқ қочамиз,— дебди. Қиз яхшилаброқ қараса, йигит ўзининг йигитига ўхшамасмиш. Қора дев буни сезиб қолиб:

— Эртага келаман, сўнг қочамиз. Тайёргарлигингни кўриб қўй,— дебди. Қиз ичида: «Бу йигит эмас, ё отамнинг айғоқчиси, ё бола қиёфасига кириб келган дев и. Оҳ, бола қаерда қолдйкин?»— деб тоза қайгурибди. Кейин «йигит»га қараб:

— Бўпти, мен тайёргарлик қилиб қўяман. Қочмасак, отамнинг феъли ёмон, яна бир нарса килиб қўймасин,— дебди. «Йигит» жўнаб кетибди. Малика саройга чиқиб, бир пичоқни топиб беркитиб қўйибди. Эртасига «йигит» яна келибди. Қараса, йигитга сира ўхшамасмиш назарида. Малика ёнига келганда уни сочи билан бўйнидан ўраб олибди-да, ерга ётқизиб, қорнига пичоқ қадаб:

— Кимсан, айғоқчимисан ё йигитмисан? Тўғриси я айтсанг, ўлдирмайман, борди-ю, ёлғон гапирсанг, ўлдираман,— дебди. Шунда дев қўрқиб кетиб:

— Мен девман, йигитни тош остига бостириб, ўзимни йигит қилиб келганман, мени ўлдирма! Сенларнинг қочишларингга ёрдам бераман,— дебди.

— Йигит қаердалигини айтсанг ўлдирмайман,— дебди қиз. Дев унинг қаердалигини айтибди. Қиз уни сочига ўраган ҳолда етаклаб, айтган жойига борибди. Қараса, йигит бир тошнинг остид а инграб, ўлар ҳолда ётган эмиш. Тош и қиз кўтаролмагач, девга, кўтар, деб буюрибди. Дев тош и туртиб юборибди. Тош ағанаб, бола ўрнидан турибди.

— Хайрият, ўлмаган экан,— дебди ден.

— Мени фириб билан алдаб, тошнинг остига бостириб кетган сенмисан!— деб бола девга ташланиб, уни бўга бошлаган экан, малика:

— Қўй, ўлдирма, у бизга ёрдам бермоқчи,— деб бола-ни ажратиб олибди.

Дев қалтираб-сиқтаб:

— Раҳмат, маликам, нақ бўлмаса бунинг мени ўлдириб кўяй деди-я. Сенинг шу ишнинг учун бу ердан чиқиб олишларингга ёрдамлашганим бўлсин. Аммо бугун дам олинглар, эртага келамай,— дебди. Шундай деб, дев ўз маконига учиб кетибди. Йигит билан қиз яна топишиб, тонг отгунча суҳбатлашиб ўтиришибди. Эрталаб тонг отгач, дев уларнинг олдига келиб, шундай дебди:

— Мен лақма аждарҳони алдаб, пойлоқчи девларнинг кўзини шамғалат қилиб бўлсам сизларни ташқарига олиб чиқиб қўяман. У ерда отинг кутиб турибди. Унга мина-сизлар-да, юртларингга жўнаб кетаверасизлар. Мен бу ерда қолиб девларни ушлаб тураман. Аждарҳонинг ҳам бир иложини қиламан. Девлар осмонга кўтарилса, оёгидан ушлаб қоламан, аждарҳо учмоқчи бўлса, қанотини қирқаман!— дев шундай дебди-да, йигит билан қизни чангаллаганича ташқарига олиб чиқибди. Малика билан бола ташқарига чиқиб қарашса, шундоққина қаср олдига оқ от ўтлаб турган эмиш. Бола дарров отга миниб, орқасига маликани мингаштириб, унга қамчи босган экан, оти икки қўлтиги остидан қанот чиқарганча осмони-фалакка кўтарилибди.

Отни бола билан маликани миндирган ҳолда оёқлари гоҳ ерга тегиб, гоҳ тегмай учишда кўяйлик-да, икки оғиз гапни подшо билан одамларидан эштайлик. Подшо эрталаб қизининг олдига кирса, жойида йўқ эмиш. Болага одам юбортирса, у ҳам зиндонда йўқ, деган хабар олиб келибди. Қўшип тўплаб болани излашга тушибди. «Тирик 8 ўлик ҳолда келтирганга бир туя тилла бераман»,— деб айтибди. Еру кўкни аскар қошлаб, болани излашга тушибди. Бола билан маликани қочирган дев уларга қарши уруш очибди. Икки орада қаттиқ жанг бўлиб, кўп қон тўкилибди. Бола қизни миндириб, тулпор чиққан кўлининг ёнига қўшибди. «Шу ерда дам олиб, эрталаб жўнаб кетамиз»,— дебди бола.

Икковлон отни ўтлашга қўйиб, суҳбат қуриб ўтиришган экан, балиқ келиб йигитга қараб:

— Мақсадинга етдингми,— дебди.

— Етдим, Балиқвой, сенга раҳмат!— дебди бола. Шу пайт балиқ:

— Ҳой йигит, мен сенга айтсам, изингга иккита бола

тушган экан. Уларнинг шум ниятларини билиб қолиб, сув тагига олиб тушдим-да, банди қилиб қўйдим. Гап-сўзларидан сени илаб сафарга чиққанларини, учратиб қолишса, сени ўлдириб, тулпорингга эга бўлмоқчи эканларини, боз устига биз балиқларни ҳам қўлга киритиб бойиш орасида юрганликларини авгаддим. Олдинига жазога тортиб, балиқларга ем қилмоқчи бўлдим. Кейин ўзи жазосини берар деб, сен келгунча уларни тирик қолдирдим.

— Ким экан, тез олиб чиқиб менга кўрсат,— дебди бола. Балиқ, хўп, дебди-да сув остига тушиб кетибди. Бирпасда икки акани икки қўлидан судраб олиб чиқибди. Бола қараса акалари эмиш. Акалари боланинг оёғига йиқилиб:

— Ука, биз очқўаликка бориб шум ниятга берилдик, охири хароб бўлдик. Бизни балиқлар сув остида не-не қўйларга солишмади. Бизни кечир, энди ҳеч қачон ёмон ниятга бормаймиз. Очофат бўлмасликка ваъда берамиз,— деб ялиниб-ёлворишибди. Бола уларнинг гуноҳларида кечиб, узрларини қабул қилибди. Шунда балиқ болага қараб:

— Хайрият, ҳаммаси яхши кўчди. Ана энди сендан бир илтимос қилмоқчиман. Бажараман десанг айтай,— дебди. Бола:

— Айт, ҳар қандай сўровингни бажараман. Менга шуңчалар яхшилик қилдинг-у, сенинг илтимосингни бажармасмидим,— дебди. Шунда балиқ кўзига маржондай ёш олиб:

— Сувда яшаш жонимга тегди. Сиримни айтсам, Қушоб мамлакати подшосининг қизи бўламан. Мени ўша бошнинг га гурзи билан уриб, сени тош тагига бостириб қўйган наънати дев яхши кўриб қолиб, ўғирлаб олиб қочиб, аввал мастонга айлантирди-да, қўйнига солиб юрди. Кейин балиққа айлантириб, шу ерга ташлаб кетганича қайтмади. Энди мен ҳам одамга ўхшаб яшасам, дейман. Ота-онам ўлиб кетган. Мени ўзинг билан бирга олиб кетсанг-да, юртингда хотининг билан дугона бўлиб яшасам.

— Майли, биз розимиз,— дейишибди йигит билан малика. Шунда балиқ:

— Олдин девни чақириб кел. Унинг бир мастони бор. Уша мастон мени балиқдан асл ҳолимга қайтарш йўлини билади,— дебди. Бола девни чақиртирибди. Дев қиздан кечирим сўраб, мастони кетганини айтибди. Аммо сени балиқдан одамга айлантириш сирини менга айтган, дебди. Кейин уни қизга ўргатибди. Қиз дев берган нарсани ютиб, у ўргатган гапни айтган экан, бирпасда балиқдан одамга айланибди. Дев, мен подшони тинчитиб қайтаман, деб жўнаб кетибди. Балиқ болага қараб:

— Менинг сув остида бир дугонам бор. Уни чақириб,

дев берган парсани унга бериб едирай-да, айтган сўзини ўргатиб уни асл ҳолига келтирай. У ҳам сув остида кўп қийналди. Кейин хўп десапглар бирга олиб кетайлик, йўқ десапглар юртига жўнатиб юборайлик,— дебди. «Майли, олиб кел»,— дебди йигит. Қиз сув бўйига бориб бир овоз берган экан, сувдан бир балиқ чиқибди. Унга дев берган парсани едириб, айтган сўзини айтдирган экан, у ҳам бир-пасда келинган бир қызга айланбди. Йигит дилида ҳар икки қизни икки акаларига олиб бермоқчи бўлиб, сен ҳам биз билан бирга кетасан, дебди. Отга қизларни миндириб, ўзлари пойи-ниёда йўлга тушишибди. Йўл юришибди, йўл юрса ҳам мўл юришибди. Бир пайт тозаям чарчашибди. Шунда бола: «Вой, эсим қурсин, девни чақпрсам-ку, ҳаммамизни юртимизга элтиб қўяди»,— дебди-да, девни чақирибди. Дев етиб келиб уларнинг бирини олма, бирини соққа, бирини парга айлантириб, қўйни-қўнжигга солиб, бола-нинг юртига эсон-омон олиб бориб қўйибди. Бола маликага уйланибди. Икки акаси ҳалиги қизларни олиб, ҳамма фароғатда яшай бошлабди. Акалари қилмишларидан уялиб, укаларига меҳр-оқибатда бўлишибди. Уч ака-ука ана шундай бахтли ҳаёт кечира бошлабди. Оқ от чиққан кўл шу-шу. «Тулпор кўл» деган ном олган экан.



# СЕҲРЛИ ТЕЛПАК

Бир замонда Уроқ ота деган киши яшаб ўтган экан. Ҳеч фарзанди бўлмай-бўлмай, бўлса ҳам турмай, охири биттагина ўгли ўлмай-нетмай қолибди. Углини пуфлаб-суфлаб, еру кўкка ишонмай катта қилибди. Бола учдан тўртга, тўртдан бешга, бешдан ўнга кирибди. Кўн ақлли, доно, фаросатли бўлиб етилибди. Отасига қарашар, уйда қилган ишн ўзига ярашар, кўпчиликнинг унга ҳаваси ошар экан. Кунлардан бир кун бола ўн бешга етганда отаси ёнига чақриб:

— Болам, бозорга бориб келсанг. Мана бу тўплаган пулимга ҳеч кимда йўқ, аммо ўзимиз ва ўзимизга ўхшаган бева-бечораларга ёрдами тегадиган зарур нарса олиб келсанг,— деб тайинлабди. Бола отаси йиққан беш-ўн сўмия ёнига солиб, бозор қайдасан, деб жўнаб кетибди. Бозорга келганда, бир бобой йўлидан чиқиб қолибди. У:

— Ҳой, болакай, қаёққа кетяпсан?— деб сўраган экан, бола:

— Отам йиққан пулини бериб, шунга ҳеч кимда йўқ, аммо ўзимиз ва ўзимизга ўхшаган бева-бечорага ёрдам тегадиган нарса сотиб олиб кел, дедилар, шуни олгани бозорга кетяпман,— дебди. Бобой:

— Ҳўкиз билан қўш ол. Ҳеч кимда, ҳатто ўзларнинг ҳам бўлмаса керак. Ҳўкиз билан қўш жуда керакли,— дебди. Бола: «Бобой тўгри айтади. На бизда, на қўни-қўшнингизда ҳўкиз билан қўш бор. Сотиб олиб борсам отам хурсанд бўлади. Бизда бўлади-ю, бошқада йўқ. Бошқалар ҳам фойдаланиб ерини ҳайдаб, экиннини экиб олади»,— деб ўйлабди-да:

— Тўгри айтасиз, ота. Пулга ҳўкиз билан қўш олма,— деб жавоб берибди. Бола шундай деб кетаётган экан, йўлидан яна бир бобой чиқиб қолиб:

— Ҳой, болажон, қаёққа кетяпсан?— деб сўрабди. Бола унга қараб:

— Бозорга. Отам тўплаган пулга бизда йўқ, аммо бизга ўхшаган бева-бечора билан камбагалларга ёрдами тегадиган варур нарсалар олгани кетяпман,— дебди. Бобо болага:

— Пулингга эшак билан хачир ол! Ўзингларда йўқ, ўзингларга ўхшаган оч-юпунларга ёрдам тегади, зарур,—

деб тайинлабди. Бола ичиде «Бобой тўғри айтади. Бизда на эшак бор, на хачир бор. Эшак билан хачир сотиб олсам, ўзимизга ҳам, қўши-қўшнилариимизга ҳам фойдаси тегади. Утинини ташиб олади, бозор-ўчарини қилади»,— деб ўйлабди-да, унга қараб:

— Хўп, сиз айтгандай пулимга эшак билан хачир сотиб оламан,— дебди. Бола юриб-юриб бозорга етиб борибди. Бозорга кирса қий-чув эмиш. Ҳолвачи ҳолвани, новвой нонини, деҳқон қовуппни, уста ўроқ-болгасини, молчи молини нуқул мақтармиш. Бақирини-чақиринида боланинг қулоғи кар бўлаёзибди. Мол бозорига бориб молни сўрабди: пули етмабди, қўш бозорида қўшнинг нархини сўрабди, пули етмабди. Эшак билан хачирга ҳам пули етмабди. Хафа бўлиб, ҳориб-чарчаб энди уйимга қайтаман, деб турган экан, бир киши қўлидаги чақмоқни тулки телпақни банд кўтариб олиб: «Пулга сотаман, кетганига сотаман», дейётганини эшитиб қолибди. Яқинроқ борган экан, ҳаллги одам чақмоқни тулки телпагини боши бўйи кўтариб: «Кирган пулига сотаман, олганга сотаман»,— деб янада баландроқ овозда бақириб-қичқирибди. Бола ўйлаб туриб: «Кел, шу чақмоқни телпақни пулимга берса олай. Бизда йўқ, олсам отам япчиқ қўшганда, қўш ҳайдаганда бошига кийиб олса, офтоб тегмайди. Қўшчиларга ҳам керак бўлиб қолар. Хўкиз билан қўш, хачир билан эшак бўлса бир гап бўлар. Янаги йиғилган пулларга уни оларман»,— дебди. Кейин телпагини мақтаётган кишининг олдига бориб:

— Шу пулимга берасми телпагингизни?— деб сўрабди. Чол: «Бераман, ол!»— дебди. Бола пулни бериб телпақни олибди. Кейин бобойга қараб:

— Телпагингизнинг нима хосияти бор?— деб сўрабди. Бобой болага яқин келиб:

— Телпақни кийиб нимаики мақсадинг бор — айтсанг, бажаради,— дебди шивирлаб. Ўзи боланинг пулини олиб чап бозордан ғойиб бўлибди. Бола бозордан четроққа чиқиб, телпақни бошига кийибди-да, аста: «Ўйимизга элтиб қўй»,— дебди. Кўзини очса, дарвозалари олдида турган эмиш. Хурсанд бўлиб, уйига кирибди, отаси: «Боламнинг ақлига келиб бир қоп туз олиб келса яхши бўларди, уйда туз йўқ. Қўни-қўшчиларнинг ҳам тузлари йўқ. Маза қилиб бир йил туз ишлатардик»,— деб ўтирган экан, боласига қараб:

— Бизда йўқ, қўни-қўшчилар кунига ҳам кор келадиган зарур нарсани олиб келдингми?— деб сўрабди. Бола хурсанд бўлганидан озги қулоғига етиб:

— Олиб келдим. Қўш билан ҳўкиз ол, дейишди, пулим етмади, эшак билан хачир ол, дейишди, пулим етмади. Бир

қиши манави тулки телпакни олганига сотаман, деб турган экан, пулнинг ҳаммасини бердим-да, уни сотиб олдим,— дебди, отасининг жаҳли чиқиб:

— Тулки телпакнинг кимга ҳам кераги бор, мен зарур нарсани олиб кел, деган эдим-ку,— деб болапн олдиға солиб қувиб кетибди. Бола қочиб кетаётиб телпакни бошига кийиб олган экан, кўринмай қолибди. Отаси уёққа қараб чақирибди, буёққа қараб чақирибди, боласи овоз чиқарар эмиш-у кўринмасмиш, «қаёқдасан?» деса, «бу ёқдаман», дермиш. Бир пайт отаси чарчаб жойига ўтириб қолибди. Шунда боласи ёпида пайдо бўлибди. «Бир сирп бўлмаса, телпакни олармиди»,— деб ўйлаб отаси боласини уришиб-қувлаб олдиға солганига пушаймон бўлибди. «Қаёқда эдинг?» деган экан, «ёнингизда эдим», дебди. Отаси шаштидан тушиб, боласини уришиб-сўкишдан тўхтабди-да, унга қараб:

— Телпагининг сирп бўлса, кечки овқат тайёрласин-чи, қапи,— дебди. Бола телпакка қараб:

— Қани, телпакжон, бир ширин-шакар овқат тайёрлачп?!— дебди. Ота-бола қараб туришса, дастурхонда биринкетин бир-биридан ширин, мазали овқатлар пайдо бўла бошлабди. Икковлари маза қилиб ейишибди. Кеч кириб тонг отибди. Чол ўғлига:

— Телпагинга айт. Бизга қўш ҳўкиз билан қўш омоч барпо қилсин,— дебди. Бола, телпакка айтган экан, бирпасда уйларида қўш ҳўкиз билан қўш омоч пайдо бўлибди. Эртасига отаси:

— Нормат қўшнимизнинг от-араваси йўқ, ўшани от-аравали қилсин, айт телпагинга,— дебди. Бола телпакни қўлига олиб аста:

— Нормат қўшнимизнинг от-араваси йўқ экан, шупи от-аравалик қил!— дебди. Бирпасда Нормат қўшни от-аравали бўлибди. Шундай қилиб чол, уникида — у йўқ, буникида — бу йўқ, дебди. Бола уни телпакка айтди. Телпак бажараверибди. Бир пайт бутун қишлоқ тўқ, бадавлат бўлиб кетибди. Одам хом сут эмган бада эмасми, борина шукрона яшамай, бирови-биронига чоқ қазийдиган бўлибди. Чолнинг ҳамқишлоқларидап бири подшога бориб:

— Э шохим, нимасини айтасиз, бизнинг қишлоқда бир камбагал бечора ўроқ чол деган яшарди. Нима бўлганини билмаймиз, кундан-кунга бойиб кетаётганини айтмайини қўни-қўшниларини сирп-қўйли, мол-мулкни қилишга бало борми? Е биров-бир хум тилла топиб олган ёки тупда ота-бола ўғирлик қилиб, биров-бир ерни ўмарияпти,— дебди. Подшо даргазаб бўлибди. Уни кўриб ҳалиги ичп қора

одам сўзини ина давом эттириб:— Шу кетишда сизни ҳам қувиб ўтиб, назар-писанд қилмайдиган бўлади,— дебди. Подшонинг жаҳли баттар чиқиб, газаб отига мпнибди, чол-викига жўнабди. Чолга подшо келаётганлиги хабари етиб келибди. Чол боласига қараб:

— Подшо бизникига меҳмонга келаётганмиш. Яхшилаб кутиб олайлик, шунга пима дейсап,— дебди. Бола:

— Сиз пима десангиз ўша бўлади,— деб жавоб берибди.

— Бўлмаса,— дебди унга қараб отаси,— телпагивгга айт, дастурхон тузатсин.

Бола телпагипи қўлига олиб, аста: «Бизникига подшо ҳазратларининг ўзлари келармишлар. Дастурхонни шундай тузатгинки, дунёдаги ҳеч бир нарса қолмасин, дастурхон устида бўлсин»,— дебди. Бир пайт уй ичига дастурхон ёзилиб, уйда етмиш якки хил овқат териб қўйилган эмиш. Шу пайт: «Подшо ҳазратлари келяпти, подшо ҳазратлари келяпти!»— деган хабар етиб келибди. Ота-бола подшони кутиб олиб, дастурхонга таклиф қилишибди, зиёфат устида подшо чолнинг ўзини эмас, қўни-қўшниларини ҳам бою бадавлат қилаётганлигининг сабабини сўрабди. Чол, айтайми-ёўқми, деб иккиланиб турган экан, бола:

— Пешона теримиздан, қўни-қўшнларнинг ҳам пешона терисини меҳнатларидап,— дебди.

— Сенга гапни ким қўйибди, тирранча, ёлгон гапирянсан,— деб подшо болага дўқ-пўписа қилибди. Подшонинг аскар бошлиғи эса унинг бошига қамчи солибди, кейин ота-болани роса дўнпослашибди. Бир пайт бола подшо кишилари қўлидан қутулиб чиқибди-да, чопқиллаб уйига кириб, телпакини қўлига олпб: «Подшонинг бошлаб жазосини бер»,— дебди. Бирма-бир подшою вазир, аскар бошлиғию домла-поччаларнинг бурнига, бошига калтак тушармишу ким ураётганини ҳеч ким кўрмасмиш. Бола телпак тагида ҳеч кимга кўринмай, ҳаммани қўлидаги гаврон билан ураверибди. Барча турганлар тўғри келган томонга тум-турақай қочаверишибди. Калтак-гаврон етиб борганини савалармиш. Подшо зўрға қочиб қолибди. «Вақтида қочиб қолмасак ўлганимиз»,— деб бошқалар ҳам подшонинг орқасидан жуфтакни ростлаб қолишибди. Бола ҳаммани қува-қува тозаям калтаклаб, уйига қайтибди. Отаси:

— Болам, чакки қилдинг-да, подшо — подшо-да! Ҳали замон аскарлари билан келиб, уйимизнинг кулини кўкка со-вурлади,— дебди. Шунда бола:

— Кўрқманг, ота, телпагим бизга ёрдам беради,— деб-

ди. Ота-бола ўз тирикчилигини ўтказиб яшайверибди. Энди гапни подшодан эшитинг.

Подшо гаврондан калтак еганидан шундай газабланиб-дики, кўрганини жойида, юрганни йўлида қовуриб, додини бераверибди. Бир куни ҳамма сарой аҳлини йигиб маслаҳат солибди:

— Ипма бўлсаям чолниқига бориб, ўгли билан унинг жазосини бериш керак. Ушлаб келиб ота-болани зиндон қилишимиз ё дорга осшимиз шарт,— дебди. Кейин вазирнинг маслаҳати билан кўп қўшин тортиб, чолга уруш эълон қилибди. Буни эшитганлар, айниқса, чолниқига гаврон зарбасини бошларида татиб кўрганлар: «Яна калтакка дуч келарканмиз-да»,— деб кўрқиб титрашибди, уни кўрмаганлар: «Аҳмоқ подшо бўлмасанг, шу бир беозор чол билан она сути огайдан кетмаган бола устига шунчалик қўшин билан уруш очасанми»,— дейишибди. Подшо қўшини билан устига бостириб келаётганини эшитиб, чол ўгли билан маслаҳат қилибди:

— Болам,— дебди у,— сен телпагингга айт, тайёргарлик кўрсин. Мен маҳалла-кўйдагиларга айтай-чи. Улар бизнинг тарафимизни олишармикин?... Подшо подшолигига борди, бизни тинч қўймай, уруш очди. Ўлсам армоним ичимда кетадиган бўлди-да, ҳеч бўлмаса сенинг тўйингни кўрмадим!— деб хафа бўлибди, афсус-надоматлар чекибди.

— Отажон, хафа бўлма. Телпагим бор экан, подшо бизга бас келолмайди. Майли, сиз бориб, маҳалладагиларни айтиб келинг,— дебди. Чол кетибди. Бола телпагини қўлига олиб турган экан ҳамки, дарвоза орқасидан тапур-тупур эшитилиб қолибди. Бола дарвоза тирқишидан аста қараган экан, ташқарида тўп-тўп бўлиб қўшин турган эмиш. Подшо олдида гердайиб, от устида қиличига таяниб, аскарларига бир ярсани тушунтираётган эмиш. Бирдан подшо аскарлари от қўйибди. Олдинга бола шошиб қолибди. Негаки, дарвозага қараб отлиқлар, том тепасига отсизлар ёпирилибди-да! Кейин бола:

— Отам етиб келмади, энди бошлайверамаман,— дея телпакка қараб, кароматингни кўрсат, подшо қўшинларини калтаклаб қийрат, дебди. Қўлига калтак тушганини кўриб, томдагиларни томда, ердагиларни ерда, осмонда учиб келаётган подшо девларини осмонда дўпнослайверибди. Калтак текканлар ўрнида сулайиб-сулайиб қолаверибди. «Дод-вой, ўлдим, вой отам, вой онам, вой-дод»,— деган сўзлар еру кўкни тутиб кетибди. Подшо яна қўшин тортибди, яна калтак уларнинг бошлаб адабини берибди. Шу пайт маҳалла-кўй: «Урҳо, урҳо!»— деб етиб келибди. Бўшк жанжал,

бўпти тўполон, вой-бў... Подшо аскарларининг ўлгани ўлиб, қолгани қолибди. Чол билан болага юзма-юз бас келолмаслигини билиб, подшо орқага қочибди. Саройга келиб яна кенгаш қилибди. Вазирларига қараб:

— Чол билан бола бир экан. Буларда нимадир сир бор. Ўзлари оз-у, ҳайронман, бизнинг додимизни беришди,— деган экан, вазир:

— Калтакларини кўрмадингизми. Уларни бирпасда маҳв қилардик. Аммо калтаклари ўз-ўзидан юриб келиб кўриганини дўшослайверди-ку?— дебди.

— Балли, ана шу калтакни йўқ қиласанми, бор қиласанми, чол билан болани олиб келиб, оёғининг остига ташлайсан. Калтагини олиб келсанг янада яхши. Шу айтганимни бажарсанг бажарганинг, бўлмаса ўзинг ўлимда, молиниг талонда,— дебди. Вазирнинг боши қотибди. Дардини кимга айтиб, кимга йиғлашини билмабди. Отасининг на чой ичиб, на вон емай хафа ўтирганини кўрган қизи:

— Ота, нега хафасиз? Қайгу оташида ёнаяписиз?— деб сўрабди. Вазир бутун воқеани айтиб берибди.

— Шунга ҳам хафа бўлиб ўтирибсизми? Бунинг йўли осон. Мени ўргатган жодугар кампирдан сўрайман, балким ёрдами тегиб қолар,— дебди қизи. Вазирнинг юраги бир оз ёришиб:

— Тез бўл, қизим. Сўра, нима қил десанг — қиламан, нима бер десанг — бераман. Агар подшонинг айтганини тез бажармасам, молимиз талонда, ўзимиз ўлимда қоламиз,— дебди. Вазирнинг қизи отасидан рухсат олиб жодугарникига бориб воқеани айтиб берибди. Жодугар:

— Подшойнинг одам юборса бораман, йўқса бормайман,— дебди. Вазир подшога бориб, жодугар кампирнинг гапини айтган экан, у:

— Сендан бошқа ким борарди, ўзинг бориб жодугар кампирни топиб, бу ерга олиб кел!— дебди. Вазир қизини олиб, жодугар кампирникига борибди.

— Подшонинг нима иши бор экан менда?— сўрабди жодугар.

— Билмайман, сени келсин, деб тайинлади,— жавоб берибди вазир. «Бирон бир муҳим иши бордир-да»,— дебди кампир тушмагур. Подшо саройига борибди. Подшо унга қараб:

— Фалон жойда бир чол билан бола яшайди. Шуларнинг бир сирли аломати бор. Бориб уни билиб келсанг, бошинг бўйи тилла бераман,— дебди. Кампир рози бўлиб йўлга тушибди. Кампирни йўлда қўяйлик-да, икки оғзагани чол билан боладан эшитайлик,



Чол боласига қараб:

— Углим, подшо тинчиб кетди, деб ўйлама, у золим, яна келиб тинчимизни бузиши аниқ, шунинг учун ҳушёр бўл. Мен экин-текиилардан бир хабар олиб қайтаман,— деб далага жўнаб кетибди. Бола уйда ёлғиз қолибди.

Эндиги гапни кампирдан эшитинг. Кампир чол билан боланинг уйини сўраб-суриштириб, уларнинг уйига етиб борибди. Бориб, дарвозани тақиллатибди. Бола келиб: «Ким?»— деган экан, кампир:

— Болам, мусофирман. Углимни ахтариб кетаётган эдим, қоронги тушиб қолди. Борадиган жойим, кирадиган эшигим йўқ бу ерларда. Мусофирман,— деб йиғлаб-сиқтай-верибди. Бола отасининг гапини эсига олиб, яна подшонинг одами бўлмасин, деб очмабди.

— Очмайман, балким подшонинг айгоқчисидирсан,— дебди. Кампир:

— Қандай қилиб мен айгоқчи бўлай, болам, 8шим етмишга бориб мункиллаб қолган бўлсам. Углимни излаб йўлга чиққанман дедим-ку! Оча қол, болам,— деб ялинишга ўтибди. Бола: «Кел, мусофир экан, борадиган жойи, кирадиган эшиги йўқ экан, уйга қўяй, ёмон бўлса олдимга солиб қувай»,— дебди-да, дарвозани очибди. Кампир уйга кириб болага раҳматлар айтибди, ўзини жудаям мулоғим, хушхулқ кўрсатиб, меҳрибончилик қила бошлабди. Тонг отгач, кир-пиринг борми, нон-пон ёпайми, деб жуда ҳам авраб, болани ўзига ром қилиб олибди. Кундан-кун ўтиб, бир куни кампир боладан: «Бир ўзинг билан бир отанг бўлса, нонларингни ким ёпиб, ошларингни ким пиширади?»— деб сўраб қолибди. Бола болалигига бориб, буларнинг ҳаммасини сирли телпак қилади, деб қўйибди. Кампир эшитсаям ўзини эшитмаганга солибди. Бола сеҳрли телпагини айтиб қўйганидан афсусланиб тилини тишлабди. Кампир индамабди. Орадан бир-икки кун ўтказиб туриб, кампир боланинг уйида ун йўқлигини билиб олиб: «Болам, ун оши ичгим келяпти»,— дебди. Бола: «Ҳозир»,— дебди-да, ичкарига кириб телпагини сандиқдан олибди-да, унга қараб, ун оши тайёрла, дебди. Бирпасда ун оши тайёр бўлибди. Кампир билан бола маза қилиб ичиб олишибди. Кампир: «Ун ошини қандай қилиб тайёрладинг? Менга ҳам ўргатиб қўй. Мен ҳам боламга пишириб берай»,— дебди. Бола югуриб уй ичига кириб, телпакни қўлида олиб чиқибди-да: «Манави қилди»,— дебди. Кампир: «Бунинг яна нима қилади?»— деган экан, бола: «Ҳамма нарса қўлидан келади»,— дебди. Кампир ичидан: «Подшога айтган телпак шу бўлса керак. Хўп қўлга тушдинг-ку, болакай»,— дебди. Кампирнинг ўйлаиб тургани-

ни кўриб бола: «Телпак ҳақида ҳеч кимга айтмапга,— дебди. «Боламга ҳам айтмайман. Сен мен кўчада қолгапла ичкарига олиб жой бердинг, овқатлантирдинг-у, мен сирингни бировга айтармидим»,— дебди кампир. Кеч кирибди. Бола ухлаб қолганда кампир ўрнидан турибди-да, телпакни олиб, мени тезда подшо саройига етказ, дебди. Кўзини очган экан, подшо саройида турган эмиш. Подшо кампирга бошдап-оёқ сарпо қилиб, айтган олтипларини бериб жўпатиб жоборбди. Телпакни ер ости уйига олдириб тушиб, етти қават сандиқ қилдириб, ичига солиб, қулфлаб қўйибди. Бир йт билан шерни боқиб, ўзига ўргатиб олган экан. Гаплашини ҳам билар экан. Подшо уларни сандиқ турган жойга — бировини эшик олдига, бировини сандиқ ёнига қорувул қилиб қўйибди. Энди Ўроқ чол билан болаши олиб келиб остирмоқчи бўлган экан, вазир:

— Шохим, телпак кўлингизга кирди, ўша искирт чол билан боласини нима қиласиз. Сиздан келиб, телпагимни бер, демаса. Телпак дардида ўз-ўзидан ўлиб кетишди,— дебди. Подшо: «Вазир тўғри айтади, ўша қора халқ билан ади-бади айтишиб ўтираманми,— дебди-да, ўз юмуши билан бўлиб кетибди. Подшони бунда қолдирайлик-да, икки оғиз гаши боладан эштайлик.

Бола ўрнидан турса на кампир бормиш, на телпак бормиш. Дод-фарёд қилибди. Шу пайт отаси келиб қолибди. «Нима гап?»— деган экан, бола бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда отаси:

— Эҳтиёт бўл, деб сенга тайиплагандим-ку! Бу — подшонинг ишп,— дебди.

— Кел, майли, олса-олиб ўлсин! Қўш ҳўкиз, омочимиз бор, шу бизга зарур эди. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй ҳам от-анжомли, қўшли бўлди. Подшо билан ўчакишиб бўлмади, машойиҳлар, «ўйнашмагини арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан», деб бежиз айтишмаган,— дебди.

Бола йиглаб-сиқтаб қолаверибди, отасига ҳеч нима демабди. Кейинчалпк бирам алам қилибдики, аста қўяверинг. «Телпакни олиб келмасам отимни бошқа қўяман»,— деб ўзига ўзи қасам ичибди. Отасидан сўраган экан, жавоб бермабди. Кейин отаси ўроқ ўргани кетганда, бола подшоликка жўнаб кетибди. Подшоликка борса, у етти қават кўрғон ичида экан. Ҳар бир девор етти пахсадан иборат бўлиб, ундан одам уёкда турсин, ҳатто қуш ҳам учиб ўтолмас экан. Бола тозаям уринибди, аммо кўрғондан ўтишнинг мложини товолмабди. Бир пайт: «Нима қилсам экан?»— деб боши қотиб турган экан, ёнидан бир кучук лапанлага-нича ўтиб, омбордан ичкарига кириб кетибди. Бола ҳам ом-

бордан ўтиб, ичкарига кирибди. Ҳеч ким сезмай қолибди. Бола ичкаридан-ичкари кириб, охири подшо яшайдиган саройга бориб қолибди. Кўринганнинг букюрган ишмини қилиб юраверибди. Шу подшонинг уч қизи бор экан. Подшо қафасда тўти-ё булбулни қандай сақласа, уларни ҳам шундай сақлар экан. Ҳечам ширин сўзламас, уларга ўз ҳукмини ўтказар, доимо дўқ-пўписа қиларкан. Фақат кенжа қизини ўз эркига қўйган экан. Чунки ҳали ёш экан-да! Бола кишиларга хизмат қила-қила саройгача етиб борибди. Саройда хизмат қилиб юраверибди. Подшонинг кенжа қизи — Гулноза болага шунчалик ўрганибдики, бирпас кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолибди. Кундан-кун, ойдан-ой, йилдан-йил ўтибди ҳамки, бола сеҳрли телпакни топиш ниятидан ҳеч ҳам қайтмабди. Кунлардан бир кун бола Гулноза билан ўйнаб ўтириб:

— Узоқ-узоқларга бориб ўйнаб келишни истармидинг? — деб сўрабди.

— Жуда-жуда истар эдим, акажон, — дебди.

— Агар учар гиламим бўлганда эди, сени узоқ-узоқларга учуриб олиб бориб ўйнатиб келардим, — дебди бола. — Афсус, йўқ-да!

Шунда Гулноза:

— Отамда ҳам учар гилам йўқ-ку, аммо бир сеҳрли телпаги бор, деб эшитганман. Уни ер ости уйда сақлайди, дейишади... Ушанда ҳам борса бўладими? — дебди.

— Қайдам, — дебди бола сир бой бермагандай бўлиб. — Аввал уни кўрай, кейин борса бўладими, йўқми, шунда айтаман.

— Отам жавоб бермайди, бўлмаса кўрсатардим, — дебди Гулноза. Боланинг хафа бўлиб, қовоғини осиб турганини кўриб, Гулноза шундай дебди:

— Сиз хафа бўлманг, акажон. Бир иложини қилармиз. Отам яқинда ов овлагани кетади. Ушанда мен сизни ер остига олиб тушиб, телпакни кўрсатаман.

Кеч кириб тонг отибди, тонг отиб кеч кирибди. Подшо овга борадиган бўлиб қолибди. Эрта азондан тайёргарлик кўриб, от-анжомларини шайлабди. Ҳамма йиғилиб бўлгач, овга жўнаб кетибди. Отаси овга жўнаб кетгандан сўнг қизча, бозорга бориб менга ширин-ширин мевалардан олиб кел, деб хизматкорини бозорга жўнатибди-да, болани етаклаб, ер ости уйга тушибди. Телпак солинган тилла сандиқни бир ит билан ўргатилган бир шер қўриқлар экан. Овқат бериб, сен яхши, сен яхши, деб итдан ўтиб олишибди-ю, аммо шер ҳеч ҳам сандиққа яқинлаштирмабди. Бола унга яқинроқ бориб:

— Жон шержон, йўлимизни тўсма, ўзинг ўрмон султонни, жамики ҳайвонлар подшосисан-ку? Қўрқув билмас паҳлавонсан, йўл бера қол!— дебди. Боланинг гапидан шер вийиб кетиб, «майли ўта қол», дегандай бошини эгиб имлабди. Бола билан Гулноза ичкарига киришибди-да, сандиқ олдига бормоқчи бўлишибди. Бирдан қарашса, сандиқ атрофида ҳар бири саватдай келадиган ўргимчаклар упи ўраб турган эмиш. Бола сандиқнинг қулфига қўл чўзган экан, ўргимчаклардан бири уни ушлаб олиб сиқа бошлабди. Бола шунчалик ҳаракат қилса ҳам унинг чангалидан чиқа олмабди. Бола қўрқиб, ҳушдан кета бошлабди. Бунни кўриб қиз додлаб юборган экан, ичкарига ўқдай отилиб шер кирибди. Қизга, нима гап, дегандай қараган экан, у ўргимчак чангалидаги болани кўрсатибди. Шер бир ўшқирган экан, ўргимчаклар деворга ёпишиб қолишибди. Бола ҳам бўшаб, ерга «гуп» этиб йиқилябди. Гулноза югуриб бориб унинг бетига сув сенибди. Бола ўзига келибди. Шерга раҳмат айтиб, сандиқни очишга киришибди. Сандиқни очиб, ичидан телпакни олибди. Телпакни кийишдан олдин бола қиздан:

— Мен билан кетасанми ё отанинг уйида қоласанми?— деб сўраган экан, Гулноза:

— Сиз билан кетаман. Отанинг азоблари жопимдан ўтди,— деб жавоб берибди. Бола телпакни кийиб, қизни ёнига олиб: «Телпакжон, уйимизга элиб қўй, отам ҳам тоза кутиб қолгандир»,— дебди. Эндиги гани отасидан эшитинг.

Отаси ўроқдан уйига келса, ўгли йўқ эмиш. Бир кун кутибди, икки кун кутибди. Етти кун деганда, ё девлар олиб қочиб йўқ қилишган, ё подшо ўлдиртириб юборган деб аза очибди. Қайғу-ғамга ботиб қариб-чириб, мункайиб қолибди. Бир пайт ўгли бир қиз бола билан кириб келибди. Уни кўриб Уроқ ота ёшариб кетибди. Икковини қучоқлаб, ўғлим, қизим, оппоқларим, доноларим, деб тозаим эркалабди. Қайта-қайта пскаб бағрига босибди. Дам йиғлабди, дам хурсандчиликдан кулибди. Уроқ ота подшонинг қизини ҳам, оппоғим, дўмбоғим, деб эркалабди. Қиз Уроқ отанинг гапларидан эриб кетиб:

— Ота, мен сизга қиз бўлай, сиз менга ота бўлинг,— дебди. Ахир, у отаси — подшодан бунақа ширин сўзларни эшитмаган экан-да!

— Майли, қизим! Сен менга қиз бўл, ўғлим — аканг, мен ота бўлай,— дебди. Қиз хурсанд бўлиб кетибди, аммо хурсандчилик уаоққа бормабди. Бола бошидан ўтганларни айтиб берибди. Шунда Уроқ ота қизга қараб:

— Оппоқ қизем, отангиз келиб сизни олиб кетса майлику-я, ammo бизнинг ҳам ҳоли-жонимизга қўймайдилар. Илгари бизни ёмон кўрган бўлсалар энди қизимни олиб қочиб ўзингга қиз қилиб олибсан, деб бизни ҳалок қилдилар. Яхшиси саройга қайтинг-да, отангиздан сўраб жавоб берса келиб, биз билан ўйнаб-кулиб юраверинг, — дебди. Бу гапни эшитиб Гулноза тозаям қайгурибди, йиглаб-сиқтабди.

— Мен бу ерда ҳеч қаёққа кетмайман. Шу жойда қоламан, — деб оёқ тираб туриб олибди. Бола ҳам:

— Ота, Гулноза шу ерда қолсин, саройга борса унга қийин бўлади, — деб отасига ялинибди. Нима қилишини билмай, Уроқ отанинг тозаям боши қотибди. Буларни шу ерда қолдирайлик-да, гапни подшодан эшитайлик.

Подшо овдан қайтиб кенжа қизини кўрмай:

— Гулноза қани? — деб сўрабди. Хизматкорлар бўлган поқсани айтиб беришибди. Подшо даргазаб бўлганидан ер остига тушибди. Соҳрли телпак солинган сандиқнинг чилчил синиб ётганини кўриб, баттар даргазаб бўлибди. Кучук билан шерни тозаям калтаклабди. Кучук ҳам, шер ҳам: «Хан саними», — деб чидашга мажбур бўлишибди.

Подшо:

— Бу ўша боланинг иши, уни қўлга тушириб бир қошпқ қонидан ичмасам, подшо бўлганим қайда қолди? — дебди-да, қўшин тортибди. Бирпасда лак-лак қўшин чолнинг уйи атрофини ўраб олибди. Подшо Уроқ отаникнга қараб қичқарибди:

— Ҳой, бола, телпагинг ўзингга буюрсин, ammo Гулнозани буёққа бер! — дебди. Шунда Уроқ ота:

— Шоҳим, қизингиз маликанинг ихтиёрлари ўзларида, биз у кишини мажбуран олиб келмадик. Ўзлари ўз оёқлари билан келдилар. Кетамаман десалар, ана катта кўча — кетаверадилар, — дебди. Подшонинг яна ҳам жаҳни чиқибди. Чол билан боланинг устига бостириб кирай деса, сирли телпакдан кўрқармиш, қайтиб кетай деса, қизи шу ерда эмиш, подшолик гурури бормиш. Подшо бақириб-чақириб даргазаб бўлгандан бўлаверибди. Уроқ ота қизга қараб:

— Она қизим, дадангизнинг олдига чиқмасангиз бўлмайди. Беҳудага қон тўкилмасин. Олдинги сафар қон тўкилмаган эди. Ҳозир дадангиз жудаям газабга келган. Опоиздан қон ҳиди келяпти, — дебди. Боласи кўнмасаям Уроқ ота қизини мажбуран ташқарига чиқарибди. Подшо: «Ҳа, сеними, бир кунмас бир кун қўлимга тушириб, бошингни тавангдан жудо қилмасам, отимни бошқа қўяман, — деб қизини олгин аравасига ўтқаздириб, саройга қайтиб келибди.

Саройга келиб, отасиният гапни қайтарганинг жазоси шу, деб, қизини уйга қамаб қўйибди. Гулнозанинг йиғисига, сўфарёдига ҳеч ким бардош бера олмайди. Вазирлар подшога ялиндишибди, подшо уларни олдига солиб қувибди. Қизларни, Гулнозанинг арзига қулоқ солиб, десалар, уларга ўшқириб, сепларни ҳам шу аҳволга солиб қўймап, деб дўқ-қўписи қилибди.

Энди боладан гапни эшитмоқ даркор.

Бола Гулнозага ўрганиб қолган экан, у кетгач, ҳеч ҳам чидамабди. Қизни ўйлайверганидан озиб-тўзиб кетибди. Қушлардан бир кун телпакни қўлига олиб: «Мени подшо саройидаги қамоқда ётган Гулнозанинг олдига олиб бор»,— дебди. Қўзини юмиб очган экан, ўзини Гулнозанинг ёнида кўрибди. Уни кўрган Гулноза хурсанд бўлганидан чап-кочалиб йиғидан тўхтабди. Иккови эрталабгача гаплашиб, телпак тайёрлаган овқатдан еб, суҳбатлашиб чиқишибди. Бола:

— Сени уйга олиб кетаман,— деган экан, қиз:

— Мен йўқолсам отам эртага яна сизларникига бостириб бориб тинчлик бермайди. Шунинг учун бошқа бирор чора топиб керак,— дебди. Бола, ўйлаб кўраман, деб кетмоқчи бўлган экан, Гулноза:

— Эртага ҳам келинг. Кутаман,— дебди. Йигит телпакни кийиб: «Уйимизга элт»,— дебди. Қўз очиб юмгунча уйда бўлибди. Аммо Гулнозани ўйлаб, кеч киргунча сиқилиб кетибди. Гулноза ҳам болани ўйлаб, қачон кеч кираркин, у келаркин, дея қон ютибди, зардоб ичибди. Кеч бўлгач, бола келибди. Яна иккови телпак тайёрлаган овқатларни еб-ичиб, ўйнаб-кулиб ўлтириб чиқишибди. Бу ҳол то подшо биллиб қолмагунча давом этибди. Қушлардан бир кун жодугар мастон подшоникига келиб:

— Ҳар кун кеч киргач, бола уйингга келиб, қизинг билан айш-ишрат қилиб, эрталабгача ўлтириб кетяпти,— дебди. Подшо пойлоқчи қўйиб, воқеадан хабардор бўлибди. Пойлаб, бостириб кириб бола телпагини кўрпача орасидан олгунча уни ушлаб олиб шер ётган жойга қамаб қўйибди. «Шер оч қолгап, еб суйгани иуркайди»,— дебди. Шер болани кўриб:

— Сенимсан? Подшо яна волимлигини қилибди-да?— деб унга тегмабди. Кейин:

— Подшо мени ҳам жуда ҳафа қилди, ундан ўч оламан-да, ўрмонга қочаман,— дебди.

— Қандай қилиб ўч оласан?— деб бола сўраган экан, шер:

— Шун билломай турибман,— деб жавоб берибди.

— Мен ёрдам берсам-чи?!— дебди бола.

— Унда ўла-ўлгунимча хизматингда бўлардим!— дебди шер. Бола:

— Подшо қизининг олдига киришимиз керак. У жойдаги ўринда, кўрпача тагпда, менинг сеҳрли телпагим қолган, шун олиб чиқиш керак,— дебди.

— Бу қийин иш. Подшо қизининг олдига ким ҳам кира оларди?— дебди шер.

— Бир иложини қилармиз,— дебди бола. Болани шер билан танишиб, бу ердан қандай чиқиб кетиш ҳақида маслаҳатлашпда қўяйлик-да, гапини полшодан эшитайлик. Подшо:

— Менга тинчлик бермай қўйди бу чол билан бола. Яна телпагини ишга солиб, мени подшолигимдан, қизимдан айириб қўймасиз,— деб бошқа юртга кўчиб кетишни бужурибди. Ҳамма кўчиб кетиш тараддудига тушиб қолибди. Кечаси кўчиш бошланиб, подшо қизини уйдаги бутун рўзгор-мўзгори билан олтин аравага орттирибди. Кўрпача орасидаги сеҳрли телнак ҳам аравага тушибди. Подшо қизининг дод-войнига, оҳ-фарёдига қарамай, йўлга тушибди. Энди гапини бола билан шердап эшитайлик.

Бола шерга қараб:

— Ошнапг, кучук ёрдам бермасмикин. Ушандан илтимос қилсам-чи?!— дебди. Шер бирдан хурсанд бўлиб:

— Тўғри айтдинг, у ҳам подшодан норози. Уни ҳам подшо ноҳақ хафа қилган, айтсанг албатта ёрдам беради,— дебди. Бу гапини эшитган кучук, албатта ёрдам бераман, дебди. У подшо саройига борибди. Саройда ҳеч ким йўқ эмиш. Қайтиб келиб:

— Ҳеч ким йўқ. Афтидап, подшо кўчиб кетган,— дебди. Бола:

— Аттанг-аттанг!— деб қайғуга ботибди. Шунда кучук:

— Ҳовлиқма, бир иложини топарми!— дебди. Кейин:— Мен уларни учратсам нима қилай?— деб сўрабди.

— Қизининг кўрпачасининг орасида телпагим қолган, шун олиб келиб берсанг бўлгани,— дебди бола.

— Битта телнак бўлса бажараман,— дебди кучук. Кучук шундай деб ташқарига отилибди. Чопиб-чопиб подшо карвонига етиб олибди. Олтин аравада Гулноза болани ўйлаб, қон ютиб йиглаб кетаётган экан. Кучук аста олдига кирибди. Кучукни кўрган қиз жуда хурсанд бўлибди.

— Вой, кўппагим-ей, қачон келдинг, дўстинг қайда, тирикми-ўликми, гапир тез,— дебди. Кучук бутун воқеани айтиб берибди:

— У тирик, шер билан бирга. Энди гапини яхшилаб

эшит. Кўрпачанинг тагида телпак қолган экан. Дўстинг шер билан бирга ташқарига чиқиша олмай туришибди. Ё телпакни менга бер, ё ўзинг мен билан бирга юр!— дебди.

— Мен-ку боролмайман. Телпакни ол-да, тез болага ет-кав,— дебди қиз. Кучук телпакни олиб тишлаганича орқа-га қайтибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, боланинг олдига етиб келибди. Бола кучукни кўриб жуда хурсанд бўлиб кетибди. Шерга қараб:

— Қани, дўстим, ўрпингдан тур. Олишиб-курашиб подшо-дан ўчимизни оламиз,— дебди. Шер ўридан турган экан, бола:

— Телпакнинг тагига кир, ҳозир подшо олдига бо-рамиз-да, у билан олишиб, қизни қутқарамиз,— дебди. Шер:

— Сен тезроқ боравер, биз кучук билан етиб оламиз,— дебди. Бола телпакнинг тагига кириб: «Мени подшога ет-каз!»— дебди. Кўз очиб юмгунча вақт ўтмасдан, телпак болани подшога етказибди. Бола подшога қараб:

— Яхшиликча Гулнозани қафасдан бўшат-да, йўлпн-дан қолмай кетавер. Бўлмаса сеп билан олишиб у дунёга юбораман,— дебди. Подшо бу гапни эшитиб:

— Ҳой, бола, менинг жаҳлимни чиқарма. Гулноза ме-нинг қизим. Нима қилишни ўзим биламан. Улдираманми, қафасга соламанми.

Подшо шундай деб олтин аравадан Гулнозани чақриб, болага қараб:

— Агар изнингга қайтиб мени тинч қўймасанг, ҳозир-нинг ўзида бошимга не-не кулфатларни солган шу қизимми отнинг думига боглатиб судратаман,— дебди. Нима қили-шини билмай боланинг боши қотиб турган экан, вазир бо-лага яқинроқ келиб:

— Подшо айтганини қилади. Изнингга қайт. Гулнозага тегма,— дебди.

Бола пизга қайтибди. Йўлда кетаётган экан, шер билан кучук йўлидан чиқиб қолиб:

— Нима гап?— деб сўрашибди. Бола бўлган воқеани айтиб берибди. Шер унга қараб:

— Мен олдинроқ бориб, ўрмонга кираман-да, бутун шер-ларни оёққа тургазаман. Кейин подшонинг йўлига чиқиб тураман. Подшо бизга ботишиб ҳужум қилолмайди. Шупда биринчи бўлиб биз ҳужумга ўтамиз-да, подшонинг одамла-рини тидка-пора қилиб ташлаймиз. Кучук билан борасан-да, қизнинг олдига кириб, уни олиб чиқасан,— дебди.

— Қизни олиб чиқиш осон. Телпак билан олдига кириб,

уни олиб чиқиб кетаман, вассалом. Аммо подшоини шум ниятидан қайтармоқ керак,— дебди бола.

— Менинг айтганимни қилсанг, подшо шум ниятидан қайтади. Қиз қўлингда бўлади, балки подшо инсофга келиб, сен билан ярашар,— дебди шер. Энди гапни подшодан эшитинг.

Подшо йўлда кетаётса, олдидан бир ўрмон чиқибди. Кишлар: «Ўрмонда ётиш қўрқинчли, шу ерда тунай қоламиз»,— дебдилар. Подшо рози бўлибди. Энди шердан эшитинг.

Шер болага гапни айтиб, чақмоқдай учиб ўрмонга етиб келибди. Ота-онаси, дўст-ёрларни билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, воқеани айтиб берибди. Шунда шернинг отаси, ўрмоннинг султони:

— Кеча ўрмон ёнига бир подшо одамлари билан келиб тушди. Тагип улар сен айтган подшо бўлмасин,— дебди.

— Ушалар! Қани кетдик,— дебди шер:

Ҳамма шеру бошқа ҳайвонлар ўрмондан чиқиб, подшога ташланибдилар. Подшонинг кишилари чор тарафга тумта-рақай бўлиб қоча бошлашибди. Шу пайт бола ҳам етиб келиб қизни олтин аравадан олиб чиқибди. Шерлардан бири қочиб кетаётган подшоини ушлаб олибди. «Шер еб қўяди»,— деб подшо жуда қўрқибди. Шу пайт бола билан Гулноза бир шерга мингашиб подшонинг олдига келибди. Подшо болани кўриб ялина бошлабди:

— Тавба қилдим. Қизим ҳам, подшолигим ҳам сеники. Мени шернинг панжасидан қутқар,— дебди.

Бола шерга бир имо қилган экан, у подшоини панжасидан бўшатибди. Подшо:

— Мени кечир, ўғлим! Мени ўлимдан қутқариб қолдинг, айтганимни қиламан. Қизим Гулнозани сенга бераман, подшолигим ҳам сенга,— дебди. Шунда бола:

— Ота, менга подшолигингиз керакмас, подшолигингиз ўзингизга буюрсин. Изингизга қайтиб юртни сўрайверинг,— дебди.

Подшо изига қайтиб, подшолигини қилаверибди. Бола билан Гулноза болашикига жўнабдилар. Кучун ҳам уларга эргашибди. Бола Гулноза билан кучукни олиб уйига келибди. Ота-бола топшиб, жуда ҳам шоду хуррам бўлишибди. Гулнозанинг розилиги билан уни болага никоҳлаб қўйибди. Ҳамма шоду хуррам яшай бошлабди. Гулнозанинг отаси ҳам қариб, умри охирлаганда, Уроқбой отанинг уйига келиб, куёбининг подшо бўлишини илтимос қилибди. Бола кўнмагаи экан, отаси:

— Қайнота ҳам ота, айтганини қилмасанг, бўлмайди,—

дебди. Кейин бола кўнибди. Ҳамма болага оқ фотиҳа берибди. Бола Гулноза билан подшоликка бориб подшо бўлиб эл-юртнинг адолат билан бошқарибдилар. Ҳамма шоду хуррам яшаб, муроду мақсадига етибди.



# АЖДАР БОЛА

Қадим-қадим замонларда тоғлар бағридаги горларда ба-  
хайбат аждарҳолар яшаб ўтган экан. Аждарҳолар аслида  
одамлар билан дўст-биродар эканлар-у, аммо ёмон одам-  
ларнинг касофати туфайли горларга кўчиб кетиш-  
ган экан. Бўлмаса ариқ қазиш, ер ҳайдаш, уй қуришда  
одамлар дўстлари аждарҳолар билан биргаташиб, уларнинг  
ёрдамидан баҳрамаид бўлишар экан. Ёмон одамлар ҳадеб  
ёмонлик қилаверганларидан аждарлар, бор-е, ёмонлар би-  
лан бирга яшагандан кўра горларда гариб-ғуруб яшагани-  
миз маъқул, деб тоғ-тошларга чиқиб кетишган экан. Шун-  
дай бўлса ҳам одамлар вақти-вақти билан учрашиб, улар-  
дан баъзи бир ишларда фойдаланишар экан.

Ўшандай замонларда бир горда бир аждарҳо яшаб ўт-  
ган экан. У аждарҳо ақлли, уқувли, тадбирли экан. Одамлар  
орасида яшамоқчи бўлар экан-у, «бу — ёмон, ярамас, ўл-  
дириб қўйишади» деб пастга тушмас экан. Кунлардан бир кун  
аждар горда ёлғиз ўзи ўтириб-ўтириб зерикибди, тоғни тоққа  
уриб, уларнинг шақир-шуқурига маст бўлиб ўтирибди, бари  
бир зерикибди. Кейин тоғнинг сувини сиқиб дарё-дарё қилиб  
оқизибди. Тоғлардан даҳшат билан ҳайқириб оқиб тушган  
сувлар тошларни бир-бирига уриб, кўринган нарса борди —  
барини оқизиб кетишини кўриб хурсанд бўлибди. Аммо бу  
ҳам жонига тегибди. Кейин қишлоққа тушиб, бирон бир  
кишини ўтирлаб олиб қочиб найига тушибди.

Шундай қилиб, катта гор ичида ёлғиз яшовчи жуда кат-  
та аждарҳо ҳар нарсаларни ўзича хаёл қилиб, ўйлаб ётар-  
кан. Бир кун: «Менинг куч-қувватимга ҳеч кимнинг қув-  
вати тенг келмайди. Хўш, бу горнинг ичида ўтиргандан  
кўра қишлоқдан биронта ақлли қизни олиб келиб, уни бо-  
қиб вояга етказиб, кейин унга уйланиб, ҳаётимни роҳат-фа-  
роҳатда ўтказайин. Бўлмаса бунчалик йиққан олтинларим  
кимга қолади», — деб ўйлаб-ўйлаб, тунда аста гордан чи-  
қибди. Кейин қишлоққа қараб юрибди, юрса ҳам оз эмас —  
апча юрибди. Бир пайт бир қишлоқнинг устидан чиқиб қо-  
либди. Қишлоққа ярим кечада кириб борибди. Қишлоқ  
аҳлининг ҳаммаси ухлаб ётган экан. У бир уйга қараса,  
бола ухлаб ётган эмиш, яна бир уйга қараса, бола ухлаб  
ётган эмиш. Қиз бола ахтариб уйма-уй юраверибди-юраве-

рибди. Бир пайт бир уйга қараса, оймисан-ой, кунмисан-кун,, юлдузмисан-юлдуз бир қиз ухлаб ётган эмиш. Хусну жамолига таъриф йўқ эмиш. Аждарҳо аста уйга кириб, қизни икки ямлаб ютибди-да, тоққа қараб жўнаб қолибди. Қизни ёрға олиб бориб, оғзидан қайта тушириб ундан:

— Отинг нима, ҳой, қизча?— деб сўрабди. Қиз индамай хўмрайиб тураверибди. Аждарҳо яна:

— Отинг нима деяпман, ҳой қизча,— дебди. Қиз бўлса:

— Отимни сўраб нима қиласан, ярамас, турқи совуқ аждарҳо. Мени элтиб қўй уйимга. Ҳали замон отам келиб, сени ўлдирмай қўймайди. Биласанми отам ким? Шу юртинг султони, қиличидан қон томган киши. Мен унинг энг яхши кўрган ёлғиз фарзандиман. Теъда уйимизга элтиб қўйсанг-қўйганинг, бўлмаса отам қўшини билан келиб тоғларингни қулатиб, ёрларингни бузиб, ўзингни куйдириб, кулинигни кўкка совурати,— дебди. Шунда аждарҳо:

— Майли, отанг кучли бўлса, қўрқмаса — шу ерга кела қолсин. Мен билан бир куч синашсин. Мен ҳам ўзимни тоғлар шоҳи, ёрлар султони, жамики ҳайвон-ваҳшийлар сардори, деб санапман. Қани, келсин-чи, ким-кимни енгарикип. Аммо отанг келгунча сен менинг ишларимни бажариб, айтганларимни қиласан. Мен ўзим ёлғизлигим туфайли сени олиб келган эдим, гаплашиб ўтиради, эрмак бўлади, деб. Лекин сен жудаям димоғдор, такаббур экансан. Энди суҳбатдошим эмас, чўрим бўласан,— дебди. Қиз бўлса:

— Вой-бў, ҳали кимсан, султоннинг арзандаси, умрида қўлпини совуқ сувга урмаган мен, малика сенга чўри бўламанми? Ҳечам-да, ўлсам ўламанки, сендай турқи совуқ, ўзи қуруқ аждарҳога чўри бўлиб хизмат қилмайман!— дебди. Аждарҳонинг жаҳли чиқиб, бу балодан ҳам ёмон экан, бирга бўлса мени еб қўяди, деб уни икки ямлаб бир ютмоқчи бўлибди-ю, яна бу фикридан қайтиб, қонидан оз-оз ичиб, ёрнинг тўрига қамаб қўйибди.

— Ишёқмас, дангаса, бетга чопарпинг жазоси шу!— дебди.

Аждарҳо яшаб-яшаб, яна зерикибди-да: «Биронта қизниз тониб келиб, уни катта қилиб, кейин уйланиб оламанда, маъза қиламан!»— деб шаҳарга тушибди. Шаҳарга тунда кириб келиб, у уйни қарабди, бу уйни қарабди — ҳечам қиз болани кўрмабди. Бир пайт уйма-уй юриб, бир деразанинг олдига келиб, ичкарига қарабди. Қараса — бир қиз ётган эмиш. Аждарҳо, кўринишдан яхши қиз бўлса керак, деб аста деразадан кириб, уни олиб кетибди. Бу шаҳарлик машҳур бойнинг қизи бўлиб, оти Буойша экан. Аждарҳо уни оғзида олиб келиб, ёрда оғзидан ташқарига чиқариб-

ди. Бойнинг қизи жуда ишёқмас, даигаса, тепса-тебрамао қиз экан. Бунинг устига бирам тили узун, дилозор экапкк, унинг икки-уч сасиқ ганини эшитиб тоқати тоқ бўлибди. Аммо, қани, бир-икки кун сақлай-чи, одам бўлиб қолар, деб семабди. Бироқ Буойша сасигандап сасийверибди, ачигандап-ачийверибди. Иккинчи кун қуёш чиқибди ҳамки, Буойша турмабди. Аждарҳо, тур, деб уйготган экан, Буойша тилидаги бор заҳарини сочиб берибди.

— Нега уйготасан, турқи совуқ аждарҳо? Мен отамнинг уйида пешингача ётардим, ҳеч ким уйготмасди. Сен аҳмоқ бўлсанг уйготдинг. Ўзинг ёмон, турқинг совуқлигидан шунақа ярамас, ифлос горда тапҳо яшайсан-да. Сен — аблаҳ, яшамагур, куйиб кулга айлангур — яхши бўлганинда шаҳарда яшардинг. Ҳамма сендан безор, сенинг йўқ бўлиб куйиб кулга айланишингни истайди, — дея қиз аждарҳони қарғаб, уришиб, кўзини очирмай қўйибди. Аждарҳо ичида, олдинги подшонинг форга қамаб қўйганим қизп ҳам бунинг олдида ҳолва экан. Агар бу билан яна бир кун бўлсам, ҳаром ўлиб қоламап, дебди-да, таппа босиб икки ямлаб ютиб юбормоқчи бўлибди, аммо ниятидан қайтибди. Уни ҳам горнинг тўридаги ертўлага қамаб қўйиб, қонидан оз-моз ичган бўлибди.

Тагнн якка-ёлгиз яшайверибди. Кейин яна зерикибди. Сўнгра қорин очибди. Ваҳший ҳайвонларни тутиб ебди, қонини ичибди, аммо одам қонига ўхшамасмиш, бемаза эмиш. Одам қони мазасига ўрганиб қолгандан ҳеч бир ҳайвоннинг қонини ёқтирмас эмиш. Одамлардан тутиб келиш учун тагин шаҳарга жўнабди. Болаларга тегмабди, номи қиз бўлса — тутиб келиб, айтганини бажармай, меҳнатдан қочса, қонидан озми-кўнми ичиб қамаб қўйверибди.

Шу қишлоқнинг бир четида камбагал кишининг Зарифа деган қизи бор экан. Ота-онаси қашшоқлигидан Зарифа бир бойнинг қўлида хизмат қилар экан. «Аждарҳо еб қўяди, бекин!» — дейишса, Зарифа: «Шу кунимдан аждарҳо еса-есни, минг мартаба розиман! Ота-онамнинг бир парча вонга зор, бир тузукроқ кийимга интизорлигини кўриб, бир сиқиламан, бой отамнинг уни қил, буни қил дегани, қилган ишим ёқмай уриб-сўкишидан ўн сиқиламан!» — деб хўн-хўн йиғлабди. Одамлар: «Яхши қиз эди, ишқилиб аждарҳонинг кўзини кўр қилсин-да. Бу қизни ҳам ўғирлаб кетиб еб қўйса, ҳолимиз нима кечади. Юртда қиз қолмай, ўғилларимизни кимга уйлантирамиз?» — деб тозаям қайғуга ботишибди. Бари бир навбат қизга келибди. Олдинлари ҳам бўлган каби ҳеч ким аждарга қарши чиқишга ботина олмабди. Тунда пойлаб, уни ўлдиришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмабди. Аждарҳо тунда бемалол келиб, Зарифани ёт-



гай жойидан ўғирлаб, тогдаги горга олиб кетибди. Горга бериб. Зарифани оғайдан чиқариб: «Сени ейман»,— дебди. Зарифа ён-атрофига қараб: «Вой-бў, ифлосгарчиликни қаранг. Идиш-товоқлар ювилмаган, уйнингиз супурилмаган. Аввал уйни тозалай, супуриб-сидирай, қозон-товоқни ювай, кейин енг. Ифлос, кир-чир жойда овқат есангиз иштаҳангиз бўлмайди»,— дебди-да, уйини тозалашга тушиб кетибди. Бирпасда горни ёр тушса ялагудек қилибди, идиш-товоқни топ-тоза ҳолига келтирибди. Аждарҳо буни кўриб жуда ҳам хурсанд бўлибди-ю, бари бир уни егиси келаверибди. Зарифа ҳамма ишини қилиб бўлгач, ювишиб-тараниб аждарҳонинг олдига келибди-да:

— Истасангиз сизга бошимдан кечирган-ветганларимни, истасангиз қизиқ-қизиқ эртақлардан айтиб берман, — дебди.

— Айтсанг айта қол, аммо қисқароқ бўлсин. Қорним очди,— дебди аждарҳо. Зарифа бошидан кечирганларини шундай ҳикоя қилиб берибдики, уни эшитиб аждарҳо ҳаёту манг бўлиб қолибди. У ҳикоясини тугатгач, аждарҳо, эртақнинг ҳам айт, дебди.

— Олдин бир нон еяйлик, ош ниширай, ошни еяйлик, қорнингиз ҳам очди. Оч қоринга эртақ нимаси?— дебди қиз. Кейин:— Ун қайда, сув қайда?— деб сўрабди.— Гурунч, сабзи-пиёзни қайдан оламай?— дебди.

Аждарҳо ҳаммасини кўрсатибди. Зарифахон бир қўлида хамир қилибди, бошиқа қўлида ошга уннабди. Ҳаш-паш де-гунча хамирни қориб, нон ёпишга киришиб кетибди. Сабзи-пиёзни тўграб, гурунчни тозалаб, ошни бошлаб юборибди. Аждарҳо унинг эгчиллигига қойил қолиб:

— Киройи хотининг бўлса — шунақа бўлса-да!— дебди. Кейин ўзининг гапига ўзи хурсанд бўлиб кетибди. «Ҳа-да,— дебди ўзига-ўзи.— Хотин қилиб олсам бўлмайдимиз? Бўлади! Бўлади!»— дебди овозини чиқариб.

— Нимани бўлади деяписиз?— дебди Зарифа. Шунда аждарҳо:

— Сени емайман. Хотини қилиб оламай. Менга тегасанми?— дебди. Бу гапни эшитиб Зарифанинг боши қотиб қолибди. «Тегаман» деса, аждарҳо эмиш, «тегмайман» деса, менга тегмайман дединг, деб еб қўйишидан қўрқибди. Кейин ўйлаб-ўйлаб бир йўлини қилмоқчи бўлибди.

— Ҳа, майли, тегсам сиздай гўзал, бақувват, ақлли кишига тегаман-да. Аммо ҳозир эмас, бир-икки кун ўтсин. Шу орада бир-биримизга ўрганайлик. Менинг гапимни сиз, сизнинг гапингизни мен яхшироқ англайдиган бўлайлик,— дебди. Аждарҳо кўнибди. Ҳар куни у емиш ахтариб тоққа

чиқиб кетаркан. Зарифа уйда қолиб овқат пиширар, кир ювар, уй супураркан. Қувлар ўтибди, ойлар ўтибди. Бунн қаранг-а, аждарҳо Зарифани, Зарифа аждарҳопп бора-бора яхши кўриб қолибди. Улар бир-бирларини кўрмаса турол-майдиған бўлишибди. «Шунга тегсам тега қоламан, ортиқ кимга ҳам тегардим. Биров камбағал деб олмаса. Хотинни бўлганимдан кейин, яхши йўлга солиб, тарбиялаб оларман», — дебди Зарифа ўзинча. Аждарҳо ҳам: «Мен уни яхши кўриб қолдим. Уйланаман, нима бўлсаям уйланаман!» — дебди ўзинча.

Булар бир-бирларининг ичидаги гапларини, ияятларини бир кўришдаёқ билиб оладиган бўлишибди. Қувлардап бир кунни аждарҳо Зарифага:

— Тайёргарлигингни кўр, эртага тўйимиз. Мен ҳамма девларни, аждарҳоларни, мастонларни тўйга айтиб келаман, — деб қолибди.

— Шошилманг! Нега энди девларни, аждарҳоларни айттар экансиз. Одамлар-чи, одамларни айтмаймиами? — дебди Зарифа.

— Одамлар тўйимизда нима қилади? Мен уларни ёмон кўраман, — дебди аждарҳо.

— Йўқ, менинг ота-онамни, одамларни тўйга айтасиз. Шундагина тўй бўлади, йўқса тўй йўқ, — дебди. Шунда аждарҳо:

— Қизиқ гапирасан. Мен аждарҳо бўлсам. Одамлар мени кўриб, қўрқишмайдими? — дебди.

— Қўрқишмайди, сиз уларнинг олдига аждарҳо бўлиб эмас, одам қиёфасида борасиз, — дебди Зарифа.

— Қандай қилиб? Ахир мен аждарҳоман-ку? — дебди аждарҳо. Шунда Зарифа:

— Шу кундан бошлаб одамсиз. Сизни мен одам қилиб, одамларнинг орасига олиб кираман. Менга бир нарсани айтиб беришган эди. Қора тоғнинг кун чиқиш томонида бир гор бор. Шу горнинг ичида бир булоқ бор. Кимда-ким шу булоққа бориб, бирон-бир мақсадини айтиб чўмилса, амалга ошаркан. Ҳозир тўйни қўйиб туринг-да, ўша горга бориб, булоққа қараб: «Эй, она булоқ, мени одам қиёфасига кирит, мен ҳам одам бўлиб, уйланиб, бола-чақали бўлай», — дейсиз-да, булоқда чўмиласиз. Аммо уни қаттиқ кўриқлашармиш. Сиз кўрқманг, дадил бўяниг, — дебди. «Ол-а, — дебди ичида аждарҳо, — булоқда чўмилган зот одам бўлаверса, ҳамма аждарҳо одамга, ҳамма одам аждарҳога айланарди». Зарифа унинг ичидаги ўйини дарров англаб олибди.

— Сиз кўпчилик аждарҳолардап бошқачарексиз. Яхши-ёмоннинг фарқига етасиз. Сизни она булоқ, албатта, одам-

га айлантиради,— дебди. Аждарҳо: «Балким гапи тўғри чиқиб қолар?» — деб тўғри тўхтатиб, Зарифага: «Мен йўқлигимда ота-онанг олдига қочиб қолмайсанми?» — деб сўрабди ундан. «Мени синамадингиами? Мен сизникиман. Аждарҳолигибигнача қолганингизда ҳам, одамга айланганингизда ҳам», — деган жавобини эшитиб, кўнгли тўлиб, сафарга жўнаб кетибди.

Зарифа уни одамга айлантиришни худопа ва азиз авлиёлардан сўраб, торни тозалаб, супуриб-сидириб ўтиравеибди. Гапни аждарҳодан сўранг.

Аждарҳо орда югурибди, осмонда учибди.

Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Оқ тоққа етиб борибди. Фор олдида гиж-гиж ҳайвонлару аждарҳолар турган эмиш. Ким келса ичкарига киритмай еб турган ё тогдан улоқтириб ташлашаётган эмиш.

Аждарҳо аста бориб, олишай деса кучи етмаслигига ишонибди. Кейин билдирмай, бир иложини қилиб, дуо билан кичкинагина, кўринмас илон боласига айланибди-да, катта-катта аждарларнинг оёғи остидан «шип» этиб ичкарига ўтиб олибди. Шу ҳолда булоқнинг олдига бориб:

— Эй, булоқ. Мени одамга айлантир. Мен ҳам уйланай, бир қизни севиб қолдим, у ҳам мени севади, мен унга уйланай, одамлар орасига кириб, одамлардай яшай,— дебди.

Булоқ вақур-вуқур қайнашдан тўхтаб, бундоқ қараса — бир кичкинагина илонча унга тикилганча, кўвининг ёшини тўкиб, илтижо қилиб турган эмиш. Булоқнинг илончага раҳми келибди. «Ҳали улғайиб аждар бўлмабди. Уни одамга айлантирсам-айлантира қолай», — дея хаёлидан ўтказибди-да:

— Сени одамга айлантирсам-айлантира қолай. Аммо битта шартим бор; шу кундан бошлаб ёлгон гапирмайсан, биронинг ҳақиқа хуёнат қилмайсан, меҳнатдан қочмайсан, одам олдида бесалом ўтмайсан, сувни, ўтни, ҳавони, тупроқни ҳурмат қиласан,— дебди булоқ.— Шу айтганларимга амал қиламан, деб қасам ичсапг, майли, мен сени одамга айлантирсам-айлантирай,— дебди. Аждарҳо:

— Мен ҳаммасига розиман. Айтганларингни бажонидил бажараман,— дебди. Булоқ:

— Бўлмаса мен бир дуо ўргатаман, уни ёдлаб олиб менда бир чўмил-да, ташқарига чиқиб бир-икки силкиниб ташла! Уч-тўрт марта шундай қил. Қарабсанки, илон пўстларинг тушиб, одамга айланасан-қоласан,— дебди. Илон булоқнинг айтганини қилиб, ўргатган дуосини такрорлаб, ўзини сувга отибди.

Уч мартаба сувдан чиқиб, сувга тушган экан, тўртинчи

сафар ташқарига чиқиб қараса, одамга ўхшаб турган эмиш. Булоққа раҳмат айтиб, ташқарига чиқиб, йўлини тўсган ҳайвон борки олишиб, ўлдириб, тоғдан улоқтириб уйга қараб жўнабди.

«Шундоқ борсам, севганим тагип қўрқиб кетмасин»,— деб бир айқини бўғиб ўлдириб, унинг терисини ёпишиб уйга кириб борибди.

Зарифа айқн терисини ёпишиб олган одам билан олиша кетибди. Мен сенинг ўша аждарҳойингман-ку, деса ҳам, менинг эрим айиқ эмас — одам, деб унга ишонмай йиқитиб, оёгининг тагига босиб бўғанга пичоқ қадабди. Шунда айиқ терисини ёпишган одам:

— Ҳой, Зарифа, бирпас тўхтаб, гапларимга қулоқ сол. Ахир, мен булоққа кетган аждарҳоман-ку! У ердан одам бўлиб қайтдим!— дебди. Шундагина Зарифа унга ишонибди.

— Охири одам бўлибсиз-да, жонгинам,— деб уни қучоқлаб олибди. Аждар-одам ҳам Зарифани қучоқлаб, турган жойида кўтариб:

— Нақ бўлмаса ўлдириб қўяй дединг-а, бунча кучни қаердан олдинг?— дебди.

— Сиздан, сиз аждарҳо бўлганда биз аждарҳовоймиз-да,— деб Зарифа эри билан ҳашиллашиб, қувнашиб кунларини ўтказаверишибди.

Булар маслаҳатни жойига қўйиб, тўй кунини белгилашибди. Ҳаммани тўйга айтишибди. Тўйга Зарифанинг ота-онаси ҳам, подшо ҳам, барча шаҳар-қишлоқ аҳли ҳам келишибди. Аждарҳолар, ваҳший ҳайвонлар ҳам келиб хизматда бўлишибди. Тўй катта ўтибди. Подшо билан бой аждарни таниб қолишибди:

— Хап саями? Сени ўлдириб қасосимни олмасам подшолигим ҳаром,— дебди подшо.

— Сени ўлдириб, қизимнинг қасдини олмасам бой отимни бошқа қўяман,— дебди бой.

Подшо тўйдап кейин қайтиб саройга келгач, барча аскарларини йиғиб, тоққа юриш бошлабди.

— Кимда-ким аждар-болани ўлдириб калласини олиб келса, минг тилло ўшаники!— деб жар солдирибди. Унинг кетидан бой:

— Қизимни ўлдирган аждар-одамни тирпклай тутиб келганга мол-дунёмнинг ярмисини бераман,— деб эълон қилдирибди. Бир томондан подшо аскарлари, бошқа томондан бой отанинг кишилари мўри малахдай тоққа ёпирилишибди. Гапни боладан эшитинг.

Бола Зарифага қараб:

— Ёрим, мен қайта дунёга келдим, одам бўлиб одамлар

орасига кирдим. Аждар пайтимда кўп гуноҳларни қилдим. Одамларнинг қовини ичдим. Энди гуноҳимни ювмоқчиман, уларга хизмат қилмоқчиман. Шунга сиз нима дейсиз,— дебди.

— Жуда яхши ўйлабсиз. Қандай қилиб яхшилик қилмоқчисиз? — деб сўрабди Зарифа.

— Қишлоқ, шаҳардан олиб қочган қизларни горнинг тўридаги зиндонга солганман. Кейин шаҳарга оқиб тушади-гап дарёнинг йўлини тош билан тўсиб қўйганман. Ҳозир тошни олиб, дарёни оқизиб юбораман. Қизларни озод қилиб, бундан кейин бунақа бемаза ишларни қилмасликка сўз бераман.

— Балли, айтганларингизни тезда қилайлик. Бечора оталари, оналари уларга ташна бўлишган. Эл ҳам сувга ташна,— дебди Зарифа. Бола бориб зиндондан ҳамма қамалганларни чиқариб:

— Сизлар озодсизлар, мени кечиринглар,— дебди. Дарёни тўсиб қўйган тошни олиб, уни водийга қараб оқиздирибди.

Подшо билан бой қизларини кўришиб, улар, «ота, ҳаммасига ўзимиз айбдормиз. Тилимиз айбдор. Болада гуноҳ йўқ», — дейишгач, уни ўлдириш фикрларидан қайтишибди, аксинча, дўстлашиб қолишибди. Бошқа одамлар ҳам болаларини эсон-омон кўришганидан, юртлари сувга сероб бўлганидан беҳад шод бўлишибди. Аждар-бола билан Зарифа шод-хуррам яшаб, мақсадларига етибдилар.



# АБДУҚОДИР, ВОВ-ВОВ, МИЁВКАЛ

Бор экан-да йўқ экан, қадим ўтган замонда Абдуқодир деган бир киши яшаган экан. Абдуқодирнинг қирқ жўраси бўлиб, уларни жонидан ортинқ яхши кўраркан. Жўралари ҳам Абдуқодирни ҳаддап ташқари яхши кўришиб, нима деса айтганини қилишаркан. Абдуқодирнинг қирқ жўрасидан ташқари ҳеч кими бўлмай, фақат уйда бир ола мушуги билан бир кўпак ити бор экан. Мушугининг оти Миёвкал экан, кучугининг оти Вов-вов экан. Абдуқодир ити билан кучугини шундай яхши кўрарканки, уларни ҳатто еру кўкка ҳам ишонмас экан.

Доим гарвариллаб, овқатларидан хабар олиб, хуллас, қаерга борса бирга олиб борар, ҳатто кечаси ҳам ёнида бирга олиб ётаркан. Кучуги ҳам, мушуги ҳам Абдуқодирга шунчалик содиқ эканки, бир нафас кўрмай қолишса, вов-вовлаб, мнёв-миёвлаб еру-кўкни бузишаркан. Абдуқодирни туни билан пойлаб чивинга чақтиришмас, бирпас ёлғиз қолдирмай, доимо ёнида бўлишаркан.

Кунлардан бир куни қизиқ бир воқеа бўлибди. Абдуқодирнинг томи орқасида бир эски ҳовуза бўлиб, суви ачиб-сасиб қолгандан ҳеч ким ундан ичмас экан. Бир пайт: «Ҳовузда икки шохли, қора бир аждарҳо пайдо бўлибди. маҳалла-кўй болаларини ютиб юбораётган эмиш»,— деб гап тарқабди. Ҳамма дуч келган томонга кўчиб кета бошлабди. Абдуқодир бунга ишонмай: «Одамларнинг аҳмоқона гани бу. Одамхўр аждар томим орқасидаги ҳовузда пайдо бўладню мен билмасмидим. Бўлмаган гап»,— деб ўз иши билан бўлаверибди. Аммо кечаси ётса томининг орқасидаги ҳовуздан «вициллаган-пициллаган» овоз эшитилармиш. Чиқиб қараса, ҳеч нарса кўринмасмиш. Эртасига ётса яна «виш-виш» — «пис-пис», деган овоз келибди. Абдуқодир чиқиб қараса, ҳовузда ҳеч нарса йўқ эмиш. «Одамларнинг шунчаки гапи-да, йўқса аждарни кўрган бўлар эдим»,— деб яна бепарво бўлибди.

Кунлар ўтибди, ойлар ўтибди... Кўчиб кетмай қолган-қутган одамларнинг бири бир куни: «Согин сигирим йўқолиб қолди», деса, иккинчи куни бошқа биров: «Боқувдаги буқам қўрамдан ғойиб бўлди»,— деб арз-дод қилибди. Эртасига бир бола тўсатдан йўқолиб қолса, иккинчи куни

бўйга етган қиз дом-дараксиз бўлиб кетибди. «Аждарҳо келиб ҳовузга беркиниб, кечаси овга чиқаётганмиш»,— деган миш-мишларга Абдуқодир барибир ишонмабди. Аммо кўи ўтмай, жуда қизиқ воқеа юз берибди-ю, кейин сал-пал ишониб қолибди. Гап бундай бўлибди, бирдап Абдуқодирнинг кучуги йўқолиб қолибди. Абдуқодирнинг итини сўрамаган киши, изламаган жойи қолмабди. Ҳеч қаерда йўқ эмиш. Жудаям хафа бўлиб, қон-қон қақшабди. Қирқ жўраси юпатса ҳам юпанмабди. «Итими тошиб берганга ўла-ўлгунча яхшилиқ қиламан»,— деса ҳам ҳеч ким: «Ман итнигини кўрдим!»— демабди. Мушугини айтмайсизми?! Мушуги ҳам дўсти Вов-вовга ўрганиб қолган экан, у йўқолиб қолгач, ичкиб овқат емай қўйибди, сув ҳам тотимай қўйибди. Абдуқодир: «Буям ўлиб қолмасайди-я,— деб, Миёвкалини бирпас ёнидан нари кетказмабди. Миёвкали Вов-вовга ичикканидан-ичикниб кундан-кунга озиб-тўзиб, бир ҳолатда бўлиб қолибди. Кун ўтибди, ой ўтибди. Вов-вов топилмабди. Бунинг устига Абдуқодир бир кун қирқ жўраси билан уйига келса, уйига қамаб кетган Миёвкали ўлиб ётганмиш. Абдуқодирнинг кўзига дунё тор кўриниб, «ана энди, мен ҳам ўламан!»— дебди-да, уйига кириб кетибди. Қирқ жўрасидап бирови Миёвкалини Абдуқодирнинг томи орқасига чиқариб ташлабди. Кейин ўртоқлари уй-уйларига тарқаб кетишибди. Абдуқодир уйда ётиб-ётиб зерикиб, нима қилишини билмай, қоқ ярим кечада кўчага чиқиб, томи орқасига ўтибди. Ўтибди-ю, анқайиб, тангқайиб, тили калимага ҳам келмай қолибди. Ҳовуздан бир нарса судралиб чиқиб мушукни оғзига солибди-да, яна судралганича сувга тушиб кетибди. Абдуқодир ҳовузнинг олдига югуриб борибди. Қараса, ҳалиги нарса йўқ эмиш. Эртасига ҳам синмоқчи бўлиб, уйга кириб кетибди. Тонг отгач, бозорга бориб бир эчки сотиб олибди-да, ҳовуз бўйидаги эски толга боғлаб қўйиб, ўзи четроқда пойлаб ўлтирибди. Қоқ ярим кечада, ҳовуздан бир нарса вишиллаганча судралиб келиб эчкига ёпишибди. Эчки дод-вой солиб, ба-балармиш. Ҳалиги ҳовуздап чиққан махлуқ уни ўраб-чирмаб юта бошлабди. Абдуқодир қараб турса, кўзи қамашиб кетибди. Ҳалиги нарсанинг усти ялт-юлт қилармиш, бошида иккита тилла шохи бормиш. Усти томони ҳам қатлам-қатлам шохчалардан иборат эмиш. Панжалари узуп-узуп, тирноқлари ёғоч бешликдай келармиш. Кўзи ёшиб турганмиш. Тилини чиқарса, бир метр чўзилиб бир ярим метрдаги нарсани домига олармиш. Абдуқодир ҳовуз бўйига боргани кўрқибди, уйига кириб кетибди. Эртасига жўраларини йигиб, халойиқ-ҳамқишлоқларини тўшлаб, тундаги воқеани айтиб берибди.

«Биз қишлоққа аждарҳо оралади, молимизни, болаларимизни еб кетяпти десак, ишонмаган эдинг»,— деб уни койинганлар ҳам бўлибди.

— Энди пима қиламиз? Шундоқ қўл қовуштириб қараб тураверсак, боримиздаи айрилиб қоламиз,— дебди халойиқ. Ҳеч бир киши, мен уни йўқотамап, демабди. Шунда Абдуқодир ўртага чўкиб:

— Аждарҳони мен йўқотамап,— дебди.— Мени ҳовуз бўйидаги толнинг олдига, унга боғлашгандай қилиб қўясизлар, у мени ютиб юборади, кейин, ҳовузга тушиб кетади.

Шу пайтда ҳовузга қараб турасизлар, қон билан йиринг кўришмай, қоннинг ўзи кўришса, мени ўлди денгларда, азамни очинглар. Борди-ю, қон билан йиринг аралаш кўришса, тўй-тантана бошланглар,— дебди. Туяда Абдуқодирни ўзи айтгандай қилиб, толнинг олдига қўйиб, одамлар бир четга бориб туришибди. Абдуқодир қараб турса, ҳовузнинг суви ёрилиб, ичидан кечаги махлуқ аста-секин қирғоққа чиқибди-да, Абдуқодирга қараб ўрмалаб кела бошлабди. Абдуқодир уни кўриб жуда қўрқибди, кейин ўзини ўнглаб олибди. Аждарҳо кела солиб оғзини очиб бир сипқорган бўлибди.

Абдуқодир қўлидаги ош пичоғу мош пичоғи билан унинг оғзига кириб кетибди. Одамлар «ухх!» деб юборишибди. Аждарҳо Абдуқодирни ютиб юборгач, яна бирон-бир парса бормикан, дегандай чор тарафга боқибди-да, кейин аста судралганча ҳовузга тушиб кетибди. Ҳамма «гурр» этиб келиб, ҳовузга тикилганича қараб тураверибди. Бир пайт сув вақир-вуқур қайнай бошлабди. Одамлар қараб туришса, қон варақлаб чиқибди-да, сувнинг юзи қип-қизил бўлиб кетибди. Ҳамма: «Абдуқодирни ўлдирди, Абдуқодирдан айрилиб қолдик. Эҳ! Жонингдан умидинг бўлса қочавер!»— деб бир-бирига қарамай, қоча бошлабди.

Шу пайт ҳовузда қон аралаш йиринг кўришибди-да, сув юзиди кўм-кўк йиринг қоплаб олибди. «Аждарҳо ўлди! Абдуқодир тирик!»— деган овоз бирпасда еру кўкни тутиб кетибди. Ҳамма изига қайтиб, ҳовузнинг олдига келибди. Бир пайт Абдуқодир ўнг қўлида кучукни, чап қўлида мушуки кўтарган ҳолда ҳовуздан чиқиб келибди. Кетидан йўқолган боласию қўй-қўзилар, мол-сигирлар ҳам чиқибди. Ҳамма шод-хурсанд бўлиб, бир-бири билан кўришиб-сўрашиб, катта тантана бошланиб кетибди. Ҳамма уй-уйига тарқалгач, Абдуқодир кучуги ва мушуги билан қолибди. Шунда Абдуқодир итига қараб:

— Қани, қандай қилиб сен аждарҳонинг домига тортидинг, айтиб бер-чи,— дебди. Вов-вов шундай ҳикоя қилибди.

— Мен ўша йўқолган куним сени ухлатиб, ёзилгани кўчага чиқдим. Ташқарида «шовв-шувв» деган овоз эшитиб, яна ўғрилар томимизни тешаётган бўлмасин, деб томинг орқасига ўтдим. Том орқасига ўтганимни билман, кўрққанимдан кўзимни юмиб олдим, кўзимни очиб кўрсам, бир нарса «хўп» деди, сўнг қарасам гор бўлиб формас, уй бўлиб уймас бир жойга кириб келибман денг! Ҳа, ўлганим шу экан, бу нариги дунё бўлса керак-да, дедим-да, олазарак ҳолда уёқ-бузқни кузатдим, бир пайт мана бу ҳуштакни топиб олдим. «Хуштакнинг нима хосияти бор экан?»— деб сўрабди Абдуқодир. «Э, бунинг хосияти кўп экан. Билсам аждарҳонинг ичида эканман. Аждарҳонинг ичида бир бобойни кўриб қолдим. У қўлимдаги хуштакни кўриб:

— Буни яхши асра, хосиятли хуштак. Нимани хоҳласанг қилади. «Хў, хуштак», десанг, у, «лаббай, хизматингизга тайёрман», дейди, шунда истаганингни айтасан, у бажонидил бажаради,— деди. Аждарҳо дўстим Миёвкалини ютганда у ўлган эди, «Хў, хуштаквой», дедим. «Лаббай, хизматингизга тайёрман!» деди хуштак. «Ошнаи Миёв тўрани тирилтир», дедим, у, «ошнаи ўлган эмас, у дунёда, аждарни кўриб, эси оғиб уйда ётган эди, уни ўлган деб кўчага чиқариб ташлаганди, аждар ютиб юборди, ҳалиям ҳушига келмай ётибди. Уни ҳушга келтираман, ҳатто буюрсанг жонсизга жоп ато қиламан», деди. Хуштак шундай деб Миёвқалининг қулогига бориб бир овоз қилган эди, Миёвқал: «Ня, кўп ухлаб қолибман-ку,» — деб бир акса урди-да, ўз ҳолига келди. Мана, кўриб турибсан, эсон-омон олиб келиб, сенинг қўлингга топширдим. «Бобой нима бўлди?»— сўраб қолибди Абдуқодир. У, «хуштакни яхши асра, бир иложини қилиб у дунёга чиқиб олсанг, энг содиқ кишинга бер, деди. Бобой шундан кейин ўлди, яхшилаб кўмдим»,— деб ҳикоясини тугатибди Вов-вов, кейин:

— Мана бу хуштак сенга. Сен бизнинг содиқ эгамисан,— дебди.

— Раҳмат! Сен-чи, сен нимани кўрдинг. Миёвқал, дўстим?— дебди. мушугига қараб Абдуқодир.

— Мен туш кўрибман. Тушимда сен дунёдаги энг яхши аёлга уйланибсан. Кейин сени қора девлар увдан айиршибди. Биргалашиб уларга қарши курашибмиз. Бунда Вов-вов топиб берган хуштак бизга ёрдам берибди, аммо аждарҳонинг ичида сени жудаюм соғиндим,— дебди Миёвқал.

— Раҳмат, дўстим. Яхши туш кўрибсан. Тушинг ўнгидан келиб, яхши аёлга уйланай-да, ҳаммавақт, ҳамма жойдан бирга бўлайлик!— дебди йнгит.

Тонг отибди:

— Қани, дўстим Вов-вов тўра, ҳуштакни бир синаб кўрайлик-чи,— дебди бола. Кейин ҳуштакка қараб:

— Хў, ҳуштаквой!— дебди. Ҳуштак:

— Лаббай, хизматингизга тайёрман!— дебди.

— Бизга нонуштага энг яхши овқат бўлсин!— дебди бола. Ҳуштак «ҳушш-ҳушш» деган экан, дарҳақиқат, дастурхон дунёдаги барча мазали таомлар билан лиммо-лим тўлибди.

Абдуқодир, Вов-вов тўра, Миёвқал уларни иприқиб еб олишибди. Абдуқодир ҳуштакнинг тилининг тагига солиб қўйибди, кейин овга жўнашга қарор қилибди.

— Ўрдак, гоз, каклик, бедана гўшти бўлсин!— дебди овда. Бу гап огзидан чиқар-чиқмасдан Абдуқодирнинг овғи остига ўрдак, гоз, каклик, бедана тап-тап тушаверибди. Бошқа ерга тап-тап тушганларини кучуги ва мушуги йиғиб келаверибди. Бирпасда турли паррандаларнинг гўшти тўлиб-тошиб кетибди.

Шундай қилиб, Абдуқодир ҳар куни овга чиқиб, ов-овлаб, ўйнаб-кулиб, қайтишда овлаган овини гоҳ кўтаролмай, гоҳ кўтариб ҳаёт кечираверибди. Куплар кетидан кушлар, ойлар кетидан ойлар ўтибди. Абдуқодирнинг донги оламга кетибди. Кувлардан бир куни Абдуқодирнинг уйлапгиси келибди. Ҳеч қайси қиз тегмабди. Бир куни ов қилиб юрган экан, қарвонларга дуч келиб қолибди.

— Қаёқдан келяпсизлар, эй, қарвонлар?— деб сўрабди.

— Ямандан Ясарга кетяпмиз, савдо-содиқ ишлари билан,— деб жавоб қайтарибди қарвонбоши.

— Сизлар кўпни кезиб, кўпни кўргансизлар. Дунё воқеаларидан сўзлаб беринглар. Дунёда нима гап-сўз?— деб гапга солибди у. Қарвонбоши қарвонга тўхташни буюрибди. Абдуқодир ҳуштагига айтган экан, дунёдаги барча овқат муҳайё бўлибди.

Қарвонбоши дастурхон устидан гап бошлабди.

— Э, бегим, нимасини айтасиз. Бир мамлакатда бир воқеани устидан чиқиб қолдик. Юрт султонининг подшоликда бир қизи бор экан. Ҳуснда тенгсиз бўлиб, ақл-идрокда ҳам унинг олдига тушадиган қиз йўқ экан. Ов қилишни, қилич чопишни, кураш тушишни жуда яхши биларкан. Аммо отаси бойликка учган, олтин-зар деса ўзини томдан ташлайдиган, хасис экан. Шу қизнинг дод-фарёдига қулоқ солмай, уни бошқа бир подшонинг кўр, шол, хезимкаш ўғлига никоҳлаб бермоқчи бўлаётгани устидан чиқиб қолдик. Қиз, мана, қирқ кунки, отасининг гапига қулоқ солмай: «Агар ўша шаҳзодага берсанг, ўзимни ўлдираман!»—

деб сўзида қаттиқ туриб олибди. Ҳеч ким унга ёрдам беролмас экан. Шуни кўриб, эшитиб хафа бўлиб кетдик, ана шунақа гаплар, энди бизга жаноб берсангиз, бегим,— деб жавоб сўраб йўлга тушибди. Абдуқодир тилининг тагидан хуштакни олибди-да: «Хуштаквой»,— дебди. «Лаббай, хизматингизга тайёрман!»— дебди хуштак. «Ҳозиргина карвонбоши айтган подшонинг қизи отасининг тахти-пахти билан шу ерда бўлсин!»— деб юборибди бола. Орадан кампир шафтолини арчиб егунча вақт ўтмасдан Абдуқодир олдида бир қаср пайдо бўлибди. Қасрмисан — қаср эмиш. Остоналари тиллодан, устунлари марвариддан, вассалари зумраддан эмиш. Қирқ қиз-қирқ канизак, бир-биридан чиройли, позанин, йўлни босайми-босмайми деб кўшқдан тушиб калаётган эмиш. Бир пайт кўшқдан бели қумурсқанин белидай, ой деса огзи, кун деса юзи бор бир қиз: «Вой, нега бунчалик кўн ухлаб қолибман, нега уйғотмадинглар»,— деб тушиб келибди. Рўнарасидан қадди-қомати келишган, қора қош, оқ юз, мўйлови чабза урган, ўзига хўбам ярашган бизнинг Абдуқодирни кўриб қолиб:

— Кимсиз? Нега бизнинг қасрда юрибсиз. Мақсадингиз не?— деб сўраб қолибди. Қизни кўриб эс-ҳушидан айрилган, турган жойида тошдай қотиб қолган огзига лом тугул мим келмаган Абдуқодирга Миёвқал билан Вов-вов тўра: «Гапирсангиз-чи, гап қотсангиз-чи, ахир, бу сиз олдириб келтирган малика бувишимиз-ку»,— деб нуқул унинг қўлидан тортишармиш. Бир пайт Абдуқодир ўзига келиб:

— Излаганингиз, истаганингиз биз бўламиз!— дея ольбди, холос.

— Излаганимиз, истаганимиз ким экан ўзи? Таништирсин ўзини,— дебди малика.

— Абдуқодирман! Бутун умрим сизни изладим, менга ёр бўлсангиз, биз сизга муносиб ёр бўлсак,— дебди.

— Касбингиз нима, насл-насабингиз?— сўрабди малика.

— Насл-насабимиз маълум, аммо, ҳунарга келсак, мана шу бизда йўқроқ,— дебди. Малика кулиб:

— Қадди-қоматингизга ишониб, ҳеч бир ҳунар ўрганмаган экансиз-да,— дебди, кейин:— Бизни истасангиз — ҳунар ўрганинг, ҳунарингизни кўриб баҳолайлик, кейин биз сизники,— дебди. Абдуқодир муҳлат олиб, ўзини ҳунарга урибди. Хуштаквойнинг ёрдамида қаттиқ тер тўкиб гилам тўқиш, девор уриш, уй қуриш ҳунарларини ўрганиб олибди. Кейин шундай бир гилам тўқибдики, унга маллика ўтирган кўшқнинг шундоққина ўзини кўчирибди-қўйибди. Қирқ канизаклар орасида малика гул-гул очилиб ўтирган

эмнш. Раққосалар хиром қилаётганмиш, созандалар соз ча-  
лпб ўтирганмиш. Ариқдаги сувнинг шарқираши эштилаёт-  
гандай, богдаги гулларнинг анвойи ҳиди анқиб тургандай  
эмиш. Кейин лойдан бир девор урибди, унга шуидай гул-  
лар солган эмишкн, асти қўяверинг: худди ҳозиргина узиб  
олгандаймиш. Қўрган уйини таърифлашга сўз топилмас-  
миш. Маликанинг кўшкидан ўтса-ўтибдики, асти кам эмас-  
миш. Малика гиламини кўриб қойил қолган бўлса, деворни  
кўриб зўрлигига тан берибди. Уйни кўриб зўрлигидан кўнг-  
ли кетиб қолай дебди. Кейин: «Тан бердик, ҳунарингиз зўр  
экан»,— дебди. Тўйга рози бўлибди, ҳуштак ҳамма нарса-  
ни муҳайё қилибди. Уч кечаю уч кундуз тўй-тамошо қилиб  
маликани ўзи олибди, қирқ канизакни қирқ йигитига олиб  
берибди. Қирқ йигит қирқ вилоятга бориб, ўз хотинлари  
билан тинч-тотув яшай бошлабди. Абдуқодирнинг уйланган-  
ига ҳаммадан ҳам Вов-вов билан Миёвқал хурсанд бўли-  
шибди. Абдуқодирни, мадрикани уйида қолдириб, доимо овда  
юриб, гоҳ ўзи отиб, гоҳ ҳуштаквойнинг ёрдамида ўрдак,  
ғоз, каклик, беданаларни қаторлатиб уйга олиб келиб, маза  
қилиб гаштини суриб яшашда қўййлик-да, гапни хотини-  
нинг юртидан эшитайлик:

Маликанинг отаси қизи билан қирқ канизак ўртоқлари,  
яшаб турган арки билан бир аумда ғойиб бўлганига тозаям  
жаҳли чиқиб кетибди.

«Қизимни топсанг — топганинг, бўлмаса, ҳаммангни  
қириб ташлайман!»— деб вазиру уламоларини қийнаб, азоб-  
уқубатга солибди. Фолбинга қаратибди, қизининг қаерда  
эканлигини айтиб беролмабди, қуръа ташлатибди, қизининг  
қаердалигига қуръага ҳам тупмабди. Подшо даргазаб бўлган-  
идан бўлаверибди. Куилардан бир куни шу подшоликда  
айёрликда жодугарларга ҳам дарс берган, қанчадан-қанча  
сеҳргару жодугарларни енгиб чиққан мастон саройга кириб  
келибди-да, подшога қараб:

— Менга бошдан-оёқ сарпо қилсанг, тиллага ботирсанг,  
қирқ хачир, қирқ қўй, қирқта мол берсанг, қизингни қаер-  
далигини айтибгина қолмай ёнингга олиб келиб қўймак,—  
дебди. Подшо, айтганингни бераман, қизимни топиб берсанг  
бўлгани, деб рози бўлибди. Мастон кампир мастонлик кн-  
тобиви олиб, кўнглини ёмонга буриб, йўл юрибди, йўл юрса  
ҳам мўл юрибди, охири Абдуқодир турган жойга етиб ке-  
либди. Абдуқодир овда экан, малика уйда ул-бул ишлар би-  
лан банд экан. Остонада кампир кўриниб, хушхулқ билан  
маликага қараб:

— Ассалому алайкум!— дебди. Малика ҳеч ким йўқли-  
гидан суюниб ичиди: «Буни менга худо етказди. Зеркиб

ўтирган эдим. Гаплашиб маза қиламан»,— дебди. Кейин овоз чиқариб:

— Келинг, онажон! Келаверинг, яхшилар учун эшигимиз доимо очиқ,— дебди. Кампир ичкарига кирибди. Малика дастурхон ёзиб, нон-чай қўйгандан кейин:— Қаерлардан сўрайлик, онажон?— дебди.

— Э, нимасини айтасиз, болам. Сиз сўраманг, мен ҳасрат тўла дастурхонимни очмай. Мен асли қарқиноқликман. Эрим ўлиб, ўғлим қолган эди. Ўғлимнинг йпртигига ямоқ, дардига даво бўлдим. Келган бало-қазони унга демадим, ўзимга олдим. Уйланди-ю айнади-қолди. Косанг оқармагур келин мени сарсон-саргардорлик кўчасига отди. Боламга эрта ёмонлади, кеч ёмонлади, охири уни менга бутунлай қарши қилиб қўйди. Ўзимнинг болам мени ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ дейдиган бўлди, кун тугсаям, ой тугсаям хотинига деди. Охири бўлмади, кўчага ҳайдаб юборишди. Юриб-юриб, болам, сизникига келди қолдим,— деб кўзига ёш олибди мастоп кампир.

— Йиғламай, онажон. Бизникида юраверасиз. Сиз она, биз сизга фарзанд бўламиз,— дебди оқ кўнгиллик билан малика.

— Эрингиз нима деркин?— дебди кампир ўсмоқчилаб.

— Эрим ҳам ўғлингиз,— дебди малика яна соддалигига бориб,— «сен ёлғиз эдинг, ана энди она — ҳамроҳ топилибди», деб, у киши қайта хурсанд бўладилар, мана кўрасиз.

Мастоп кампир хурсанд бўлганини билдириш учун йиғидан тўхтаб, кулиб қўйибди. Кеч бўлибди, Абдуқодир овдан қайтибди. Вов-вов билан Миёвқал кампирни кўриб, унга ёпишиб талай бошлабди. Кампир дод деб уёққа қочибди, вой-вой деб буёққа қочибди. Бир пайт Абдуқодир қўлига калтак олиб, ити билан мушугици олдига солиб ҳайдабди. Кучук хафа бўлиб, ҳаятнинг бир бурчагига бориб йиглаб ўтирибди. Миёвқал ҳаятнинг бошқа бир бурчагига бориб, у ҳам йиглаб ўтираверибди.

Абдуқодир ичида уларга ачиниб «чакки қилдим-да», дебди.

— Болам, мушугинг билан итинг ёмон талади-да,— деб кампир хафа бўлган экан, Абдуқодир:

— Онажон, танимасини сийламас, дейишади, хафа бўлмайсиз энди. Ўзларингизга тоза адабини бердим. Энди сизга ҳечам тегишмайди,— дебди. Кейин, у ҳам, кимсиз, қайдан келиб қайга кетаяпсиз, деган экан, малика ҳамма гапини айтиб берибди. «Майли, сенга эрмак, ёлғиз ўтириб зерикмайсан!»— дебди. Кампир, ёзилди келай деб ҳовлига чиққан

экан, мушук билан кучук гаплашаётганини эшитиб қолибди.

— Бу мастон кампир-ку, маликани олиб қочиб кетгани келган. Наҳотки хўжайин шуни билмаса?— дебди Вов-вов.

— Билганда уйга қўярмиди, келган заҳоти қувиб чиқарарди. Маликаям содда экан, шу кампир-мастонни отаси юборганини билмай ўтирса-я,— дебди Миёвқал унга жавоб бериб. Кампир бу гапни эшитиб ичкарига кириб:

— Болам, нега уйда ит билан мушук асрайсиз, ахир, бу иш хайрли эмас-ку. Худога ҳам маъқул тушмайди-ку, уларни йўқотинг,— дебди.

— Отажон, улар менинг содиқ дўстларим. Иккови жуда ақлли, ҳамма гапга тушунади. Уларсиз мен яшай олмайман,— дебди. Кейин:— Мана кўрасиз, итим билан мушугим сиз билан дўстлашиб кетади ҳали,— дебди. «Дўстлашиб бўлман. Вақтини топсам уларни ўлдириб, қонини ичман,— дебди кампир ичди, сиртида бўлса:— Тўғри айтасиз, ундай бўлса, албатта дўстлашиб оламан»,— дебди.

Тонг отибди. Абдуқодир ити билан мушугини олиб, овга кетмоқчи бўлибди. Кучуги ҳам, мушуги ҳам овга бормайман деб тихирлик қилиб, ҳеч юрмай туриб олибди. Абдуқодир буларга нима бўлди, қолдирсам опамга тегажоқлик қилмасин тегин, деб қўярда-қўймай, ҳар икковини судраб мажбуран овга олиб кетибди. Малика ёлғиз қолгач, кампир ундан қаердан келганлигини сўрабди. Малика оқ кўнгиллик билан ҳамма гапни айтиб берибди. Шунда кампир:

— Эригизнинг қандай хосияти бор эканки, ўшандақа ота жойингиздан ин йўқ, тин йўқ, бир зумдаёқ олиб келган бўлса? Ҳечам ақлим бовар қилмаяпти,— дебди.

Кампирнинг жуда мулойим сўзларидан, меҳрибон муомаласидан эриб, малика эрининг сирини айтиб қўйибди.

— Ўглигизнинг бир антиқа сирлари бор,— дебди.

— Қанақа сир экан?— деб сўрабди мастон кампир. «Нима қилиб қўйдим»,— деб маликанинг ўйланиб турганини кўрган мастон:

— Майли, айтмасангиз айтмай қўя қолинг сирини. Би-лишга муштоқ ҳам эмасман,— дебди мулойимлик билан. Мастон кампирнинг бу гапи маликани баттар эритиб юборибди.

— Тилларининг тагида бир ҳуштаклари бор,— деб ҳикоясини бошлабди келини тушмагур.— Шу ҳуштакни қўлларига олиб, унга қараб: «Ҳуштак!» дейдилар. Кейин нима хизматни буюрсалар, ҳуштак дарров бажаради.

Кампир маликанинг гапларини жон қулоғи билан тинглаб, ҳамма сирни билиб олибди. Орадан кунлар, ҳафталар

ўтибди. Кампир хушмуомаласи, ширин сўзлиги, меҳрибонлиги билан малика ва Абдуқодирни шунчалик ўзига ром қилиб олибдики, ҳатто ораларидан қил ҳам ўтмайдиган бўлиб қолибди. Ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетибди. Кунлардан бир куни кампир маликага қараб:

— Болам, сиз ҳам, мен ҳам бозор-ўчар қилиб, овқат пишир, кир юв, эшик супур, сув сепдан жуда чарчадик-ку, ҳа, бундоқ эришгиздан бир кун-ярим купга ҳуштагини сўраб олиб қолмайсизми. Ахир, бу текин хизматкор. Уй ишларини қилиб ўтин ёрмайдими, сув келтирмайдими, овқат қилиб нон-пон ёнмайдими, бозор-ўчарга бориб харажат қилмайдими. — дебди. Малика унга қараб:

— Тўғри айтасиз, онажон, ҳар куни овга бирга олиб кетдилар. бизга ҳам ҳуштаквойнинг ёрдами оз-моз тегсинда, — деб кампирнинг ҳийласига лаққа тушибди. Кечаси эри овдан келгач, кўрпада унга қараб шундай дебди:

— Биз она-бола жуда қийналиб кетяпмиз: ўтин ёр, сув келтир, нон ёп, сув сеп, эшик супур, кир юв — ҳаммасига улгуриш керак. Онамлар қариллик қилиб қоляптилар. Мен бўлсам, бунақа ишларни илгари қилмаганимдан шошиб колянман. Сиз бўлсангиз, парвойи палаксиз. Бундоқ ёрдам берай ёки хизматкор топиб берай, демаясиз, — дебди. Эрига араз қилиб тескари қараб олибди. Йигит: «Хотиним тўғри айтаяпти. Шунча иш буларга қолган», — деб ўйлабди. Эрталаб қизнинг димоқ-фироғини кўриб, кампир ундан гап сўрабди. Қиз бўлган гапни айтиб берибди. Уқ ишонга бориб текканини билиб мастон кампир яна маккорлигини ишга солибди.

— Қўйинг, қизим, ҳамма нарсани эрга айтилавермайди. Ахир, у эркак-ка, уларнинг ташвиши ўз бошидан ошиб-тошиб ётади. Қийин бўлса бўлар, мана мен бор. Икковлашиб қилармиз, — дебди. «Қандай меҳрибон онамиз бор-а», — дебди ичида. Абдуқодир. Кейин хотинига қараб:

— Нима қил дейсиз, жоним, бир оз сабр қилинг, бозорга бориб хизматкор сотиб олиб келиб бераман, — дебди.

— Менга бозордаги исқирт хизматкор керак эмас, — дебди малика. Кейин араалаб юзини тескари буриб олибди. Кампир, қўйинг қизим, ундай қилманг, деса ҳам қулоқ солмай, тескари қараганича йнглаб ўтираверибди. Шунда Абдуқодир:

— Бўлмаса нима қилай, айтинг, ахир, — дебди.

— Тилингиз тагидаги ҳуштагингизни ташлаб кетасиз, тамом-вассалом. Зора огир ишларимизни енгил қилиб, сув-пув келтириб, овқат-повқатларимизни тайёрлаб, бозор-ўчаларимизни қилиб берса, — дебди малика.

— Ҳуштакдан гап очманг иккинчи уни ўзимдан зин-  
ҳор йироқлаштирмайман,— дебди Абдуқодир.

— Ҳалл шундайми, бўлмаса бўпти. Эртага аямизга жа-  
воб беринг. Ўзимни отамнинг юртига олиб бориб қўйинг.  
Елғиналликдан она-бола зериккиш уёқда турсин, оғир ишлар-  
ни қилавериш бўлганимизча бўлди. Озиб-тўзиб, адоин та-  
мом бўлиб, ўлар қолга келдик,— деб малика йиғлашга ту-  
шибди. Абдуқодир кўнгли бўшлиқ қилиб, «ҳа майли, фа-  
қат бир кунга қолдирсам қолдирай»,— дебди-да, овга кетиш  
олдидан «ҳуштаквой ҳо ҳуштаквой, келинчакнинг тили  
остига кир»,— дебди. Ҳуштак: «Хўп-хўп», хизматингизни  
бажарганим бўлсин»,— деб лип этиб маликанинг тилининг  
тагига кириб олибди. «Бўлдим, хурсандимсиз энди?»— деб  
Абдуқодир овга жўнамоқчи бўлибди. Кучук билан мушук  
бири миёвлаб, бири гиншиганича турган жойларидан сил-  
жишмабди. «Ҳа, сенлар ҳам қола қолларинг»,— деб Абду-  
қодир йўлга отланибди: Шунда мастон кампир:

— Тўхтанг, болам, шу итигиз билан мушугингизни  
йўқотмадингиз-да, ҳеч бўлмаса олиб кетинг, бизга халақит  
беради,— дебди. Абдуқодир Вов-вов билан Миёвкалини хо-  
ли-жонига қўймай, ўзи билан бирга овга олиб кетибди.

Уйда она-бола ёлғина қолишгач, мастон кампир қизга қа-  
раб: «Болам, ҳуштаквойнингизга иш буюринг-чи, қани ба-  
жара олармикан»,— дебди. Шунда малика: «Ҳуштак, ҳо,  
ҳуштак!»— деб чақирибди. Ҳуштак унинг тилининг тагидан  
чиқиб. «Лаббай, хизматингизни айтинг»,— дебди. Она-бола  
у ишни айтишибди, ҳуштак бирпасда бажарибди, бу  
ишни айтишибди, ҳуштак дарров ўрилатибди. Бир пайт  
малика ҳуштакни қолдириб айланиб келгани кетган экан,  
мастон кампир: «Ҳо, ҳуштаквой, қани, менинг тилимнинг  
тагига кир-чи»,— дебди. Ҳуштак жойида қимирламай тура-  
верибди. Шу пайт малика уйга кириб келибди. Мастон кам-  
пир: «Қизим, ҳуштагингизга қаранг, хў, ҳуштаквой, қани,  
қизимга ўхшаб менинг ҳам тилимнинг тагига кир-чи, кир-  
маяпти, қани, сиз айтиб кўринг-чи»,— дебди. Малика  
қани, тилим тагига кир, деган экан, ҳуштак, хўп бўлади,  
деб дарров унинг тилининг тагига кириб олибди. Кампир,  
вой бў, вой бў, деб маликани аврай бошлабди. Кейин:

— Қани, оймнинг тилининг тагига ҳам кир, денг-чи,  
менинг тилими остига ҳам кирармикан,— дебди. Малика  
яна унинг айтганини қилибди. Бир пайт кампир даҳанини  
тушириб, оғзини тандирдай очиб турган экан, ҳуштак югу-  
риб бориб унинг тилининг тагига кириб олибди. Кампир:  
«Болам, чанқадим, бир пиёла сув беринг»,— дебди. Малика  
сувга кетганда, «хў, ҳуштакжон!»— дебди. Ҳуштак: «Лаб-

бай, хизматингизни бажараман»,— дебди «Хуштакжон, бизни турган жой-поймига билан маликанинг ота юртига олиб бориб кўй!»— дебди. Хуштак бирпасда ҳеч нарсани қолдирмай, тўппа-тўғри маликанинг ота юртига олиб бориб кўйибди.

Абдуқодир ов овлаб уйига қайтиб келса, ҳаммаёқ вайрон эмиш. Уйлар ўрнида кул тепа турган эмиш. Кучук вовуллаб, мушук миёвлаб ҳаммаёқни бузиб, Абдуқодирнинг юрагини эзиб юборибди. Болапинг кўнгли бузилиб, ёридан айрилиб қолганидан бўзлаб, «эх, аттанг, эҳ, аттанг», деб кўкрагинг захга бериб ётиб олибди. Қирқ йнгит ҳам бу гапдан хабар тошиб, хотинларини эргаштириб, Абдуқодирнингига етиб келишибди, унинг аҳволига ачпишибди, қайғуришибди. Нима қилишни билмай бошлари қотибди. Буларни боли қотишда, Абдуқодирни кўкрагини захга бериб ётишда кўйиб, икки оғиз гапни маликанинг ота юртидан эшитинг.

Малика бир пайт кўзини очиб қараса, отасининг юртида турган эмиш. Рўпарасида отаси унга дўқ-пўписа қилиб: «Қаерларда эдинг, баччагар?» деб ўдагайлаётганмиш. Онаси — кампир қаҳ-қаҳ уриб, подшодан шарақ-шарақ олтинларини олиб, хуржунларга жойлаётган эмиш. Малика, тушимми-ўнгимми, деб ён-верини чимдиласа, бадани оғрибди. «Ҳа-а, ўнгим экан. Оббо лаънат, буни опам, анави жодугар қилибди-да, Абдуқодир қани; ўз уйим қани?»— деб кампирга ташланибди. Соқчилар уни ушлаб олпишибди. Шунда кампир қаҳ-қаҳ уриб кулиб: «У исқиртни унут энди, унаштириб қўйилган шаҳзода ёринг бор, ўшапга берамиз»,— дебди. «Қўлимга тушсанг сени ўйим бурда-бурда қилиб, қопингни ичаман,— дебди малика ғазабдан титраб. У шундай дебди-да, ҳушидан кетиб йиқилибди. Эндиги гапни Миёвқал билан Вов-вов тўрадан эшитинг.

Хотинидан ажралиб ҳушсиз ётган Абдуқодирни кўриб Миёвқал билан Вов-вов жудаям қайғуришибди. Бир пайт Миёвқал Вов-вовга қараб:

— Ҳой, Вов-вов тўра, гапларимга яхшилаб қулоқ тут, ўзинг биласан, хўжамиз бизга хўжа эмас, энг яқин дўст, у бизга кўп яхшилик қилган. Бизни боқиб катта қилди, ўзи нима еса, бизга ҳам едирди. Қаттиқ совуқларда ўзи совқотса ҳам бизнинг совқотишимизга йўл қўймади. Энди бошимга оғир кун тушганда биз қўл қовуштириб тураверамизми! Биздан ҳам бир савоб иш қолсин-да, холис хизмат қилиб, уни мушкул аҳволдан қутқазаёлик, дебди. Шунда Вов-вов тўра:

— Балли, Миёвқалжон, дилымдаги гапни айтдинг, ал-

батта ёрдам беришимиз керак. Йўқса ўлиб қолади, у ўлса, айрилиб қоламиз, айрилиб қолсак, сен билан менга қийин бўлади,— дебди. Миёвқал билан Вов-вов тўра гапни бир жойга қўйиб, белга нонни тугиб, Абдуқодирга билдирмай, малика бувишимнинг юрти қайдасан, деб йўлга отланибди. Миёвқални томма-том сакрашда, омбирма-омбир ўтишда, Вов-вов тўрани эгри-бугри йўлларда қуёндек чопишда қўяй-лиқ-да, эндиги гапни Абдуқодирдан эшитайлик.

Абдуқодир ўзига келиб кучугини йўқлабди — Вов-вов тўра келмабди, кейин мушугини чақирибди — Миёвқал кўриниш бермабди. Кучугим ҳам, мушугим ҳам бевафолик қилиб, мени шу аҳволда ташлаб кетибди, деб қаттиқ қайғурибди. Дардига дард қўшилиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Абдуқодирни тўшакда ётишда қўйинг-да, гапни Миёвқал билан Вов-вов тўрадан эшитинг.

Иккови йўл босиб, йўл босса ҳам мўл босиб, роппа-роса қирқ кун деганда бир мамлакатнинг устидан чиқишибди. Юраверганларидан оёқлари қавариб, шишиб кетибди, юнглари тиканлар титибди. Уларнинг ҳолига сичқонлар аза тутибди, қаламушлар йнглабди. Вов-вов тўранинг тили бир қулоч бўлиб осилиб кетибди. Миёвқалнинг кўзларини қон аралаш йирниг қоплабди. Вов-вов тўранинг вовуллашга ҳам, Миёвқалнинг миёвлашга ҳам ҳоли қолмабди. Бир пайт ўзларига сал келиб, йўл устидан чиқиб қолган мамлакатга қарашибди. Тикилиб қарашса, худди ўзларининг маликалари мамлакатига ўхшармиш. Аммо негадир ҳамма югур-югурда, ҳамма қандайдир ташвишда эмиш. Миёвқал билан Вов-вов тўра дамларини олишиб, ўзларига қарашиб, соч ва думларини тарашиб, хушсурат, хушхулқ бўлиб, аста-аста малика бувиларининг саройига кириб боришибди. Бир чеккада бошларини қисиб туришган экан, бирдан маляканинг кўзлари уларга тушиб қолибди. Малика ўзида йўқ хурсанд бўлиб: «Вой ўзимнинг мушукжоним, вой ўзимнинг кучукжоним, вой ўзимнинг Вов-вов тўрам!» — деб уларнинг олдига чопқиллаб келиб, яна бошқатдан юиб-тараб, шиллиган оёқларига дорн-дармон қилиб, олдиларига турли-туман овқатлар қўйиб, тозаям парваришлай бошлабди. Малика ўзиям жуда сиқилган, тўраси Абдуқодирни тозаям соғинган экан-да! Кучук билан мушукни кўриб, анча вақти хуш бўлибди.

Малика ёшлигида илми жодуни оами-кўпми ўрганган, пари дугоналари билан бирга ўйнаб-кезганда, улардан сеҳр, дуо, жодулик сирларини билиб олган эди. «Булар кимга керак»,— деб уларни ишга солмасди. Кучук билан мушук-

майсанми?— деб сўрабди. Балиқ устидаги таңгалардан бирини олиб, болага қараб отибди:

— Қўрқмасдан шунга ўтир-да, ўзингни кўлга ташла, таңга сени сувга чўктирмай, нариги томонга олиб ўтади.

Бола таңгага ўтириб, кўлнинг нариги қиргогига эсон-омон ўтибди. Шунда таңга тағида сувда бирга борган балиқ:

— Керак бўлсам чақиртирасан,— деб мўйловидан бир тук олиб болага берибди. Бола унга раҳмат айтиб, йўлда даров этибди. Йўлда кетаётса, бир сўқмоқ чиқибди. Сўқмоқдан кетаверибди-кетаверибди. Бир пайт олдидан бир гор чиқибди. Горнинг ичи қош-қоропги эмиш. Ҳеч нарса кўриб бўлмас эмиш. Бола ўйлаб ўтирмай, дадил горга кирибди. Горнинг ичида бирдан аёл кишининг йиғисига ўхшаган овоз келибди. Яқинроқ борса, бир тош қиз болага ўхшаб турганмиш. Бир кўзидан марварид, бошқа кўзидан ёқут-дур тушаётган эмиш. Бола, балиқ айтган тош-қиз шу бўлса керак-да, деб унга қарамай, зар-ёқутларни писанд қилмай, йўлда даров этаверибди. Горда кетаётса, рўпарасидан яна бир гор чиқибди. Унинг олдида бир арслон билан бир от боғлоғлиқ турганмиш. Отнинг қаршисида гўшт, арслоннинг ёнида беда ётган эмиш. Бола бедани олиб отнинг олдига солибди, гўштни олиб арслоннинг ёнига қўйибди. Арслон бир бўкириб, болага йўл берибди. От бўлса бир кишнаб тизгинини узибди-да, боланинг олдига келиб, мин, дегандай бир ённи паст қилибди. Бола дарров отга миниб олибди. Шу заҳоти от уни горнинг ичига суриб кетибди. Бир ерга борганда от тўхтабди. Болага, устимдан туш, дегандай қилибди. Бола отдан тушиб ёнига қараса, бир темир дарвоза турган эмиш. Уни аста очиб кирса, бир паланг от турганмиш. Отнинг тизгинини бир ялмоғиз кампир қўлида ушлаб турганмиш. Бола аста кампирнинг қўлида тизгинини олиб, дарров отга минибди-да, ённи силабди. Шу пайт от қимирлабди. Отнинг қимирлаганига тоғлар шақир-шуқурлаб кетибди. Кампир уйғошиб, дод-вой қилганича қолаверибди. Паланг от болани миндирганича тоғни ёриб, осмон-фалакка кўтарилди. Осмонда булут орасида учиб бориб, бир ерга қўнибди. От тушган жой ёрилиб, бола билан уни ютиб юборибди. Бола қўрқанидан кўзини юмиб олган экан. Бир пайт кўзини очиб қараса, бир жойда ётган экан. Бу шундай жой эмишки, ариқларда сув ўрнида шарбат оқиб ётганмиш. Дарахтлардаги мевалар олтиндай товланармиш. Чандан ҳам, ўнгдан ҳам кун чиқиб турганмиш. Дарахтларда мевалар билан бирга ёқут, дур, гавҳарлар осилиб ётганмиш. Бола паланг отни етаклаганча анқа-

йиб кетаётган экан, рўпараспдан бир қаландар чиқиб қолибди. Қаландарга қараб бола:

— Ассалому алайкум, бобожон,— дебди. Қалапдар саломга алик олди, боладаи жудаям хурсанд бўлибди. Кейин:

— Йўл бўлсин, болам,— дебди. Бола оқ отнинг отига чопганни айтиб, ундан бўлган тойчоғини излаб юрибман, дебди. Шунда қаландар болага қараб:— Салом бериб, мени хурсанд қилиб, гап сўрадинг. Одобли бола кўринасан. Сенга ёрдамлашганим бўлсин. Аммо ённигдаги палаиғ отви менга берасан,— дебди. Шунда бола:

— Майли, отахон, бу от сиздан айлансин, манг, ола қолдинг,— деб отнинг тизгинини унга тутибди. Шунда қаландар:

— Саховатинга балли, менга от керак эмас. Бу от ҳам сенга буюрсин,— дебди-да, орқамдан юр, деб уйига олиб бориб, тозаям меҳмон қилибди. Кейин болага қараб:

— Отинг Гулрухсорнинг отхонасидаги тулпорлар орасида. Унинг олдига кириш мумкин эмас. Отингни от бўлиб отмас. эшак бўлиб эшакмас бир жонзот билан Қора девга ўғил бўлган махлуқот ҳеч кўздан қочирмай қўриқлайди. Аммо хафа бўлма. Изолаганга толе ёр, дейдилар. Гапимга яхшилаб қулоқ сол. Мен сени подшонинг саройига бир иложини қилиб олиб кираман. Подшо даргазаб бўлгандан даргазаб бўлади. Сен бўлсанг, тойимга келдим, тойимни бер, деб ўз сўзингда туриб оласан. Шунда подшо қизини чақиради. Қизи қўйиб подшо, подшо қўйиб қизи сени саволга тутади. Уларнинг саволларига ҳечам қўрқмай дадил жавоб бер. Осмондаги ойни олиб туш, дейди қиз. Шунда сен, саройда битта ой турганда иккинчисига ҳожат бормикап, дейсан-да, маликанинг ўзини кўрсатасан. Жавобингдаи малика хурсанд бўлиб, шодлигидан чапак чалиб, топдинг, дейди. Подшо, вазирининг кўзини қайтарасан, дейди. Шунда сен кўзингни вазирнинг кўзига шундай тиккини, қорачининг унинг қорачиғига қадалсин. Вазир чидаб туролмай кўзини олиб қочади-да, у енгди, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолади. Вазирнинг кўзи бор. Аммо саройга кирган кини кўпроқ подшонинг даҳшатидан, саройнинг дабдабасидан қўрқиб йиқилади. Буни вазирнинг кўзидан кўришади. Бунинг устига вазир шу кунларда подшодан аразда бўлиб, ундан ўч ололмай юрган пайт. Сеннинг қарашингга бардош беролмай, енгилдим, деб айтишига менинг ишончим комил. Подшо, тулпорингни топиб ол, деб айтади. Табладаги отлар орасидан тулпорингни топиб олиш жуда қийин, аммо бунинг ҳам иложи бор. Отлар орасида оқ отдан пайдо бўлган тулпорлар ҳам, от қиёфасига кириб олган девлар ҳам, тулпор ту-

кетиб, дарё сувига оқади-кетадп, дебди. Икки орадаги тортишув бора-бора жанжалга айланиб кетибди. Кейин Миёв-кал қараса, ишлар чатоқ. Хуштакни бугун олиб бориб хўжайинга топширмаса, маликадан айрилиб қолишларини билди, Вов-вов тўрага ёп босибди. «Қайсарлигинг қолмади-қолмади-да, шу қайсарлигинг бир кунмас-бир кун бошинга етмасайди, деб қўрқаман», — деганча Миёв-кал хуштакни Вов-вов тўрага берибди. Вов-вов тўра хуштакни оғзига солиб, мушукни устига миндириб олиб, дарёдан ўта бошлабди. Дарёнинг қоқ ўртасига келганда нариги қирғоқдаги беш-олтита итчи кўриб қолибди. Уларга, нари кетларинг, йўлимни тўсмаляринг, деб Вов-вов, «хирр-хир» қилган экан, хуштак дарёга тушиб кетибди. Ит билан мушук ҳақиқий ит-мушукка айланишибди. Олиша-олиша қирғоққа чиқиб қолишибди. Яна ақлни ишга солиб, хуштакни ахтариб, қирғоқ бўйлаб сув оқимига қараб чопа бошлашибди. Ит билан мушукни дарё қирғоғида чопишда қўйиб, икки оғиз гапни дарёнинг тагидан эшитайлик.

Хуштак дарёга сакраб тушганда, дарёнинг тагидан ётган каттакон бир балиқ уни кўриб қолиб, овқат-повқатми деб ютиб юборибди. Кейин сув оқимига қараб сузиб кетибди. Шу пайтда бир тўда балиқчилар дарёга тўр солиб: «Э, худо, ризқимизни бер!» — деб турпшган экан. Миёв-кал билан Вов-вов тўра бу ерга етиб келиб, зора шу тўра хуштагимиз ҳам илвиниб қолган бўлса, деб бир четда қараб туришаверибди. Балиқчилар бечора ит билан мушуквойининг қорни оч бўлса керак-да, булар ҳам балиқ тушишини кутушяпти, деб уларни ҳайдашмабди. Бир пайт балиқчилар тўрни сувдан олишибди. Қарашса тўр ичида каттакон бир балиқ турган эмиш. Уни зўрга қирғоққа тортиб олиб чиқишибди. Шу балиқни бошлаб қовуриб ейлик, шу ерда, дейишибди-да, сўйишибди. Ичак-чавоғини бир четга итқитишиб, олинлар, енлар деб, мушук билан итга қарашибди. Мушук билан ит ичак-чавоқни ҳидлаб-ҳидлаб унинг бир четида хуштак ётганини сезиб қолишибди. Кейин ўша жойни тишлаб узлиб олиб, хуштакни чиқариб олишибди-да, дарров мушук оғзига солиб олибди. Икковлон яна чопқиллаганича томма-том сакраб, омбирма-омбир ўтиб, оёқларига тикан кириб, шилиниб кетса ҳам парво қилмай йўл босишибди. Бир пайт ҳапсираб-ҳапсираб, Абдуқодирнинг олдига етиб боришибди. Бориб қарашса, Абдуқодирнинг жовни чиқай-чиқай деб, ҳали ҳам кўкрагини захга бериб ётганмиш. Миёв-кал билан Вов-вов тўра унинг олдига бориб йскашибди. Абдуқодир кўзини очиб, уларга қарабди-да, таниб, ўрнидан даст турпб кетибди. «Мен, сизлар ташлаб кетдинглар, деб бекор хафа

бўлиб ётган эканман»,— дебди. Шунда Миёвқал: «Катта-кичикнинг гапига кирмаган одамнинг ҳоли шунақа бўлади»,— деган экан, Вов-вов тўра ер остидан мушукка бир ола қараш қилибди. «Бир-биримиздан гина қилиб, адн-бади ай-тиб ўтирадиган пайт эмас, тез бўлинг, мана буни олинг-да», ишга киришинг»,— деб тилининг тагидан ҳуштакни олиб Абдуқодирга берибди. Абдуқодир ҳуштакни дарров тилининг тагига солиб: «Маликани тахти-нахти билан, мол-дунё-сию кампир-мастони билан — ҳаммасини олиб келтириб, оёгим остига ташла!»— дебди. Бирнаса малика кўшки, тахти равони, мастон бўлса кулба-мулбаси билан Абдуқодирнинг ҳузурда найдо бўлибди. Маликани қайтиб ўзига никоҳлаб олибди. Подшохи ўлдирмоқчи бўлган экан, малика кўймабди. Мастон кампирни уй чўриси қилиб, кул олгич, эшик супургич, кпр ювгичга айлантириб, ҳор-зор қилиб ишлатибди. Ит билан мушугига раҳматлар айтиб, роса иззат-икромлар кўрсатибди. Қирқ жўрасининг ҳам кўнглини иод этиб катта тўйлар қилибди. Шундан кейин ҳамма овини овлаб, бахтли ҳаётни бошлаб, шоду хуррам бўлиб, мурод-мақсадига етибди.

«Ким қилмади, ким тортмади», деб шуни айтадилар-да. Эртагим тамом, тун яримлади, қолгани эртага, вассалом,

## ШАМОЛ БОБО

Ўтган қадим замонларда уч ака-ука бўлган экан. Улар бирга ўсиб, бирга яшаб вояга етишибди. Оталари уларни уйлантириб, бола-чақали қилгач, улардан бири — катта ўғил ўзини деҳқончиликка урибди. Дон экиб, катта-катта хирмон кўтариб, кундан-кунга бойиб кетаверибди. Уртанча ўғил ўзини мол-қўйга урибди. Кундан-кун туёғи кўпайиб, кўраси ошиб, бу ҳам бою бадавлат бўлаверибди. Уртанча ўғил бўлса ўзига қосибчиликни танлаб, бу ҳам касб-ҳунари орқасида бойиб, пиру бадавлат кишига айланибди. Ака-укаларнинг аҳил-иноқликда яшашларини айтмайсизми! Жуда бир-бирларига меҳрибон бўлишиб, борди-келдини сира узишмас, бир-бирларини сийлаб меҳмон қилишаркан. Ҳамманинг ҳаваси келармиш. Ота-оналари, болаларимиз яхши ўсди, аҳил яшашяпти, деб хурсанд бўлишибди. Кейин бири-кетин оламдан ўтишибди. Ака-укалар, энди тағинам аҳил бўлайлик деб бир-бирлариникига тўппа-тўғри, осонгина бориб келадиган йўл очишибди. Ҳар куни бир-бирларига ош чиқар-

моқ, нон узатмоқда яшашибди. Барака устига барака кириб, бир-бирларидан бойиб, ошиб-тошиб кетишаверибди.

Кунлардан бир куни нима бўлибди-ю, уч ака-уканинг болалари ниманидир талашиб уришиб қолишибди. «Болалар уришса бирпасда ярашиб қолишар», демасдан уч овсин аралашдим, иш чатоқ бўлиши турган гап. Катта келин у деса, кичиги бу дебди, ўртанча келин «а» деса, катта келин «бе» дебди. Бўпти уриш, бўпти жанжал. Жанжални бошлаб берган болалар бир ёқда қолиб, келинлар шунақанги уришиб кетишибдики, уларнинг бақир-чақиригидан етти маҳалла наридаги кишиларнинг қулоғи батанга келибди. Келинлар жанжалига ака-укалар қўшилиб кетишибди. Бўпти жанг-сурон, бўпти жанг-сурон... Ака-укалар ажралишиб, бир-бирларига душман бўлиб қолишибди.

Бундан Шамол бобо ҳам хабар топибди. Аслида Шамол бобо тўполонлар, бўронларнинг отаси бўлиб, қаерда жанжал бўлса етиб борар экан. У ака-укаларнинг жанжалини эшитиб, ўзининг кулбаси — гордан чиқибди-да, йўлга тушибди. Йўлда Адоватни кўриб қолиб:

— Сенга иш топилди. Тез бўл, ака-укаларникига борамиз. Жанжал-тўполон бошланибди, сен бориб уни кучайтирасан,— дебди. Шамол бобо Адоватни ёнига олиб кетаётган экан, йўлларидан Ғазаб чиқиб қолибди. Шамол унга қараб:

— Ғазаб, тез бўл! Ака-ука жанжаллашиб қолибди. Сенга ҳам иш топилди. Улар ўртасига тушиб, бир-бирларига тошдай отилаверасан,— дебди. Ғазаб уларга қўшилибди. Учовлон Шамол бобо, Адоват, Ғазаб кетишаверибди. Йўлда Ажал чиқиб қолиб:

— Ҳа, қаерга кетянсиалар?— деб сўрабди.

— Ака-укалар уришиб қолишибди, яхшиси сен ҳам юр. Уларни қаърингга тортасан,— дебди Шамол бобо. Тўртвон ака-укалар уришаётган жойга етиб боришибди. Ака-ука энди тинчишай деса, Шамол бобо Адоватни юборибди. Адоват бир думалаб бадбашара бўлиб олиб, кичкина аканинг юзига қўнибди. Катта ака билан ўртанча ака кичик укаларининг башарасидаги бадбашара Адоватни кўриб, жанжаллаша-жанжаллаша энди тинчишган экан, Шамол бобо Ғазабни юборибди. Ғазаб бир думалаб қаҳрли бадбашарага айланиб, катта аканинг елкасига қўнибди. Ўртанча ўғил билан кенжа ўғил акадаги Ғазабни кўриб, яна жанжални бошлаб юборишибди. Шундай қилиб, Шамол бобо гоҳ Ғазабни, гоҳ Адоватни ҳар хил қиёфага киритиб юбориб, ака-ука, келин-овсинларни уриштираверибди-уриштираверибди. Бориб-бориб ака-укалар ҳам келин-овсинлар ҳам ҳолдан

тойишиб, бир-бирларини қип-қизил қонга белашибди. Шамол бобо Ажалга қараб:

— Энди сен бор-да, уларни адоин тамом қил,— дебди. Ажал бориб, уларни бирин-кетини ўз комига ютибди. Кейин Шамол бобо кучли чап-тўзонга айланиб, уларнинг уйларини тупроқ билан кўмиб юборибди. Натижада ака-укаларнинг уйлари ўрнида учта тепалик пайдо бўлибди.

Шу-шу одамлар бу тепаликларни ўзларича «Жанжал тепа», «Адоват тепа», «Ажал тепа», деб атайдиган бўлишибди.

## ОЛТИН ҚАСР

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадимларда ҳамма парсаининг сири бўлар экан. Кўзанинг ичида дев, узукнинг кўзида пари яшар экан. Ўрмонда ялмоғиз, горда аждарҳо, қудуқда сеҳргар, дарёда булбул, оймомода аждарҳо Қуёшдаги кун қизга ошиқу беқарор экан-у, аммо ҳечам висолга етолмай, доғу ҳасратда, гоҳ ёниб, гоҳ ўлиб юрар экан. Ушандай замонларнинг замонида бир одам яшаб ўтган экан. Шу одамнинг бир мушуги, бир ити ҳам бўлиб, улар ўша одамнинг яккаю якка ўғли билан жуда ҳам қалш эканлар. Бола вояга етиб, ақли ўзига кириб, оқ-қорани танийдиган бўлибди. Шунда отаси уни синаб кўриш мақсадида қўлига минг танга бериб:

— Мана бу пулни узоқ тўпладим. Энди буй етиб, катта бўлиб қолдинг, шаҳарга бориб шу минг тангага бозор қилиб кел!— дебди. Бола отасидан минг тангани олиб узоқ сафарга отланибди. Мушук билан ит ҳам эргашинган экан, уларни уриб-сўкиб қолдирибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам озгина эмас, мўлгина юрибди. Юриб-юриб каттакон бир шаҳарнинг устидан чиқиб қолибди. Шаҳардаги гумбазлар осмонни ўпай-ўпай деб турган эмиш. Чор атроф гулзор эмиш. Тим қатор кетган расталар, расталарда нима десангиз бор эмиш. Шу куни катта бозор экан. Бола бозор оралаб юриб, бир тўп кишини кўриб қолибди. «Нима гап экан?»— деб яқинроқ бориб қараса, одамлар бир сандиқни ўраб ололмас эмиш. Бола ишонмай сандиқ эгасидан:

— Сандиқнинг неча пул?— деб сўрабди.

— Сандиқим минг танга, бир тийин камига ҳам сотмайман,— дебди сандиқфуруш.

— Шу эски алмисоқдан қолган сандиқингнинг хосияти

нимадаки, уни минг танга дейсан. Минг тангага оладиган аҳмоқ ҳали тугилгани йўқ,— дебди бола.

— Сен олмасанг, бошқаси олади. Сандигимнинг хосиятига келсак, уйинга бориб очасан, ичидан нима чиқса — бахтинг,— дебди сандиқ эгаси. Бола ўйлаб-ўйлаб: «Кел-е, шу сандиқни олиб, бахтимни синаб кўрай, зора бахтим очилаб, бой-бадавлат бўлиб кетсам»,— дебди-да:

— Майли, сандигингни ола қолай. Мана минг тилло,— деб пулни бериб, сандиқни орқалаб ўз юртига жўнабди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Сандиқни орқалаганича қишлоққа кириб борибди. Қишлоқнинг чеккасига етганда ўйлашиб қолибди. Уйга боришга ҳам сабри чидамай, четроқ жойга бориб, сандиқни очибди. Сандиқ ичидан бир илон чиқибди-да, боланинг бўйнига чирмашиб олиб, тилга кириб шундай дебди:

— Ҳой, бола, сен менадан кўрқма. Мен жондор маросилонлар мамлакати подшосининг ўгли Оқ илон бўламан. Мен кўчада ўйнаб юрсам, савдогарлар кўриб қолиб, ўғирлаб олиб қочиб, сандиққа солиб қўйишди. Сен мени уйинга олиб бориб қўйсанг, ота-онанг қилмаган яхшиликларни қиламан. Борди-ю, олиб бориб қўймасаг, ҳозир сенга захар солиб ўлдираман-да, ўзим йўлга чиқаман. Гўштинг қарга-қузгунларга емиш бўлади,— дебди. Бола: «Буни олиб, ота-онаси қаерда, деб жўнасам — узоқ бўлса, йўлларда ўлиб кетсам. Олиб бормаيمان десам, бўғиб ўлдирса. Тозаям қизиқ бўлди-ку? Минг тангага роса ташвишми сотиб олибман-ку?» — деб ўйлашиб қолибди. Буни кўриб Оқ илон:

— Нега ўйлашиб қолдинг? Тез бўл. Яшайсанми ё ўлишга розимсан? — дебди. Бола:

— Мен розиман. Мамлакатнингга борадиган йўлни кўрсат,— дебди охири.

— Раҳмат, иним! — дебди илон боласи унга қараб. — Яхши одамга ўхшайсан. Сен менага яхшилик ундадинг, мен ҳам сенга бир яхшилик қилайки, бутун умр роҳат-фароҳатда яшагин,— дебди-да, йўлни кўрсатибди. Бола илонни сандиққа солиб, уни орқалаб йўлга тушибди. «Илонлар мамлакати қайдасан?» — деб йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз деганда илон тилга кириб: «Тўхта!» — дебди. Бола тўхтаб, сандиқни очиб, илонни ташқарига чиқарибди, шунда илон:

— Отамнинг юртига оз қолди. Эҳтиёт бўлиб юр. Ҳар қадамда хавф-хатар бор. Отам ёмонлар ёндашмасин деб, жуда кўн говларни қўйдириб ташлаган. Айниқса, бизга сенга ўхшаган одамзод ўч. Қаерда бўлса — ўлдиришга ҳаракат қилади. Аслида биз уларга дўстмиз-у, билишмайди-да,—

дебди. Болага илоннинг «Сенга ўхшаган» деган сўзи ботиб кетибди-да;

— Йўлга бошлайвер, мен сен айтган кўрқоқлардан эмасман, — дебди. Бола илонни сандиққа солиб, яна йўлида давом этибди. Бола кетаётса йўлидан ҳар бири туядай келадиган йўлбарслар чиқиб қолибди. Улардан бири ириллаган экан, еру кўк ларзага келибди. Шунда сандиқдаги илон:

— Мени уларга кўрсат. Арслонлар отамнинг соқчилари. Мени уларга кўрсатсанг таниб, сенга ҳеч нарса қилишмайди, йўл беришади, — дебди.

Бола сандиқни очиб, илонни йўлбарсларга кўрсатган экан, улар таниб, дарров йўл бўшатишибди. Бола илонни сандиққа солиб, яна йўлда давом этибди. Кетаётса, ҳар бири ҳодадай-ҳодадай илонлар йўлини тўсибди. Илонлар киши чидаёлмайдиган даражада қаттиқ вишиллашар эмиш, совуғидан тоғу тош музга айланиб қолаётганмиш. Бола кўрқиб кетиб, жойида қоққан қозикдек туриб қолибди. Шунда илон:

— Булар ҳам отамнинг аскарлари. Сен кўрқма, дядя бўл. Сандиқни очиб, мени кўрсатсанг, илонлар сенга йўл бўшатишади, — дебди. Бола сандиқни очибди. Илонни кўрган ҳалиги баҳайбат илонлар ўзларининг тилида: «Ассалом, ассалом», — дейишиб, болага йўл бўшатишибди. Бола йўлида давом этибди. Кетаётса қирқ бошли бир аждарҳо йўлини тўсибди. Аждарҳо шундай баҳайбат эмишки, катта чинордан ҳам улкан эмиш. Ҳар бир панжасига битта уй-жой сигармиш. Оғзини очса, бамисоли ўнгир тоғдаги горга ўхшармиш. Аждар бир пуфлаган экан, бола сандиқ-пандиғи билан бир чақирим ерга учиб кетибди. Шунда сандиқдаги илон:

— Мени сандиқдан чиқар, — дебди. Бола унинг айтганини қилбди. Илон аждарҳога қараб:

— Бу менман-ку, ёнимдаги одамзод — дўстим, — деб бақирибди. Аждарҳо:

— Ҳа, сенмидинг, ўтавер! — деб йўл бўшатибди. Бола илонни сандиққа солиб олиб, охири илонлар подшосининг олдига етиб борибди. Сарой олдида сандиқдаги илон: «Тўхта!» — дебди. Бола тўхтаб, уни сандиқдан чиқарибди. Шунда илон:

— Ҳозир саройга кирамиз. Саройга кўпам анқайиб қарайверма. «Ўқасрим сирини билиб олгани келибди», — деб отамнинг жаҳли чиқади. Яқинроқ боравер, кўрқма. Отам: «Ия, бу одамзод-ку?!» — деб, сени ютиб юборади. Шунда

ҳам қўрқма. Мен сени чиқартириб оламан,— дебди. Ютиб юборади, деганидан қўрқиб кетган бола:

— Ия, қизик гапирясан-ку. Мени ютиб юбориб яна қандай чиқаради? Мен нима, ўриқнинг данаги эдиммики, ютиб юбориб чиқарса. Йўқ, бу гапинг кетмайди,— дебди. Илон унга қараб кулиб:

— Қўрқма, биз илоиларда хиёнат бўлмайди, айниқса, дўст-биродарликка хиёнат қилмаймиз,— дебди. Бола унинг гапига ишониб саройга кирибди. Сарой шундай безалган эмишки, кўрган киши анқайиб, турган жойида қотиб қолармиш. Бу тилло нақшлар, бу тилло деворлар, ҳаммаёқ дунёда йўқ гуллар билан безалган эмиш. Болапинг оғзи очилиб, анқайиб, йўлидан адашаёзган экан, илон бир туртиб ўзига келтирибди. Кейин қулогига:

— Отам, тпла тилагингни, деганда, ўнг қўлингиздаги ёқут узунгизни берсангиз бўлди, дегини. Бошқасини ол, ё бўлмаса, қопда олтин, кўриб турган қасрингга ўхшаш қаср сўра, бераман, дейди. Сен ҳечам кўнма. Шу ўнг қўлингиздаги ёқут узукдан бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ, деб туриб ол!— деб шипшиб қўйибди.

— Узукда нима хосият борки, бир қоп тилла ёки шундай қасрдан ортиқ бўлса?— дебди бола.

— Отамнинг бу узуги бир мамлакатга арзийди, билсанг. Сеҳрли узукни, дев бўл, деб ишқасанг — дев бўлади, учқур от бўл, десанг — от бўлади, олов бўл десанг — олов, сув бўл, десанг — сув бўлади.

Бола илоннинг, қаср ичида эҳтиёт бўл, деганига амал қилиб, эҳтиёт бўлибди. Бир пайт илонлар подшосининг олдига бориб қолшибди. Илонлар подшоси болани бир ямлаб ютиб юборибди. Шунда илон:

— Ота, чакки қилдинг. Мени савдогарлар қўлидан қутқариб, шу ерга олиб келиб, эсон-омон қўлингга топширган шу бола эди,— дебди.

— Шунинг илгарироқ айтмайсанми,— деб илонлар подшоси оғзидан болани қайтариб чиқарибди. Болани таниб бўлмас эмиш, кучпага-куч, ҳуснига-ҳусн, қаддига-қад қўшилиб кетибди. Илонлар подшоси:

— Боламнинг айтишича, сен уни савдогарлар қўлидан эсон-омон, ҳеч бир заҳмат чектирмай, бу ерга олиб келиб, бизни жудаям хурсанд қилдинг. Тила тилагингни,— дебди. Бола:

— Эй, илоларнинг султони, хизматим учун бирон нарсани бериб, мени хурсанд этмоқчи бўлсанг, ўнг қўлингиздаги ёқут узукни берсанг,— дебди. Илонларнинг подшоси:

— Бошқа нарсани сўра: бир қоп олтин берай, истасанг кў-

риб турганинг қасрга ўхшаш қаср берай. Бу ёқут узук ўзимга керак,— дебди. Бола ҳам:

— Йўқ, бошқа нарсанг керак эмас. Менга ўша ўнг қўлингдаги ёқут узукни берсанг берганинг, бўлмаса ҳеч нарсанг керак эмас,— деб туриб олибди. Илонлар подшоси ўйланиб, нима қилишни билмай, боши қотиб қолган экан, боласи:

— Ота, ўзинг тила тилагингни, дединг. Шундай деманингда бошқа гап эди. Илонларнинг лафзи бутун-ку. Сўраганини бериб, лафзли эканлигингни исботла,— дебди. Боласининг гапи таъсир қилиб, илонлар подшоси ўнг қўлидаги ёқут узукни болага берибди. Бола узукни қўлига олибди-да, қасрдан ташқарига чиқиб узукка қараб:

— Дев бўл!— дебди. Узук бирпасда девга айланибди. Илонлар подшосининг боласи болага бир тутатқич бериб:

— Керак бўлиб қолсам, шу тутатқични тутатсанг, етиб бораман,— дебди. Бола у билан хайрлашиб, девга қараб:

— Мени шу мамлакатнинг саройига олиб бор,— деб буюрибди. Дев:

— Хўп, орқамга мин!— дебди. Бола девнинг орқасига минибди. Дев: «Еҳу, буху, виқирр, пиқирр»,— деганича осмони-фалакка кўтарилибди. Кўз очиб юмгунча фурсат ўтмасдан шаҳарнинг энг ўртасига олиб бориб қўйибди. Дев яна узукка айланибди-да, бола уни ўнг қўлига тақиб олибди. Бозорни айланиб юрса, бир чол нуқул бир қўйни тор-тармиш, қўй бўлса, ҳечам юрмасмиш. Чол:

— Ҳаром ўлгур, юрмайсанми,— деб хуноби ошибди. Боланинг чолга раҳми келиб:

— Ота, қани, қўйингизни менга беринг-чи, менда юрармикин,— деб арқонини қўлига олиши билан қўй маъраганича болага эргашибди.

— Болам, эрталабдан уни етаклаёлмаётган эдим. Уйимгача олиб бориб берсанг, бир савоб бўлар,— дебди чол. Бола, хўп, деб қўйни етаклаб чолниқига борибди. Йўлда чол унинг мусофир эканини, борадиган жойи йўқлигини билиб олиб:

— Болам, яхши одам кўринасиз. Бировнинг мушкулни беминнат қиладиган одам яхши одам. Бугун бизниқида қолинг. Гаплашиб ётамиз. Эртага азонда кетарсиз,— дебди. Бола рози бўлибди-да, чолниқида меҳмон бўлиб қолибди. Алламаҳалгача чол билан бола гаплашиб ўтиришибди. Болага иккинчи уйга жой қилдириб берибди чол. Кейин:

— Кечаси эшикка чиқманг,— деб тайинлабди. Йигит тунда эшикка чиқса, осмонда иккита ой сузиб юрар, олам ён-ёруғ эмиш, Бола ҳайрон бўлиб: «Бу мамлакатда ой ик-

кита экан-да», — дебди. Бир пайт яхшироқ тикилиб қараса, уйнинг шундоққина қибла томонида терак бўйи тепаликда бир ой атрофга шуъла сочиб турган эмиш. Бола яқинпроқ бориб қараса, бир соҳибжамол қиз эмиш. Шуъласи одамни маст қилармиш. Қизнинг ҳуси-жамолини кўриб, ҳалиги боланинг ҳуши бошидан учиб, ақли озиб, оёғида мадор белида қувват қолмай, беҳол ерга йиқилибди. Эрталаб чол ҳовлига чиқса, бола ҳушидан кетиб ётган эмиш. Болани уйга олиб кириб, юзига сув сепиб, ўзига келтириб, унга шундай дебди:

— Болам, кечаси ташқарига чиқма, демабмидим. Ана энди ўзинггаям, менгаям чакки қилиб қўйдинг. Энди подшо сепиям, мениям ўлимга буюради. Подшо, қизим кечаси чигин тикади. Шу пайтда ҳеч ким ташқарига чиқмасин. Кимда-ким қизим чигин тикиб ўтирганда уй ичидан ташқарига чиқса, моли талонда, ўзи ўлимда, деб фармон битган, — дебди. Шунда йигит:

— Ота, подшонинг қизи мени кўрмади-ку. Нега энди гуноҳкор бўлар эканмиз, — дебди. Чол унга жавоб бераркан:

— Подшонинг қизи Нозикгулнинг бир хислати бор. Кечаси кўшқиди ўтирганда, кўча-кўйи, ҳовли-совлида ким нима қилиб юрибди, ўзига ким қараяпти, ким нимани ўйлапти — биллиб, сезиб туради. Гапим ёлғон бўлса, ҳализамон кўрасан. Жаллодлар келиб, икковимизни олиб бориб унга рўбарў қилади. Ўлдик энди, ўлдик, болам, — деб чол қайғу-ғамга ботибди. Боланинг чолга раҳми келиб:

— Ота, кўп қайғураверманг. Нозикгул подшонинг арзандаси бўлса, сиз билан биз ҳам худонинг бандасимиз. Одаммиз, тирик қолишнинг бир иложини қилармиз, — дебди. Бола шундай деб, бирдан узук эсига тушиб кетибди, кейин чолга қараб:

— Ота, жаллодлар келиб бизни олиб кетиб, дорга тортиш уёқда турсин, подшоникига Нозикгулни сўраб, совчиликка борасиз ҳали, — дебди. Чол қўрқиб кетибди: «Е алҳазар, ё алҳазар. Бола бечора ақлдан озиб, телба бўлиб қолибди, — деб пичирлабди ўзича, кейин: — Буни ўқитмаса, қаратмаса бўлмайди.» — деб:

— Тур, болам, табибга олиб бораман, бахшига қаратаман, сен ақлдан озибсан, — дебди. Бола чолнинг гапидан кулиб:

— Ота, табибга олиб борадиган бўлсангиз, подшо қизининг олдига олиб боринг. Шу бугундан бошлаб табиб ҳам, бахши ҳам мен учун ўшанинг ўзи. Уни олиб, хотин қилмасам, бу дунёга келганим бекор. Туринг тезроқ, жаллодлар

келиб оромимизни бузмасдан подшоникига совчиликка боринг, — дебди. Чол жаҳли чиқиб:

— Нималар деб валдираяпсан. Подшоникига совчиликка бор эмиш. Менинг бошим иккита эмас. Ақл-ҳушинг жойида эмас-да, бўлмаса, подшоникига совчиликка бор, дермидинг. Мен бир подачи чол бўлсам, сен кеча мепикига келган бир мусофир йигит бўлсанг. Бу гапингдан қайт, бўлмаса дорга осиласан ёки тириклайин ерга кўмиласан, — дебди. Йигит сўзида туриб олибди:

— Борасиз дедим, борасиз. Менинг ота-онам узоқда. Бу ерда сиз менга ҳам ота, ҳам она, ҳам оға-инисиз. Подшонинг қизини олиб берсангиз ҳам олиб берасиз, олиб бермасангиз ҳам олиб берасиз, — дебди. Чол ялишиб-ёлвориб, бу диятингдан қайт, дебди. Бола қайтмагач: «Бор-е, таваккал бир сири бўлмаса подшоникига совчиликка бор дермиди», — дебди-да, чол подшоникига қараб жўнабди. Подшоникига бориб эшик олдини супура бошлабди. Подшо айғоқчиларидан бир чолнинг дарвоза олдини супуриб-сидираётганини билиб, чақиртириб гап сўрабди:

— Нима арзинг бор. Эрталаб қарга гўнг чўқимай туриб, дарвоза олдини супуриб қолибсан, — дебди. Шунда чол кўр-қа-писа, қалтираб-салтираб подшога ниятини айтибди.

— Подшоҳи олам, мени кечиринг. Уйимга бир мусофир йигит меҳмон бўлиб келган эди. Уни яхши кўриб қолиб, ўзимга ўғил қилиб олдим. Подаларимни боқиб хизматимни қилиб юрган эди. Шаҳримизнинг одатига тушунмай, кечаси эшикка чиқиб юртимиз ойи — маликани кўриб, унга ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Шу подшонинг қизини олиб берсанг ҳам олиб берасан, олиб бермасанг ҳам олиб берасан, деб туриб олди. Кўнмасам ҳам кўндирди, унмасам ҳам ундирди. Шунга сизга совчи бўлиб келиб, одатимизга биноан эшигингизни супуриб турган жойим эди, — дебди. Бу гапини эшитиб подшонинг қаҳратоп чилла совугидай аччирни чиқиб, кўзи қонга тўлиб:

— Миясини еб қўйган сассиқ чол. Сен кимсан-у мепким. Қачон, қаерда подачига подшо қизини берган эканки, мен берсам, — дебди-да, «жаллод!» деб қичқирибди. «Лаббай, шоҳим!» — деганича иккита девдай жаллод етиб келиб, ёлни таппа босиб, дор тагига судраб қолибди. Шунда подшонинг бир доно вазири бўларкан, саройдаги шов-шувни эшитиб етиб келибди-да: «Шоҳим, нима гап?» — деб сўраган экан, подшо бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда доно вазири:

— Шоҳим, шовилманг. Бу шахтингиздан тушинг. Қизинг бориникига шоҳ ҳам, гадо ҳам совчи бўлиб келаверади, бу

айб эмас. Бу чолдан қутулишнинг бирдан-бир йўли бор. Бир оғир вазифа юклайсиз унга, уни бажаролмай, ўзи ҳам, ўгли ҳам ўлиб кетади. Сиз улардан қутуласиз-қоласиз, вас-салом,— дебди. Вазирнинг гапи подшога маъқул бўлибди-да, жаллодларга чолни бўшатишни буюрибди. Кейин олди-га чақриб:

— Биз рози, аммо бир шартимиз бор, ўглинг шуни ба-жаради. Шартимиз шуки, сенга қирқ кун муҳлат бераман. Мана шу йўлдан дунёдаги ҳамма ваҳший ҳайвонлардан қирқтасини ўглингнинг ўзи ҳайдаб ўтсин. Улар орасида аждарҳоям, девам, алвасти-мастонларам, ялмоғизларам бўл-син. Борди-ю, ўглинг шуни қилса, ана қизим ушқин, қилол-маса ўглинг билан бирга дорга тортиб, қўшмозор қиламан. Розимсан?— деган экаи, чол қўрқа-ниса, зўрға:

— Розиман!— дебди.

— Бўлмаса йўлингга боравер,— дебди подшо. Чол зўр-га оёғини судраб, уйига кириб келибди. Бола:

— Ҳа, ота, подшо рози бўлдимми?— деб сўрабди. Шунда чол:

— У бўл, бу бўл, подшо рози бўлганда қандай. Аввал ўл-масак ҳам, өвди ўлдик. Мен сенга, қўй, подшо бизнинг тен-гимиз эмас, деб неча марта айтдим. Ялиндим-ёлвордим, қайсар экансан, гаингда туриб олдинг. Ана энди шартини бажар-да, маликани олиб, мени тинч қўй?— дебди фиғон бўлиб. Бола:

— Шarti нима экан, шартини айтинг,— дебди. Чол:

— 40 кун муҳлат берди. Дунёдаги барча ваҳший ҳай-вонлардан 40 тасини дарвозаси олдидан ҳайдаб ўтар экан-сан. Шартини уқдингми?— дебди.

— Подшонинг шартини уқдим. Бўпти, уни бажарамиз. Осон-ку!— дебди бола, кейин:— Ғам еманг, яхши еб-ичиб, ухлаб юраверинг. Шартини бажариб, маликани хизматин-гизга солмасам, отимни бошқа қўяман,— дебди. Шундай қи-либ ота-бола ўз ишлари билан банд бўлиб бир кам қирқ куну қирқ кепани ўтказишибди. Охири қирқинчи кун ҳам етиб келибди. Қирқинчи кун эрталаб чол:

— Ана энди ўлганимиз шу бўлади. Қанчалик уқдирмай, айтганингдан қолмадинг. Ҳали замон подшо жаллодлари келиб иккимизнинг дод-войимизга қулоқ солмай ҳайдаб бо-риб, дорга тортади энди,— деган экаи, бола:

— Ғам еманг ота, ҳали замон подшо мот бўлиб, қизм малика, «хизмат, ота!» деб туради,— дебди бегамлик билан. Йигит шундай деб ўрнидан туриб, узукни қўлига олиб иш-қалаб, дев бўл, деган экаи, бир баҳайбат дев пайдо бўлиб:

— Нима хизмат!— деб қўлини қовуштириб турганмиш.

— Ҳой, дев, амрimgа қулоқ сол. Жапгалмозордаги ҳам-

ма ваҳший ҳайвонлардан қирқтасиви подшо саройи олди-дан ўтказасан. Боз устига қирқ дев, қирқ аждарҳо, қирқ мастон, қирқ ялмоғизни ҳам ўтказасан,— буюрибди бола девга. Дев, хўп бўлади, деганича гойиб бўлиб, бирпасда оламни ваҳший ҳайвонга тўлдириб юборибди. Ҳаммасидан 40 тадан қилиб, подшонинг саройи олдидан ўтказдирав-рибди. Подшонинг эс-ҳуши чиқиб кетаёзибди. Ҳайвонлар қийқриб, бўкприб ўта бошлаган экан, қандайдир ваҳший душманлар бостириб келди, деб подшоликдагилар ҳар то-монга қочиб қолишибди. Шаҳар тўс-тўполов бўлиб кетибди. Подшо йигитга берган шарти эсида йўқ, дарвозани беки-тишлар, душман йўлини тўспилар, бўлмаса подшолигим вайрон бўлади, ўзим ҳалок бўламан, деб буйруқ берган экан, доно вазири унга қараб:

— Қўрқманг, тақсир, подачининг ўглига қўйган шар-тингиза бажариллапти. Дунёдаги жамики ваҳший ҳайвон хиз-матингизда. Баракалло ўша йигитга, ўрлинг бўлса — шуна-қа бўлса, куёвинг бўлса — шунақа бўлса,— дебди. Вазир-нинг гапидаг подшонинг кўнгли тивчиб, тахтга чиқиб, ҳам-ма ён-атрофидагилар билан ҳеч бир киши кўрмаган томо-шани томоша қила бошлабди. Ваҳший ҳайвонлар подшо тахти олдидан уч кечаю уч кундуз ўтибди. Охири бир-би-ридан баҳайбат девлар, улардан сўнг қирқ бошли, ўн бир бошли, уч бошли аждарҳолар, кейин эса ўттиз икки тиши тушган, бир-бири билан уришган мастон кампирлар, ял-моғизлар ўтишибди. Подшо қизини болага беришга рози бў-либди.

— Зерикдим, ваҳший ҳайвонларнинг тахтим олдидан ўтишини тўхтатсин, қизимни берганим бўлсин,— дебди. Бола ваҳший ҳайвонларни подшо тахти олдидан ўтишини тўхтатибди. Тўйни бошламоқчи бўлиб подшо олий фар-мон битган экан, малика унга қараб:

— Ота, тўйни тўхтатиб туринг. Ҳали менинг ҳам шар-тим бор, уни бажаргадан кейин тўй бўлади,— дебди.

— Ҳанн, шартингни айт-чи,— дебди подшо.

— Шартим шуки, менга ошпақ йигит зўр бўлса, олтин-дан қаср қурсин, ўртасида катта ҳовуз бўлиб, суви етти терак бўйи баробар отилиб турсин. Дунёдаги барча гуллар очилиб, атрофга ҳидини сочиб турсин,— дебди. Бу шартни эшитган йигит узукни қўлига олиб, ишқабди. Дев пайдо бўлиб:

— Хизмат!— дебди. Бола қизининг шартини бирма-бир айтиб берибди. Дев:

— Хўп бўлади!— деганича кўздан гойиб бўлибди. Бир пайт қарашса, очик жойда бир қаср пайдо бўлибди. У тил-



лодан эмиш. Ҳуртасидаги ҳовузда олтин балиқлар ўйноқлашиб юришганмиш, суви етти терак бўйи баробар отилаётган эмиш. Дунёдаги барча гуллар атрофга ҳидини таратиб турган эмиш. Қиз хурсанд бўлиб:

— Ана, энди зўрлигингизга таян бердим, тўйни бошлай-веринг,— дебди. Етти кечаю етти кундуз тўй бўлибди. Тўйда етти иқлимнинг одами қатнашибди. База устига база бўлибди. Ҳўйинчилар ўйин кўрсатишибди, чавадозлар кўнакни чопишибди. Тўй тарқаб, малика йигитнинг қўйнига кирибди. Биринчи кеча, иккинчи кеча, э боринг-чи, учинчи кеча зўр ўтибди. Иккови бир-бирига ёш илондай чирмашибди, бир-бирини қалампирмунчоқдай ҳидлашибди. Тўртинчи кунни малика йигитга қараб:

— Бир савол берсам майлими?— дебди. Йигит:

— Майли, сўранг, жоним билан жавоб бераман,— дебди.

— Ҳўйингиз кимсиз? Ота-онангиз қаерда? Кимларнингиз бор? Ватанингизнинг номи нима? Мени қандай қилиб олдингиз?— деб сўрабди. Нима сирингиз борки, бутун ваҳший ҳайвонларни отамнинг тахти остидан ўтказдингиз? Боз устига олтиндан қаср қурдирдингиз?— деб саволларни қалаштириб ташлабди. Бола соддалигига бориб ҳаммасини бир бошдан айтиб берибди.

— Мен Қораполвон юртиданман. Ота-онам бор эди. Бир етим билан бир мушугим бор, улар мени жудаям яхши кўришарди. Бир дақиқа кўрмаса, мушугим миёв-миёвлаб, ичим бўлса вов-вовлаб ҳаммаёқни бузиб юборарди. Нима бўлди-ю, кунлардан бир кунни отам қўлимга минг тилло бериб бозорга юборди. Бозорда бир сандиқни ўраб турган кишиларни кўриб қолдим. Суриштирсам, баҳоси минг тилло экан. Ичида нима борлигини ҳеч ким билмас эди. Фақат сотувчи, кимда-ким шу сандиқни минг тангага олса, ота-онасидан кўрмаган бахтни кўради, дерди. Сандиқни сотиб олдим, панароқ жойда очсам, бир илон боласи унинг ичидан чиқиб бўйинимга ўралиб олиб:

— Мени ота-онамга олиб борасан ё сени бўғиб ўлдирман,— деди. Мен кўрққанымдан уни юртига олиб бордим ва ўша илоннинг маслаҳати билан отаси — плонлар подшосидан манави узукни олдим. Бу узугимнинг ёрдами туфайли сизга эришдим,— дебди. Қиз, раҳмат, дебди-да, бошқа ҳеч нима ганирмабди. Буларни шу ерда қўйиб, икки оғиз гални бошқа ёқдан эшитинг.

Маликани бошқа мамлакат подшосининг ўғли ҳам яхши кўриб олмоқчи бўлиб юрган экан. Отаси унга қизини бермаган экан. Шаҳзода, ҳап сөнми, бир кундан бир кун бонлаб адабингни берайки, сен чол дунёга келганингга пу-

шаймоп бўлгин, деб пайт пойлаб юрар экан. Бир подачининг ўрлига берганни эшитиб, тутоқиб, ёниб кетибди. Соҳрли узук орқали маликани қўлга киритган боладан ҳам қасос олишни дилига тугиб қўйибди. Унинг оти Ғуломназар экан. Ғуломназар бир жодугар кампирни топиб уни ишга солибди. Унга қараб:

— Фалон мамлакатга бориб, нима қилиб бўлсаям, подшоининг қизи — маликанинг эрининг унг қўлидаги ёқут узукни олиб келасан, олиб келолмасанг, мен сени куйдириб кулингни кўкка совуртираман, — дебди. Жодугар кампир рози бўлиб, унинг қўлидаги олтинларини олиб, ҳеч ким кўрмайдиган жойга беркитиб қўйибди. Кейин шаҳодага қараб:

— Бир туя, қирқ кунлик озиқ-овқат бер, — дебди. Шаҳода кампир айтганларини муҳайё қилибди. Кампир туяга миниб, ёқут узук қайдасан, «ҳайю-ҳайт», деб йўлга чиқибди. Йўл юриб, оз эмас, мўл юриб, подшонинг юртига етиб келибди. Подшонинг дарвозаси олдида ҳалиги туянинг олдинги оёғини қайириб синдирибди-да: «Вой туям! Вой бузруқворим, энди нима қиламан? Қандоқ кунга қолдим!» — деб йиғлайверибди. Шу пайт бола одатига кўра шаҳардан ташқарига чиқиб, атрофни томоша қилиб айланиб юрган экан, кўзи чўккалаб олган туя ёнида йиғлаб ўтирган бир кампирга тушибди. Ёнига бориб:

— Ҳой, она, нега йиғлаб ўтирибсиз? Туянгизга бир нарса бўлдими? Йиғлашингизнинг сабабини айтинг, балким ёрдамим тегиб қолар, — дебди. Шунда кампир баттар ҳўнграб йиғлаб:

— Болам, сенга ўхшаган бир ўғлим бор. Шуникига кетган эдим. Шу ерга келганда туянинг оёғи синиб қолди. Ярим йўлда қолганимга йиғлаяпман. Борадиган жойим, қўнадиган ерим йўқ бўлса. Мусофир бўлсам, бу юрда мени ҳеч ким танимаса... — дебди-да, йиғлашда давом этаверибди. Кампирга боланинг раҳми келибди. «Кел-е, уни уйга олиб кетай, малика билан икки-уч кун бирга бўлсин. Туяси тузалиб қолар, тузалмаса, биронта туя сотиб олиб бериб, йўлга солиб юборарман. Мусофир кампир экан, саёб бўлар», — деб хаёлидан ўтказибди-да:

— Юринг, онажон, туянгиз тузалгунча бизникида тура турасиз, — деб уни уйига бошлабди. Малика кампирни кўриб, юраги гаш бўлиб, эрига шундай дебди:

— Бу шум кампирга ўхшайди. Нега етаклаб келдингиз. Кўнглим ёмонлигини сезиб турибди. Кўзига қарадингизми, кўзи ёмонлиги, мапа мен, деб айтиб турибди. Тез йўқотинг, — дебди. Шунда бола:

— Аёллигпигизга борасиз-да, жоним! Бу бир қари кампир бўлса, қўлидан нима ёмонлик келарди. Мусофир экан. Икки-уч кун турсин. Мана кўрамиз, ҳали она-бола бўлиб кетасизлар,— деб уни тинчитибди. Кампир малпкага шунчалик меҳрибонлик қилибдики, орадан икки-уч кун ўтиб она-боладек бўлиб кетишибди. Малика бирпас кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолибди. «Онажон, онажон»,— деб ўтқизгани жой топа олмас эмиш. Кампир ҳам маликани, «қизим, қизжоним», деб эркалатгандан эркалатаверибди. Бола бундан жудаям хурсанд бўлиб:

— Ана айтмадимми? Ҳалп она-бола бўлиб кетасизлар деб!— деб бола ҳам мамнун бўлибди. Шундай қилиб, кампир билан малика она-бола бўлиб иноқ яшай бошлашибди. Кушлардан бир купи бола қўлидан узукни олиб, ишқабди. Дев пайдо бўлиб, «хизмат!»— деб айтган экан, «менга тулпор от келтир, овга чиқаман!»— дебди. Эшик орқасида пойлаб турган кампир буни билиб олиб: «Топдим, боланинг сири узугида экан»,— деб хурсанд бўлибди-да, боланинг қўлидан узукни қандай олишни ўйлайверибди. Буёққа келаётганида, «керак бўлиб қолар», деб искаса ҳушидан кетказадиган дорилардан ҳам олган экан. Уни доимо липасида сақлаб юрар экан. Шу дорини бериб беҳуш қиламан-да, қўлидаги узукни оламан, дебди ўзича. Бола овини овлаб қайтибди. Кампир пайт пойлаб туриб, овқатга ҳалиги одамни беҳуш қиладиган дорилардан солиб, эр-хотинга ичириб юборибди. Бирпасга куёв билан малика беҳуш бўлиб, ўтирган жойларида йиқилиб қолишибди. Кампир дарров йигитнинг қўлидаги ёқут уақни олиб ишқабди: «Хизмат!»— деб дев пайдо бўлибди. Девга қараб шум кампир:

— Ушбу қасрни малика билан кўтариб, осмон-фалакка олиб чиқ-да, фалон шаҳарнинг энг ўртасига олиб бориб қўй. Ергаям тегмасин, осмонгаям чиқиб кетмасин!— дебди. Дев, хўн бўлади, деб қаср билан маликани олиб жўнаб қолибди. Кампир ҳам бир дуо ўқиб калхатга айланибди-да, у ҳам учиб кетибди. Бола эс-ҳушидан айрилиб, донг қотганча ухлаб ётаверибди. Бир пайт подшо қизимдан бир хабар олайин, деб келса, қизям, қаср ҳам йўқ, куёви беҳуш бўлиб ётган эмиш. Подшо ҳушига келтирадиган доридан бериб, куёвини ҳушига келтирибди.

— Қизим билан олтин қаср қани?— деб сўрабди подшо. Куёви:

— Билмайман. Мен кўчадан бир кампир топиб келиб қизингизга она қилиб берган эдим. Икковлари жудаям иноқ, аҳил эдилар. Нима бўлди-ю, мен ҳушимдан кетиб қолибман. Ҳозир ўзимга келиб сизни кўриб турибман,— дебди. Подшо-

нинг жаҳли чиқибди, илондай захри келибди. «Жаллод!» — деб чақирибди. Дарров етиб келган жаллод: «Лаббай! Кимнинг ажали етди! Кампир шафтолини арчиб егунча тинчита-миз. Буюрнинг, шоҳим!» — дебди. Подшо:

— Манави куёвим сеҳргар жодугар экан, унинг калласини тападан жудо қилиб, гўштидан менга кабоб тайёрлаб бер. Токи қизимнинг қасосини олиб бир оз совий, — дебди. Подшо шундай деб юрагини захга бериб: «Вой қизим, оппоғим! Қизимдан айрилиб қолибман! Онажонимни йўқотибман», — деб йиғлайверибди. Жаллодлар боланинг кўзини бойлаб, калласини кувдага қўйганда, подшонинг допо вазири етиб келиб:

— Тўхтаглар! Бир бегуноҳнинг боши кетмасин! Мен унинг гуноҳини подшодан сўраб оламан! — дебди-да, подшонинг олдига кириб:

— Куёвингизнинг бир қошиқ қонидан кечинг. Унда гупоҳ йўқ. Қизингизни топиб беради. У бир сеҳргарнинг тузоғига илинган, — дебди.

— Топмаса-чи? Қизимни аллақачон девлар еб қўйган бўлса-чи, унда нима қиламан? — дебди подшо. Шунда вазир жавоб бериб:

— Йўқ. қизингиз тирик, кўнглим айтиб турибди, у девларга ем бўлмаган, — дебди. Подшо куёвининг гуноҳидан ўтибди. Уни кишадан озод қилиб:

— Қизимни ахтариб топасан-да, менга тирик ҳолда кўрсатасан. Йўқса, қаерда бўлсанг ҳам топиб, терингга сомон тиктираман, — дебди. Бола қизни ахтариб кетибди. Болани қизни ахтаришда қўйиллик-да, икки оғиз гапни қиздан эшитиллик. Дев маликани олтин қасри билан олиб келиб, Фуломпазар яшайдиган мамлакатнинг тепасига қўйибди. Қаср ерга ҳам тегмасмиш, осмонга ҳам чиқиб кетмасмиш. Ердагилар шоти қўйинса ҳам унга етишолмасмиш, осмондан учиб келган кишилар ҳам унинг ичига киришга олмасмиш. Одамлар ҳаводаги олтин қасрни кўриб, ҳапту-манг бўлиб, бир милларни ақлдан озишиб: «Қиёмат қойим бўлди», — деса, бошқалари: «Худон таолонинг каромати», — деб тавбаю тазаарру қилшармиш. Фуломпазар камширга қоп-қон тилло берибди, хурсанд бўлган камшир ўз ишига кетибди. Қаср нурини сочгандан сочиб, унинг ичидаги малика тунларини кундуз қилиб, ҳаммани ҳайратга солиб, кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтаверибди. Фуломпазар: «Бир кунмас, бир кун висолига етаман-да, шошиб нима ҳам қилдим. Бир оз ҳовуридан тушсин, ўғрининг қўли етмайди, олиб очади деса, аждарҳо осмондан учиб келса ҳам, олтин қасрининг ичига киролмайди, — деб вақтини ўтказаверибди. Узи-

ни-ўзи овутибди. Одамлар, шаҳримизнинг тепасига олтин қаср билан яна бир ой пайдо бўлгани яхши бўлди, кечалари ҳам ишлаб, экин-тикишларни битказиб олашимиз, деб улар ҳам ўзларича хурсанд бўлишаверибди. Буларни шу ерда қолдириб, гапни боланинг ота-онасидан эшитайлик.

Ота-онаси болани роса кутибди. Роса қайғуришибди.

— Шу минг тиллони бериб, бозор қилиб кел демаганигда, болам бозорга бориб йўқолиб кетмаган бўларди. Угрилар пулини ўғирлаб, ўзини ўлдириб юборишган. Нима кўп, ҳовир замонамизда ўғрилик, очофатлик кўп,—деб онаси йиғлабди, сиқтабди. Отаси:

— Йиглама, ўглинг тирик, албатта келади. Е катта савдогар бўлиб қайтади, ё бир олим бўлиб келади. Кўнглим айтиб турибди,—деб кампирини юнатибди. Шу пайт ит билан мушук чол-кампирнинг рўпарасига келиб, бири қўйиб иккинчиси гингшийверишибди. Шувда чол:

— Булар бир нарсалар дейишяпти. Мен тилига тушунмасам. Ўглинг бўлганда тушунарди,—дебди.

— Бор, боламизни тошиб кел, деиш-чи, зора тушуниб боламни излаб, тирик-ўлигидан хабар топиб келса бу безабон махлуқлар—дебди кампир. Чол бу гапни маъқул топиб, мушук билан итга қараб: «Сенларга жавоб, боламизни излаб топинглар. Хабарини бунда келтириңглар»,—дебди. Ит билан мушук хурсанд бўлишиб чоңқиллаб, сакраб кўчага чиқиб кетишибди. Шу-шу болани излаб йўлга тушишибди. Ит билан мушукни йўлда қўйиб, гапни боладан эшитайлик. Подшо, қизимпи топ, дегандан кейин бола уни излаб йўлга чиқибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Тпконзорлар оёғини шилибди, тоғу тошлар қирқибди. Оёғидан мадор, белидан қувват кетгунча излабди, тополмабди, ҳатто дарагини эшитмабди. Ҳориб-чарчаб йўлда кетаётиб, бир хандакка тушиб кетибди. «Ажалим шу ерда ётган экан-да»,—деб чўзилиб ётиб, ўз ўлимини кутибди. Еяй деса бир бурда нон, ичай деса бир қултим сув йўқ эмиш.

Буни қарангки, ҳайвонларнинг ичига ҳам худо маъқул соларкан. Ит билан мушук болани ахтариб, йўлни шу томонга солишибди. Бир пайт хандак устига келиб қолиб, ит мушукка:

— Хандакнинг ичида биров ётганга ўхшайди,—дебди. Мушук:

— Кимсасиз саҳрои кабирда ким ҳам бўларди, бирон-бир ваҳший жонводдир? Тезроқ бу ердан жўнаб қолайлик. Тирик бўлса тагин бизни тутиб олиб, еб қўймасин,—деб итни шошилтади. Шу пайт хандак ичидаги «махлуқ» инграб бир ёқдан иккинчи ёққа аганабди. Ит пастда эгаси ётган



нини билиб, ўзини хандакка отибди. Унинг орқасидан, сендан мен қоламапми, деб мушук ҳам ўзини хандакка отибди. Икковлон эгаларини искаб, туртиб ҳушига келтиришибди. Бола: «Сув!»— дея олибди, холос. Мушук чоңқиллаганича юқорига чиқиб, сув ахтариб кетибди. Ит бўлса, болани эатгидан тишлаганича судраб, ташқарига олиб чиқибди. Мушук қандайдир жойдан кўлмак сувни оғзида олиб келиб, боланинг оғзига қуйибди. Бола ўзига келиб, ит билан мушукни кўриб, хурсанд бўлганидан йиғлаб юборибди. Учовлон ўталафдан ейишиб, қоринни бир оз тўқлаб, йўлга тушишибди. Буларни йўлда кетишда қўяйлик-да, гашии маликадан эшитайлик.

Ғулмназар вақтини топиб: «Энди найти келди, малика ҳам дамини олиб бўлди. Мاستонни юбориб қасрдан олдириб тушай, унга уйланиб, маза қилай»,— дебди-да, кампирни чақиртирибди. Шум кампир бирпасда етиб келибди.

— Осмондаги қасрга чиқиб, маликани олиб туш, мен унга уйланаман,— дебди шаҳзода унга. Шум кампир: «Хўш!»— деб бир дуо билан чиройли бир кампирга айланиб, учар от қўшилган соявон аравада олтин қасрга учиб чиқибди. Кимсасиз қасрда одамга ташна бўлиб ўтирган малика кампирни, хуш келибсиз, опажон, деб шоду хуррам кутиб олибди. Тозаям меҳмон қилибди. Кампир меҳмон бўлгач, маликага қараб:

— Она қизим, совчиликка келдим, юртимиз султонининг ўгли шаҳзода сизни олмоқчи,— дебди.

— Шаҳзоданинг ким, қанақа одам? Мен уни тавимасам, қандай қилиб унга тегаман? Буving устига менинг эрим бор. Паҳлавон, ботир...— дебди қиз унга жавобан.

— Ҳаммасидан хабарим бор, менга айтишди. Эрингни ўлибди, сизни бу ерга олиб келган мастон кампир билан қасдингизни оламан, деб уришиб-суришиб, уни ўлдирибди-да, кейин, маликасиз бу дунё менга ҳаром, деб ўзини-ўзи ўлдирибди,— дебди шум кампир барча маккорлигини ишга солиб.

Малика «Оҳ!» деб ҳушидан кетиб, йиқилибди. Шум кампир уни аравага солиб, ерга олиб тушиб, Ғулмназарга рўбарў қилибди. Малика ҳушига келиб, ўзини Ғулмназарнинг қучоғида кўриб, сакраб ўрнидан турибди, йиғлабди, сиқтабди. Кейин:

— Мен қаердаман?— деб сўрабди.

— Жоним, сиз шаҳзоданинг уйдасиз. Бугундан бошлаб менинг хотипимсиз,— дебди. Малика рангпар, ориқ, заиф шаҳзодага қараб:

— Шаҳзода ҳали сизмисиз?— дебди қуйишиб.

— Ҳа, мен шаҳзодаман, — дебди Ғулмназар.

— Ҳали мени оламан деган сизмисиз?! — дебди малика кўзи сузилган, бели бурилган, турса оёғи, юрса биқини қимирлайдиган шаҳзодага нафрат билан қараб. — Мен сизга хотин бўламанми ё сиз менга хотин бўласизми? — сўрабди кесатиб малика.

— Йаллод! — деб чийиллабди шаҳзода. — Ҳали кўрсатиб қўймап ким-кимга хотин бўлишини, жонгинам, — дебди шаҳзода хотиндан баланд овозда чийиллаб, қошларини кериб, лабларини буриб.

— Майли, жаллодинғизни қўйиб туринг. Хотин бўлсам, бўла қолай, — дебди малика. Шунда шаҳзода:

— Бу бошқа гап, жоним, — дебди-да, жаллодни қайтарибди. Малика унга қараб:

— Аммо бир шартим бор. Шуни бажарсангиз, биз сизникимиз, сиз бизникисиз. Ана унда маъза қилиб айшу ишрат қилаверамиз, — дебди.

— Айтинг шартингизни, жоним. Хўрозни сўй дейсизми, отга мин дейсизми, айтаверинг, бажонидил бажарамиз, — дебди шаҳзода тиржайиб.

— Буюрсангиз: дунёдаги жамики ит билан мушук тахтим олдидан ўтса. Бир томоша қилсам, — дебди. Эринг ити билан мушугини олиб сени излаб юрибди, деб худо маликанинг дилига солган экан-да! Тушига ҳам эри кириб: «Итим билан мушугимни олиб сени излаб топиб келдим!» — деган экан. Шаҳзода жамики ит билан мушук маликанинг олдидан ўтсин. Маликам уларни томоша қилмоқчилар, деб жан солдирибди. Мамлакат ва мамлакатдан ташқаридаги итлар, мушукларни олиб ўта бошлашибди. Бир пайт малика қараб турса, эри таърифлаган қора олапар билан оқ мушук ўтиб қолибди. Уни бир жулдурвақа кийим кийган, соч-соқоли оп-доқ бўлиб ўзи мункайиб қолган чол етаклаб ўтибди. Малика эрининг кўзаларидан таниб, унинг шу аҳволга тушиб қолганига юраги ачишиб, ич-ичидан йиглабди-ю, бплиб қолишмасин тагин, деб кўз ёшини ташқарига чиқармабди. Кейин Шаҳзодага:

— Қора бароқ ит билан оқ мушукни эгаси билан бирга ху-зуримга олиб киришсин. Мен улардан гап сўрайман. Балким ота-онам юртидандир, — дебди. Мушук, ит ва чолни олиб киришибди. Малика, энди сизлар ташқарига чиқиб туринглар, деб ҳаммаси ташқарига ҳайдаб юборибди. Эрига ўзини тайитибди, эри ҳам уни таниб, тозаям хурсанд бўлиб кетибди. Мушук билан ит ҳам шундай гўзал бувишлари борлигидан нуқул ирғишлармишлар. Бир пайт болага қараб:

— Бу ердан чиқиб кетишнинг ҳечам иложи йўқ. Чиқиб

Кетганимизда ҳам бирпасда тутиб олишади. Негаки, ёқут кўзали узук шум кампирнинг қўлида, у узук ёрдамида ҳамма ишни қилишга қодир,— дебди. Шунда бола дарғазаб бўлиб:

— Мен у кампирни бурда-бурда қилиб ташлайман. Уша шум кампирнинг дастидан сендан айрилиб, ота-онангдан дакки эшитиб, не-не машаққатларни бошдан кечирмадим. Қани у, қаерда яшайди? Кўрсатинг! — дебди.

— Кўрсатинг, бизнинг ўзимиз уни тилка-пора қилиб ташлаймиз,— дейишибди ит билан мушук ҳам.

— Шошилманглар. Бир иложини қилиб, ҳийла ишлатмасак бўлмайди,— дебди малика ўйчан бўлиб. Шу пайт мушук билан ит яна тилга кириб:

— Буни биз бажарамиз. Ёқут узук шум кампирнинг қаерида сақланар экан, билмайсиэми?— дейишибди. Шунда малика:

— Биладан. Ёқут узук шум кампирнинг бурни ичида сақланади,— деб жавоб берибди. Мушук билан ит:

— Бўпти, биз уни бажарамиз,— дейишибди. Мушук:

— Мен жодугар кампирнинг бурнидан ёқут узукни тушираман. Сен бўлсанг дарров олиб қочиб, эгамизга берасан,— дебди. Мушук бир уйга кириб, думини қалампирга теккизиб, шум кампир ётган жойга борибди. Ит ҳам у билан бирга кирибди. Мушук думини кампирнинг бурнига теккизган экан, у акса уриб юборибди. Ёқут узук бурнидан отилиб чиқиб ерга тушибди. Ит узукни олиб қочиб, болага келтириб берибди. Бола узукни ишқаган экан, дев пайдо бўлиб:

— Хизмат!—дебди.

— Олтин қасрни, маликани ва бизни ота-онам юртига етказ. Шум кампир билан анави шаҳродани қум саҳрога элтиб ташла. Уша ерда сувсизликдан ўлиб кетсин!

Дев боланинг айтганларини бажарибди. Бола қизнинг ота-онасини ҳам ўз юртига олдиртириб келибди. Подшо кечирим сўрабди. Ҳаммалари мурод-мақсадларига етишибди.



## ҚАЙРОҚТОШ БОЛА

Қадим замонларда бир чолу кампир яшаб ўтган экай. Улар бир-бирлари билан жудаям аҳил, тотув, иноқ бўлиб яшаган экалар-у, лекин кўча-кўйда болаларни кўришса, иккаласи ҳам ич-ичидан зил кетиб, руҳан эзилар экалар. Шу аҳволда чол етмишга борибди, кампир олтишга борибди. Кампир эзилса чол: «Кел, худо фарзанд бермаса нима ҳам қила олардик, тақдир-да, хафа бўлиб эзилма, қисилма», — деб юпатаркан, чол эзилса, кампир: «Кўпам сиқилаверманг, худо бир тирноқни аягаң бўлса, қўлимиздан нима ҳам келарди», — деркан. Баъзан кампирнинг: «Ҳалиям мен розиман, уйланинг, балким бола кўрарсиз, балким фарзанд-сиалигимизга мен айбдордирман», — деб айтган гапига, чол ҳазил билан: «Сен эрга тега қол, эрга теккинг келиб тургандир-да, шу гапни айтаянсан», — деркан. Ҳа, чол билан кампир ана шундай ҳаётларини ҳазил-мутойиба билан ўтказишаркан.

Кунлардан бир кун чол далага буғдой сепгани кетибди. Кампир бир ўзи уйда қолиб уй ишлари билан шуғулланиб юрган экан, бир пайт эшикдан жудаям қари, ўттиз икки тиши тушиб, ўрнига бошқа тиш чиққан, кўзлари қисилиб, беллари букчайиб қолган, ҳассаси ўзидан ҳам қари, кавуши етмиш еридан ямоқ бир кампир: «Ассалому алайкум, ҳой, ким бор бу уйда!» — деб кириб келибди. Кампир меҳмоннинг саломига алик олиб, уни уйининг тўрига таклиф қилибди. Уй бекаси топган-тутганларини меҳмоннинг олдига тўқиб-сочибди. Меҳмон ундан-бундан еб-ичиб, гаплашиб ўтирибди. Орадан анча-мунча вақт ўтгач, ҳалиги келган меҳмон:

— Қизим, мени кечиринг-у, нимага уйингиз жим-жит, ҳеч кимнинг шарпаси келмайди? — деб сўрабди. Уй эгаси оғир «уф» тортибди-да, шундай деб жавоб берибди:

— Худойим биздан бир тирноқни кўп кўрган. Худого шукр, ейишдан, ичишдан, кийишдан камимиз йўқ. Чолим ишлайдилар, мен ҳам қўлимни қовуштириб қараб турмайман. Лекин фарзандимиз йўқ, — уй эгаси шундай дебди-да, кўзига жиққа ёш олибди. Шунда ҳалиги келган меҳмон кампир нимчасининг чўнтагидан қайроқтош олиб, уни уй эгасига узатиб:

— Мана шу қайроқни олиб тўрвага солиб қўйинг, бир

неча кундан кейин уни олиб кўринг, — дебди-да, — энди менга жавоб беринг, чой-нонингиз учун раҳмат, — деб яна бир қанча дуоларни айтиб жўнаб кетибди. Кампир ҳайрон бўлиб, қайроқни бир тўрвага солиб, кўринадиган жойга осиб қўйибди.

Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Бир куни кампир тўрвага қараса, унга жон кириб қимирлаётган эмиш. Кампир: «Вой товба, вой тавба!» — деганича бориб тўрвани олиб кўрса, қай кўз билан кўрсинки, чақмоқдай чақалоқ эмиш. Кампир ҳайратидан турган жойида тошдек қотиб қолибди. Чақалоқ олдинига қўлига олармикин, деб чинқириб йиглабди, кейин тилга кириб:

— Ҳой, ойи, қўлингизга олмайсизми, мен сизнинг ўглингизман-ку?! — дебди. Кампир:

— Э, худо наҳотки чол билан кампирнинг оҳи сенга етиб бориб, бизга фарзанд ато қилган бўлсанг! — дебди-да, ёлғонми-ростми, деб аста болани пайпаслаб ушлаб кўрибди. Шунда бола:

— Вой, ойи, ишонмаяпсизми?! Мана мен ўглингизман-ку, пайпасламай теэроқ қўлингизга олсангиз-чи, совқотиб кетдим-ку! — дебди. Кампир шодлигидан ўзини йўқотиб қўйиб:

— Ҳозир, ҳозир, болажоним, дўмбогим, тенги йўқ пахлавоним, — деганича болани қўлига олиб, дарров ювиб-тараб, чолнинг кийимларидан кийгизиб қўйибди. Бола бўлса пуқуд қиқирлаб кулиб:

— Вой, ойижон, кўйлагим катта-ку, иштоним узун-ку, қалпогим бошимдан ошиб-тошиб ётибди-ку, — дермиш.

— Вой, болам, менда сенга мос кийим-кечак бўлмаса нима қилай, шуни кийиб тур, мен эртага бозорга бориб сенга мосипи сотиб олиб келиб бераман, — дебди. Шунда бола:

— Йўқ, ойижон, ўзим эртага ўсиб отамга етиб оламан-да, уларнинг кийимлари менга роппа-роса бўла қолади, — дебди. Кампир чолини хурсанд қилиш учун, қариганимизда бизга худойим ўғил берди, деб хабар юборибди. Бола бўлса, дақиқа сайин ўсиб-катталашиб бораётган эмиш. Бир пайт бола:

— Ойи, нима иш бор: ўтин ёрайми, мол боқайми, эшик супурайми, тегирмонга борайми, ўтин териб бозорга олиб бериб сотиб, сизга кўйлак олиб келайми? — деб сўрайверибди. Кампир боланинг бўйига қувонгандан қувониб:

— Ҳозир, болажоним, элдин отанг келсин, кейин нима иш буюрсак қиларсан, — дебди. Гапни чолдан эшитинг.

Чол далага бугдойни сочиб, ниҳоятда чарчаб бир тут тағида дам олиб ўлтирган экан, кампир юборган чопар:

— Отахон, суюнчи беринг, кампирингиз ўғил турди, ҳа,

қариганда фарзанд кўрдингиз,— деганича бақириб-чақириб етиб келибди. Чол ҳайрон бўлиб, ақли шошиб, ақлдан адашиб нуқул: «Е тавба, ё тавба, наҳотки қариганда хотиним туғибди, ё тавба!»— деганича кетмонини далада қолдириб, оёгини қўлига олиб, уйга етиб келибди. Қараса, келбати келишган, қад-қомати йигитдай бир бола кампири билан гаплашиб ўтирган эмиш. Шошиб:

— Қани туққан боланг?— деб сўрабди чол кампирдан.  
Кампир:

— Мана, олдимда турибди-ку?— дебди.

— Қачон тугдинг?— деган экан чол, кампир:

— Эрталаб,— дебди.

— Е қудратингдан, бирпасда ҳам болалик қилдинг, ҳам уни ўстириб, вояга етказиб, йигитлик қилдинг. Ҳадемай уни уйлаб, неварали бўламан,— деб хурсанд бўлгандан-хурсанд бўлибди чол.

Чол билан кампир топган-тутганларини халқ олдига тўкиб солишибди-да, ўғилларига тўй қилиб беришибди. Боланинг кун сайин, ой сайин ўсиб катталашиб, вояга етиб бораётганидан кампир билан чол териларига сиғмай кетишар эмиш. Бола бориб-бориб шундай келбатли, келишган, бақувват йигит бўлиб етишибдики, бир қўлида ҳўкизни кўтарармиш, кўринган дарахтни илдиз-пилдизи билан сугуриб олиб бир жойдан иккинчи жойга кўчира олар эмиш. Унинг олди-га тушадиган, у билан олишиб ё беллашиб унга тенг келадиган на одам топилбди, на ҳайвон зоти...

Кунлардап бир куни чол билан кампир маслаҳатни бир жойга қўйиб болаларини уйлантириб қўймоқчи бўлишибди.

— Қанча тез уйлантирсак, шунча яхши, неварали бўламиз. Бунинг устига боламиз ҳам бўйинга етиб, овози дўрллаб қолди,— дейишибди. Кампир дастурхон кўтариб, қишлоқма-қишлоқ юриб келин қидирибди. Ҳеч ким ёқмабди, унга ёққани болага ёқмабди. Шунда бола:

— Ойи, шошмай туринг, менга ҳам муносиб қиз топилиб қолар, ҳали ёшман-ку,— дебди. Бу гап чол билан кампирга маъқул тушибди.

Бола кўчада болалар билан ўйнаб юриб, жаҳлини чиқаргани учун бир болани қўлидан ушлаб пирпирак қилиб осмонга отиб юборибди-да, тушиб келаётганида яна ўзи ушлаб олибди. Буни эшитган боланинг отаси келиб:

— Ҳой, болакай, кучинг бўлса подшоликка бориб, маликанинг шартини бажарсанг-чи, келиб-келиб менинг боламга кучинг етдими,— дебди. У боланинг бошдаб жазосини бергани келган экан-у, унинг важоҳатини кўриб, шундай деб қўя қолибди. Бола:

— Ундай бўлса подшоликни менга кўрсатинг? — дебди.

— Ота-онангдан сўра, мен олиб бориб кўрсатаман, — дебди ҳалиги одам. Бола қанчалик бақувват бўлсаям бировга ёмолик қилишни ўйламас экан. Кампир билан чол доимо:

— Болам, ҳеч кимга сабабсиз ёмолик қилма, қўлингдан келганича яхшилик қил, чунки замонамизда яхшиларнинг ўзи кам, сен яхши бўл, «ота-онангга раҳмат-е», дейдиган иш тут. Ғариб-гуруб, ўзимизга ўхшаган камбағалларни ҳечам хафа қилма, одамлар дилини оғритма», — деб тайинлашар экан. Шунинг учун ҳалиги отиб юборган бола билан ҳам бирпасда апоқ-чаноқ бўлиб, иноқлашиб уни, «иним», деб атай бошлабди. Унинг отаси айтган: «Болакай, кучинг бўлса подшоликка бориб, маликанинг шартини бажарсанг-чи», деган гани жуда таъсир қилиб, ота-онасининг олдига бориб, жавоб сўрабди. Ота-онаси жавоб бермаса бўлмаслигини англаб:

— Эҳтиёт бўл. Подшоликда одат: сен гуноҳқормисан, йўқмисан — сўраб ўлтиришмайди, керак бўлса дорга тортишади, хоҳлашса зиндонда чиритишади, сени ҳам жувонмарг қилишмасин, — дейишиб роса тайинлашибди. Шунда бола:

— Кўрамиз ким-кимни дорга тортиб, зиндонда чиритаркин, — дебди-да, йўлга отланибди. Ҳалиги одамга эргашиб, подшолик қайдасан, деб йўлга чиқибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам оз эмас, кўн юрибди. Неча-неча дарёларни кечиб ўтибди, тоғу тошлардан ошиб, тиканакзор, чакалакзорларни босиб ўтибди. Бир пайт подшоликка етиб борибди:

— Келдик, — дебди ҳалиги бирга олиб келган одам. — Эртага маликанинг одамлари бозорга келиб, унинг шартларини айтади. Энди бизга жавоб бер, савдо ишлари билан банд бўламиз. Қайтишда, агар йўлимиз тушса, сени ҳам олиб кетармиз.

Бола уларга жавоб берибди-да, бир саройга тушиб, эртанги бозорни кутибди. Эртасига тонгдаёқ одамлар бозорга кела бошлашибди. Бир пайт беш-ўн отлиқ отларини чоптирганча бозорга кириб келишибди. Жарчи жарини бошлабди:

— Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим демаглар, эшитганлар кетманглар, подшоҳларнинг подшоҳи, султонларнинг султони шаҳаншоҳимизнинг қизлари — ой кўрса уяладиган, кун кўрса қизарадиган, юлдуз кўрса нусха оладиган маликамизнинг шартлари бор: кимда-ким шу шартларни бажарса унга турмушга чиқишга рози бўладилар! Шартлари шуки, кимда-ким қафасдаги одамхўр арслон билан олишиб уни енгса, таблаларидаги қора байирни эгарлаб миная олса, қирқ барзанги долдон билан кураш тушиб, уларни йўқита олса, шундай йиғитни ўзларига муносиб деб билиб, унга турмушга чиқишга рози бўладилар! —

жарчилар шундай деб қайтиб кетишибди. Боворда қий-чув, гап-сўз бошланиб кетибди. Биров, «подшоҳ қизининг касофатига неча ман-ман дегап йигитларимиз бевақт ҳалок бўлди, одамхўр шерига эм бўлди», деса, бошқа биров, «шерига гўшт керак бўлиб қолгандир, уни одам гўштига боқади, дейишади», дебди. Бошқаси, «боринг, шерни енгди дейлик. Қора байирни эгарлаб мининг упақа ўнта одамхўр шерни енгтишдан қийин. Негаки у Қора девнинг сув остидан бўлган тулпорни. Уни шу кунгача эгарлайман деб минг-минг одамлар қирилиб кетди! Савил қолгур устига чиққунча ҳам ўнг томонидан келганини ўнг оёғи билан, чап томонидан келганини чап оёғи билан, олдидан келганини тишлари билан, орқадан келганини орқа оёқлари билан тепиб, тишлаб, ўша ваҳоти тил торттирмай ўлдирар экан. Борди-ю, миниб олди ҳам дейлик, томоша ана ундан кейин бошланаркан: осмон-фалакка олиб чиқиб, булутдан-булутга сакраб, юлдуздан-юлдузга ўтиб, ойга етиб бориб, оймомодаги очофат аждарҳога емиш қилиб қайтаркан. Унга йўлиқтиришдан худонинг ўзи сақласин. Одамхўр шерни енгди, қора байирни эгарлаб минди ҳам дейлик, ана энди қирқ барзангининг таърифини эшитинг: барзангилар қилин қирққа бўлган, ўлтирган жойида етти қават ер остида нима гап борлигини билган, оловни сувга, сувни оловга бирлаштирган, сеҳри билан тоғни унга, дарёни қўрғовга айлантирган жодугар мастоннинг болалари. Уларнинг ҳар бири подшонинг қизига хуштор. Уларнинг қўлига тушган киши важохатиданоқ қўрқиб, жонини оғайдан чиқиб кетади. Ҳар бири ҳар куни етти ботмон гўшт-ёғ, етти қоп нон, етти ариқ сув билан тирикчилик қилади. Айниқса, одам гўштини емаса туролмайдилар улар. Борди-ю, уларни ҳам енгса, болаларимни ўлдирган сенмисан, деб, оналари — мастоннинг ўзи бирпасда икки ямлаб бир ютади-да қўяди», — деган гап-сўзларни эшитсаям, ҳалиги бола:

— Мен бориб маликанинг шартларини бажараман, — дебди-да, саройга қараб юраверибди. Саройга борса, одамлар йиғилишиб турган эмиш. Аммо ҳеч ким маликанинг олдига кириб: «Шартингни бажаришга келдим», — дейишга журъат этолмаётганмиш. Бола одамларни ёриб ўтиб, посбонга яқинлашиб:

— Мен маликанинг олдига олиб кир. Шартларини бажараман, — дебди. Болани маликанинг олдига олиб кириб, унга рўбарў қилишибди. Малика:

— Шартларимни бажаргани бел боглаб келдингми? — дебди.

— Худди шундай, шартларингни бажариб сени хотин қилиб олиб кетишга келдим, — дебди бола.

— Кўрамиз,— дебди жиддий ҳолда малика.— Сенга ўхшаганлар кўп келди. Аммо биринчи шартимни бажаринг уёқда турсин, шерни кўрибоқ кўрққанидап унга ем бўлди, сен ҳам ўшаларнинг бирисан-да!

Бола унга қараб:

— Уларнинг бири бўламанми, иккинчиси бўламанми, бу менинг ишим. Шартни айтиб, унинг бажарилишни кўриш бу сенинг ишинг,— дебди йигит.

— Биринчи шартим шуки,— дебди малика,— қафасда шер бор. У ёввойи одамхўр шер, шу билан яккама-якка олишиб уни енгасан, енгилсанг у дунёга кетганинг, енгсанг биринчи шартимни бажарганинг.

Иккинчи шартим шуки, отамнинг табласида бир қора байир от бор. Айтиб қўйай, у Қора девнинг сув отида тарқанган. Шу отни эгарлаб миниб оласан. Борди-ю, эгарлаб миниб олган тақдирингда ҳам осмон-фалакка кўтарилиб, сени осмондаги аждархога рўбарў қилади. Ойга етар-етмас унинг жиловини қайириб олганинг — ютганинг. У, енгдинг, дейди-да, настига тушади. Ана унда сен бу шартимни ҳам бажарган бўласан.

— Учинчи шартим шуки,— дебди малика,— қасримизни қирқта барзанги кўриқлаб туради. Улар дунёдаги жамини мастонларнинг пири — Мастон кампирнинг ўғиллари бўлиб, менга ошиқ-маъшуқлик даъвосини қилишади. Шулар билан биттама-битта курашасан. Енгсанг ютганинг, енгилсанг уларнинг ўзи гўштингни бурда-бурда қилиб нимталаб ёйишиб, суягингни пуркашади.

Йигит қизнинг шартларини тинглаб бўлгач:

— Ҳаммаси шуми?— деб сўрабди.— Шу уч шартингни бажарсам сен меникимсан?

Малика ҳам танти, мард гап қилибди:

— Ҳа, шартларим шу. Борди-ю, ҳаммасини бажарсанг — мен сеникиман!

Йигит маликанинг олдидан чиқиб тўппа-тўғри қафасдаги одамхўр шернинг ёнига кириб, дадиллик билан унинг кўзига кўзини қадабди. Боланинг ҳайиқмай, дадил кириб бориши шерни довдиратиб қўйибди. Шундай бўлсаям одамхўр шер болага ташланибди. Олишув бошланиб, у етти кечаю етти кундуз давом этибди. Охири шер енгилибди, болага қараб:

— Сен зўр чиқдинг, мен енгилдим, энди олиша олмайман. Аммо мени ўлдирма. Яхшилигини унутмайман,— деб ялиниб-ёлворибди. Бола шерни миниб олиб, тўппа-тўғри саройга қараб жўнабди. Саройга келса ҳеч ким йўқ эдинг. Шундоқ олтинга беланган, юз хил рангда товланиб турган

саройда ҳеч кимса йўқлигини кўриб, бола ҳайрон бўлиб турган экан, гумбазини тепасидан:

— Одамхўр шерни енгганинга ишопдик! Қафасга элиб қамаб қўй ё ўлдириб, боқувдаги итларга бер,— деган овоз желибди. Шунда бола гумбазини тепасига қараб:

— Қўрқмасдан тушаверинглар. Шер ҳеч нима қилмайди. Шу кундан бошлаб у менинг изимда,— деб бақирибди. Шернинг қорасини кўрган подшою вазирлар, саркардаю уламолар кўрққанларидан гумбазини тепасига чиқиб олишган экан, боланинг гапидан кейин бирин-кетин ерга туша бошлашибди. Маликанинг отаси — подшо одамхўр шернинг устида ўтирган болани кўриб:

— Қойил, ҳақиқий зўр йигит экансан,— дебди. Шу пайт малика етиб келиб:

— Биринчи шартини бажардинг, бу ишинга биз тав бердик,— дебди. Бола одамхўр шерни минганича ташқарига чиқиб, унга қараб:

— Тўрт томонинг қибла. Қаёққа борсанг-боравер, мен сени озод қилдим,— дебди. Шунда шер:

— Эй, азамат йигит, мен одамзод кўриб, сенингдек мард ва одамийсини учратмаган эдим. Хоҳласанг мен сен билан қолиб, умрбод хизматингда бўлай. Подшо қафасига тушганимга ҳам узоқ йиллар бўлди. Қариндош-уруғларимдан ҳеч ким қолмаган бўлса керак. Мендай қари шернинг ўрмонга кераги ҳам йўқдир,— дебди. Бола рози бўлиб, шер билан қалин дўст тутинибди. Шер бир кун болани кўрмаса, бўкириб-наъра тортиб, ҳаммаёқни бузиб юборадиган бўлибди.

Бола маликанинг иккинчи шартини бажармоқ учун саройга бориб таблага кирибди. Одамзоднинг кўзини тик қадаб, дадил қадамлар билан кириб келаётганини кўрган қора байир ҳам сал бўшашибди. Одамми, ҳайвонми, журъат-ғайратининг жилловини сал бўшаштириб қўйдими, ожизга айлапди деяверинг. Қора байир ҳам йигитнинг кўзига қарай олмайди. Аммо бари бир олдидан келса тишлабди, орқасидан келса тепибди. Бола пайт пойлаб туриб, бир сакраб отнинг белига миниб олибди-да, унинг устида етти кечаю етти кундуз қолиб кетибди. От уни ер билан кунпая-кун қиламан, деб тозаям уринибди. Узиям том бўйи-том бўйи сакрармиш. Ана шундай сакрашларидан бирида боланинг қўли шипга осиглиқ эгар-жабдуққа бориб қолибди. Икки оёғини отнинг қорнига чирмаштириб олиб, орқароққа сурилибди-да, отнинг устида туриб уни эгарлабди. Сўнг эгарга миниб олибди. От бўлса арқонни «ширт» этиб узиб, болани олиб осмон-фалакка кўтарилиб кетибди. Пастда тумонат одам: «Ана энди бола ҳалок бўлди»,— деганича анқайиб қолаверибди. Бола ҳар қая-

ча уринса ҳам отнинг жиловини тортиб, бошини пастга бури олмабди. Қора тулпор учгандан-учиб, булутдан-булутга сакраб, юлдуздан-юлдузга ўтиб, Ойдаги аждарҳо томон баландлаб бораверибди. Ойга оёғина қолганда бола бор кучини била лагига йиғиб: «Ё пирим!» — деб отнинг жиловини тортибди. От боланинг зарб билан тортганига чидаш беролмай, учиб кетаётган жойида таққа тўхтаб, пастга қараб эна бошлабди. Кейин кишнаб, терлаб-пишганича келиб сарой олдида тўхтабди. Ҳамма кўкка қараб турган экан («кўкка қараган ойга етибди», деган гап бор), Қора тулпор Ойга етиб боради, боладан айрилдим, деб подшонинг қизи ҳам икки кўзини осмони-фалакка тикиб турган экан, бола билан Қора байирнинг пастга энганини ва ерга келиб қўнганини кўриб, хурсанд бўлганидан чапак чалиб юборибди. От ерга қўнганда қасрлар шақир-шуқурлаб, ерлар қимирлагандек титраб кетибди. Отнинг шамолига дарахтларнинг учи ерга тегибди. Отнинг тўрт оёғи ерга тўрт қаричдан кириб кетибди. Ҳамма югуриб бориб, болани одан тушириб олибди-да бардор-бардор қилибди. Қора байир болага қараб:

— Мени нима қилмоқчисан энди? — дебди. Шунда бола:

— Тўрт томонинг қибла, истаган томонингга кетавер ё яна подшонинг табласига тушгинг борми? — деган экан, от:

— Подшонинг табласига тушганимга ҳам кўп йиллар бўлди, ёнимга ҳеч кимни йўлатмадим, битта сеп менга басма-бас келиб, эгарлаб олдинг. Менинг ҳеч кимим қолмаган, таблада боглоқлик ётганимда ота-онам ўлиб кетган. Мард йиғитга бир от ҳам керак-да. Рози бўлсанг сен билан қолиб, умрбод хизматингда бўлсам, — дебди. Бола рози бўлиб от билан оға-яни тутинибди. Уни миниб саройга борибди-да, подшо билан маликага кўривияш берибди. Подшо болани кўриб:

— Баҳодирлигингга қойил қолдик, азамат йиғит экансан, — дебди. Малика бўлса:

— Қора байирга басма-бас келганингизга тан бердик, — дебди. Бола саройдан чиқиб, отига миниб, арслонни эргаштириб, бир жойда дамини олиб ётаверибди.

Боланинг одамхўр арслонни енгиб, Қора байир отни эгарлаб миниб, уларнинг ҳар иккови билан оға-ини тутиниб, бир ерда дам олиб ётганлиги хабари қирқ барванги полвоиларга етиб борибди. Болани кутишибди, у келавермагач: «Қўрқиб келолмаяпти, биз билан олишиш учун юрак керак-да», — дейишиб мақтанишиб, бўзани ичиб кайф қилиб юраверишибди. Бола эртасига арслон билан Қора байир отига қараб:

— Сизлар шу ерда дам олиб ёта туринглар, мен бориб анави барзанги полвонлар билан олишай,— дебди.

— Биз ҳам борамиз, ёнингда турамиз,— дейишибди арслон билан Қора байир. Бола:

— Йўқ, сизлар бу ерда маза қилиб дам олиб ётипглар, борсанглар, мақтаниб олиб келибди ёки қўрққанидан уларни эргаштириб келибди, деб айтишади. Бу гап меннинг шаъпимга тўғри келмайди. Енгсам эсон-омон қайтиб келаман, мабодо енгилиб қолсам, улар мени соғ қолдиришмайди. Ана унда суякларимни йиғиштириб, ота-онамнинг олдига олиб бориб, расм-русми қилиб кўминглар,— дебди.

— Сен ўлсанг мен ҳам ўламам,— дебди кўзига ёш олиб одамхўр арслон.

— Сен ўлсанг, мени ҳам кўзини юмди, деявер,— дебди Қора байир.

— Раҳмат, содиқ дўстларим,— деб бола шаҳардан ташқарига чиқиб кетибди. Борса, ҳаммаси барзангилар эмиш. Бозордаги таърифдан ўн карра ортиқ эмиш ҳар бири. Улар болани кўриб, ҳурматига ўринларидан туриб, салом беришибди. Бола ҳар бирига тик боқиб, қўлларини қисиб сўрашиб чиқибди. Шунда уларнинг энг каттаси:

— Биз билан куч синашга келдингми?— дебди.

— Ҳа, яккама-якка олишамизми ёки майдонга биратўла ҳаммаг тушасанми?— деб сўрабди бола. Бу гап барзанги полвонларга тегиб кетибди.

— Нималар деб валақлаяпсан, эй, баччағар. Бизлар сепга анави осонгина енганинг одамхўр шер ё қора байирмидик. Биласанми биз киммиз?! Мاستонларга фирибдан дарс берган жодугар кампирнинг ўгилларимиз-а! Ҳар биримиз тоғин талқон, сипқорса дарёни қуритадиган қудратга эгамиз, яккама-якка олишамиз,— дебди уларнинг энг каттаси.

— Одамзод ана энди ўлдинг,— деб ўртага энг кичик занги полвон чиқибди-да, болага ёпиша кетибди.

Бола билан уч кечаю уч кундуз олишибди. На у енгибди, на бола енгибди. Шунда бола бирпас тўхташни айтибди. Занги полвон, енгилгани шу, дебди-да, тўхташга рози бўлибди. Бола этиги билан чопонини ечиб, ялангоёқ ҳамда яқтакчанг бўлиб, олишаётган занги полвонни ўртага чорлабди. Келиб уни белини ушлагандавоқ: «Ё пирим!»— деб даст кўтариб ердан узибди-да, осмонга отиб юборибди. Занги полвон айланиб-айланиб қасрнинг ичига тапиллаб тушиб ўша заҳоти тил тортмай ўлибди. Шунда бир кам қирқ занги полвон бирданга болага ташланган экан, энг катта акиси уларни тўхтади:

— Бу иш полвонларнинг шаънига тўғри эмас. Ҳаммаг

ташланадиган бўлсанг, олдин айтишинг керак. Олдин ёш, энг бақувват деб укаларингни курашга солдим. Афсуски, у ҳали гўр экан, бевақт ҳалок бўлди. Энди сизлар қараб турасизлар, акаларинг буving бошлаб таъзирини беради. Борди-ю, бу баччагар меин ҳам енгиб чиқса, бизнинг енгилгапимиз, ютуқ уники, мабодо енгиб чиқсам, уни ўлдирмай, ўзимизга қўшиб олиб, кул қилиб ишлатиб юрамиз,— дебди-да, ўзи ўртага чиқибди. Барзанги полвон билан бола етти кечаю етти кундуз олишибди, аммо йиқитишнинг ҳеч пложини қилолмабди. Бир пайт боланинг кўзи гумбазинг устидаги қирқин қпалар орасидаги маликага тушибди. Маликанинг юзида: «Одамхўр ёрслонни енгиб ўзига тобе этган, қора тулпорни эгарлаб мизган сепдай паҳлавонга шу занги полвон нима бўлибди»,— деган маънони кўрибди. Кейин ўзи билмаган ҳолда биллагидан куч оқибди, оёгига қудрат кирибди-да: «Ё пирим, ҳаракат биздан, мадад сиздан!»— деб бир чирпашиб, занги полвонни ердан узиб осмонга отиб юборибди. «Дод, ўлдим!»— деганича занги полвон осмони-фалакка чиқиб кетибди-да, аича вақтдан кейин қасрнинг ичига гупиллаб тушиб, ўша заҳоти жон берибди. Қолган занги полвонлардан бир-иккитаси чираниб ўртага чиққан экан, акалари билан укаларининг аҳволига тушибди. Қолганлари журъат этиб боланинг олдига кела олмабди. «Биз енгилдик, нима қилсанг қил!»— деб бошларини эгиб, ерга қараб туришаверибди. Бола уларни подадай олдига солиб ҳайдаб, подшонинг қасри олдига борибди. Ҳамма гапдан хабари бўлган подшо болага қараб:

— Бу ишингизга ҳам қойил қолдик!— дебди. Енидаги қизи эса хурсанд бўлгандан хурсанд бўлиб:

— Бу шартимизни ҳам аъло бажардингиз. Биз сизники бўлдик!— дебди.

Подшо қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб берибди. Қиз билан бола чимилдиқнинг ичидаёқ қирқ йиллик таниш-билеш қадровлардек апоқ-чапоқ бўлиб, гўё бир кишидай бўлиб кетишибди. Қиз бирпас болани кўрмаса туролмайдиган, бола қизни бирпас кўрмаса яшай олмайдиган бўлиб қолишибди. Шу тариқа кунлар ўтибди, ойлار ўтибди. Бир куни бола хотинига қараб:

— Мен ота-онамни жуда соғиндим,— дебди. Шунда қиз:

— Соғинган бўлсангиз жўнаймиз. Мен отамдан жавоб сўраб, сиз билан кетамап,— дебди. Қиз шундай деб, эртасига отасига учраб, эри билан бирга кетишга рухсат сўрабди. Подшо:

— Эр қасрда бўлса, хотин ҳам ўша ерда бўлиши керак. Майли, рухсат, аммо бизни унутиб юбормай, вақти-вақти би-

лан хабар олиб туринглар, — деб уларга жавоб берибди. Кейин қирқ туяга мол-дунё ортиб, олис сафарга кузатиб қолибди. Бола одамхўр арслонни ўзи, Қора байирга қизни миндириб, икки кам қирқ барзанги полвопларни олдига солиб, қирқ туя молу дунёни эргаштириб йўлга тушибди. Уйига келиб ота-онаси билан кўришиб, кейин қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб берибди. Одамхўр арслон билан Қора байир отни ўзига олиб қолиб, иккам қирқ барзанги полвопларни, «нима қилсангиз ўзингиз қилинг бу жодугар мастоннинг ўғилларини», — деб отасига берибди. Отаси уларнинг қўшга қўшадиганини қўшга қўшиб, қолган-қутганларини дўст-биродарларига улашиб берибди-да, «эхтиёт бўлинглар, булар тагини ҳийла-найранг билан сизларга похол тушириб кетмасин», деб тайинлабди. Ота деҳқончилиги билан овора, бола Қора байирни миниб, одамхўр арслонни етаклаб овини қилиб, кампир билан малика ўз бахтларидан мамнун бўлиб, яхши ҳаёт кечираверишибди. Эл-юрт ҳам тинч-осойишталикдан болага раҳматлар айтаверибди. Ахир, боланинг донги кетгандан кетиб, ҳеч ким — на дев, на аждаҳо, на босқинчилар — юрак ботиниб бу юртга келишга журъат этолмабди-да! Бу юртни тинч-фароғатда яшашда қўйиб, икки оғиз сўзни барзанги полвопларининг опаси — ялмоғиз — мастондан эшитайлик.

Мастон Қуҳиқофдан келиб, ўғилларига подшо қизини бермагани, уларни ўлдириб юборганини эшитиб, подшоликдан сеҳр билан тепаликка айлантириб қўйиб, болаларини излаб йўлга чиқибди. Етти фалакда учиб-учиб, охири бола яшайдиган жойга тушибди. Қараса бир чол ялмоғиз ўғилларидан иккитасини қўшга қўшиб ер ҳайдаётган эмиш. Болаларини кўриб, «бу ўша маликани олиб келган боланинг отаси бўлса керак», — дебди-да, бир сеҳр билан йўловчига айланиб, чолнинг олдига бориб салом берибди. Чол саломига алик олиб, дам олишни таклиф қилибди. Икковлон чой ичишиб, суҳбатлашиб ўлтиришибди.

— Ота, қўшга қўшганларингиз ҳўкиз бўлиб ҳўкизмас, одам бўлиб одаммас, қапақа маҳлуқлар улар? — сўрабди кампир. Чол қиқирлаб кулди:

— Булар ҳаммаси ёмонлик олиб келувчи ялмоғиз мастоннинг фарзандлари. Ўғлим бориб подшо қизининг шартларини бажариб, уларни ҳам ҳайдаб олиб келибди. Ана шулардан икковини олиб қолиб, қўшга қўшиб юрибман, — дебди. Шундан ялмоғиз мастон:

— Ота, мен энди кетай, кеч кириб қолиб манавилимга етолмай қолмай тагин, — деган экан, чол:

— Бугун бизникида меҳмон бўлиб қолинг, борадиган

жойингизга эртага борарсиз,— деб қанчалик қистасаям йўловчи, «раҳмат, кеч қолмай», деганича жўнаб қолибди. Бунинг йўлда кетишда қўяйлик-да, гапни маликадан эшитайлик.

Малика уйидаги юмушларни қилиб ўлтирган экан, эшик тақиллаб қолибди. Чиқиб очса остонада бир қари кампир мункиллаб ҳассасига таяниб турган эмиш. Кампирни кўриб малика хурсанд бўлиб, ичкарига таклиф қилибди. Шунда жодугар-мастон чой устида:

— Қизимникига келган эдим, зерикиб кетиб, қўшниковикига чиқиб бирпас гаплашиб ўлтираман, дедим-да, келавердим,— дебди. Малика:

— Яхши қилибсиз, ўзим ёлғиз зерикиб ўлтирган эдим,— дебди. Кампир малика билан гаплашиб ўлтираркан, гап орасида, эрингизнинг зотини биласизми, болам, деб сўрабди. Бу сўзга ҳайрон қолган келин, «йўқ», деб жавоб берибди. Шунда кампир:

— Вой, болам, эрингизнинг зотини билмай тегаверганмисиз? Ахир, зотини сўраб-суриштириб, таги-зотини билиб, кейин тегмайдимки киши,— дебди. Шунда малика:

— Мени эримнинг таги-зоти, кимлиги қизиқтирмаган, унинг мардлиги билан ҳалол-поклиги қизиқтирган,— дебди. Кампир кетиш олдида:

— Болам, эрингиз келгандан кейин, зотингиз ким, деб сўранг-да, билиб олинг. Айтмаганига қўйманг,— дебди. Кампир шундай деб жўнаб кетибди. «Кампир тўғри айтади. Таги-зотини билмасдан, шартларимни бажарса тегаверибман ахмоқ бўлиб»,— дебди ўзига ўзи малика.

Малика кампирнинг келганини ва айтган гапини меҳмондан келган онаси билан даладан кайтган отасига айтмабди. Эри келгач, яхши кутиб олибди. Кечаси ўрнида ётганда малика эрига қараб:

— Қанчадан буён эр-хотинмиз. Аммо сиз меннинг зотимни биласиз-у, мен бўлсам, сизнинг зотингизни билмайман. Зотингизни айтиб беринг,— дебди. Шунда бола:

— Сен бу гапни қаерда олдинг? Ахир, отам билан онамнинг кимлигини ўзинг кўриб-билиб турибсан-ку,— дебди-да,— энди бошқа сўрама,— деб тайинлабди. Малика бари бир қўймабди. Бола яна, сўрама, дебди, малика яна сўрабди. Малика сўрашдан чарчамабди, бола, таги-зотимни сўрама, деб чарчамабди. Боланинг тоқати тоқ бўлиб, уйнинг тўрига бориб маликага:

Малика эрим-а, сўрама дедим зотим-а  
Сўрадинг зотим-а, ҳам ўзингга қилдинг, ҳам менга,

дебди-да, бир уфф тортибди. Шунда бола ярим белигача ерга кириб кетибди. Малика жойида ётгандан ётиб:

— Таги-зотингизни айтмасангиз ёнимга йўламапг,— дебди ҳам эркаланиш, ҳам ўпкаланиш оҳапгида. Бола жим турган экан, малика, зотингизни айтасизми-йўқми, деб яна ҳадеб сўрайверибди. Йигит тагин тилга киришга мажбур бўлиб:

Малика ёрим-а, сўрама дедим зотим-а,

Сўрадинг зотим-а, ҳам ўзингга қилдинг, ҳам менга.

деб яна қаттиқ уфф тортган экан, бутунлай ерга кириб кетибди. Малика қараса, эри йўқ эмиш. Пичоқни олиб ерни кавлай бошлабди, бўлмабди: Шундан кейин куракча билан бутун уйни кавлаб чиқибди. Эрини тополмабди. Бу шум хабарни ота-онасига етказибди. Кампир билан чол ҳам оёққа туриб бутун ҳовлини одам бўйи қилиб кавлашибди, лекин йигит йўқ эмиш. Малика одамхўр девни ўрмонга, Қора байирни осмони-фалакка чиқарибди, улар ҳам болани еру кўкдан ахтара-ахтара тополмай, хафа бўлганларича қайтиб келиб, овқат ҳам емай қўйибдилар.

Шу пайт кечаги кампир бир девона киши бўлиб тиланиб келиб қолибди. Малика уни кечаги мастоп-кампир эканлигини тапнмай, уйига олиб кириб, ҳайр-аҳсон қилибди-да, воқеани айтиб берибди. Девона пайт келганини билиб, сеҳр билан кампирни гўштга, чолни бедага, маликани қанжиқ итга айлантриб бир қозикқа боглабди-да, гўштни Қора байирнинг олдига, бедани одамхўр арслоннинг олдига қўйиб, итнинг қошида бир итялоқни қолдириб: «Умр бўйи шундай азобда яшайсанлар!»— деганича болаларини олиб ўз юртига учиб кетибди.

Ана энди малика ит ҳолига келганига чидаёлмай, тупи билан увиллаб, куни билан уялганидан одамларга кўринмай яшай бошлабди. Одамхўр арслон Қора байир олдидаги гўштни олиб ей деса, «ўзимнинг эгамнинг онасини егандан кўра очдан ўлганим яхши», дермиш. Қора байир одамхўр шер олдидаги бедани ей деса, «ўзимнинг эгамнинг отасини егандан оч қолиб ўлганим маъқул», дермиш. Учовлон азоб-уқубатда кун кечира бошлашибди.

Чолнинг ошналаридан бири унга жудаям меҳрибон экан. Ундан хабар боравермагач, бир гап бўлганга ўхшайди, деб чолникига келса, унинг уй-жойи харобазорга айланган эмиш. Харобазорда бир боғлиқ арслон билан Қора байир турган эмиш. Ундан нарироқдаги эшик яқинида боғлоглиқ ит ялоғи олдида маъюс ётганмиш. Шунда чолнинг ошнаси: «Бунда бир сир бор!»— дебди-да, бир донишманднинг олдига бо-

риб уни бошлаб келибди. Ит, от, арслонни кўрган донишманд:

— Бу жодугар мастоннинг иши,— дебди.

— Нима қилса уларни ўз ҳолига келтириш мумкин?— сўрабди чолнинг ошнаси. Донишманд:

— Эртага китоб кўриб келиб айтиб бераман,— дебди-да, уйига китоб кўргани кетибди.

Чолнинг ошнаси бу ерда қолиб, итти кишандан озод қилибди, беда билан гўшти уйнинг ичкарисига киритиб қўйиб, от билан арслонни ҳам кишандан озод қилибди. Шу пайт от кишнагапича қанот чиқариб, осмони-фалакка учиб кетибди. Кеч кириб, тонг отибди... Донишманд китобни қўлтиғига қисганича кириб келибди-да:

— Мастон кампирнинг бу сирини даф қиладиган гап-сўз бу китобда йўқ экан,— дебди. Чолнинг ошнаси:

— Энди нима қиламиз, булар шундайлигича қолаверади-ми?— деган экан, донишманд:

— Қани, шошманг-чи, бир иложини қилармиз,— дебди, кейин:

— Қора байир от қани?— деб сўрабди.

— Отни кишандан бўшатганим заҳоти қанот чиқариб, осмони фалакка учиб, ҳавода кўринмай, йўқ бўлиб кетди,— дебди чолнинг ошнаси. Шунда донишманд:

— Балки шу от бир иложини қилар! Ошнангиз ва ўгли у билан яхшимиди ё ёмонмиди?— деб сўраган экан донишманд, чолнинг ошнаси:

— Улар бир-бирлари билан оға-инидай эдилар. Бола ўзи емаса ҳам отига едирарди, чол ҳам унга худди ўглига қарагандек қарарди!— деб жавоб берибди.

— Унда отнинг қайтишини кутамиз. От ақлли, ҳамма нарсага ақли етади,— дебди донишманд.

Яна кеч кириб, тонг отибди. Бир пайт осмондан қора бир нарсанинг бало-қазодек келаётганини кўриб қолишибди. У тобора яқинлашиб кела бошлабди. Бир пайт қараб туришса, Қора байир от бир нарсани тишлаганича учиб келиб ерга қўнибди-да, ўнг оёғи билан ҳалиги йарсанинг қорнидан босиб тураверибди. Қарашса бир кампирниш, кампир кўрқиб кетган экан, нуқул: «Мени Қора байирнинг чангалидан озод қилинглар, бўлмаса ўлдириб қўяди. Ҳаммани ўз ҳолига келтираман. Малика билан эрига ўлгунимча хизмат қиламан. Боз устига бараанги полвон ўғилларимни ҳам хизматига қўяман»,— деб валдирайверибди. Чолнинг ошнаси отга қараб:

— Ҳурматли Қора байир, кампирни бўшат, у ҳамманг ўз ҳолига келтирсин,— дебди. Қора байир бир кишнаган экан,

еру кўк тебраниб кетибди. Кампир оқсоқланиб-оқсоқланиб айвонга бориб ўтирибди-да, бир сиқим тупроқ олиб, унга алланарсаларни ўқиб, уй ичидаги гўшт билан бедага сочиб юборибди. Шу пайт чол билан кампир, кўп ухлаб қолибми-а, деб уйдан чиқиб келишибди. Чол ошнасини кўриб, жуда ҳам хурсанд бўлиб кетибди. Кампир бўлса, келиним қани, ўғлим қани, деб уёққа югурибди, буёққа югурибди. Мاستон яна бир сиқим тупроқни олиб алланималарни ўқиб, эшик олдидаги итга қараб сочиб юборибди. Эшик олдидаги кучук бир «апчхуу» деб келин — маликага айланибди-қолибди. У ҳам:

— Кўпроқ ухлаб қолибман, ойи,— дебди хижолат чекиб.

Кейин отаси билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб:

— Ўғлингиз қайтмадиларми?— дебди. Чол:

— Йўқ, болам, ҳали қайтганича йўқ, ўша кетганича келмади, кутиб турибмиз,— дебди. Шунда ялмоғиз мастон чол билан кампирга қараб:

— Мени Қора байирнинг чапгалидан қутқазиб, соғ-омон олиб қолдинглар. «Юртимга келиб, болани топиб берасан, малика, чол, кампирни ўз ҳолга келтирасан. Бўлмаса сени осмони-фалакка олиб чиқиб, оймомодаги очофат аждарҳога емиш қиламан, тирик қолган болаларингни биттама-битта тегиб ўлдираман»,— деб у мени тозаям азобга солди. Кўнмаган эдим, мени тишлаб олиб қочди. Ана энди унинг кучига таян бердим. Ешим ҳам бир ерга бориб қолди. Мастонлик қила бошлаганимга ҳам салкам беш юз йил бўлди. Бас, энди чарчадим, энди мен ҳам сизларга ўхшаб яшай. Эй, маликам, эрингнинг қаердалигини мен биламан. Уни фақат сенинг ўзинг уйга олиб кела оласан,— дебди.

— Йўлни кўрсат, ернинг тагидан бўлсам олиб келаман,— дебди малика. Шунда кампир:

— Гапимга яхшилаб қулоқ сол. Мен уйимга қайтиб барзанги полвон иккам қирқ ўғлимни кўрайин. Отангнинг юртини сеҳримни иплатиб бир тепаликка айлантириб қўйганман. Отангнинг юртини ҳам ўз ҳолига қайтариб, рози бўлса, ота-онангни олиб, барзанги полвонларимни ҳам эргаштириб келаман. Кейин эрингни топишга ёрдамлашаман,— дебди.

— Алдаб кетсанг-чи,— дебди малика. Кампир, алдамайман, деб қасам ичибди. Рухсат олиб осмони-фалакка кўтарилибди. Бирпасда юртига етиб бориб, маликанинг ота юртини ўз ҳолига келтирибди. Отаси билан онасига, мен билан қизларингиз олдига кетасизларми, деган экан, йўқ, биз қариб қолдик, соғинса келиб кўриб кетар, деб кўнишмабди. Мастоннинг икки кам қирқ ўғлига кўтарганча қизимга деб молдунё берибди. Кампир ҳам ҳамма сеҳрли китобини ёқиб юбо-

риб, одамга ўхшаб маликаникига қараб йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юриб, қирқ кеча-ю, қирқ кундуз деганда етиб келибди. Уни кўриб ҳамма хурсанд бўлибди.

— Отам билан онамни ўз ҳолига келтириб яхши иш қилдирсан, соғ-саломатми?— дебди малика.

— Айтганимни қилдимми, қилдим. Улар соғ-саломат юришибди. Олиб кетай десам, «қариб қолдик, соғинса келиб кўриб кетар», дейишди,— дебди кампир. Ҳамма бир-бирини топишиб, хурсанд бўлишиб, қишлоқнинг четига мастон кампир билан ўғилларига бир жой ажратиб, уй қуриб беришибди. Шунда малика кампирга қараб:

— Тоқатим тоқ бўлди. Эримни ахтариб топиш йўлини ўргатинг!— дебди.

— Болам, мен жодугарни кечир, уни топиш жудаям мушкул бўлсаям айтаман. Борди-ю, куч-қувватинг етса топасан,— дебди.

— Куч-қувватим етгунча, белимда дармон, оёғимда қувват тугагунча, кўзим нури адо бўлгунча ахтараман!— дебди Малика.— Менга унинг қаердалигини айтсангиз бас.

Шунда кампир:

— Йўлга бир ўзинг чиқишинг лозим. Манзил йироқ, сафар оғир, ўзинг ёлғиз-танҳо қўрқмайсанми?— деб сўрабди. Малика:

— Қўрқмайман, йўлимда дарё келса сиққориб, тоғ келса кемриб, чаңгалзор-тиканзор учраса сиқдириб бўлсаям, ўзимга йўл очиб, севган ёримни излаб топаман,— дебди. Кампир маликанинг аҳду паймонига қойил қолиб:

— Бўлмаса қўлингга темирдан ҳасса олиб, етмиш қават кийик терисидан этик тиктирасан-да, йўлга тушасан. Темир ҳассанг қилдай, оёғингдаги этик пнёз пўчоғидай бўлиб қолгунча, бошингга қушлар тухум қўйиб, бола очгунча юриб, охири етиб борасан,— дебди.— Олдиндан баҳайбат бир азим тоғ чиқади. Шу тоғни еттига менга ўхшаган жодугар ялмоғиз-кампир, еттига қирқ бошли аждарҳо, қирқта баҳайбат дев, қирқта пари қўриқлаб ётади. Девлар ичидаги Қора дев, парилар ичидаги Тозагул, ялмоғиз кампирлар ичидаги Жоингор мастон, аждарҳолар ичидаги Тўймас, айниқса, даҳшатли, уларга эҳтиёт бўласан. Ҳаммасига аввал салом бер, кейин ширин забонлик билан ҳол-аҳвол сўра, ундан сўнг уларга қараб: «Эй, меҳрибон, баҳодир паҳлавонларим! Мен сизларнинг сийгилларингизман-ку! Наҳотки менга ёмонлик истасанлар? Ахир, мен яхши кўрган ёримни олиб кетгани келдимки, усиз бизга қийин бўляпти»,— дейсан. Париларин бўлса, дунёдаги жами чиройилларнинг энг чи-

ройлиси сизлар, деб тозаям мақтасанг, сенга йўл кўрсатиб юборишади,— дебди.

Малика кампир айтганидай қилиб, темирдан ҳасса яса-тибди, етмиш қават кийик терисидан этик тиктириб ота-она-си, қавм-қариндошларни билан хайрлашиб йўлга чиқибди. Йўл юрибди, йўл юрсаям оз эмас, мўл юрибди, неча-неча дарёлар-ни кечиб ўтибди. Богларга боқиб ўтибди, саҳролардан сакраб ўтибди. Қор демай, ёмғир демай, шамол-тўполон демай юра-верибди, юраверибди, охири темир ҳассаси қилдай бўлиб қо-либди, оёқ кийимни парашлаб ниёз пўчоғидай ҳолга келибди, бошига қушлар уя солиб, тухумлаб, болаларини учирма қи-либди. Шу пайт рўпарасидан бир тоғ чиқибди. Тоғнинг ол-дида кампир айтган аждарҳолар, девлар, ялмоғизлар, пари-лар пойлоқчилик қилиб туришган эмиш. Малика кампир айтгандай қилиб уларнинг олдига бориб, қуюқ салом бериб, кейин уларга бисотидаги жамики ширин сўзларини бирма-бир айтибди. Париларни таърифлашда бўлса, дунёдаги ши-рин сўз қолмабди. Маликанинг гап-сўзлари уларга шунча-лик таъсир этибдики, ҳатто эриб, сел бўлиб кетишиб, унга ёмовлик қилиш уёқда турсин, ҳамма айтганларини жон-дил-лари билан бажаришга розилик билдиришибди. Шундай бўлса ҳам улар орасидаги кампир айтган Жонигор, Тўймас, Қора девларнинг бири маликани ютиб юборишга, иккинчиси мижгилаб ўлдиришга, яна бири тошга айланттиришга ҳара-кат қилишибди. Аммо бошқалар бунга йўл қўйишмабди. Охи-ри қирқ бошли аждарҳо:

— Кимни излаб юрибсан?— деб сўрабди.

— Эримни,— дебди Малика,— усиз қийналиб кетдинг. Бошқа қон-қон олтининг, молу дунёнинг кераги йўқ.

Шунда Қора дев:

— Мен сиз одамзодга ҳайронман. Худди биз париларни қўйнимизга солиб юрганимиздек, бир-бирларини қўйишларига солиб юришса-ку, бири-иккинчисини йўқотмайди-я,— деб-ди. Қирқ бошли аждарҳо, гапни бас қилинглар, бунга ёрдам бериш керак, дебди. Ҳамма жим бўлибди. Шунда парилар-нинг саркори Тозагул:

— Биз сенга эрининг қардалигини айтамыз, яхшилаб қулоқ сол: шу тоғнинг кун ботиш томонида жудаям катта ўнқир-гор бор. Шу горнинг ичига кириб, ер остига қараб кетган йўлдан кетаверасан. Икки ёнингда ёниб турган олов-ларга тега кўрма, нақ куйдириб юборишади. Шу йўлдан ту-шиб бораверасан, бораверасан, бир кам қирқ зинапоя қол-гадда тўхтайсан. Кейин ўннга қараб юрасан, рўпарангдан катта яланглик чиқади. Ана шу ялангликда эринг катта-кат-та баҳайбат ҳайвопларни боқиб юрган бўлади. Сен уни кў-

риб пидамайсан, индасанг нобуд бўлганинг, чунки улар ер ости подшошпниг энг яхши кўрган ҳайвонлари. Бу ҳайвонлар ўтлаб юриб сувсайди-да, бўкиради. Улар бўкирганда тоғларни шақир-шуқур овозлар босиб, қиёмат-қойим бўлгандек туюлади. Сен чўчимаям, қўрқмаям. Кейин эринг уларни ҳайдаб шундоққина олдингдан ўтади. Сен яна пидамайсан. Эрингниг орқасидан унга билдирмай, шариа-сурон қилмай бораверсан, шунда бир кўл чиқади. Эринг ҳайдаб борган махлуқлар ўзларини кўлга отиб, сувнинг остига тушиб кетади. Ана шунда сен эрингниг ёнига бориб, келганингни аяглай, — дебди.

— Кейин нима бўлади? — деб сўрабди малика.

— Кейин эрингга етасан, ўзинг билан бирга олиб кетасанми ё қолдириб кетасанми, уёғини икковларинг ҳал қиласанлар, — дебди нари.

Малика тоғнинг кун ботиш томонига етиб, ёрнинг ичига кириб, зинапоялардан пастга қараб туша бошлабди. Деворга осиглиқ турган оловлар уни ушлаб олай, сочига тегай-тегай дермиш. Аммо қиз ниҳоятда эҳтиёт бўлибди. Малика зинапоялардан тушиб кетаверибди, кетаверибди, бир кам қирқ зинапояга тушиб тўхтаб, ўнгга қараса, йўл бор эмиш. Шу йўлдан, «бисмиллоҳир раҳмонир раҳим», деб ичкарилаб кетаверибди. Бир пайт рўпарасидан катта яланглик чиқибди. Қараса озиб-тўзиб, чўн бўлиб қолган эри баҳайбат, ҳар бири бўз тепадай-бўз тепадай ҳайвонларни боқиб юрган эмиш. Малика дод деб юбораёзибди-ю, аммо Тозагул парининг айтгани эсига тушиб, додини ичига ютибди. Бир пайт қараб турса, ҳалиги ҳайвонлардан бирови тегирмоннинг дудига ўхшаб даҳшатли бўкирган экан, бошқалари унга қўшилишибди, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетай дебди. Бола уларни ҳайдаб йўлга тушибди. Қиз жим қараб турса, бола ҳайвонларни ҳайдаб шундоққина ёнидан ўтиб кетибди. Малика уни кучоқлаб олай дебди-ю, пари Тозагулнинг гапи эсига тушиб ўзини тутибди. Малика шарпадек сездирмай унга эргашибди. Шунда бир кўлнинг устидан чиқиб қолишибди. Бола ҳайдаб келган махлуқлар шошиб-пишиб сувнинг ичига кириб кетишибди. Кўл бўйида қолган эри сувга қараб:

«Мархабо ёрим-а, сўрама дедим хотим-а.

Сўрадинг хотим-а, ҳам ўзингга қилдинг, ҳам менга,

деб қўшини айтиб, сувга тикнлганча ҳаёл суриб ўтираверибди. Малика эрининг ёнига бориб:

— Ассалому алайкум, гуноҳкорнинг гуноҳидан ўтинг, — дебди. Бола чўчиб кетибди, шошиб орқасига қараса, не кўз

билан кўрсинки, севган ёри турган эмиш. Икковлари бир-бирларига печакдай чирмашиб кетишибди.

— Қандай келдингиз? Ким ёрдам берди? Йўлни қанақа топдингиз? Отам билан онам тинчми?— деб бола устма-уст саволлар берибди. Малика:

— Шошилинг, тез бу ердан чиқиб кетмасак, ҳали замон анави сувга тушиб кетган ҳайвонлар чпқиб, сизиям, мениям ҳалок қилади,— дебди. Икковлари қўл ушлашиб шошиб-пишиб йўлга тушишибди. Бояги зинапоядан тезда ёруғ дунёга чиқишибди. Тоғни пойлаб ётган аждарлар, девлар, парилар уларни тозаям меҳмон қилишибди. Бир пайт тоғу тошлар шақир-шуқурлаб, ер қимирлай бошлабди. Ҳаммаёқни шовқин-сурон босиб кетибди:

— Бу пима?— деб малика қўрқиб кетган экан, қирқ девнинг бири — Оқ дев унга қараб: «Қўрқма, бу эрипг боқиб юрган махлуқларнинг иши, сувдан чиқиб қарасаки, боқувчи бола йўқ. Бир-бирларига: «Сен еб қўйгансан!»— деб ўзаро урушишашпти,— дебди. Шунда Тозагул:

— Энди бу ердан тез кетмасаларнинг бўлмайти. Ҳали замон улар бу ёққа чиқиб сизларни ҳам хафа қилади, бизни ҳам. Борди-ю, сизлар бўлмасанглар, биздан, нега болани қочиб юбординглар, деб сўрашса, ҳеч ким қочиб кетгани йўқ, ўзларнинг еб қўйган бўлсаларнинг керак, деймиз. Апа унда ер остига қайтиб тушиб, «болани топ», деб бир-бирларини еб ётишаверади,— дебди. Бола билан малика уларга раҳматлар айтишиб, пой-пиёда йўлга тушишибди. Шу пайт Тозагул «Тўхтаглар, ҳозир»,— деганича тоғга кириб, бирпасдан кейин Оқ девни бошлаб чиқибди.

— Оқ девдан илтимос қилдим, сизларни олиб бориб қўяди,— дебди пари. Оқ дев, қўймадинг-қўймадинг-да, деб болани оқ олма, қизни қизил олмага айлантириб қўйнига солибди-да, осмонга кўтарилибди. Бир маҳал дев: «Кўзларингни очларинг»,— деган экан, бола билан малика кўзларини очишса, ўз уйларида турган эмишлар. Ҳамма бир-бирларни билан топишиб, қучоқлашиб, ҳол-аҳвол сўрашибди. Бола элатни йигиб қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб берибди. Чолнинг ошнаси билан донишмандга раҳматлар айтибди. Қора байир билан арслонга ҳам раҳматлар айтибди. Айниқса, арслондан, Қора байирдан хурсанд бўлибди. Қора байир мастон кампирни олиб келган бўлса, арслон ота-онасининг ҳолидан хабардор бўлиб, тегирмонини тортиб, сувини келтириб, экин-тикинга қараб юрган экан-да! Бола мастоннинг ҳам, барзанги ўғилларининг ҳам гуноҳидан ўтибди. Кейин маликанинг ота-онасини ҳам олиб келибди. Яна қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб берибди. Шундан бери бола

биян малика пккаласи ота-онларни билаи бўлишиб, иноқ яшаб, мурод-мақсадларига етишишди.

## КУННИ ҚАРҒАБ БЎЛМАЙДИ

Бу ҳикояни дадамдан эшитганман, дадам дадасидан эшитган экан, у ҳам ўз дадасидан эшитган-да. Эртак эмас, ўтирик экан, ўтирик эмас, чўпчак экан.

Уша вақтлардаги юртлардап бирида бир элат яшар экан. Ана шу элатда Қоровой деган бир киши яшаб ўтган экан. Қоровойнинг бир хотини, бир мушуги, бир кучуги билан танҳо биттагина қизи бор экан. Қоровой элатнинг ўтини бўлса ёриб, суви бўлса сугориб, янчиғи бўлса янчиб, қўйи бўлса боқиб тирикчилик ўтказар экан.

Кунлардан бир кун қўй боқиб юриб, нима ҳам бўлибди-ю, Қоровой Кун бобони сўкиб юборибди. «Хар кун ярақлаб чиқаверади, бир кун чиқмаса-ку, дам олардим», — деб сўкибди. Шундан кейин Кун бобонинг жаҳли чиқиб бирам қизиб берибдики, Қоровойнинг юзларидан шарра-шарра тер қуйилибди. Ичай деса сув йўқ эмиш, соялай деса, салқин жой. Сувсаб итининг тили бир қарич осилиб тушибди. Қўй-эчкилари турган-турган жойларида сув-сув дегандек, маъраб-маъраб бақириб чақириб таппа-таппа йиқилиб, ўлгани ўлиб, қолгани чала ўлик бўлиб ётиб қолаверибди. Бундан Қоровой тушмагурнинг янада жаҳли чиқиб Кун бобони баттар койиб кетибди. Жаҳли баттар чиқмас эканку-я, ammo ўлган қўй-эчкиларнинг эгаларига нима дейди? «Қўй-эчкиларингиз куннинг иссигидан ўлиб қолишди», — деса ким ҳам ишонарди. Бари бир уриб-сўкиб типч қўйишмайди. «Қўй-эчкиларни атаилаб ўлдиргансан», — деб ҳатто, қишлоқдан ҳайдаб чиқаришади. Қоровой шуларни ўйлаб-ўйлаб кун бобони тагин бошлаб қарғабдики, асти қўяверинг. Бундан Кун бобонинг янаям жаҳли чиқиб, кўпроқ қиздирибди. У сочган оловдан Қоровойнинг яхши кўрган ити ўлибди, қўй-эчкилари қирилибди... Олтиндай бўлиб турган дала-даштлар ҳам живганак бўлиб қуйиб, кулга айланибди. Қоровой катта бир чинорнинг тағида жон сақлаб қолибди. Кейин Кун бободан қасдини олишга аҳд қилибди. Буни чинорга айтган экан, у: «Йўқ, бундай қилма. Кун бобонинг жаҳли чиқиб кетиб, еру кўкни баттар оловга ўрайди. Унда биз ҳам қолмай ёниб кетамиз», — дебди. Қоровой чинорнинг гапидан ҳафсаласи пир бўлиб, булоқнинг олдига бориб унга қараб:

— Ҳой, қайнар булоқ, Кун бобо итимни ўлдирди, қўй-

эчкиларимни ҳалок қилди, уларни ўтлатадиган яйловларимни нобуд қилди. Мен ундан қасос олмоқчиман, шунга сен нима дейсан?— дебди. Булоқ:

— Ҳай-ҳай ундоқ қилма, Кун бобонинг жаҳли жуда ёмон-а! Бир қаҳр қилсалар биз ҳам қуриб қоламиз. Унда ичар сувни қаёқдан оласан. Асло бундай қилма. Ниятингдан қайт,— дебди. Бу гапдан ҳам Қоровойнинг ҳафсаласи пир бўлиб, тоғнинг олдига бориб, унга:

— Ҳой, азим тоғ. Сен дунёда энг қудратли ва кўркемсан, унча-бунча жонзод ҳайиқиб олдинга келолмайди. Қани айт-чи, сен кучлимсан ё Кун бобо кучлими? Шунин билгани келдим,— дебди. Тоғ бир силкинган экан, тошлар бир-бирига урилиб, шундай овоз чиқибдики, ундан дов-дарахтлар қақшабди, ер титрабди, дарёю сой бўғилиб қолибди. Қоровой:

— Бўлди-бўлди, кучингга тая бердим,— дебди. Шунда тоғ:

— Куч-қудратимни кўриб турибсан, агар хоҳласам, осмонга етиб, юлдузларни тутдай тўкаман. Кун бобонинг билан Ой момонгни соққа қилиб ўйнайман,— дебди. Қоровой: унинг кучига тая бериб, чинор билан булоққа берган саволини айтибди:

— Ҳой, куч-қудратда тенги йўқ, азим тоғ! Мени Кун бобо хафа қилди, қўй-эчкиларимни ҳалок қилди, кошки ўзимники бўлса эди, ҳаммаси влатники эди. Итимни ўлдирди, боз устига қўй-эчкилар боқиладиган яйловни ҳам қовжиратиб, қуритиб, қип-қизил даштга айлантирди. Ундан қасдимни олмоқчиман, шунга нима дейсан?— дебди. Шунда тоғ ўйлашиб туриб:

— Қийин саволини бердинг-ку, мен нима ҳам дея олардим, жаҳли чиқса Кун бобо мени ҳам эритиб юборишга қодир. Саволингга мендан кўра дарё яхшироқ жавоб берса керак. Дарёга бориб, ундаги оби одамдан сўрасанг, балким саволингга жавоб топар,— дебди. Қоровойни тушмагур тоғдан ҳам хафа бўлибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, дарёга етиб борибди. Дарёга қараса, у ҳайқириб, пишқириб оқиб ётган эмиш. Сандиқдай-сандиқдай тошларни бир-бирига уриб оқизар, қиргоқларни кемириб-емириб бораётган эмиш. Дарёнинг важоҳатини кўриб, Қоровой кўрқиб кетибди. Қирғоқига ҳам боролмабди. Узоқдан қараб турган экан, дарё тобора тўлиб-тошаётгандай бўлибди. Кейин кўзи бир махлуққа тушибди. Елкаси қирдай, ўзи тоғдай, кўзи Ҳожимқулнинг ҳовузидай, қўлларини Кенаснинг ариғидай, оғзи тоғнинг ўнгаридай эмиш. Бир синқорса дарё суви тугаб қолаётган эмиш, оғзидаги сувни осмонга пуркаса, жаладай ерга ёғи-

лар эмиш. Буни кўриб Қоровойнинг юраги орқасига тортиб кетибди. «Апа энди ўлдим, қаердан ҳам келдим буёққа, — кўй-эчкиларни қирилиб кетса — қирилиб кетавермасмиди, яйловга бало бормиди, итим ҳам қариб қолган эди. Кун бободан ўч олишни менга ким қўйибди. Энди уйга бориб, болачақаларимни кўриш ҳам насиб бўлмайди, деб йиғлай бошлабди. Шунда оби одам:

— Ҳой одамзод, нега кўз ёш тўкаяпсан. Дарёдаги сув озмиди, — дебди. Қоровойи тушмагур унинг гапидан қувват олиб, одамга ўхшайди-ку, бу ҳам, дебди-да, арзни айтибди.

— Хў-ў оби одам, ҳамма сени қудратли дейди. Ўзим ҳам кўриб турибман, жа-а баҳайбат экансан, нима истасанг қўлингдан келадди. Кун бобо кўй-эчкиларимни қириб юборди, итимни ўлдирди, яйловни барбод этди. Шундан газабланиб, ундан ўч олишга аҳд қилдим. Сен йўлини айтсанг бас, — дебди. Оби одам бошини қашиб ўйлаиб қолибди. Орадан бир минутча вақт ўтгач:

— Бу мушкул иш. Негаки, Кун бобонинг қаҳри жуда ҳам ёмон. Истаса дарён азимнинг сувини вақир-вақир қайнатиб юборади. Биз ҳам унинг қаҳри олдида ожизмиз. Аммо ёрдам сўраб келибсан, майли, қўлимдан келганча ёрдамимни аямайман. Лекин шартим бор. Ҳар ойда бир бола — ё қиз ё ўғил олиб келиб қурбонлик қиласан. Шунга рози бўлсанг, мен тайёрман, — дебди.

— Бола қурбонлик қиласан?! — оби одамнинг гапидан эси чиқиб кетибди Қоровойнинг. — Бекорларни айтибсан, ашак мия еган, — дебди Қоровойи тушмагур. Аммо бу гапдан оби одамнинг ҳечам жаҳли чиқмабди. Қоровойга қараб:

— Мен қурбонликни ҳозир бер демайман. Юртингга бор. Элатинг билан маслаҳат қил, кейин келарсан. Сўнг мен сенга ёрдам берарман, — дебди. Оби одам шундай деб, яна аста-секин дарёга тушиб, кўздан гойиб бўлибди. Боядан бери тинч оқаётган дарё яна ҳайқирибди, пишқирибди. Қиргоқларни бузиб, кўринган жонли-жонсиз нарсаларни ютганча ўз йўлида оқа бошлабди. Қоровойнинг боши қотиб қолибди. Тозаям боши қотиб турган экан, оёғи остидан бир овоз келиб, унга шундай дебди:

— Эй, одамзод, элатингга бор, оби одамнинг айтганини ўларга етказ, Кун бобонинг қилмишларини ҳам айт. Ораларидан ориятли бирон киши чиқиб қолар. Балким ана шу баҳодир биро-бир йўл топар, — дебди, ҳейин: — Сен учраганларнинг барчаси Кун тўранинг қаҳридан қўрқади, унга тик боролмайди, — дебди. Қоровой дарров изига қайтибди. Йўл юрса ҳам мўл юриб, элатига етиб келибди. Бу ерда ҳам Кун бобо қилғилигини қилибди: Еру-кўкни куйдириб, жиз-

ғанак қилибди. Қоравой, қай кўз билан кўрсинки, экин-текинлар қовжираб, қуриб ўтип бўлиб ётганмиш. Қўй-эчкилар, от-улоқлар таппа-таппа тушиб ўлиб ётганмиш. Ҳовузаларга тўпланган сувлар варақ-варақ қайнаб турганмиш. Кишилар иссиқдан ақлидан адашиб, кўринган салқинга ўзларини уриб ётган эмиш. Кун қвадиргандан-қиздириб ётган эмиш. Қоравой уёққа борибди, буёққа борибди, қўлидан ҳеч вақо келмабди. Кун бобо қишлоқни тарк этишини кутибди. Кеч бўлиб, Кун бобо ухлагани кетибди. Одамлар бирин-кетин Ингилиша бошлашибди. Тирик қолган ҳайвонлар ҳам маъраб ҳовлига кириб кела бошлашибди. Одамлар Қоравойдан:

— Қўй-эчкилар қани? — деб сўрашибди. Қоравой бўлган воқеани айтиб берибди. Аммо Кун бобони сўкиб, қаргагани ҳақида лом-мим демабди. Кишилар Қоравойни бурда-бурда қилиб ташламоқчи бўлишган экан, юрт бошлиғи Тўхташ бобо:

— Унга тегманглар. Ўзларинг кўриб турибсанлар, Кун бобонинг қаҳри қишлоғимизни ҳам хароб этди-ку, қўй-эчкилар қирилди, ер қовжиради, ҳовуздаги сувлар қайнади. Қоравойнинг айтганини қилиб, қани, оби одамга қурбонлик берайлик-чи, зора у Кун бобони қаҳридан туширса. Яна ерлар ишнаб, қўй-эчкилар ўтлашса. Одамлар ҳам қийналмай, яхши яшашса, — дебди. Чек ташланибди. Чек шу қишлоқнинг Ҳасан савдогарнинг Тўхтар деган боласига тушибди. «Боламни бермайман!» — деб Ҳасан савдогар ҳам, хотини ҳам дод-фарёд кўтаришибди. Ленин чек-чек-да, одамлар унинг боласини олиб бориб, дарё қирғоғида тўхташибди. Шунда Қоравой:

— Ҳой оби одам, чиқ буёққа. Сенинг айтганингни қилиб, қурбонликка Ҳасан савдогарнинг ўглини олиб келдик. Чек шуига тушди-да! Қани, қурбонликни ол-да, Кун бобонинг қаҳрини юмшат, — дебди. Одамлар ҳам:

— Кун бобони қаҳрини юмшат. Ҳамма — одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам, гиёҳлар ҳам қовжираб, ҳалок бўлмоқда, — дейишибди баббараварига. Еру кўкни бақир-чақир-бо-сиб кетибди. Шу пайт сув ёрилиб, Қоравойга кўринган оби одам пайдо бўлибди. Уни кўриб қирғоқда турганлар чор тарафга қараб тумтарақай қочиб қолишибди. Биргина Қоравойнинг ўзи қўл-оёғи боғлоқлик Тўхтар билан қолибди. Қоравой ичиди: «Оби одамнинг раҳми келиб, бадқи боланг эмас», — деб турган экан, оби одам Тўхтарвойнинг қўлларини, кейин оёқларини шартта-шартта бўлиб, лақ-лақ этиб ютиб юборибди-да, Қоравойга қараб:

— Ҳой одам, элатингга қайтавер, мен Кун бобога айта-

ман, юртингга қаҳрини камроқ ёғдиради. Тинч-омон, беташ-виш яшайверасанлар, — дебди.

— Гапинг ростлигини қандай исботлайсан? Қурбон дединг, бировнинг азиз боласини олиб келдик. Сўзинг ростлигини исботлашингни истаймиз.

Қоровойнинг улкан одам — оби одам билан тан тортмай гаплашиб турганини кўриб кишилар ҳам бекинган-нетган жойларидан бирин-кетин чиқиб Қоровойнинг олдига келишибди-да:

— Ҳа, гапинг ростлигини исботла, — дейишибди. Оби одам, бўйти, дебди-да, дарёга тушиб, сувни тўсиб, Қоровойлар қишлоғи томонга буриб юборибди. Кўм-кўк зилло сув етиб борган жойгача шабада, салқинлик олиб борибди. Ерлар яна яшнаб кетибди. Қўй-эчкилар, одамлар маза қилиб сувдан ичишибди, роҳат қилиб чўмилишибди. Бу узоққа чўвилмабди. Яна ариқларда сув қурий бошлабди. Кун бобо қаҳрини яна ёғдира бошлабди. Яна одамлар иссиқдан қийналиб, турарга жой тополмай қоллишибди. Қўй-эчкилар қирлиб, яйловлар қовжирай бошлабди. Қоровойнинг олдига Тўхташ бобо бошлиқ одамлар етиб келишибди. Бобо Қоровойга қараб:

— Бу қандай гап? Сувлар қуриб, экин-тикилар қовжирай бошлади. Оби одаминг алдаганга ўхшайди. Бориб айт, бундай қилмасин, — дебди. Қоровой: «Хўп!» — деб оби одаминг олдига борган экан, у дарёдан чиқиб:

— Қурбоннингнинг муддати тугади. Янгисини олиб келсанг, Қуёшга ялиниб кўраман, — дебди. Қоровой қишлоғига келиб, ҳамма гаини оқизмай-томизмай айтиб берибди. Яна чек ташлашибди. Чек уста Қодир деган серболалик бир одамга тушибди. У ҳам, қизимни бермайман, деб туриб олибди.

Чек—чек-да! Одамлар унинг қизини олиб бориб оби одамга тонширишибди. Яна сувлар оқиб, далалар яшнаб, одамлар енгил нафас ола бошлабди. Бу ҳол яна такрорланибди. Шунда қишлоқдан четроқда тоғлар орасида яшовчи Эшбўри деган чолинг Бўри олган деган ўғли қишлоққа келиб қолибди. Унга Бўри олган деган номнинг қўйилиши бежиз эмас экан. Тоғликларда бир одат бор экан. Кимда-ким фарзанд, айниқса, ўғил кўрса, ташқарига чиқиб қарар, кўзига нима кўринса, боласини шу ном билан аташар экан. Отам айтгучи эди, бўрини кўрса ўғлини Бўривой, қўчқорни кўрса — Қўчқорвой, йўлбарени кўрса — Йўлбарсвой, арслонни кўрса — Арслонвой. Бўри олган туғилганда қишлоқ оралаган икки-уч бўри уни онасининг қўйнидан тишлаб олиб чиқиб, ўрмонга олиб қочиб кетган экан. Эшбўри (Отаси ҳам Бўри туғил-

ган кунн тугилганидан Эшбўри экан) икки-учта оға-иниси билан тоғ оралиғидаги жилгага бориб бўрилар билан олиша-олиша ўглини улардан ажратиб олган экан. Шу-шу уни Бўри олган деб аташаркан. Бўри олган қишлоқдаги дўстларидан булган воқеани сўраб, билиб олибди. Навбатдаги чек ташлашининг устида шундай дебди:

— Қачонгача укамиз ёки синглимизни ўз қўлимиз билан қурбонликка олиб бориб берамиз. Оби одамга қачонгача тобе бўламиз. Ким тонди уни. Бу гал ҳеч кимни бермаймиз. Мен бораман, у билан ўзим гаплашаман,— дебди. Йигитнинг ўзидан ҳам, гапларидан ҳам куч-қудрат ёғилиб турган эмиш. Турган халойиқ олдиниға Бўри олган айтган сўзларнинг дидиллигидан қўрқишибди. «Борди-ю, оби одамнинг ҳам жаҳли чиқса, унда нима бўлади, ҳозирги кунимиз ҳам ҳолва бўлиб қолади»,— деб ўйлашибди. Ҳеч ким ҳеч нима демабди. Ҳамма оғзига талқон солиб тураверибди. Дарё бўйида боши қотиб турганда, Ер айтган гап бирдан Қоровойнинг эсига тушиб кетибди! Ушанда Ер: «Эй одамзод, юртингга бор-да, Оби одамнинг айтганларини одамларга етказ. Ораларидан бирон бир довжурак чиқиб қолар, Кун бобонинг қилмишларини ҳам унга айт. Балким ана шу баҳодир бирор йўлни топар»,— деган эди-да! Қоровой нима учун бу гапни илгарироқ эсламагани, юртдошларига айтмаганига тозаям ачшибди. Кейин одамларга қараб:

— Ҳой, ҳамюртлар, мен дарён азим олдида Оби одамни кўриб нима қилишни билмай бошим қотиб турганда, фалон-пистон гапларни айтган эди. Олдингида турган бургут келбатли, қоплон юракли, арслон юракли баҳодирни бизга худонинг ўзи етказди. Остидаги отининг қўлтиғига қарап, икки газ қаноти бор экан. Қиличини суғуриб, бир сирписа, у ёнидан бир тош, бу ёнидан бир тош — ердаги нимаикки бор — ҳаммасини сирпаб, ер билан яксон қилади. Шу баҳодирдан илтимос қилсак, вора дардимизга даво топса,— дебди. Турганлар тоғлик йигитга энди бошқа кўз билан қарай бошлашибди. Ҳақиқатан унинг ҳар яғрини қирдай, кўзи бургутнинг кўзидай ўткир, келбати алидай эмиш. Остидаги отининг жиловни бўшатилса борми, юлдузгача учиб чиқиши ҳеч гап эмас эмиш. Шунда Тўхташ бобо Қоровойни койиган бўлибди: «Нега энди илгарироқ айтмадинг бу гапни?». «Паҳлавоннинг ўзи отилиб чиқар ёки бирон ёқдан келиб қолар, деб ўйлаган эдим»,— деб қутулиб қолибди Қоровой. Тўхташбобо: «Шошилганда лаббай тонилмайди-да»,— деб Қоровойни кўчирган бўлибди. Бўри олган уйига бориб, ота-онаси билан ҳайрлашиб келибди. Унга Қоровой билан икки-уч йигитлар ҳамроҳ бўлибди. Бўри олган дўстлари билан йўл

юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири дарёи азимга етиб борибди. Қоровой:

— Ҳой, оби одам, ҳой, оби одам!— деб дарёга қараб чақирибди. «Яна қурбонлик олиб келишган бўлса керак»,— деб оби одам сувни ёриб, шалошлаб чиқиб келиб:

— Қани қурбонлигинг?— деб сўрабди.

— Энди қурбонлик бўлмайди. Сен дўстларимни алдаб, фирибгарлик қилибсан. Мен сен билан олишгани келдим. Яхшилик билан дарё сувини улар томонга оқизсанг оқизганинг, йўқ десанг, сен билан олишиб, нимта-нимта қиламан,— дебди Бўри олган.

— Пашшанинг филга қилган дўқидай бўлди-ку, сенинг дўқ-пўнисанг. Майли, куч синаб кўришсак кўришибмиз-да,— дебди оби одам. Бўри олган Қоровойга қараб:

— Сизлар йўлга тушаверинглар. Мени Бўси ота тоғида кутиб туринглар,— деб шерикларини жўнатиб юборибди-да, оби одам билан олиша кетибди. Икковлари етти кечаю етти кундуз олишибди. Гоҳ Бўри олган устун келибди, гоҳ оби одам. Охири Бўри олган уни даст кўтариб дарёдан узиб олибди-да, ҳавода кўтарганича тураверибди. Ҳолдап кетиб қолган оби одам ялина бошлабди. Сўнгра:

— Мени сувга қўй, бўлмаса ҳаром ўлиб қоламан. Ўлдирмасдан қўйиб юборсанг, қишлоғингни сувга сероб қилибгина қолмасдан, Кун бобога бориб қандай қаҳрини юмшатиш йўлларини ҳам айтаман,— дебди. Бўри олган узи сувга қўйиб юборибди. Оби одам сув тағида йўқ бўлиб кетибди. Дарё тўсилиб, ҳамма томонини сув боса бошлабди. «Бу мени алдади»,— деб турган экап, оти кишлаб келиб қолибди. Шу пайт оби одам кўрпниб:

— Мен билардим, сен инсонлар бетоқат, сабрсиз бўласанлар. Шунинг учун кутиб-кутиб кетиб қолади, дедим. Отинг келмаганда мен сув остидап чиқмасдим. Отингнинг овозини эшитдим-у, шу тулпори бор экап, мени ер остинида етти тубидан ҳам топиб олади, деб қўрққанимдан чиқдим,— дебди, кейин:— Энди гапларимни яхшилаб эшит! Уёқларда Бўси тоғдан кўра балаandroқ, чўққиси осмонга тегиб турган Юмалоқ ота тоғи бор. Бу тоғнинг чўққисига шу кунгача ҳеч ким чиқмаган. Сенинг отинг олиб чиқа олади. Шу чўққига чиқиб борасан. Кун бобо ҳам уйқуга шу чўққининг ёнидан ўтиб кетадилар. Сен чўққида кутиб турасан. Кун бобо уйқуга кетаётганда, шу чўққи ёнида бирпас орқаларига қараб турадилар. Шунда у кишига гап ташлайсан ва шундай дейсан:

— Эй, Кун бобо, дунёнинг ёруги, қоронғи зулматнинг душмани! Сизга бир илтижо билан келдим. Бизга ҳадеб

қаҳрингизни сочаверманг. Ҳэнигиз кўрдингиз-ку, сизини  
қаҳрингизга дучор бўлган дов-дарахтлар қовжираб, ўт-ўлан-  
лар сўлиб, одамзоду мол-қўйлар қирилиб кетди. Раҳм қи-  
линг.

Шунда Кун бобо: «Ораларингда мени қарговчи иошу-  
курлар бор. Ушаларнинг касофати урди сеиларни. Ушалар  
қаҳримни кўзгатди. Ҳа, майли, шундан шунга машаққат  
тортиб келибсан, мен кечирдим», — дейдилар. Шунда Кун-  
даги аждарҳо уйғошиб: «Нима деб валдираяпсан, одам-  
зод?» — дейди. Сен аждарҳога қарата яна балиндроқ овозда:  
«Эй, аждарҳо, оловлар подшоҳи бўлсанг ҳам сен жим тур.  
Мен Кун бобом билан гаплашяшман. Борди-ю, кучинг ошиб-  
тошиб кетган бўлса, буюққа туш», — дейсан. Шунда аждар-  
ҳо олов пуркайди. Кўрқмай, оловга бардош бера олсанг, се-  
нинг ютганинг. Кун бобо матонатли, чидамли, мард, оловдан  
чўчимайдиган кишиларни ёқтирадилар. Сенинг аждарҳо  
оловига дош берганини кўриб, илтимосингни бажо келти-  
радилар, — дебди.

Бўри олган оби одамга раҳматлар айтиб, отига қамчи  
босибди. Тулпор жопивор кўз очиб-юмгунча, кампир шаф-  
толини артиб егунча вақт ўтмай, Бўсин тоғига бориб қўниб-  
ди. Бўри олган ҳамроҳларига қараб:

— Энди сизлар уй-уйларингизга қайтаверингизлар. Бу-  
ёғига ўзин танҳо бораман. Сизлар борсангизлар фойдадан  
кўпроқ зарарларингиз тегади, — деб, улар қанчалик: «ёнин-  
гизда қолайлик», десалар ҳам қўймай, орқаларига қайтариб  
юборибди-да, Юмалоқ ота тоғига қараб ҳайда, деб отига қамчи  
босибди. Оти қанотини ёзиб, учар қушдай учиб, осмони-фа-  
лакка кўтарилибди. Тогдан-тоққа ўтиб, охири Юмалоқ ота  
тоғига етиб борибди. Бўри олган тоғнинг чўққисига қараб,  
осмон қаерда-ю, чўққи қаерда — билломай қолибди. Юмалоқ  
ота тоғининг чўққисидан осмон бошлапганга ўхшар эмиш.  
«Энди чўққига қандай чиқсам экан?» — деб боши қотиб тур-  
ган экан, тенадан минг йиллик чинорнинг танасидай бир  
нарса оғандан ўт сачратиб тушиб кела бошлабди. Бўри ол-  
ганга яқинроқ келиб:

— Нима мақсадда бу ерларга келдинг? Давлат учуими,  
ор-номус учуими? Тўғриси айт, — дебди. Бўри олган нима  
мақсадда келганини айтибди.

— Ор-номус учун келдим, менга давлат керак эмас.

Шунда ҳалиги аждарҳо:

— Ундай бўлса яхши, ammo мен сени синаб кўришим ке-  
рак. Мен Кун бободаги Олов аждарҳонинг иниси бўламан.  
Ҳали ҳозиргача Юмалоқ ота тоғининг чўққисига ҳеч ким  
чиқа олмаган, у ердаги бой хазинани кўрмаган. Шу хазина-

ни оламан, деб келиб тоғнинг тагида ҳалок бўлиб, уйига ҳам қайта олмагаплар кўп бўлган, ана кўр,— дебди. Бўри олган ўнг ёнига қараган экан, Юмалоқ ота тоғининг яқинидаги тоққа кўзи тушиб: «Бу нима?»— дебди.

— Юмалоқ ота тоғининг чўққисига чиқаман, деб келганларнинг суяклари,— дебди Олов аждарҳонинг иниси. Шунда Бўри олган:

— Ади-бади айтишиб ўтирализмн, кўп гап эшакка юк, дейишади бизда. Олиша қолайлик,— дебди. Олов аждарҳонинг иниси: «Бўпти»,— дебди-да, Бўри олганнинг устига ташланибди. Бўри олганнинг оти қирқ газ сакраб, ўзини четга олибди. Кейин ўнгдан келса, ўнглаб тегиб, чапдан келса, чаплаб тегибди. Орқадан келса шаталоқлабди. Олдида келса, тишлабди. Олов аждарҳонинг иниси ҳам бўш келмабди. Олов пуркабди, сув ёғдирибди. Тоғдан ҳар бири уйдаи-уйдай тош узиб олиб, уларни Бўри олганнинг устига отибди, Бўри олган олишгандан олишибди. Охири олов аждарҳонинг иниси чарчаб, ҳушидан кетибди. Шунда Бўри олган исфиҳони қилчини қинидан шартта суғуриб, олов аждарҳонинг калласини узиб ташламоқчи бўлибди. Аждарҳо ўзига келиб ялиниб-ёлворишга тушибди:

— Мен енгилдим. Сен зўр экансан, енгдинг. Агар ўлдирмасанг, мен акамга айтиб сенга ёрдамлашаман,— дебди. Бўри олган, гапшгдан қайтсанг-чи, деган экан, аждарҳонинг иниси, оловдан тарқалган аждарҳоларнинг гапи битта бўлади, иккита бўлмади, дебди. Бўри олган уни ўлдирмай, қилчини шарақ этказиб қинига солиб қўйибди. Шунда Олов аждарҳонинг иниси:

— Энди гап бундай, отингни бу ерда қолдирасан. Чунки у Юмалоқ ота тоғининг чўққисига кўтарила олмайди. Ҳали ҳозиргача биронта қуш учиб чиқа олмагану сени отинг чиқа олармиди,— дебди.

— Йўқ, отим тоғнинг чўққисига чиқа олади,— дебди Бўри олган.

— Йўқ, чиқа олмайди, отингни шу ерда қолдирасан. Отингга менинг одамларим қараб туришади. Сен мени ми-насан. «Кўзингни юм!»— дейман, юмасан, «оч!»— дейман, очасан,— дебди Олов аждарҳонинг иниси. Бўри олган одам боласи эмасми, олдинига: «Еб қўйса-я»,— деб чўчибди. Буни сезиб турган Олов аждарҳонинг иниси:

— Қўрқма, гап битта! Сен меники, ўлдирмадингми, мен ҳам сени ўлдирмаганим бўлсин,— дебди. Бўри олган отини шу жойда қолдириб, таваккални худога айтиб, аждарга ми-нибди. Аждарҳо «Кўзингни юм!»— дебди, Бўри олган кўзини юмибди. Аждарҳо «Кўзингни оч!» дебди. Бўри олган кў-

зиши очибди. Қараса Юмалоқ ота тоғининг чўққисиди турган эмиш, пастга қараб ҳеч нарсани кўрмабди.

— Отиг қани? Ер қани?— деб сўрабди Олов аждарҳонинг ишисидан.

— Ер бу жойдан кўринмайди. Отиг бўлса, уни қолдирган жойингда ўтлаб юрибди. Ҳозир бир тошни ташлайман, ерга етиб боргач, товуш келади. Ана ушанда қапчалик тепаликка чиққанингни биласан,— дебди Олов аждарҳонинг ишиси. У шундай деб, туядай тошни ердан узиб олиб пастга ташлаб юборибди. Ҳадеганда овоз келавермабди. Орадан анча-мушча вақт ўтгач, тошнинг ерга бориб тушган овози келибди. Бўри олган ичиди: «Ҳа, жуда ҳам юқорилаб кетибман»,— деб қўйибди. Олов аждарҳонинг ишиси Бўри олгани тозаим меҳмон қилибди. Бир пайт оламини қизил олов тиб кетибди. Бўри олган нима гапни билолмай ҳайрои бўлиб турган экан, Олов аждарҳонинг ишиси:

— Қуёш бобо уйқуга кетиш учун йўлга чиқдилар,— дебди.

Шу пайт қизил аланга лов-лов ёниб, Юмалоқ ота тоғига яқинлашиб келаверибди. Шунда Олов аждарҳонинг ишиси:

— Сен мени ўлдирмадинг. Сен билан дўст тутиндим. Ёнди буёғига ҳам қўлимдан келганча ёрдамлашаман. Яхшилаб гапига қулоқ сол. Қуёш бобога яқинлашиб келиб, шу ёрда орқаларига назар ташлаб бирпас турадилар. Шунда ундаги оғам Олов аждарҳо бизга яқинроқ келиб ҳол-аҳвол сўрайди. Шу пайт сен кўриниш бериб, аввал Кун бобо билан саломлашасан. Мақсаднигни айтасан, кейин Олов аждарҳо сени гапга тутди. Ҳеч чўчима, аксинча, дўқ қил. Оғам дўқ-иўшисани ёқтиради. «Дўқ-пўшиса мардликнинг бир аломати», дейдилар доимо. Гапимни англадингми?— дебди.

— Ҳа,— дебди Бўри олган.

— Сендан: «Давлатми, ор-номус?» деб сўрайдилар. Жавобига менга айтган сўзларингни айтсанг бас, буёғи яхши бўлади.

Шу пайт Олов яқинлашиб келибди-да, Юмалоқ ота тоғининг қоқ чўққисига келганда тўхтабди. Бутун ён-атрофни қизил шуъла тутиб кетибди. Тафтига тандир қизибди, тоғлар эрий бошлабди. Шу чоқ пайт келганни англаб, Бўри олган Кун бобога қараб шундай дебди:

— Эй, Кун бобо, дунёнинг ёруғи, қоронғи зулматнинг душмани! Сизга бир илтижо билан келдим. Бизга ҳадеб қаҳрингизни сочаверманг-да, ўзингиз кўрдингиз-ку, қаҳрингизга дучор бўлган дов-дарахтлар қовжираб, ўт-ўланлар сўлиб, одамзоду мол-қўйлар қирилиб кетди. Раҳмингиз келсин!

Кун бобо Бўри олганга нигоҳ ташлаб:

— Қимсан, қаерликсан?— деб сўрабди. Бўри олган ўзини танитиб, қаердан, нима мақсадда жафо тортиб келганини яна бирма-бир айтиб берибди. Шунда Кун бобо унга қараб мийиғида кулиб:

— Ораларингизда мени қарғовчи ношукурлар бор. Ушаларнинг касофати урди сенларни. Уша қарғаганлар қаҳримни кўзгатди. Айт-чи, нуримни бериб, дов-дарахтлару гиёҳларни уидирганим, илиқ тафтим хоҳ одамзод, хоҳ жонзодга ҳаёт ато қилганим учун мени қарғаш керакми? Бериб, ўша пошукурлик қилиб, мени койинганларни жазола,— кейин Кун бобо ўйланиб туриб: — Ҳа майли, шундан-шунга маъшаққат тортиб келибсан, мен кечирдим. Айтганинг бўлади!— дебди. Бир пайт Олов аждарҳо:

— Нима деб валдираяпсан, эй, одамзод! Бу орга нима мақсадда келдинг? Давлатгами ё ор-номусгами??— деб қолибди. Бўри олган унинг иниси ўргатган гапларни айтибди-да:

— Эй, Олов аждар, борди-ю, кучинг ошиб-тошиб кетган бўлса бу ёққа туш, олишамиз,— дебди. Аждарҳо уни синамоқчи бўлиб олов пуркабди. Бўри олганнинг куймаган жойи қолмабди-ю, аммо чидабди. Аждарҳо охири олов пуркаганда тоғ-тош эрибди, барча жонзод ҳушидан кетибди. Бўри олган куйиб кул бўлай деса ҳам тишини-тишига қўйиб чидабди. Бирдан Олов аждарҳо Бўри олганнинг бошидан зар сочибди-да:

— Эй, одамзод, хазинамдан керагичасини ол. Боз устига инимга ҳам айт, Ясар подшосининг қизини ҳам берсин. Мен уни ўғлимга олиб бераман деб, ўтган йили олиб қочган эдим. У ҳам сеники бўла қолсин. Бу сенинг мардлигингу матонатингга мукофот,— дебди. Аждарҳо билан Кун бобо бола билан кулиб хайрлашиб, тоғ орқасидаги маконларига уйқуга ётгани кетибдилар. Олов аждарҳонинг иниси Бўри олганга унинг айтганларини берибди-да, настга тушириб қўйибди. Пастда уни ой деса, оғзи бор, кун деса, кўзи бор бир гўзал: «Ассалому алайкум, тўрам!»— деб кутиб олибди. Бўри олган жудаям хурсанд бўлибди.

Бўри олган Олов аждарҳонинг иниси билан хайрлашиб, маликани отига миндириб, йўлда қолдирган ҳамроҳларинини олиб ўз юртига қайтибди. Баҳодир юртига келса, ҳаммаёқ боғ-роғ эмиш. Соиларда сувлар шарақлаб оқиб ётганмиш. Далалар кўм-кўк, чор атроф гўзал эмиш. Бўри олган қишлоқдаги ҳамманн йиғдириб, Кун бобонинг гапларини айтиб берибди. Шунда Қоровой Кун бобони қаргаб, ҳақоратлаганини бўйнига олиб, ундан кечирим сўрабди.

Бўри олган Кун бободаги Олов аждарҳо берган қизи —  
маликани хотинликка олибди. Ҳамма тинч-омон, тўқ-фаро-  
зон яшай бошлабди. Вақти-вақти билан оби одам ҳам ке-  
либ, уларга меҳмон бўлиб кетаркан. Кун бобо шу қишлоқ  
тепасига келганда унинг одамларга табассум қилиб ўтадиган  
бўлибдилар.

Ана, Кунни қарғаш ёмонликка олиб бориши ҳақидаги  
эртагим ҳам тамом бўлди.



# ҲУРИОЙ

Қадим ўтган замонда бир киши яшаган экан. Уни Деҳқон бобо деб аташар экан. Деҳқон бобонинг Ҳуриой деган қизи бор экан. Ҳуриой кўн соҳибжамол, хушрўй экан. Кўрган киши уни ёқтириб хуштор бўлиб қолар экан. Ҳуриой ҳеч кимни йўлатмай, бошлаб жавоб берар экан.

Шу юртнинг подшохи ҳам Ҳуриойни ёқтириб қолибди. Подшо: «Ахири менга тегади-да. Бошқа кимга ҳам тегарди», — деб ҳар куни кийим-кечак, пул юбортириб тураркан. Қизининг отаси, кийим-кечак билан пулни нима қиламиз, деган экан, қиз:

— Кийим-кечакни уйдаги туя сандиққа, пул-тиллани ташқаридаги эски қудуққа ташлаиш,— дебди. Подшо кийим-кечак юборишдан чарчамабди, ота-бола уларни сандиқ билан қудуққа ташлашдан чарчамабди.

Куклардан бир куни Ҳуриой айвонда урчуқ йиғириб ўтирса: «Ё олло, дўст, ё олло», деб бир дарвеш ўтиб қолибди. Дарвешни кўриб Ҳуриой: «Пул берай, пули йўқ бўлса керак», — дебди-да, пул ҳамда подшо юборган кийим-кечакдан бир кийимлик чиқариб берибди. Пул билан кийимлик матони олиб дарвеш: «Мана бу сенга», — деб бир узук чиқариб берибди.

— Узугингизнинг нима хосияти бор?— деган экан, дарвеш:

— Ушг қўлинига тақиб, кўзига қарасанг бутуни жаҳонни кўрасан. Кейин олиб бор деган жойингга олиб боради. Аммо борадиган жойининг айтишдан олдин, «мунча чиройли жой экан-а», дейишинг керак,— дебди. Дарвеш шундай дебди-да, «ё олло, дўст, ё олло, ҳақ дўст, ё олло», деб йўлида давом этибди. Дарвеш кетгандан кейин, қани узукни бир синаб кўрай-чи, деб Ҳуриой узукни чап қўлига тақибди. Қараса ҳеч ким, ҳеч жой кўришмабди. «Қалавдар мени алдаган экан-да», — деб ўйлаб турган экан, узук чап қўлидан сугурилиб чиқиб, ўнг қўлига ўтиб олибди. «Ҳа, гап буёқда экан-да», — деб Ҳуриой узукка қараса, бир ажойиб жой кўришибди. Бог эмиш. Булбуллар сайраган, гуллар очилган, тошҳовузда кўм-кўк зилол сувлар лиммо-лим эмиш. Шоҳ супаларга қават-қават кўрпачалар солниган, пар ёстиқлар ташлашган, дастурхонда ноз-неъматлар ошиб-тошиб ётган эмиш.

Хуриой, яқин жой бўлса, отам сафардан келгунча бориб, дастурхондаги ноз-неъматлардан еб келаман, дебди-да, узукка қараб: «Мунча чиройли, шу ерга олиб борса-ку, кўрсам», — дебди. Узук ўнг қўлидан сирғалиб ерга тушиб, йўлда думалаб кета бошлабди. Унга эргашиб Хуриой кўчага чиқибди. Кўчага чиқса, асбоблари тилладан, тақалари кумушдан бир от турган эмиш. Узук думалаб бориб отнинг устига чиқиб олибди. Хуриой отнинг эгарига қўл узатган экан, от ён бериб уни миндириб олганини ҳам билмай қолибди. Бир пайт от қавот чиқариб, осмони-фалакка чиқиб кетибди. Хуриойим кўрққанидан кўзини юмиб, эгарга ёпишиб олибди. Қанча отда учибди — билмабди. Бир пайт кўзини очса, узукда кўрган жой эмиш. Хуриой кўрпачага чиқиб олиб, дастурхондаги ноз-неъматлардан татиб кўрибди. Қорни тўйгач, чарчоқ ениб ухлаб қолибди. Хуриойимни маза қилиб ухлашда қўяйлик-да, гапни отасидан эшитайлик.

Отаси сафардан келса, уйда ҳеч ким йўқ эмиш. Қизини ахтариб уёққа борибди, буёққа борибди, кўрмабди. Қароқчилар ўғирлаб кетибди-да, деб йиғлаб-йиғлаб кўр бўлиб қолибди. Подшо ҳам келиб: «Қизингни ўзинг атайлаб бекитиб қўйгансан», — деб отасини кўр ҳолда зиядонга ташлабди. Эндиги гапни Хуриойдан эшитинг:

Хуриойим ухлаб ётган экан, бирин-кетин бир кам қирқ қароқчи кириб келибди. Бу жой қароқчиларнинг макони экан. Дарвеш берган узукнинг яна бир хислати бор эди. Кимда-ким ёмон ниятда уни таққан кишига ёндошмоқчи бўлса, ёмонлик қилмоқчи бўлса, у таққан кишини кўрсатмас эди. Узукни таққан ёнидагини кўради-ю, ёнидаги қора ниятли кишилар уни кўрмас эди. Қароқчилар ўғри, ёмон ниятли кишилар бўлганлигидан узук Хуриойимни кўрсатмабди. Хуриойим уларнинг барча қилмишларини кўриб тураверди, гапларини эшитаверди. Бир пайт қароқчилар жой-жойларига ўтириб олишибди. Бўш жой Хуриойимга тўғри келибди. Балки бу ҳам узукнинг ишидир. Шу десангиз, қароқчилар бирма-бир топган-тутганларини ўртага ташлаб, кўрган-кечирганларини бир бошдан айта бошлашибди.

— Мен бир сирли қасрни кўрдим. Остонаси тилладан, устунлари ёқутдан, ғиштлар гавҳардап. Уста унинг ғиштарини шундай жой-жойинга териб чиққанки, бамисоли чойшабга ташланган гулдай. Эртасига бориб қарасам, қаср ўрнида чанг-тўзонли тена ётибди. Ҳайрон бўлиб одамлардан сўрасам, уни ҳабаш уста қурган экан. Қурди-ю, эртасига бузиб ташлади, дейишди. Ҳабаш устани суриштирган эдим, у бошқа жойга кетиб яна қаср қуриш билан банд, дейишди. Уни излаб топдим. Қасрни битиш олдида эди. Тошлар-

га ишловни шундай берардики, кўриб кишининг кўзи қамашади. Гиштга гул солишини айтмайсиёми! Хуллас қўлида лой ҳам, гишт ҳам, тош ҳам бамисоли мўъжизадай. Қасрни битирди. Ишловини берди. Мен энди нима қиларкин, деб кутиб турган эдим, «мендан кейин кимга қоларди. Қолганда ҳам одамлар бошига кулфат келтиради. Яхшиси бузиб ташлаганым маъқул», деди-да, шундай гўзал қасрни бузиб, кувчая-кун қилди. Ҳозиргина киши кўзини қамаштириб ҳайратга солган қаср ўрнида кулғена пайдо бўлди. Мен ҳеч нарса деёлмадим. Кимда-ким ўша уста ҳабашни тошиб, қасрни қўлга киритса, дунёда энг ажойиб қасрга ва устага эга бўлар эди,— дебди улардан бирови.

— Бизнинг қасру богимиё ўзиниёга етади. Бизга на қаср, на уста керакмас,— дебди қароқчилар бошлиғи. Шунда Ҳурпой: «Съзга керак бўлмаса, мана бизга керак-да»,— дебди. Қароқчилар бошлиғи қиличани қинидан суғуриб олиб, ҳали шундайми, деб ҳалиги қароқчининг калласини шарт узиб ташлабди. Кейин бошқа қароқчидан сўрабди:

— Қани, айт-чи, сен нималарни кўриб, кимлар билан суҳбатлашдинг?

— Мен Фарангистон юртида юрган эдим, бир воқеанинг шохиди бўлдим. Бу мамлакатда бир Семурғ қуш бор экан. У ҳар етти йилда битта тухум қўяр экан. У болам туғилгач оч қолмасин, деб тухумлаб бўлибоқ овқат излаб кетаркан. Шунини пойлаб ётган Юмалоқ тоғдаги аждарҳо тоғдан тушиб тухумни олиб чиқиб, кетаркан-да, 8 ўзи ютаркан, 8 боласига бераркан. Кимда-ким аждарҳони ўзига қаратиб олса, уни ўз измига солиб, тухум ўғирлашдан қайтаролса, Семурғ боласини эсон-омон очиб олса, ана шунда омад келди дейвер,— дебди бошқаси. Шунда қароқчиларнинг бошлиғи:

— Бизга бунақа омаднинг кераги йўқ,— деган экан, Ҳуриной: «Эй, аҳмоқ, сенга керак бўлмаса бизга керак-да», дебди. Ким аҳмоқ, деб қароқчилар бошлиғи қиндан қиличани суғуриб олибди-да, ҳалиги қароқчининг калласини шартта узиб ташлабди...

— Қани, сен нимани кўрдинг, кимлар билан суҳбатлашдинг?— деб сўрабди яна бир бошқа қароқчидан.

— Мен,— дебди у,— фалон жойдаги эски қудуқда бир даста пул кўрдим, аммо уни ололмадим. Пулни бир каламуш босиб ётган экан. У ёнига ҳам йўлатмади. Аслида уй Деҳқон бобо деган одамнинг уйи экан-у, подшога қизини бермагани учун виндонга солиб чиритиб юборибди. Пул ўша бобонани экан.

Гап шу ерга келганда Ҳуриной, «дод, отажон», деб бақириб

юборай дебди. Кейин, қани яна нима бўларкин, дебди-да, қароқчиларга қулоқ солишда давом этибди.

— Бизга каламушдан қўрқиб пул олиб кела олмайдиган шерик даркор эмас, — дебди қароқчиларнинг бошлиғи.

— Вой иблис-ей, бировнинг пулини нимага энди каламушни ўлдириб олиб келаркан?! — дебди Хуриой. Ким иблис, деб даргазаб бўлиб, қароқчилар бошлиғи ҳалиги қароқчининг ҳам калласини шарт узиб ташлабди.

Ундан гап сўрабди, бундан сўрабди, уларнинг гапига жавобан қароқчилар бошлиғи, ундаймас, деб айтса, Хуриойим ҳар гал: «Вой, подон-ей, сенга керак бўлмаса, бизга керак», — деяверибди. Бошлиқ ўзи одамларининг бирма-бир калласини олаверибди. Шу пайт қирқинчи қароқчи кириб қолибди. Сирларга бу ҳам шерик бўлиб, қасрга, Семурғга, олтишларга ғалик қилмасин, дебди-да, қароқчилар бошлиғи уни ҳам ўлдирибди...

Шунда Хуриойим: «Вой, аблаҳ-ей-бир ўзим бўлай деб, қирқ жўрасини ўлдириб юборди. Кўрармиз, сенинг ҳолинг нима кечаркин. Бир парча нон билан бир қултум сунга хору вор бўласан ҳали. Шундай қилмасам, отамнинг қизи эмасман», — дебди.

— Ҳали ҳаммаларинг қизмидинг, мен қизларни жўра қилиб юрган экаиман-да? Бир парча нон, бир қултум сувга вор қиладиган ким? — деб ўлиб ётган қароқчиларни бирма-бир қийма-қийма қилиб чиқибди. Қароқчиларнинг қони ариқ-ариқ бўлиб оқибди. Тун тарқаб, тоғ отибди. Қароқчиларнинг бошлиғи отига мшиб, устани қидриб кетибди. Хуриойим узукка қараб отасини ўйлабди. Отасининг зипдонда ўзига ўхшаган одамлар билан ўтирганни кўрибди. Кейин нима қилишни — отасининг олдига бориб уни қутқаришним, ҳабаш устани тошиб уни олиб кетишимни ўйлаб-ўйлаб тозаям боши қотибди. Охри: «Отамни подшо ўлдирмайди, чунки мени олишдан умидвор. Ҳабашни тонсам, балки у мен билан кетишга кўпмас. Яхшиси Семурғга бораман. Бир бахтимни сибаб кўраман. Балки уни қўлга киритарман», — дебди-да, Семурғ яшайтган Фарангистон юртини ўйлабди. У кўришгач, узукка қараб: «Мушча гўзал жой экан-а», — дебди. Узук қўлидан чиқиб думалаб кўчага чиқибди. Хуриойим ҳам унинг орқасидан чиққан экан, кўчада ўзини олиб келган от турганмиш. Узук думалаганча отнинг устига чиқибди. Хуриой, э, жонивор тулпорим-ей, деб отнинг эгарига қўл узатган экан, от ёнбошлаб унинг минйшига кўмаклашибди. Хуриойим отнинг ёлини силаб, мени Фарангистон юртига, Семурғ қуш олдига етказ, дебди. Бир пайт от қанотини чиқарибди-да, ўзини осмонга отибди. Кўз очиб юмгунча,

кампыр шафтолини артгунча, чол носқовогидан нос олгунча вақт ўтмай, от Фарапгистон юртиги тўсиб турган тоққа қўйибди. Хуриойимни қолдириб от қойиб бўлибди. Хуриойим тоғнинг устида дам олиб ўтирган экан, бирдан ер қимирлагандай бўлибди. Хуриой гап нимадалигини билмай ҳайрон бўлиб турган экан:

— Уз оёғинг билан ўзинг келиб менга томоғолди бўласанми ё панжаларим билан мижғиб чапгаллаб, оғанимга ўзим солайми,— деган овоз келибди. Хуриой кейин билса, тушган жойи тоғ эмас, Семургини қон-қақшатадиган аждарҳо экан. Хуриой жудаям кўрқиб кетибди, кейин узукка қарабди. Узук: «Парво қилма, иложини тонамиз»,— дегандай панжасидан сугурилиб, елкасига чиқибди-да, яна панжасига кириб олибди. Аждарҳо ҳалиги гапни яна айтибди. Жавоб бўлмагач, қаорга гумдон бўлди ўлжам, деб қайрилиб, Хуриойимни кўрмасди. Хуриой уни кўрармиш-у, аждарҳо уни кўрмасмиш. Кейин Хуриой аждарининг устида юриб-юриб бир жойга бориб қолибди. Катта тоғ экан. Бу ҳам аждарҳо бўлса-я, деб кўрқиб турган экан, тоққа чиқавер, дегандай узук панжасида қимирлаб қўйибди. Хуриойим тоққа кўтарилибди. Кейин бир горпинг устидан чиқиб қолибди. Горпинг ичига кирса, жуда катта эмиш, қоп-қоронғи, юриб бўлмасмиш. Узукнинг ёруғида бир оз ичкарига кирибди. Шу найт тоғлар шақирлаб оламни шовқин-сурон тутибди... Яна аждар қимирлагандир-да, деган экан, Хуриойимнинг қулоғига:

— Йўқ, Семург тухумлади, менга овқат тайёрлади,— деган овоз келибди. Хуриой ён-атрофига қараб ҳеч кимни кўрмагач, «Кимсан? Қанақа Семург, қанақа овқат?» деб саволларга кўмиб ташлабди. «Саволларни қалаштириб мени кўрқитма,— дебди аллаким,— мен аждарҳонинг боласиман. Билмайсанми, Семург деган қуш етти йилда бир тухумлайди... Мен бир ёшимда тухумлаган эди. Аҳмоқ Семургнинг бир одати бор. Тухумлаб қўйиб, ҳали тухумдан чиқмаган боласига овқат палаб кетади. Шунини пойлаб турган отам учиб боради-да, унинг тухумини оғзига солиб, менга олиб келиб беради. Шу тухум менга етти йил овқат бўлади... Тоғларнинг шақир-шуқури, ерларнинг титраши, дов-дарахтларнинг зирқираб, дарёларнинг чайқалиши — Семург қушнинг тухумлашидан».

Хуриойим: «Қайдасан?»— деган экан, «буёқдаман, чик»,— дебди. Хуриой чиқиб унинг ёнига чўккалабди-да, кейин:

— Яхшиликка яхшилик қилман. Отим Хуриой, одам наслиданман, Борди-ю, айтганимни қилсанг, мен сени ўл-

дирмайман. Йўқ, айтганингни қилмайман, десанг, ҳозирнинг ўзида бўғиб, нимта-нимта қилиб ташлайман,— дебди.

— Кучинг етмайди. Кўрмаяпсанми, мен етти ёшлик бўлсам ҳам, бошим сенинг олдингда бўлса думим етти чақиримлик жойда турибди,— дебди аждарҳонинг боласи.

— Бари бир мен сендан зўрроқман, бунинг устига менда сеҳр ҳам бор,— дебди Хурной. Аждарнинг боласи, «сеҳринг нимада?» деган экан, «эрталаб биласан», дебди қиз.

— Ҳозир эрталаб, мен шунақа қоронғи қилиб қўйганман,— дебди.

— Ёвузсан-да, шунинг учун ҳам қоронғилик ҳамроҳинг. Мен ёруғликни яхши кўраман. Ёруғликсиз яшай олмайман. Қани ёруғликка чиқара ол-чи,— дебди. Аждарҳонинг боласи бир қимирлаган экан, горнинг ичи ён-ёруғ бўлиб кетибди.

— Қани, кароматингни кўрсат-чи,— дебди у.

— Бўпти, кўрсатсам-кўрсата қолай, мени маҳкам ушлаб тур,— дебди қиз. Хуриойни аждарнинг боласи ушлаб турибди. Хуриой узукка қарабди. Узук, хўп бўлади, дегандай қўлида бир қимирлаб қўйибди. Шу пайт:

— Қайдасан, ушлаб турибман-у, кўзимга кўринмаяпсан-ку, қайдасан, айт?— дебди аждарҳонинг боласи.

— Ёнингга турибман-ку. Мен сени кўриб турибман,— дебди Хуриойим.

— Мен сени кўрмаяпман-ку,— дебди юрагини ваҳима босиб аждарҳонинг боласи.

— Мен сенга айтдим-ку, сирим бор, деб. Ҳа, истасам сени ҳам йўқ қилиб қўяман.

Буни эшитиб аждарҳонинг боласи қўрқиб кетибди.

— Йўқ, йўқ, мени йўқ қилма, мен ҳали катта бўламан, ўзимга ўхшаган бола кўраман. Ўлдирмаям, йўқ қилиб қўймаям. Мен тоғларни, ҳув анави зулмат ҳукмрон горниям яхши биламан — нима десанг қиламан. Истасанг отамни ҳам йўлингга солиб бераман,— дебди аждарнинг боласи кўзига ёш олиб, ёши думалаб кетган экан, бамисоли шаршара оққандай бўлибди. Хуриойим яна қўрқиб кетибди. Аммо сир бермабди.

— Ҳа, майли, сени ўлдирмайманам, йўқ қилмайманам, айтганларимни қиласан. Отанг Семурғ тухумини ўғирлаб келтириб сенга берганда, «ота, ҳозир қорним тўқ, кейинроқ ейман», дейсан. Отанг, «бўпти, оппогим», дейди. Кейин отангни узоқроқ йўлга жўнатасан. Кейин яна гаплашамиз,— дебди Хуриойим.

Шу пайт бўрон турибди, осмонни булут қоплабди. Тоғдаги дарахтлар илдиз-пйлдизи билан суғурилиб, пастга ағабди. Дарёлар чайқалибди, еру кўк титрабди.

— Бу нима?— сўрабди Ҳурийим.

— Отам тухумга жўвади,— жавоб берибди аждарнинг боласи. Ҳурийим горнинг бошига бориб қараса, қанотлари кўрпадай-кўрпадай, кўзлари ёшиб турган, шохлари ялтираган чақмоқдай, пащалари қари чинорнинг илдизидай, букрис тарам-тарам, Ола буқа тоғпдай аждарҳо осмони-фалакка кўтарилиб учиб бораётган эмиш. Ҳурийимнинг юрагини яна ваҳима босибди. «Яхнисин қочиб қолсаммикан?— деб ўйлабди-да кейин:— Бор-е, таваккал, таваккалнинг ишини худо ўнглабди, деган гап бор-ку»,— деб жойида қолаверибди. Орадан етти кечаю етти кундуз ўтибди. Бу орада аждарҳонинг боласи Ҳурийимга шунчалик ўрганиб қолибдики, бирпас кўрмаса туролмасмиш. Нуқул: «Ҳурийим ака! Ҳурийим ака, нима қилай?»— деганича орқасидан эргашгани-эргашганимиш. Ҳурийим эркакча кийиниб, сочини бошига турмаклар, телпак остига беркитиб олганидан унинг қиз бола эканлигини билмабди-да. Ҳурийим ҳам аждарҳонинг боласига ўрганиб қолибди. Ҳатто баъзи бир қилиқлари ҳам унга ўхшаб кета бошлабди. Шу пайт яна осмонни булут қошлабди. Бўрон туриб жала ёғибди, чақмоқ чақиб, еру кўк титрабди.

— Отам келяпти,— дебди аждарҳонинг боласи. Ҳурийим, «ҳар ҳолда кўринмаганим маъқул»,— деб яшириниб олибди. Аждарҳо оғзида тухум билан етиб келиб, горнинг оғзига қўйибди. Тухумни чиқарган экан, катталиги туя сандиқдай эмиш. Кейин аждарҳо боласига қараб:

— Қорнинг тозаим очгандир, оппогим,— дебди.— Ма, ол, манави тухумни еб ол!

— Раҳмат, отажон, қорним тўқ, кейинроқ еймап.

— Билганингни қил, дўмбоғим,— дебди аждарҳо, кейин:— Ота, шу тухумни ейиш учун менга тоғдан туз келтириб берсангиз,— дебди. Отаси:

— Болам, тухумни шу пайтгача тузсиз еган эдинг-ку, энди нега туз билан ейман, дейсан. Ё бирон бир одамзод билан кўришиб, у сенга тухумни туз билан ейлади, дедими?— дебди отаси.

— Нега ундай дейсиз, ота! Аввал гўдак эдим, шунинг учун тузсиз есам ҳам, билмаган эдим. Энди катта бўлиб қолдим-да. Борди-ю, тузга боргингиз келмаса, ўзим бораман,— деб аразлаган бўлибди.

— Бўпти, туз бўлса олиб келаман. Аммо Шўртоғ жуда узоқ. Бир оз ҳаялласам ҳавотирланма. Зерикмай мана буни ўйнаб ўтир,— деб ҳар бири тоғдай-тоғдай келадиган иккита соққани берибди-да, аждарҳо Шўртоққа учиб кетибди. Ҳурийим

ойим тухумни олиб Семурғнинг олдига жўнабди. Жўнаш ол-  
ядан:

— Биз сен билан дўстлашиб қолдик, қачон кўришамиз,  
билмайман. Кўргим келса чақираман, борасан. Моҳмон қи-  
ламан. Борди-ю, отанг тухум қани, деса, туани олиб келгу-  
нигизча қорним очиб еб қўйдим, дегин. Отанг бир оз хафа  
бўлади-да, кейин кечиради. Узи шунақа, оталар хафа бў-  
лишади-ю, кейин кечирипшади,— дебди. Аждарҳоннинг бо-  
ласи:

— Мени эсингдан чиқарма, нима ҳам қилардим, оқ  
йўл,— дебди. Икковлон хайрлашибди.

Хуриойим йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир  
пайт чўлу биёбонда бир дарахтнинг қорасини кўриб қо-  
либди. Шунга бориб бир салқинлай, дебди. Борса чинорда  
бир уя турганмиш. «Шу Семурғнинг уяси бўлса керак», деб  
чинорга чиқибди. Семурғлигини билиб, тухумни қўйибди.  
Тухумдан чиққан семурғбачча Хуриойимга қараб:

— Эй, ўғлон сен мени аждарҳоннинг оғзидан сақлаб қол-  
динг. Мен сеникиман! Онам келгач, ҳамма гапни айтаман,—  
дебди. Хуриойим пастга тушиб, яна шамол учриб кетмасин  
деб, ўзини чинорга боглаб қўйибди. Бир пайт ҳаводан Се-  
мурғ қуйилиб келиб қолибди. Чинорни илдиз-пилдизи билан  
юлиб ташлагудай шамол турибди. Семурғ инига қўнибди.  
Боласини кўриб хурсанд бўлиб кетиб:

— Хайрият, сени ҳам кўрар кун бор экан-да! Қанн, айт-  
чи, қандай қилиб дунёга келдинг?

Семурғнинг боласи бўлган воқеани айтиб берибди. Шун-  
да Семурғ пастга учиб тушиб, Хуриойимни чинорга боғлан-  
ган ҳолда кўрибди. Дарров уни бўшатиб:

— Болам ҳамма гапни айтиб берди. Уни ўлимдап сақ-  
лаб қолибсан. Нима, аждар ўлдими?— дебди.

— Ўлмади-ю, лекин ўлгандан беш баттар. У менинг қу-  
лим, бундап буён нима қилсам қиламан. Боласи туфайли ўл-  
дирмадим,— дебди.

— Ха, сиз одамзодлар шунақа раҳмдилсизлар,— дебди  
Семурғ, кейин:— Подшомисан, фуқаромисан?— деб сўрабди.

— Нега бунақа савол беряпсан?— дебди Хуриойим.

— Семурғ беклар, хонлар, подшоларда бўлади. Фуқаро-  
да бўлмайди, дейишади. Аслида бундай эмас, биз ҳаммага  
баббаравармиз,— дебди Семурғ.— Хизматинг бўлса, айт.  
Боламини сақлаб қолганинг учун қўлимдан келганини аямай-  
ман.

Хуриойим унга жавоб бериб айтибди:

— Бир ҳабаш бор. Қаср қуради. Тошдан ҳам гиптдан  
ҳам. Остонаси тилладан, усти мармардан, пештоқи гавҳар.



дан бини қуради. Қуради-ю, «мендан кейин кимга керак, қолсаям кишиларнинг бошига етади», деб бузиб ташлайди. Шунн тониб, мен яшайдиган жойга олиб боришда ёрдамлашсанг,— дебди.

— Яхши,— дебди Семург.— Мен уни биламан. Икки мартаба тоғдан тош олиб келиб берганман, чўлга қаср солганда оғзидан сув олиб келганман. Устимга мин,— дебди Семург. Ҳуриойим Семурғнинг устига минибди. Семург қирқ кечаю қирқ кундуз осмонда учиб бир ерга бориб тушибди. Қарашса, бир қаср турганмиш, таърифдан ташқаримш. Ҳабаш уста уни, бузиб ташлайман деб тайёрлаиб турганмиш. Семурғни кўриб суюниб кетибди:

— О, дўстим, вафодор қушим. Мени йўқлаб келганинг яхши бўлибди. Елғизлик жонимга теккан эди. Мана бу аркни битказдим-у, энди бузаман деб турувдим. Ичкарига кирайлик, аввал сени зиёфат қилай, кейин қасрни бузиб, машриққа кетаман,— дебди.

— Биз икки кишимиз, меҳмоним бор,— дебди Семург.

— Яна яхши, учовлон бир маза қиламиз, ким у? Ё ўзингга ўхшаган қушларнинг қушими.

— Йўқ, у одамзод наслидан. У менинг боламни аждарҳонинг оғзидан сақлаб қолди. У билан абадий оғанини бўлдик,— дебди Семург. У шундай деб Ҳуриойимни чақирибди. Ҳуриой ҳабашни кўриб, қароқчи айтган шу, дебди ичида. Ҳабаш Ҳуриойимнинг аёллигини билмабди. Ахир, бошдан оёқ аркакча кииниб олган экан-да. Учовлон яна ҳол-аҳвол сўрашиб, ичкарига киришибди. Қасрнинг ичи ташқарисидан ҳам чиройли эмиш. Тошдан шерлар, марвариддан булбуллар ясаб қўйганмиш. Мурватини бураса шер худди одамга ўхшаб гапирармиш. Булбул эса сайрармиш. Қасрнинг хоналаридан биридаги ҳовузда тилла балиқлар сузиб юрганмиш. Ҳабаш тоза зиёфат берибди. Учинчи кун деганда Семурғга қараб:

— Қанча турсанглар ҳам бўлади, малол келмайди. Аммо кўзларингдан бирон бир ташвиш билан келганларнинг сезилиб турибди. Тортинмай айт. Сен менга кўп яхшилик қилдинг. Тош десам — тош, сув десам — сув келтирддинг. Мен ҳам сенинг яхшилигингга яхшилик билан жавоб берсам, деб юардим,— дебди.

— Айт деганинг учун айта қолай. Топдинг, бир ташвиш билан келдик ҳузурингга. Мана бу дўстимга қасрнинг ёқиб қолибди. Таърифини эшитибди-ю, туролмай қолибди. Рози бўлсанг, уни олгани келдик. Аммо пули йўқ, бу фуқаро, қасрнинг пулини кейин беради,— дебди Семург. Ҳабаш хафа бўлиб, жаҳли чиқибди.

— Мен сенга пул дедимми?! Сен тош ё сув келтирганингда пул деганимдинг ё бирон бир нарсани тама қилганимдинг? Яхши эмас. Қасрни бермас эдим-у, уч кун меҳмоним бўлди. Бу ошнанг билап туз-намак бўлди. Меҳмондан нарсаяган киши — одаммас, ҳайвон. Майли, олсанглар, ола қолларинг. Лекин қандай қилиб олиб кетасизлар?— дебди. Шунда Семурғ:

— Мен қанотим устида олиб кетаман,— дебди.

— Йўқ, ундай олиб кетолмайсан. Яхшиси мен бу қасрни бузиб ташлайман-да, бориб ошнангга янгисини қуриб бераман.

— Бундан яхшироқ қуролмасанг-чи?— сўрабди шошиб Хуриойим.

— Дўстинг ҳали битта бинони иккита жойда қурмаган, кейин ҳозир қургани олдинги қурганидан устунроқ бўлмаса, қўлига умуман ғишт олмайди,— дебди ҳабаш уста. Ҳабаш шундай дебди-да қасрни буза бошлабди. Бузиб бўлгач, мен тайёрман, нимада кетамиз, дебди. Олдинига, «қасрни бузиб қуриб бермаса-я,— деб хавотирланиб ўтирган Хуриойим,— ўзи бориб қуришга ваъда бергани яхши бўлди. Ҳабашлар ваъдасида туради дейишади», деб кўнглидан ўтказибди. Учовлон йўлга тушибди. Бир оз юргач, Семурғ ўнг қаноти остига Хуриойимни, чап қаноти остига Ҳабашни олиб, осмонга қўтарилибди. Буларни осмон-фалакда учишда қўййлик-да, икки оғиз гапни аждарҳодан эшитинг.

Аждарҳо тузни олиб келса, боласи хомуш ўтирган эмиш. «Тухум қани?»— деб сўрабди. «Туз келтиргунингизча қорним очиб, еб қўйдим», дебди боласи. «Нега хомушсан?»— деб сўраб қолибди аждарҳо.

— Дўстимдан ажралиб қолдим,— дебди боласи.

— Дўстинг ким?— яна сўрабди аждарҳо.

— Одамзод,— жавоб берибди аждарҳобачча.

— Одамзод? Одамзод бизга ҳеч қачон яхшилик қилмаган. Чунки биз ёмонлик, одамзод яхшилик тарафдори,— деб ота-бола тортишиб қолишибди. Боласи кўрсаки, отасининг жаҳли чиқанти. «Ҳа, майли, сиз дўстлашмасангиз, мана кўрасиз, мен дўстлашаман»,— дебди-да, аждарҳобачча ғорга кириб кетибди. Аждарҳони дарғазаб, боласини ғорга кириб кетишда қўйиб, гапни Хуриойимдан эшитинг. Семурғ қиз билап ҳабашни олиб, Хуриойимнинг уйига келибди-да, қачон керак бўлсам чақиртирарсан, деб қайтиб кетибди. Ҳабаш уста уй қуришга тушибди. Уйни шундай қурибдики, таърифи етти иқлимга етиб борибди. Хуриойим эски қудуққа бориб, қани кўрай-чи, каламуш бормикан, ё қароқчи ёмон гаширдими, деб қараса, каламуш ётганмиш. «Бунда бир

гап бор», — дебди. Кейин подшоликдаги отаси эсига тушиб, уни кутқазмоқчи бўлибди. Шу пайт қасрнинг довғиғи эшитиб:

— Менинг подшолигимга қаср қурган ким, ё ўлдираман, ё анидон қиламан, — деб подшонинг ўзи келиб қолибди. Келиб қараса, хотишликка ололмай юрган Хурийим эмиш. Подшо Хурийимни кўриб янада дарғазаб бўлибди.

— Ё менга тегасан, ё сенга берган олтинларим билан молларимни қайтариб берасан, — дебди. Шунда Хурийим:

— Отамни олиб келиб, қўлимга соғ-саломат топширсанг, берган мол-дунёниг билан пулларингни оласан, — дебди. Подшо анидондан Хурийимнинг отаси — Деҳқон бобони чиқартириб, етказиб келибди-да, Хурийимга топширибди. Қизи Хурийимнинг дардида йиғлайвериб, Деҳқон бобо кўр бўлиб қолган экан. Отасини кўриб қизи ҳам йиғлаб юборибди. Хурийимнинг кўз ёшлари Деҳқон бобонинг юз-соқолига теккач, унинг кўзи очилиб, букилган қади тикланибди. Ота-бола бир-бирига суянганча узоқ вақт туриб қолишибди. Буларни кўриб турган подшо:

— Тез бўл! Мол-дунёни топиб бер, — дебди. Хурийим эски қудуқдан пулни, мол-дунёни олиб, подшога берибди. Уни кўрган подшо:

— Булар оз, мен берган мол-дунёнинг ярмиси. Бу қаср-ни менинг пулимга солдиргансанг, қолганини топсанг-топганинг, тонамсанг ҳайдаб олиб кетиб, энди хотин эмас, уй чўриси қиламан, — дебди. Хурийим нима қилишини билмай, боши тозаям қотибди. Отасига қараган экан, юздан, «бу золимнинг қўлидан ҳар иш келади, эҳтиёт бўл, қизим», деган маънони ўқибди. Хурийой подшога қараб:

— Эртагача рухсат бер, қолганларини топиб бераман, — дебди. Подшо: «Қаерга ҳам борарди, пулни топа олармиди, қийналганидан саройга боринга мажбур бўлади. Гап-сўзи менга хотин бўлишлигини кўрсатиб турибди», — дебди-да, Хурийойнинг шартига рози бўлиб, подшоликка қайтиб кетибди. Хурийой нима қилишини, пулни қаердан топишини билмай, роса сиқилибди. Шу пайт эски қудуқдан каламуш чиқибди-да, Хурийойимга кўрниниш бериб, яна қудуққа тушиб кетибди. «Бунда бир ган бор. Қароқчига пулни бермаган эди, подшога берсам қаршилик қилмади. Менга кўрипмади ҳам. Бу каламушда бир сир бор», — хаёлидан ўтказибди қиз. Шундан кейин ота-бола ухлашга ётишибди. Топг отгач, Хурийойим ташқарига чиқиб, қудуқнинг ичига қарабди. Қудуқнинг ичига бир қоп пул устида каламуш мўлтиллаб турган эмиш. Хурийойим қудуқ ичига тушиб, бир қоп пул — тиллали олиб чиқибди. Шу пайт подшо келибди.

— Пул, мол-дунёни топдингми?— дебди. Хурийим:

— Ана, ол керагини,— деб қопдаги тиллани кўрсатибди. Подшо уялмай-нетмай қопдаги дунёни олибди-да, Хурийимга қараб:

— Бари бир мендан қочиб қутулолмайсан. Ерга кирсанг, сочингдан, осмонга чиқсанг, оёғингдан тортиб, хотинликка эмас, чўри қилиб оламан,— дебди. Хурийим:

— Бу ердан кет энди. Мол-дунёнинг олдинг. Бизни тинч кўй,— дебди. Подшо баттар ғазабланибди. Хурийимнинг отасини осийиб ўйлабди. Кейин қудуққа ташлаб, тириклай кўймоқчи бўлибди. Аммо бунга юраги дов бермабди. Ахир, қия юрагидан урган экан-да. «Бари бир қўлимга тушасан. «Тинч қўйинг» эмиш-а, сени деб оромим бузилди, обрўйим тўкилди. Ўлсам-ўламанки, сени тинч қўймайман. Олдин чўри қилиб оламан. Кейин хотин бўласан. Йўқ, олдин хотин қилиб оламан, кейин чўри қиламан. Шундай қилмасан, отимни бошқа қўяман»,— деб отига қамчи босибди. Хурийимнинг отаси:

— Қизим, подшоҳга қаттиқ гап қилдинг, унинг қўлидан ҳамма иш келади. Тагин мени қул қилиб соттириб, сени чўри қилиб олмасин,— дебди. Шунда Хурийим унга жавоб бериб:

— Отажон, ҳеч қўрқманг, агар подшо шундай қилса, қилаверсин. Менинг содиқ дўстларим бор. Мени илгариги Хурийой демаг. Бу кичик бир юрт подшоши экан, унда катта роғи билан ҳам олишавераман,— дебди. Отаси:

— Ўзинг биласан, болам. Мен нима ҳам дердим. Энди ақл-ҳушли бўлдинг,— деб ичида қизидан қувониб қўйибди. Хурийимнинг ҳусни-жамоли, донолиги, у яшаётган қасрнинг тенгсизлиги кундан-кун овоза бўлаверибди. Дунёнинг турли бурчагига етиб борибди. Турли мамлакатларнинг подшолари, подшоваччалари совчиликка келаверибди. Совчилар келгандан-келавериб, Хурийимнинг обдан жонига тегибди. Охири Хурийой турмуш қуришга аҳд қилибди.

Кунлардан бир кун йиғилганларга:

— Саволларимга жавоб берганга тегаман. Биринчи саволим шуки, дунёни кезиб, энг яхши жой қаер эканлигини айтиб берсин. Иккинчи шартим, дунёдаги энг лавзатли таом нима ва у қачон ейилса яхшилигини айтиб берсин. Учинчи саволим, одамни одам қилган нима, шуни топсин. Шу саволларимга ким тўғри жавоб берса, унга текканим бўлсин,— деб жар солдирибди. Қарабсизки, дунёнинг турли мамлакатидан одамлар ёғилиб кетибди. Келганлар орасида қароқчиларнинг бошлиғи ҳам, Хурийимнинг қудуғидаги каламуш ҳам, қалавдар ҳам бор экан. Каламуш аслида Нажам подшо-

сининг шаҳзодаси бўлиб, у ҳам Хуриойимнинг дардида юрган экан. Аммо уни жодугар кампир сеҳрлар, каламушга айлантдириб қўйган экан. Подшо Хуриойимнинг отасини эиндоп қилиб қўйгандан кейин ер остидан лаҳм кавлаб, увга билдирмай, овқат ташлаб турган экан. Подшо Хуриойимга, пулинг оз, деганда кечаси ер тагидан бориб, пулин олиб, яна эски қудуқни тўлдириб қўйган экан. У ҳам одам қиёфаси — аёл ҳолига кириб, Хуриойимнинг шартини бажариш учун бел боглабди. Буни Хуриойим сезмабди. Шундай қилиб десангиз, Хуриойимнинг шартини бажариш учун шоҳ ҳам, гадо ҳам, дарвеш ҳам, қалаандар ҳам қатнашибди. Биринчи шартини бажариш учун ҳамма отланибди. Борган-борганча, кўрган-кўрганча, билган-билганча, кўриб-билиб келибди-да, кўрган-кечирганларини ҳикоя қила бошлабди. Биров, энг чиройли жой Бағдод деса, бошқаси — Машҳад дебди. Бошқа биров Кўҳиқоф деса, иккинчиси Яман билан Ясар, дебди. Ҳеч кимнинг жавоби Хуриойимга маъқул бўлмабди. Бир дарвиш Хуриойимнинг олдига бориб:

— Дунёни кездим, ўзим туғилган жойдан яхширогини кўрмадим,— дебди.

— Топдинг! Саволимга тўғри жавоб топдинг. Мен ҳам дунёни кездим, аждарҳолар юртида, Семурғлар ватанида бўлдим, аммо шу туғилган жойдан ўтадиган жойни кўрмадим, дебди Хуриой хурсанд бўлиб. Хуриойимнинг иккинчи саволига у у дебди, бу бу дебди. Энг яхши, лаззатли таом палов, уни уйдагилар бвлан есанг яхши, дебди биров. Иккинчи бир киши, парранда гўшти ширин, дебди. Бошқаси, йўқ, энг яхши таом тухум, дебди. Ҳеч кимнинг жавоби Хуриойимни қаноатлантирмабди. Қалаандар анг охири кириб:

— Дунёдаги энг лаззатли таом — нов. Уни оч қолиб есанг яна тотимлик бўладикки, ҳеч бир овқат унинг олдидан ин эшолмайди.

— Мен буни ўзим бошимдан кечирганман. Оч қолиб еган понинг мазаси ҳалляғ оғзимда,— дебди Хуриойим. Подшодан бошқа ҳамма бу гапга қўшилди. Подшо ҳечам оч қолмаган экан-да. Энди навбат Хуриойимнинг учинчи шартига келибди. Яна ҳамма билганини айтибди. Ҳеч кимнинг жавоби Хуриойимга ёқмабди. Маъқул бўлгани, яна тўла эмас эмиш. Яна Қалаандар жавоб бериб:

— Одамни одам қилган нарса — ўз-ўзини билишлик,— дебди.

— Топдинг! Ҳа, одамни одам қилган ўа-ўзини билишлик. Яъни, подшо ўз-ўзини билганда камбаралнинг бир қизи — менга совчиликка келмасди. У подшою мен бир

камбагал. Қанақа қилиб камбагал қиз подшога хотин бўла олади?— Кейин Хурнойим ҳаммани йиғиб шундай дебди:

— Менинг шартларимни манави қаландар тўғри тоғди. Мен шу кундан бошлаб унинг ихтиёридаман. Шунда Хурнойимни овозини эшитиб, қароқчиларнинг бошлиғи: «Эй аҳмоқ», «Эй нодон»,— деган овозга ўхшатибди. Кейин қилчичини суғуриб, йиғитларимдан жудо қилган жодугар сен экансанда деб, Хурнойимни чопиб ташламоқчи бўлган экан, қаландар уни ушлаб отиб юборибди. У етти нахса девордан ошиб, кўчага тушиб, тил тортмай ўлибди. Подшо икки жодугарни ёнига олиб, қилчичини суғуриб:

— Сен жодугарнинг каллангини олмасам, бу дунё роҳати ҳаромдир,— дея олга интилиб Хурнойимга қилч солмоқчи бўлибди. Қаландар бошлиқ оломон подшони ўраб олиб, улоқтириб ташлабди. Ҳамма шундан кейин типчиб, энди нима бўларкин, деб турган экан, қаландар Хурнойга қараб шундай дебди:

— Сенинг саволларингга шунинг учун тўғри жавоб қилдимки, мен умримда кўп кездим, кўп ерни кўрдим, кўп воқеаларни бошдан кечирдим, оч қолдим, тўқ юрдим. Энди бир илтимосим бор, йўқ демасанг, айтаман,— дебди.

— Менинг синглим йўқ. Сенда на ака, на ука бор. Мен сени синглим десам, боя айтдим, киши ўз-ўзини билмоғи керак деб. Мен ўзимни биламан. Бир савдои одамман. Бир ерда қўним туролмайман. Ака-ука тутинсак. Мен дунё одамман. Бугун у ердман, эртага бошқа ерда. Шундагина Хурнойим узук берган қаландарни овозидан тапибди-да, қуллуқ қилиб бош эгиб:

— Ога, сиз менга кўп яхшиликлар қилдингиз. Мана, яна яхшилик кўзлаяпсиз, сизга раҳмат,— дебди. Қаландарни роса зиёфат қилиб, кетиши олдида узугингизни олинг, деган экан, сенга ҳали бу узук кўп керак бўлади. Ён-атрофингда душманларнинг кўп экан. Бунинг устига оғангнинг қаерларда юрганини ҳам биллиб ўтирасан, синглим, дебди-да олмай жўнаб кетибди. Ҳамма Хурнойим бошлиқ уни кузатиб қолибди. Нажам шаҳзодаси ҳам, менинг ҳам синглим йўқ, дебди. Энди мен ҳам ўзалигимни билдим. Қарасам, сенга тенг эмас эканман. Сен синглим бўлдинг, мен кечир, деб у ҳам жўнамоқчи бўлибди. Шунда уни ҳам меҳмон қилиб, ҳамма яхшиликларингиз учун раҳмат, акажон, дебди Хурнойим. Шаҳзода ҳам ўз юртига жўнаб кетибди. Ҳамма бирма-бир жўнаб кетгач, ҳабаш уста, менга ҳам руҳсат бер, деб жавоб сўрабди. Хурнойим уни ҳам зиёфатга ботириб, раҳматлар айтибди. Ҳамма кетгач, Хурнойимнинг отаси:

— Қизим, келгачлардан биронтасига розилик берма-

динг-да, мен ҳам қариб қолдим, сен Ёлғиз қоласан деб қўр-  
қамаң, деган экан, Ҳурнойим:

— Отажон ташвишлапманг, менинг ҳам тенгим топилиб  
қолар, ҳали сиз ўлмайсиң, — дебди. Аммо ичида, отам тўғри  
айтади, тенгимни топишим керак, дебди. Кундан-кун, ой-  
дан-ой, йилдан-йил ўтибди. Вақти-соати келиб Ҳурнойим  
бирга ўсган чўпон йигитга кўнгли қўйиб, унга тегибди. Ай-  
тишларича, тўйига аждар боласиниям, Семурғиям, Нажам  
шаҳзодаси — тутинган акасиниям, тутинган қаландар ога-  
синиям айтибди. Улар қатнашганми, йўқми, худо билади.  
Гапларим ёлғонми, чиними — уни ҳам яратган билади, та-  
мом-вассалом.

Эртагим-эртақ, кечаси эшитганга керак. Кундуз эшитса  
ёмон бўлади.



# КЕНЖА ЎГИЛ, ҚУМУРСҚА ВА СИРЛИ ШАМШИР

Қадим замонда бир киши бўлиб, унинг учта ўгли бор, экан. Бисотида бир оти, бир ҳўкизи ва бир хачирп бор экан. Отаси катта ўғлига ҳўкизни қўшиб, ҳаятни ҳайда, деган экан, мен овга бораман, анави ҳайдасин деб, ўртанча укасини кўрсатибди. Отаси ўртанча ўғлига, ҳўкизни қўшга қўшиб, ҳаятни ҳайда, деса, мен акам билан овга чпқаман. У отган қушларни йиғиб юраман. Қўшни анави қўшсин, деб кичик укасини кўрсатибди. Отаси охири кичигига мурожаат қилган экан, кенжа ўғил: «Хўп ота, мен ҳўкизни қўшга қўшиб ҳаятни ҳайдайман»,— дебди-да, ҳўкизни ҳаятга олиб бориб, қўшга қўшиб ерни шудгор қила бошлабди. Ҳайдаб, ерни шудгор қилиб юрса, омоч бир нарсага тегиб кетибди. Бола кавлаб қараса, кўза эмиш. Ичига қўлини солса, тўла олтин эмиш. Бола қўрқиб кетиб, кўзани олиб келиб отасига кўрсатибди. Отаси:

— Бу беҳикмат бўлмаса керак. Дарров олиб бориб топган жойнингга кўмиб кел,— дебди. Бола хумни олиб бориб жойига кўмиб қўйибди. Ота-бола кўзани ўртага олиб, гаплашиб турганини катта ўғилнинг хотини кўриб турган экан. Эри овдан келгандан кейин унга ҳамма гапни айтиб берибди.

— Хумда олтин бўлса керак. Отанг билан уканг уни сендан бекитиб, ўзиники қилиб олмоқчи шекилли,— дебди. Аканинг юрагига ғулгула тушибди. Эртасига отасига қараб:

— Ота, кеча овга мен борган эдим, қўшни укам қўшган эди. Бугун у овга борсин-да, қўшни мен қўшай,— дебди.

— Ихтиёринг, ўғлим,— дебди отаси. Ўртанча ўғил билан кенжа ўғил овга кетибди. Катта ака ҳўкизни қўшга қўшиб, ерни ҳайдай бошлабди. Ҳайдайверибди, ҳайдайверибди, олтин тўла хумни топа олмабди. Кеч бўлибди ҳамки, ерни ҳайдайверибди. Бир пайт ерни ҳайдаб хаёлга ботиб шудгордан чиқиб кетганини ҳам сезмай қолибди. Шудгорнинг четиди бир эски қудуқ бор экан. Бола сезмай қолибди. Ҳўкизи омоч-помочи билан қудуққа тушиб кетибди. Бола интилиб уни ушлаб қоламан деган экан, у ҳам қудуққа тушиб кетибди. Дод-фарёд қилибди, унинг оҳу зорига ҳеч ким қу-

лоқ солмабди. Кейин йиғлаб-сиқтабди, ён-атрофига қараган экан, бир эшик турган эмиш. Эшикни секин очса, узун йўл кўринибди. «Қани, нима бор экан?» — деб эшикдан йўлга ўтибди. Озгина юрай-чи, деб юрибди, яна озгина юрай, деб анча-мунча юрганини билмай қолибди. Бир ерга борса чироқлар ёқилган, кўрпачалар солинган, ўртага олов ёқилган, чилимлардан тутатиб қирқ дев ўлтирган эмиш. Ўртада неча хил овқат, ичимликлар эмиш. Бола молга ўхшаб анқайиб, оғзини очиб турган экан, девлардан бири кўриб қолибди. Ҳар бири Мурод тепадай-Мурод тепадай бўлган девларни кўриб кўрқиб турган болага бери кел, деган экан, унинг ўтакаси ёрилаёзибди.

— Наҳоримизга овқат келди, — дебди девлардан бири тиззасига шапатилаб.

— Бу ориқ, қунна-қуруқ суякни еб обрў топармиднинг, яхшиси уни қамаб, бир оз парваришлаб боқайлик, ана ундан кейин кавоб қилса арзийди, — дебди девларнинг жўра бошиси. — Олиб бориб, омборхонага қамаб қўй-да, олдига семиртирадиган овқатлардан ташла.

Болани икки дев оёғини ерга теккизмасдан олиб бориб, омборхонага қамаб қўйибди-да, олдига семиртирадиган овқатлардан ташлабди.

Девларни эиёфатда ўлтиришда, болани омборхонада, «қачон еркин бу девлар, деб оҳу-фиғон чекишда қўяйлик-да, икки оғиз гапни чох билан ўғилларидан эшитайлик.

Катта ўғилнинг хотини ўртанча ўғилнинг хотини билан дўст экан: «Эрингиз қайга кетди, кеч бўлдиям, келмаяптилар», — деган экан, бутун гапни оқизмай-томизмай айтиб берибди. Эри овдан келганда хотини ўртанча ўғилга қараб:

— Сен ҳам одамман деб бош кўтариб юрибсан. Ҳадемай аканг бойиб, ҳаммага ҳукмини ўтказди. Сен бўлсанг сандирақлаб юраверасан бириг-икки бўлмай, — дебди. Эртасига эрталаб:

— Ота, — дебди отасига қараб ўртанча ўғил, — акам қаерга кетди? Келмаяпти-ку?

Отаси:

— Аканг қўш қўшгани кетган эди, ҳалигача келмай, ҳаяллаб кетди. Узим ҳам хавотирланиман, — дебди. Бола:

— Ота, хавотирланманг, мен бориб хабар олиб, топиб келаман. Укам овга кетаверсин, — дебди. Отаси рози бўлибди. Бола акасини қидириб олтинларни топган бўлса, ярмини оламан, деб қўш ҳайдалаётган жойга борибди. Ҳаятда на акаси, на ҳўкизи бор эмиш. Акасини ахтариб юриб, бу ҳам қудуқ устидан чиқиб қолибди. Қудуқ ичнда ҳўкиз

билан омочни кўриб қолиб, уни тортиб оламан, деб энгашган экан, қудуққа тушиб кетибди. Дод-фарёд қилибди, бақриб-чақрибди, ҳеч ким эшитмабди. Чор-атрофга қараб бир эшикни кўриб қолибди. Акам шу томонга кетган бўлса керак. Олтинлар ҳам ўша томонда, дебди-да, дарров йиғдан тўхтаб, эшикни ичига кирибди. Қараса, уауздан-узун йўл эмиш. Кетаверибди, кетаверибди, бирдан бу ҳам қирқ дев суҳбат қуриб ўлтирган жойнинг устидан чиқиб қолибди. Девлар болани кўриб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишибди. Тутиб олиб келиб, ўртадаги гулханга ташламоқчи бўлишибди. Бола ялиниб-ёлворибди, йиглаб-сиқтабди. Девлар унга кулоқ солишмабди. Девларнинг жўрабошиси:

— Бундан кавоб чиқмайди. Қаранглар териси суягига ёпишиб ётибди. Озгина парвариш қилиб, боқайлик-да, кейин кавоб қиламиз,— дебди. Девлар унинг ганига кириб, болани олиб бориб омборга қамаб қўйишибди. Буларни қамоқда қўйиб, икки оғиз гани болаларнинг отаси ва укасидадан эшитинг.

Отаси болалари йўқ бўлиб кетганидан хавотирлана бошлабди. «Булар яна ўша хумни қидириб кетган бўлишса-я»,— дебди ичида. Кенжа ўғил отасининг ташвишланаётганини кўриб:

— Ота, акаларим узоқ кетишди. Менга жавоб берсангиз, бориб бир хабар олиб келсам,— дебди. Отаси:

— Йўқ, болам, сен ҳам акаларингга ўхшаб йўқ бўлиб кетасан, жавоб бермайман,— деб туриб олибди. Бола жавоб сўрайвериб охири отасини кўндирибди.

— Болам, шудгордан топилган хум акаларингнинг бошига етди. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур?»— деганларидек, хумни кўриб, олтинларини оламиз, бойиб кетамиз, деб иккови нес-побуд бўлишди. Сен хумни ўйлама. Пешона тери билан топилмаган нон — нон эмас. Акаларингни илаб тонеанг, тез изингга қайт,— дебди ота. Кенжа ўғил отасидан оқ фотиҳа олиб йўлга тушибди. Йўлда кетайтса бирдан шамол кўтарилиб, гирдоб пайдо бўлибди-да, болани ўраб, осмони-фалакка олиб чиқиб кетибди. Учириб кетаверибди. Кейин бир жойга олиб бориб ташлабди. Бу жой саҳро бўлиб саҳрога ўхшамасмиш, бог бўлиб боққа. Дарахтлар бир-бирига чирмашиб сувсизликдан қуриб-қақшаб ётганмиш. Уй ўрнида гор, капалармиш. Бой-ўғиллар сайраган, илонлар вишиллаган, қурбақалар қуриллаган, чигирткалар чирпллаган, ола ҳакка тақ-тақда, қорашақшақ шақ-шақда эмиш. Бола ҳайрон бўлиб, нима деишини, нима қилишини билолмай, гаранг бўлиб турган экан, ҳалиги гирдоб бирпасда бир гала хотин кишига айланиб-

ди-қолибди. Болани ўраб олиб, бир баҳайбат чинорнинг таг-даги торга олиб киришибди. Бу жодугарларнинг жодугари, алвастиларнинг алвастиси, мастон камнирнинг қароргоҳи экан! Болани кўриб кампир ўттизи кам икки типини шақир-шуқурлатиб қиқиллабди. Кулганини ҳам, йиғлаганини ҳам билиб бўлмасмиш. Нуқул: «Қизимга эр келди! Қизимга эр келди! Бир кам юз элликка кирган, ёш, барно қизим эрли бўлди!» — дермиш. Бир пайт горнинг тўридан бир махлуқ чиқиб келиб:

— Ҳой, ойи, уйготиб юбординг. Яхши туш кўраётган эканман. Қани эрим? — дебди. Қизи онасидан ҳам баттар бадбашара, боши саватдай, ўзини кўрсанг бамисоли ёмғирда қолган ўлакса итдаймиш. Уни бола кўриб қўрқиб кетибди-ю, аммо сир бой бермабди.

— Мава, сенга эр тониб қўйдик. Етти иқлимни қидира-қидира зўрга топдик. Ушла, қочиб кетмасин, ўзинга боглаб ол! — дебди мастон кампир. Камнирларнинг қизи кенжа болани бирпасда сочи билан ўраб, ўзига боглаб олибди. Ҳидига боланинг кўнгли озиб, ўлар ҳолига келибди. Аммо нима қилишини билмабди. «Ойи, менинг уйқум чала бўлди. Кириб яна бир оз ухлай, кейин тўйни бошлармиз», — дебди-да, болани олиб горга кириб кетибди. Горда боланинг боши айланбди, кўзи тиниб ҳеч нарсани кўрмай қолибди. Мастоннинг қизи уни сочи билан ўзига боглаб олган ҳолда уйқуга кетибди. Хуррагига тоғу тош ларзага келибди. Болани боши қотгандай-қотиб, «энди нима бўларкин?» деб турган экан, оёғини бир нима секин чимдилабди. Бу нима экан, деб аста қўлига олса, қумурсқа экан.

— Э жонивор, қоронғи зулматда нима қилб юрибсан. Еругликдан баҳраманд бўлсанг-чи? Ё сен ҳам менга ўхшаган бандимисан? — деган экан, қумурсқа тилга кириб:

— Э, акажон, мен сенга ёрдам бергани келдим. Гапимга яхшилаб қулоқ сол. Узоқ Гулистон шохининг маликаси шу жодугарнинг ана у жойдаги зиндонидан неча йиллардан бери зиндонбанд бўлиб ётибди. Уни қутқазсанг мушкулинг осон, ейшинг бутун бўлади, — дебди. Бола: — Нега зиндонбанд қилинган ё менга ўхшаб жодугар уни ўзига олиб бермоқчи бўлганми? — деб сўраган экан, қумурсқа унга жавоб бериб, шундай дебди:

— Бу қиз ҳуснда тенгсиз. Етти иқлимнинг қиллари у билан ҳуснда талашишар эди. Буни жодугарнинг қизи эшитиб қолиб «мендан ҳам чиройлироқ киши бормикан?» деб уни онаси орқали олдириб келиб кўрса, қиз чинданам чиройли. Менда чиройлироқ киши бу дунёда яшамайди, деб қиза бечорани ҳақоратлаб-камситиб сеҳр билан тошбақага айлан-

тириб, боз устига зиндонга ташлаган. Қиз бечора кечаю кундуз юм-юм йиғлагани йиғлаган. Қафасдаги қушдек ёругликка талпинади-ю, аммо ашндондан чиқишнинг ҳечам иложи йўқ-да. Агар ҳоқласанг, мен қизни қутқармиш йулини айтаман! — дебди.

— Айт, тез айт. Уни қутқазмишм лозим! — дебди бола.

— Бўлмаса гапимни эшит. Мاستоннинг қизи бир ухлаганда етти кечаю етти кундуз ухлайди. Уйқуга кирганда кетини кесиб кетсанг ҳам билмайди. Мен сенга отамдан қолган эски устарани олиб келиб бераман. Устара билан унинг сочини қирқасап. Аммо қулогининг орқасидаги сариқ сочга тегиб кетма. Борди-ю, унга тегиб кетсанг, қизнинг сочи яна ушиб чиқиб, сенга ешишиб олаверади. Чирмовуқдай чирмашиб қўйиб юбормайди.

— Кейин нима қиламан? — сўрабди бола.

— Кейин нима қилишингни кейин айтаман, — дебди қумурсқа. Бола қумурсқадан олган устара билан аста-аста мастон қизининг сочини қирқибди. Сариқ сочга келганда жуда аҳтиёт бўламан десаюм, сочининг ўзи унга интилармиш-да. Бир илож қилиб, устарани уйдан олиб қочиб, жодугарнинг сочини олиб бўлибди. Енига қараса, онноқ тоғ пайдо бўлибди. «Бу тоғ қайдан келди?» — деган экан, қумурсқа: «Ахир, жодугарнинг сочини олдинг-ку, бу ўша соч-ку?» — деб жавоб берибди. Кейин:

— Энди орқамдан юр, — деб эргаштириб кетибди. Бир зиндон олдига бориб, анани кавакдан ичкарига кир, дебди. Бола ичкарига кираётса, қумурсқа: «Аҳтиёт бўл. Мен уни қирқ кун кавледим!» — дебди. Бола бир илож қилиб ичкарига кирибди-да, тошбақага рўнара бўлибди. Тошбақа:

— Ҳой, қумурсқа дўстим, нега энди бу йиғитни олдимга олиб келдинг. Ё менадан кулмоқчи бўлдингми? — деган экан, қумурсқа ўртага чиқиб қўлини кўксига қўйиб:

— Йўқ, маликам, бу ердан олиб чиқиб кетиб, сени қутқазмиш учун қилдим, — дебди.

— Мен бу ердан ҳеч ким қутқаза олмайди. Қутқарган тақдирда ҳам ҳеч қаяққа бормайман. Тошбақа-қиз қаерга ҳам борарди. Тақдирим шу экан, ҳеч кимнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, — дебди қиз.

— Йўқ, маликам, мен сени бу ердан қутқазиб олиб чиқиб кетаман. Сени деб шунчалик кўп меҳнат қилган қумурсқа дўстинг яна бир иложини тонар, — дебди бола. Шунда қумурсқа:

— Бу ерда ади-бади айтишиб ўтираверсак, ҳали замон жодугарнинг қизни уйғониб, дод-вой солади. Ана унда ҳам-мамиз ҳалок бўлдик, дейвер. Тез ҳаракат қилиш керак. Жо-

дугарнинг ўнг ёнбошида бир тилла сандиқ бор, тилла сандиқ ичида бири-бирининг ичига солинган ўн битта сандиқча бор. Шуларнинг энг кейингисида сеҳрланган кул бор. Бу кул жамики жодугарларнинг жони. Қимда-ким шу кулни қўлга киритса, дунёда энг зўр нарсани қўлга киритган бўлади. Жодугар кулни шундай қаттиқ яширгачки, у жойга ҳатто биз ҳам кира олмаймиз. Тез бориб, шу кулни қўлга киритиш керак,— дебди. Тошбақа-қиз рози бўлибди. Учовлон қийналиб-сиқталиб қумурсқа очган йўлдан зиндон ташқарисига чиқишибди. Шу пайт жодугар овга кетган экан. Қумурсқа ичидан бир овоз чиқарган экан, шу ондаёқ оламли қумурсқа босиб кетибди. Шунда қумурсқа уларга қараб:

— Ошналарим, шу сандиқни кемириб, ичидаги кулни олиб манави дўстимиз — одамзодга беришимиз лозим,— дебди. Бир томондан қумурсқалар, иккинчи томонда бола билан тошбақа-қиз сандиқни кемира бошлашибди. Бир пайт келиб сандиқни очишиб, ичидаги кулни олиб, болага беришибди. Қумурсқаларга раҳмат айтиб, уларни жўнатиб юборибди. Кенжа ўғил кулдан бир сиқимини қўлига олиб, уни қисган экан, жодугар етиб келиб, ялина бошлабди.

— Сочиб юборма ерга! Нима хизматинг бўлса бажо келтираман,— дебди у илтижо қилиб. Бола:

— Жамики сеҳрлаб қўйган одамлар, жониворларни ўз ҳолига келтирасан. Қизингни манави тошбақа-қиз ётган зиндонга соласан. Бўлмаса қўлимдаги кулни ерга сочиб юбораман,— дебди. Жодугар бирпасда ҳамма сеҳрлаб қўйганларини ўз ҳолига келтирибди. Жодугар бировни кучукка, бошқани тўнғизга, яна бировни хачирга айлантириб қўйган экан. Ҳамма ўз ҳолига келиб, боладан хурсанд бўлиб, унга раҳматлар айтиб уй-уйларига жўнаб кетибди. Тошбақа-қиз бўлса, бирам чиройли қизга айланибдики, кенжа ўғил уни кўриб ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Қиз ҳам уни ёқтириб, ичида: «Киройи эринг бўлса шунақа бўлса»,— дебди-ю, аммо сир бой бермабди. Кенжа ўғилга қараб қумурсқа:

— Энди йўлга туш. Нима мақсад қилган бўлсанг, мақсадинга етасан. Менга жавоб бер. Қачон керак бўлсам, шунини тутат, деб тукидан битта узиб берибди. Бола унга раҳмат айтиб, қизни эркакча қийинтириб, йўлга тушибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир жойга бориб қолибди.

— Шу ерда бир оз дам олсак. Сен ҳам, мен ҳам чарчадим. Дам олиб бўлгач, уйга бориб отам билан кўришамизда, сени ўзимга никоҳлаб оламан, кейин акаларимни ахтараман,— дебди бола. Шунда қиз:



— Меви никоҳлаб олиш қочмайди. Мен сизникиман. Олдин отангизнинг олдига бормай, акаларингизни топайлик. Менинг ҳам ўзимга яраша ота-онам бор. Уларни соғиндим, уларни ҳам топайлик,— дебди. Бола қизнинг гапига кўниб, дам олиб бўлгач, акаларини ахтариб йўлга чиқибди. Икковлон кетишаркан, бир жойда ер остидан тутун буруқсаб чиқарган эмиш. «Бу нима экан?»— деб яқинроқ боришса, чинданам ер тагидан буруқсаб қўланса ҳидли тутун чиқарган эмиш. Бола:

— Бу нима бўлди, унинг сирини билмай ҳеч қаякча кетмаймиз,— деб қўйнидаги кулни олиб сиқибди, жодугар етиб келиб:

— Хизмат, шоҳим!— дебди. Бола, шу буруқсаб чиқарган тутуннинг қошига олиб туш,— дебди. Жодугар бир дуо билан болани, қизни қўнғизга айлантириб, ер остига олиб тушибди. Бола қараса, қирқта дев чилим чекиб ўтирган эмиш. Ташқарига буруқсаб чиқарган шунинг тутун эмиш. Боланинг буйруги билан жодугар уларни ўз ҳолларига келтирибди. Уларни кўрган девлар хурсанд бўлишибди.

— Ҳозиргина иккитанг келган эдиларинг. Яна иккита бўлиб, ваҳоримизга етиб келибсанлар-да,— дея хурсанд бўлиб бақириб-чақиршибди. «Иккови акаларим бўлса керак!»— дебди ичида бола.

— Наҳорга биз эмас, сенлар керак бўласанлар,— дебди бола тан тортмай. Девлар уларга ташланмоқчи бўлган экан. Бола сеҳрарга, девларни хачирга айлантир, деб буюрибди. Жодугар бир дуо билан қирқ девни қирқ хачирга айлантириб қўйибди. Бола узун йўлдан кетаётса, ҳар икки томондаги хоналарда одамлар виж-виж қайнаётган эмиш. Эшиклардан бирини очган экан, одамлар нуқул: «Анави семиз, уни енглар, мен ориқман»,— дермиш. Бола бирин-кетин эшикларни очиб, ҳаммави қутқаза бошлабди. Охириги эшикни очган экан, катта акаси билан ўртанча акаси ётган эмиш. Ерунда уйғониб кетган катта акаси жон ҳолатда укасини кўрсатиб: «Анави семиз, мен ориқман, аввал уни енглар!»— дебди. Гапидан ўртанча акаси уйғониб: «Йўқ, мен ориқман, аввал уни енглар!»— дебди. Кенжа ука ҳар иккала акасини ташқарига олиб чиқиб:

— Ахир, бу мен — укаларингман-ку! Танимадиларингми?!— дебди. Акалари уни таниб қолиб, йиғлаб-сихталашибди. Қучоқлашиб, ўпишибди. Бола жодугарга қараб, қирқ дев билан бизни ташқарига олиб чиқ, дебди. Жодугар бир дуо билан уларни ташқарига олиб чиқибди-да, ўзи жавоб сўраб маконига кетибди. Ака-укалар, қирқ хачир, ҳалиги эркакча кийинган қиз йўлга тушибди. Йўл юришиб, бир работ

инг устидан чиқиб қолишибди. Катта ака укасига, қараб:

— Жуда чарчадик. Шу жойда бир оз дам олсак!— дебди. Ҳаммалари работга жойлашиб, дам ола бошлашибди. Укалари уйқуга кетганда катта ака, кўнгли бузуқ эмасми, ўйга ботибди: «Ўйга етиб бориб, шудгордаги хумни топиб олади. Кейин бойиб, бизни ўзига қул қилади. Борди-ю, шундай қилмаганда ҳам одамларга, мен акаларимни ўлимдан қутқазиб олдим, деб мақтаниб, кун бермай қўяди»,— дебди ичида, кейин аста ўртанча укасини уйғотиб:

— Мен бир нарсани ўйладим. Укамиз билан уйга борсак, акаларимни ундай қилдим, бундай қилдим, деб мақтаниб, бизнинг кўзимизни очирмай қўяди. Яхшиси уни ўлдириб, қирқ хачирни қўлга киритсак, жўрасини қулимизга айлантурсак, мабодо отам укаларинг қани, деб сўраб қолса, кўрмадим, деб қўя қоламиз, шунга сен нима дейсан?— дебди. Уртанча ўглининг ҳам кўнгли қора, ҳасадгўй экан:

— Сиз нима десангиз ўша, ака,— деб жавоб қилибди. Иккала ака укаларини уйқуда босиб қопга солишибди-да, ўлдиришга чоғланишибди. Кенжа ўғил билиб қолиб, ялиниб-ёлворибди:

— Хачирлар сизларга, мени жўрам билан шу ерда қолдириб кетаверинглар,— дебди. Катта ака бояги қизни ҳам олиб келиб бирга ўлдирмоқчи бўлиб, қўлини орқасига боғлаётган экан, унинг бошидан телнаги тушибди. Катта ака боланинг ҳусида тенгсиз қизлигини билиб бирпасда ёқтириб қолибди. «Йўқ, буни ўлдирмайман, ўзимга хотин қилиб оламам, кўнмаса подшога тақдим қиламан»,— дея хаёлидан ўтказибди. Кейин қизга:

— Мен билан бирга кетасан, бўлмаса ўлдираман,— дебди. Қиз қараса иш чатоқ, аканинг важоҳати жуда ёмон эмиш.

— Бир шартимни бажарсанг, майли, сеп билан кетсам-кетай. Укангни ўлдирмайсан, ёнидан олганинг халтачадаги нарсани қайтарасан унга,— дебди. Акаси:

— Майли, айтганингни қиламан, уни ўлдирмайман. Аммо халтачани бермайман. Нега десанг, балким унда соҳрли бирон нарса бордир, уни ўзим билан олиб кетаман ё ташлаб юбораман,— дебди. Қиз:

— Билганингни қил, аммо укангни ўлдирмайсан,— дебди. Катта ака қизни бир хачирга, ўзи бошқа хачирга, ўртанча укасини бошқа хачирга миндириб, болани қўл-оёғини боғлаб, работда қолдириб жўнаб кетибди. Болани бу ерда қўл-оёғи боғланган ҳолда қўйинг-да, гапни акаларидан эшитинг.

Акалари юриб-юриб бир подшоликнинг устидан чиқиб

қолишибди. Подшоликда қўниб, пима гап эканлигини билишмоқчи бўлишибди. Сарсйда айш-ишрат қилиб ўтиришибди, кейин тун бўлибди. Ҳамма ухлашга ётибди. Шунда қиз ўрнидан аста туриб, катта аканинг олдига кириб, халтачани ахтара бошлабди. Бирдан кўриб қолибди. Энди қўлига олиб, липасига бекитган экан ҳамки, ака уйғониб, уни кўриб қолибди. «Бу мени ўлдириб, хачирлар ва ўртанча укам билан қолмоқчи бўлган»,— деб ўйлаб, қизни сочи билан бўғиб ўлдирибди-да, қонга солиб, шундоққина сарой олдида оқаётган дарёга ташлаб юборибди. Қиз липасидаги халта-малтаси билан дарёнинг тагига чўкиб кетибди. Дарёда бир наҳанг яшар экан. Балиқ қизни қоп-мопи билан ютиб юборибди. Ака-ука ўрниларидан туришгач, қиз йўқ эмиш. Ўртанча ака:

— Қиз қаерга кетдйкин?— деган экан, акаси:

— Кечаси қочиб кетган бўлса керак. Тез бўл! Жўнаймиз. Яна подшоликка бориб бизни чақмасин,— дебди. Ака-ука қирқ хачирни олиб йўлга тушибди.

Гапни укаларидан эшитинг. Укаси чордеворда қўл-оёғи боғланган ҳолда ётган экан, бир пайт бир гала бўри етиб келибди. Бу жой бўриларнинг мақони экан. Уларнинг бири: «Одам исн келаяпти»,— деган экан, иккинчи бир бўри: «Гўшт ҳиди де! Гўшт ҳиди!»— дебди. «Қапи энди гўшт бўлса, бир маза қилиб ердик»,— дебди учинчи бўри. Бола қўриқиб кетибди. Секин аста думалаб-думалаб ташқарига чиқиб олибди. Бўрилар сезмай қолишибди. Бу ерда қолсам ҳали замон бўрилар чиқиб қолиб, мени тилка-пора қилиб ташлайди, дебди-да, думалаб-думалаб кетаверибди. Бир пайт дарёнинг бўйига бориб қолибди. Дарёнинг шовуллашини эшитиб, сувга етдим, энди ўлмай қоламан, дебди. Шу пайт қалиги наҳанг дарёда сузиб келаётиб, қиргоққа яқинлашибди-да, болани қоп-мопи билан ютиб юборибди.

Гапни балиқ ичидаги қиздан эшитинг. Қиз ўзига келиб, халтачадаги кул эсига тушиб уни олиб, сепмоқчи бўлибди. Шу пайт жодугар пайдо бўлиб, ундай қилма, хизматингни айт, уни бажонидил бажараман, дебди. Қиз, мени қопдан бўшат, дебди. Жодугар қонни йиртиб, қизни ундан бўшатибди. Қиз ёнига қараса, бир қоп турганмиш. Уни таниб, йиртган экан, ичидан йигит чиқибди. Бир-бирларини кўришганидап хурсанд бўлишиб, тозаям шодланишибди. Йигит жодугарга, ташқарига олиб чиқ, бизни дебди. Жодугар бир дуо билан уларни ташқарига олиб чиқиб, керак бўлсам чақирарсанлар, аммо ҳечам кулни сочиб юбормаларинг, ҳаммаининг жонимиз ўша, сочсанглар, бирпасда ўлиб қоламиз,— дебди. Бола унга жавоб бериб, йўлда давом этиб-

ди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Акаларига етиб олибди. Қорама-қора кетаверибди. Юриб-юриб яна бир подшоликнинг устидан чиқиб қолишибди. Ака-ука бир саройга, кенжа ука билан қиз бошқа саройга тушибди. Аммо ука акаларидан кўз-қулоқ бўлиб турибди. Бир пайт эрталаб подшо жар солдирибди:— Тунда ҳазинани ўғри олди. Ўғрилар қирқ қароқчи. Кимда-ким шу қароқчиларни топиб, хазинамни қайтарса, ярми уники, боз устига қизимни унга никоҳлаб бераман,— дебди. Ака-укалар қўлларидан ҳеч нарса келмаслигини билишиб индашмабди. Кичик ука қароқчиларни топиб, хазинанинг ярмини олмоққа қарор қилибди. Жодугарни чақирган экан, мастон:

— Бу иш қўлимдан келмайди. Қароқчилар бошлигининг шамшири бор, унинг дампи бизни қайтариб туради. Борди-ю, иложини қилиб, уни қўлга туширсанг, ўлган кишига турсанг — у тирилади, душманингга қаратсанг — тизига учадди,— дебди. Бола нима қилишини билмай ҳайрон бўлибди. Бирдан асига қумурсқа тушибди, қилини тутатса, у етиб келиб:

— Хиёмат?— дебди. Бола:

— Менга қирқ қароқчинини кўрсат, кўрсатибгина қолмай, уларни йўқ қилиб, хазинани ва шамширин олишга ёрдамлаш,— дебди.

— Бўлмаса озгина сабр қил. Мен сўраб билай,— дебди қумурсқа. У йўқ бўлиб кетиб, кейин яна қайтиб келибди-да:

— Топдим. Бўзтовдаги ғорда экан; у ерга кириш жулда хавфли. Аммо иложини қилса бўлади. Мен дўстларимни ишга соламан. Ғорнинг орқа томонидан кавлаймиз. Ғорга келганда кичик тешик қолдираман. Тешикдан ғорга шамол кириб овоз қилади. Шунда улар, ғорда нима гап бўляпти, деб сўрашади. Шунда сен: «Бу менман! Азройил! Ҳаммангнинг жонингни олгани келдим»,— дейсан. Улар ўлгудай қўрқиб кетишади. Шунда ғорга бемалол кириб, ҳаммасининг қўлоғини боғлаб, ашак қилиб минасанми, қул қилиб ишлатасанми, ўзинг биласан,— дебди. Бола, хўп бўлади, дебди.

Чумоли ўз айтганини қилибди. Ғорга йўл тайёр бўлгач, болани чақириб, унга киритибди. Бир пайт қароқчилар қараб туришса, «ҳовв-ҳувв» деган қўрқинчли овоз келибди. Бу нима бўлди, деб қароқчилар қўрқиб, кетишибди. Шунда бола: «В-о-о-о, ву-у-у-ув, во-во-оо, ву-ву-в-в! Мен азройилман» деб овоз чиқарибди. Қароқчилар баттар қўрқиб-титрашибди. Шу пайт бола деворни бир тепибди. Девор ағанаб, қароқчилар болани кўриб, сичқоннинг уясини минг тангага оладиган ҳолатга тушибдилар. Бола қизнинг ёрдамида ҳамма қароқчиларнинг қўлларини орқасига боғлабди. Бошлигиндан шамширин олиб, ёнига осиб олибди. Мол-дунёни олиб,

подшоликка борибди. Подшо хурсанд бўлиб, қирқ қароқчи-ни ўлимга буюрибди. Хазинадан болага керагича бериб, қизим ҳам сизники, деган экаи, бола:

— Қизингиз ўзингизники. Аммо бир нлтимосим бор. Фалон жойдаги саройга икки ака-ука қирқ хачири билан қўнган. Шуларни олдириб келсангиз-да, менга подшолигингизни ярим соатга берсангиз, уларни ўзим сўроқ қилсам,— дебди. Подшо рози бўлибди. Икки акани ҳайдатиб келиб, болага рўпара қилибди. Бола ниқобда туриб акаларини сўроқ қилибди. Акалари, савдогар эканликлари, савдога кетишадиганини айтишиб, укалари билан бўлган воқеани билдирмай, яширишибди.

— Отангиз, бошқа укаларингиз йўқмиди?— дебди подшо ўрнида турган укалари. Катта ака:

— Отамиз билан укамиз бор эди, ўлиб кетишган,— дебди.

— Елгон айтасиз. Мен тирикман!— дебди бола. Ака-ука унинг овозидан тапиб қолиб ўша заҳоти оёғига йиқилишибди. Бола юзидан ниқобини олибди. Акаларини кечирган бўлибди.

— Бошқа бундай аблаҳлик қилманглар. Ахир, мен укаларингизман-ку? Отамга нима деб борасизлар?— дебди. Акалари қайта-қайта кечирим сўрашибди. Бола кечириб, подшодан рухсат сўраб жўнаб кетишибди.

Қирқ хачирга мол-дунё ортиб, уч ака-ука, қиз ҳаммалари биргалашиб жўнаб кетишаверсин, икки оғиз ганини акаларининг хотини билан отасидан эшиттиг. Икки келин, эрларимизнинг йўқолиб кетишига сен сассиқ чол сабабчисан, деб уни уриб, сўкишаверибди. Чолни жонидан ўтиб, халта-хултасини йиғиштириб, бошини олиб чиқиб кетибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир жойга етиб борибди. Қорни очиб, чарчаб ўтириб қолибди. Бир найт қаландарлар келиб қолибди. Чол уларга қўшилиб қаландар бўлиб кетибди.

Оталарини қаландарлик қилишда қўйиб, ганини уч оғанидан эшптайлик. Акалари укаларининг кундан-кун обрўси охиб кетаётганидан, қаерга борса обрў билан кутиб олишларидан, асосийси, қирқ хачирдаги тилла-зарга ҳасадлари келиб, уни яна ўлдирмоқчи бўлишибди. Шум пиятларини амалга ошириш пайида найт пойлаб юришаверибди. Укаси оқ кўнгиллигига бориб, уларга ишонибди. Юриб-юриб бир жойга бориб, дам олишибди. Шунда бола қизга: «Кўнглим ёмонлик бўлишини сезиб турибди. Манави қилин, кулни ва шамширни сен ол! Бир ган бўлса, уларни ишга соласан»,— дебди. Ҳаммалари дам олишиб ўлтирса, ёв бо-

сибди. Катта ака билан ўртапча ака босқинчилар олдига чиқиб, таслим бўлибди-да, катта ака:

— Мен фалон юртинг беги эдим, манави укам катта бой эди. Анави турган бола бизни хонавайрон қилиб, бойлигимизни тортиб олди-да, ўзимизни қул қилди. Ёнидаги хотини. Бизни унинг қўлидан қутқазишингизни, уни жазолаб, хотинини чўри қилиб олишингизни сўраймиз,— дебди. Босқинчи подшо боланинг олдига бостириб бориб, уни қилчдан ўтказибди. Қирқ хачирни қўлга киритиб, ака-укамни ўзига қўшиб, қизни чўри қилиб олиб йўлга тушибди. Қиз шамширни секин қипидан чиқариб, халта билан қилни йиғитининг олдига қўйиб кетибди. Буни ҳеч ким сезмай қолибди.

Бир пайт шамшир, қил, кул иш бериб қолибди-ку! Қилни шамол учириб бориб, боланинг бурни устига қўйибди. Бола чала ўлган экан, қилни нуфлаб юборибди. Кўп ўтмай қумурсқа етиб келибди. Қараса, бола ўлиб ётган эмиш. Дарров шамширни олиб боланинг кесилган бўйнига қўйибди. Бола тирилиб, ўрнидан турибди-да, чумолига раҳмат айтибди. Кулни сочмоқчи бўлган экан, жодугар етиб келиб: «Хизмат!»— дебди. «Мени ўлдирган акаларим билан босқинчи подшо ҳозир қаерда?»— деб сўрабди. Жодугар томга чиқиб уёққа қарабди, буёққа қарабди, уларни кўрмабди.

— Йўқ, кўринмайди,— дебди болага. Бола:

— Нима бўлса ҳам аниқла. Мен уларга етиб олишим ва бошлаб жазосини беришим керак,— дебди. Жодугар:

— Бўлмаса сал сабр қил. Мен йўл кўрсаткич сурпамни очиб қарай-чи? Балки ўша айтиб берар,— дебди. Бола рози бўлибди. Жодугар сурпасини очиб қараса, акалари ва подшо увоқ бир жойда кетишайтган эмиш.

— Қара,— дебди жодугар,— ана улар. Бола қараса, акалари вар-зарбоф тўнларда подшонинг олдида гердайиб кетишайтган эмиш. Қиз бўлса туянинг думига боғланган ҳолда гоҳ ўрнидан туриб, гоҳ судралиб кетаётган эмиш.

— Бечора, шунча қийналганларинг етмасмиди. Ҳали менга тегмай туриб, яна шунчалик азоб-уқубатга қолдинг. Ҳа, майли. Ҳали замон, бу азоб-уқубатдан қутулиб, роҳатга чиқасан. Кўзим очилди! Энди акаларимнинг оху зорига, дод-фарёдига, ялиниб-ёлворишига қулоқ солиш йўқ,— дебди. Жодугарга қараб:

— Яна қара-чи, кимлар кўринаркин йўл кўрсаткич сурпанга.— дебди. Кампир қараб:

— Қаландарлар уларга эргашиб борапти,— дебди.

— Мени ўшаларга етказ-да, қаландарга айлаптириб, уларга қўшиб қўй,— дебди. Жодугар бир куф-суф билан

унинг айтганини қилибди. Бола қаландарлар орасида отасини кўриб танибди-ю, индамабди. Боласини кўриб ота ҳам танигандай бўлибди-ю, болам ўлса ҳам қаландар бўлмайди, деб ишонабди. Подшо икки ака-ука билан саройга кириб борибди, хачирлардаги тилла-зарларни олиб, икки ака-укани зиндон қилибди. Қизни ўзига чўри қилиб олибди. Бола қаландарлар билан шаҳарга кириб бориб, подшоликка яқин жойга жойлашиб олибди. Отасига билдириб-билдирмай ёрдам бериб юраверибди.

Куплардан бир кун подшо юртга: «Икки ака-ука подшолигимизга келди. Улар қароқчи. Ўлимга ҳукм этилди,— жар солдирибди. Бола қараб турса, акалари эмиш. Дорга яқин олиб борганда, бола қумурсқанинг тукини пуфлабди. Қумурсқа етиб келиб: «Хизмат!»— дебди. «Анавиларнинг дорини қирқиб ташла»,— дебди бола. Қумурсқалар дарров дорни кемириб қирқиб ташлабди. Жаллодлар ака-укани осинмоқчи бўлишган экан, арқони узилиб кетиб, улар ерга гупиллаб йиқилиб тушибди. Подшо буларни кузатиб турган экан:

— Олиб кириб зиндонга ташла, эртага дош қозонда сув қайнатиб бошидан қуямиз,— дебди. Эртасига ака-уканинг бошидан қуйиш учун дош қозонни тўлдириб, сув қайнатмоқчи бўлишибди. Бола чумолини тукини пуфлаб чақиртирибди-да:

— Қозонга сувни қуйиб, қопқогини ёпганда, тешиб кўйинлар,— дебди. Чумолилар келиб, қозонни теша бошлашибди, уларга дўстлари каламушлар, сичқонлар ёрдам беришибди. Тахти олдига қозон қурилганидан подшо ҳам томошага чиқибди. Ака-укани олиб чиқиш вақти келибди. Бола қўйнидаги кулни олган экан, жодугар пайдо бўлибди. Унга қараб бола:

— Подшо хазинасидаги олтинлардан бир қоп олиб чиқиб бер!— дебди. Жодугар бир дуо билан бир қоп олтин олиб чиқиб берибди. Подшо ака-укани олдириб чиқиб, қозондаги сувни бошларидан қуйинлар, дебди. Сув олай деб қозонга боришса, таги тешилиб ётган эмиш. Подшога воқеани айтиб беришибди. Подшо дарғазаб бўлибди.

— Жаллод!— деб бақирибди.— Кўа олдимда калласини танасидан жудо қил!— дебди. Шунда бола ўртага чиқиб:

— Шоҳим, шу одамларни менга сотинг. Менинг икки қулим бор эди, ўлиб қолди. Агар хўп десангиз, бир қоп олтин бераман,— дебди. Олтинни эшитиб, подшонинг кўзининг пахтаси чиқиб кетибди. Аҳмоқ экан, шу исқиртларга бир қоп олтин берармиш. Олсин, майли, ярим қоп бўлса ҳам розиман, дебди. Бола икки ака-укани олиб, ўзига қул қилди

олибди. Дарвишга қул бўлиб тушган акалар, у нима деса қила бошлабдилар. Бола жодугарни чақириб, дарвишлар билан отасининг ўз юртларига элтиб қўйишни буюрибди. Жодугар унинг айтганини бажо қилиб, отаси билан, қирқ қалаандарни юртига элтиб қўйибди. Бола икки қулни ишлатганича-ишлатиб юраверибди.

Кунлардан бир кун улардан бирига, подшо саройига борасан-да, чўрига манавини берасан, деб бир узук берибди. Узукни қизнинг ўзи, мендан сизга ёдгорлик, деб берган экан. Узукни кўриб, чўри ҳамма гапга тушунибди. «Ким берди?»— деган экан, «хўжам!»— дебди. «Хўжанг қаерда туради?»— деган экан, турадиган жойини айтиб бериб, изига қайтибди. Тунда қиз келиб, йигитга ҳамма бўлган воқеани айтиб берибди. Қиз билан йигит маслаҳатлашиб, ўз юртларига олдин икки акани юбормоқчи бўлишибди. Кейин подшо билан уришиб, уни йўқ қилиб, ўзалари кетишадиган бўлишибди. Йигит икки қулини жодугарга айтиб юртига жўнатибди. Икки ака уйларига келиб қолганини билмай ҳам қолишибди. Хотинлари билан кўришиб, нима гаплигига тушунмай тушимми-ўнгимми, деб юраверишибди. Бола подшога ўзини, қизни тавитиб, ҳалиги икки одам акаси эканлигини айтиб, қилмишига яраша жазо беришینی англашибди. Подшо отдан тушса ҳам эгардан тушмай, йигитни ўлимга буюрибди. Йигит шамширини ишга солибди. Етти кечаю етти кундуз подшо билан олишиб, суришиб, уни енгибди. Урнига бир чўпонни подшоликка кўтариб, юртига қайтибди. Болани юртига қайтишда қўйинг-да, гапини отаси билан акаларидан эшитинг. Акалари ўз уйларида ҳалиям нима гап эканлигини билмасдан яшаб туришган экан. Отаси эшитиб қолибди. «Болаларим келишибди, энди бормасам бўлмайди. Улар олдида келинларим ҳеч нима дея олмайдилар,— деб қалаандарлик кийимини ташлаб, овода кийиниб, ювиниб-тараниб уйига қайтибди. Қараса, катта ўғли билан ўртанча ўғли хотинлари билан турганмиш. Кенжа ўғли йўқ эмиш. Ота:— Уканг қани?— деб сўраган экан; катта ўғли:— У ўлди, кўмиб қайтдик,— дебди. Отаси қаттиқ қайғурибди. Кўйиб кетганидан касал бўлиб қолибди. Ака-ука хотинларининг гапига кириб, ўз оталарини касал ҳолига кўчага ҳайдашибди. Оталари кўча-кўйда гадойлик қилиб яшай бошлабди. Отани гадойлик қилишда қўяйлик-да, гапини кенжа ўғилдан эшитайлик.

Кенжа ўғил ёнига қизни олиб, хачирларга олтинларни ортиб, уникига борибди. Қизнинг отаси уларни шоду хурамлик билан кутиб олиб, беш-ўн кун меҳмон қилибди. То-ваам меҳмон бўлишгач, бола:

— Ота, энди менга жавоб берсангиз, ўз юртимга кетсам,— дебди. Подшо қизига қараб:

— Сен-чи, она қияим, сен қоласанми, кетасанми бирга? — дебди. Шунда қиз:

— Ота, менга ҳам жавоб берсангиз. Мен шу йигитни ўзимга муносиб ёр деб билдим, у билан бирга кетсам, — дебди. Подшо яна уч-тўрт кун олиб қолиб, қизини болага ниқоҳлаб берибди. Бола:

— Тўйнинг давоми бизникида бўлади, тезроқ боринглар,— деб йўлга тушибди. Қиз ҳам ота-онаси билан хайрлашиб, йигит билан йўлга тушибди. Йўл юришибди, йўл юришгани мўл юришиб, йигитнинг мамлакатига етиб келишибди. Бола шаҳар оралаб кетаётган экан, кўзи бир гадоё чолга тушибди. «Бу кўзимга яқин одам ким бўлди?» — деб унга яқинроқ бориб қараса, отаси эмиш. Хурсанд бўлиб, тагин ўлиб қолмасин, деб унга ўзини танитмабди. Индамай уйига ўтиб кетибди. Уйига борса, икки ака-ука хотинлари билан айш-ишрат қилиб ётган эмиш. Кенжа ўғил атайлаб:

— Отам қанилар? — деб сўраган экан, катта ака:

— Отам қазо қилдилар. Яхшилаб обрў билан кўмиб келдик, — дебди кўзига ёш олиб. Бола:

— Елгончи, ичи қора, қаллоб акаларнинг жааси шу! — деб, қўлига кулни олибди. Жодугар етиб келибди. «Мана буларнинг икковини кучукка, ана бу икковини мушукка айлантириб қўй», — дебди. Акалари билан келинлар қанчалик ялиниб-ёлвормасин, кенжа ўғилнинг уларга раҳми келмабди, аксинча қаҳр-ғазаби баттар қайнабди. Кенжа ўғил жодугарга жавоб бериб, хотини иккови отасини олиб келиш учун унинг олдига кетишибди. Отасига ётиғи билан ўзини танитибди. Отаси кўнглидан кетиб, яна шамширнинг кучи билан ўзига келибди. Кўзини очиб:

— Акаларинг қани? — деб сўрабди. Бола икки мушукни қувиб юрган кўшпақларни кўрсатиб:

— Ана улар, — дебди. Отаси ачиниб;

— Оббо, чатоқ бўлибди-ку, ахир мен ит эмас, одам бола-си боққан эдим-ку? — дебди.

— Уз отасини билмаган, укасига хиёнат қилган, мол-дунёга муккасидан кетган зотларнинг аҳволи шундай, бундан бошқача бўлмайди, — дебди кенжа ўғил.

— Хотинлари қайда? Уйдами, уйда бўлса бормаёлик, — дебди отаси.

— Мушуклар — ўша келинкойимлар, — дебди бола. — Ана қаранг, гапларини эшиттинг?

— Қанақа гап? Нима дейишяпти? — сўрабди отаси қайроғон бўлиб.

— Бизни шу аҳволга солган сенлар, деб хотинларини қувиб юришибди,— дебди бола. Йўлда келишяётганда отаси яна кўнгли бўлмай:

— Акаларнинг қолиб кетишди-да,— деган экан, бола:

— Ана, орқада эргашиб келишяпти,— деб кўпчаклар билан мушукларни кўрсатибди. Кенжа ўғил отасини уйига олиб келиб, ювиб-тараб, тўрга етти қават кўрпача солиб ўтқаиб, эр қўйиб хотин, хотин қўйиб эр хизматини қилаверибди. Қумурсқанинг ёрдами билан богдаги олтин тўла хумни ҳам тошиб, бола кундан-кун бойиб, ошиб-тошиб кетаверибди. Қизнинг отасини чақиртириб, яна қирқ кун тўй берибди. Юрт подшоси ўлгач, кишилар болани подшо, хотинини ва-зир қилиб кўтаришибди. Қирқ дев-хачир уларнинг хизмати-ни қилаверибди. Акаларини хотинлари билан ўз ҳолига, яъни одамга айлантиргани-йўқми — билмайман-у, аммо кенжа ўғил хотини ва отаси билан шод-хуррам яшаб, мурод-мақсадига етган экан.



Фольклор ўтмишининг акс-садоси бўлиб-  
гина қолмасдан, ҳозирги замоннинг ян-  
роқ овози ҳамдир.

Ю. М. Соколов,  
академик

## ХАЁЛОТНИНГ ҲАЁТБАХШ НАФАСИ

Худди баҳор янглиғ серфайё ва ажойиб эртақлар олами болаларни ҳам, катталарни ҳам бир хилда сеҳрлай олиш қудратига эга. Донишманд ва сўзга чечан эртақчилар эса, биз учун ҳамиша қалбан яқин кишилар, садоқат ва зукколик тимсоллари бўлиб келишган. Шунга қарамай, халқимизнинг ҳаёти, турмуш тажрибалари, кураши, тирихий, фалсафий, эстетик қарашлари ва орзу-умидлари ҳар томонлама акс этган фольклор—огзаки бадий ижод, жумладан, эртақларга муносабат азалдан метаморфозаларга бой бўлган. Асрлар тонгида Фарҳод, Муқбил тошотар ва бошқа баҳодирларнинг ақл бовар қилмас жасоратлари, Музаффар полковнинг қирқ бошли аждарҳо билан қирқ кечаю кундуз олишиб ғалаба қозонгани, осмонда муаллақ осилиб турган олтин қасрда истиқомат қилувчи маликанинг ҳийлаю найранглари, Арпаполковнинг девлар ва жодугар тузориға илинмаслик учун кураши, Аворгул, Гулчеҳра, Гулихиромон, Офтобаларнинг бемисл мардиклари ва ҳоказо фантастик мавзуларга бағишланган эртақларни одамлар натта эътибор билан тинглаб, улардаги ғайриоддий воқеа-ҳодисаларга чипча-чин ишонишган ва кейинчалик узоқ ўтмишмаздан бери тиллардан тилларга ўтиб келаётган мифлар, ривоят ва афсоналарни неваралари ва болаларига ўлари сўзлаб берадиган бўлишган.

Халқ эртақлари — у ёки бу халқ ҳаётининг бадий солномалари, инсоният жамиятининг бир бўлаги ҳақидаги ўзига хос ҳикоялардир. Сеҳрли-фантастик эртақлар эса, ана шу оддий ҳаётини-манший эртақларнинг муболага линзасидан ўтказилиб бўрттирилган ва метафоралар билан бойитилган кўринишларидир.

Сеҳрли-фантастик эртақларда воқеалар сирли оламларда кечади, уларда макон ва замон ҳам тилсимли бўлиб,

гайритабий, сирли маҳлуқлар, буюм-воситалар қатнашса-да, бари бир ана шу сирли олам, мўъжизакор қаҳрамон ёхуд нарса-ҳодисалар табиий ҳаётий жарабилар, шунингдек, инсон фаолияти — унинг ижтимоий меҳнати билан ҳам-оҳанг, диалектик боғлиқ ҳолда тасвирланади. Шу турдаги эртақлар билан танишар эканмиз, уларнинг ижодкорлари, ижрочилари бўлиш оддий меҳнат аҳлининг фантастик уйдирмалари ва ҳаёл уфқи нақадар терея ва серқамровлиги, бу уйдирмаларнинг реал борлиқ ҳамда меҳнат жараёни билан нақадар пайвасталигига қойил қолмай иложинг йўқ.

Шуни ҳам айтиш керакки, сеҳрли эртақлар олами кўпинча ёвузликлар, қабиҳликлар ва ғам-ғуссалар билан лиммо-лим бўлади. Бу оламда қудратли гайриоддий маҳлуқлар — девлар, аждаҳдалар, жинлар, сеҳргарлар, ялмоғизгапмастовлар, парилар билан бирга мустабид жаҳонгирлар, айёр вазирлар, одабийлик нималигини билмайдиган хассис бойлар ҳам фаол яшашади. Қадимги замоннинг тушунчалари, удумлари, урф-одатлари, маросим анъаналаридан тортиб, Октябрь революциясигача бўлган давр ҳаётининг шафқатсиз эксплуататорлик тартиблари фантастик эртақларда ана шу тариқа ўз аксини топгандир.

Эртақ қаҳрамони — одатда ёш, оқил ва ҳақиқатпарвар йигит ёки доно гўзал қиз — оғир меҳнатда, табиатнинг ғавқулолда унсурларига қарши жангларда ва феодал вулми, жаҳолат ҳамда қабохатга қарши курашларда тобланиб, ақл бовар қилмас драматик ситуацияларда ҳам ғолиб чиқишади.

Сеҳрли эртақларда кўпчилик фантастик атрибутлар, яъни тиконзорга айланувчи тороқ, кўл бўлиб қолувчи ойнаур тўқмоқ, очил дастурхон, қанотли тулпор, қирқ газ чўзилувчи қилич, учар гилам, сеҳрли узук, гайриоддий ҳуштак каби нарсалар ва буюмлар бош қаҳрамонларга зўравон ҳукмдорлар, ёвуз жодугар ёки табиатнинг аёвсиз кучларига қарши курашда ёрдам беришади.

Эртақлар оламида яшаш ўтмишдаги оддий одамлар учун оғир эди. Ахир, ёвузлик, шафқатсизлик, зўравонлик ҳукмдор бўлган, адолатсизлик ва ноҳақлик асосига қурилган кишилик жамиятнинг дастлабки босқичларида осойишта турмуш кечирish мумкин эмас эди-да. У пайтларда буларга қарши оғир кураш олиб бориш учун шарт-шароит ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам эртақлардаги хўрланган, камситилган оддий деҳқон, ўтинчи, чўпон ёки қарол ўз фантазияларига таяниб, мўъжизакор кучга эга бўлган ёрдамчиларни қидиришган.

Шу нарса характерлики, сеҳрли-фантастик эртақларда ҳам мўъжизакор кучлар эмас, балки доширмад инсоннинг

Фарахбахш ақл-идроки галаба қозонади. Ҳа, сўз бораётган эртақларда инсон фақат ўзининг ақл-заковати, зукколиги, тадбиркорлиги, тоққирлиги билангина пировардида ҳақиқат тантанасига эришади. Даврлар ўтиши билан турли мўъжизалар, шунингдек, девлар, жодугарлар, аждарҳолар, оби одамлар каби фантастик персонажларнинг мавжудлигига бўлган қатъий ишонч ўрнини маърифатга эришган инсон ақли шубҳа остига ола бошлаган. Бинобарин, энди одамлар табиий фанлар исбот қилмаган нимаикн бор — барп табиатда мавжуд бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблай бошлаганлар. Ана шундан кейин қадимий мифлар, ривоятлар ва афсоналарни инсон фантазиясининг маҳсуллари, деб топишган.

Бироқ жамият тараққиётининг сўнгги босқичларига келб, олис ўтмиш жумбоқларининг тагига етишни ўзларига мақсад қилган романтик кайфиятдаги кишилар пайдо бўлишдики, улар халқ ҳаёоти билан алоқадор тушунчалар, уйдирмаларнинг реал-нореаллиги билан қизиқа босиладилар, умуман, фантастик тафаккур қатларида ётган ҳақиқат уруғларини излаб топиш ҳаракатига тушиб қолдилар. Масалан, Гомернинг асарларини севиб ўқиган Шлиман исмли савдогар улардаги ҳар бир сўзга чиппа-чин ишонган ва охири... Гиссарлик тоғлари остида афсонавий Троя давлатининг қолдиқларини топганлиги фанга маълум.

Шлиманнинг бу антиқа ишларини давом эттирган Эванс исмли инглиз тадқиқотчиси қадимда унутилиб кетган Критмикен маданияти ва шу жумладан, Минотаврнинг афсонавий лабиринтини кашф этган эди.

Шунингдек, юнон археологлари Ўртаер денгиздаги Санторин оролида, бир вақтлар Афлотун ўз қўлёмаларида ёзиб қолдирган Атлантида номи билан машҳур қўҳна мамлакатнинг изларини топшганлигини ҳам биламиз.

Шарқ халқлари фольклори, жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижодидан ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, «Алпомш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли», «Рустам-хон» каби анъанавий дostonлардаги воқеалар аслида қаерда кечиши, уларнинг юзага келиш вақти, дoston қаҳрамонлари Гўрўғли, Рустам, Бойбўри, Бойсари ва бошқаларнинг прототиплари бор-йўқлиги масаласини Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг кўплаб ўзбек ва рус олимлари жиддий тадқиқ етишган. Ҳозирги кунда айрим тадқиқотчилар эртақлардаги фантастик персонажлар — аждарҳолар, оби одамлар, улкан бахт қушлари — ҳумо, семурғ ва айниқса, девлар чинданам жуда олис ўтмишда яшаб ўтган мавжудодларми ёки инсон фантазиясининг оддий маҳсуллари ва ёки бадийий инъикосими, деган масала устида бош қотирмоқдалар.

Академик Д. Лихачев қадимги рус адабиётининг ажойиб намунаси «Игорь полки ҳақида сўз» асарига ёзган шарҳларида таъкидлашича, кўп тадқиқотчилар девларни семуре қушга ўхшаган мифологик мавжудод деб ҳисоблашади. У шарҳ халқлари оғааки ижодига хос илоҳий персонаждир. Таниқли тарихчи, профессор Л. Гумилев ўзининг «Уйдирма салтанат пиздан» номли китобида дев деган тушунича заманида пблнс ётишини айтади. XII асрда яшаб ўтган озарбайжон халқининг улуг шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавний «Искандарнома» номли машҳур асарида Кавказда бўлиб ўтган румликлар ва руслар ўртасидаги урушни тасвирлар экан, руслар оёқлари занжирбанд қилинган ва узун темир таёқ билан қуроланган девдан фойдаланишганини эслатиб ўтади. Дев шунақанги қўпол ва бақувват эдики, унинг қаттиқ териси дарахт пўстлогига ўхшаб кетганди. Донишмандлар ҳайрон бўлишарди: ҳайвон эмас... Лекин нима у ўзи?

Низомийнинг тавсиф қилишича, руслар дарахтда ухлаб ётган девни кўриб, уни секин қуршовга олишади ва арқон билан боғлаб, ерга тортиб туширишади. Шундан кейин уни рус музофотига олиб кетишади ва дев занжирбанд қилинган ҳолда ўз хўжайинларининг бойишига ёрдамлаша бошлайди: девни ҳаммаёққа ваҳима солиб, ўзлари билан олиб юришади, йўл-йўлакай эса, одамлар ғайриоддий маҳлуқнинг эгаларига пул ва озиқ-овқат узатишади. Кўриниб турибдики, бу ерда мистика ёки қандайдир плоҳий маҳлуқ ҳақида гап бораётгани йўқ. Низомийнинг асарида дев ҳаётий, реал мавжудоддай тасвирланади. Профессор В. Поршнев ўзининг «Реликт гоминонди масаласининг ҳозирги кундаги аҳволи» номли тадқиқот ишида ёзишича, Низомий тасвир этган дев аудди бошқа сирли персонажларга ўхшаб (Гилгамеш ҳақидаги қадимги Вавилон эпосидаги Энкида, румликларнинг сатираси, хитойликларнинг цзяго ва махуалари, мўгул аламаси, озарбайжон меле-одами, америка патони ва саскватчи каби) реликт гоминондининг ўзгичасидир.<sup>1</sup>

Одамлар ва ҳайвонлар ўртасидаги бу мавжудоднинг гавдаси айниқдай, на чипқириқ ва на ҳуштакка ўхшаган овозк эртаклардаги девларнинг наъра тортиши янглир жуда узоқ жойларга етиб, еру кўкни ларзага келтиради. Бу ерда СССР, Фанлар академиясининг «қор одам»га оид материаллари орасида Литва территориясида истиқомат қилувчи «одам-айиқ» ҳақида маълумотлар борлигини эслатиб ўтиш ҳам ўринлидир.

<sup>1</sup> «Техника молодежи» журналл, 11-сон, 1969 йил.

Бу ўринда одами девлар ҳам характерлидир. Уларнинг баъзилари айрим эртактарда бошсиз, юзи кўкрагига жойлашган ҳолда тасвир этилади. Ваҳоланки, бундай образ ҳақидаги тасаввур кенг елкали, боши елкаларининг ўртасига (ҳеч қандай бўйинсиз) тўғридан-тўғри туташгандек кўринувчи гоминондлар билан «танинилгандан» кейингина пайдо бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ўзбек халқ соҳрли эртактаридаги фантастик образлардан девлар мифология келиб чиқишга эга бўлишида қатъи назар, юқорида қисман таъкидлаб ўтилганидек, маълум даражада реал ҳаётини асосларга ҳам эгадир. Мазкур эртактарда девлар ранг-баранг фантастик атрибутлар билан бўялган ҳолда тасвир этилар экан, уларнинг замирида инсоннинг ёввойи аجدодларидан бири бўлмиш гоминондларнинг реал белгилари ётишини тадқиқотчининг синчков илҳами пайқаб олиши шубҳасиздир.

Умуман олганда, девлар, аждарҳо, алвасти ва жиилар туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек фольклориданги энг қадимий демонологик образлардан бўлиб, уларнинг ҳар бири офат ва зулмат, қабоҳат ва разолат, ўлим ва кулфатларнинг тимсоли сифатида тасвир этилади. Энг кўҳна ёзув намуналаридан бири — «Авестода» ҳам улар илоҳий мавжудодлар сифатида кўрсатилади. Шунини айтиш керакки, девлар қадим-қадимлардан инсонга ёрдам берувчи, қандайдир гайритабиий кўринишга ва жисмоний кучга эга бўлган илоҳий мавжудод тариқасида мифологиядан ўрин олгани ҳолда, «Авестода» одамларга қарши курашувчи ёвуз кучлар сифатида тасвирланиб, зулмат ҳукмдори Аҳраманга тобе ҳисобланади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди, жумладан, эрактар ва достонлардаги девлар ўта баҳайбат, фавқулодда куч-қудратга эга, уларнинг ташқи қиёфалари ҳам ҳаддан зиёд ваҳимали ва қўрқинчли. Улар баъзи ҳолларда бениҳоя улкан, барзанги киши кўринишида, баъзан эса, баданлари бошдан-оёқ қалин жун билан қопланган, бир кўзли, шохлари ўсиқ, тирноқлари беҳад узун ва ўткир, осмонўпар тоғларни қўлида копток каби ўйнаб юривчи, бир оёғи ё қўли билан дарёларни бўга олувчи, тикилса — тоғларни қулатиб, узатса — қўли юлдузга ҳам етувчи, баҳайбат чинорларни илдиз-пилдиз билан қўпора олиш қудратига эга, қисқаси, «булутни чайнаб, музни пурковчи» маҳлуқлар сифатида тасвирланадилар. Баъзи бир девларнинг қанотлари бўлиб, улар осмон-фалакда учиб қобилиятига ҳам эга. Халқ ўз тасаввуриндаги бу гайритабиий маҳлуқни бадий таърифлар экан, у билан ўз эстетик идеали — ижобий қаҳрамон мулоқоти жараёнида девга яна бошқа қатор хусусиятлар баҳш

этади. Чунончи, девлар кишини сеҳрлаб қўйиши, ҳатто аёлларни севиб қолишлари ҳам мумкин. Гарчи улар содда, лақма ва бесўнақай бўлсалар-да, сеҳр-дуо йўли билан баҳодирни от-поти билан олма, узук ёхуд бошқа ихчам парсага айлантириб, қўйниларига солиб юрадилар. Одатда девлар гўзаллик ва нозиклик тимсоли — парилар каби дувёнинг эиг чеккасига жойлашган афсонавий Кўҳиқоф мамлакатида, шунингдек, инсон оёғи етмас тоғлар, гор-ўнгирларда истиқомат қилишади, ер ости зулматларида уларнинг ҳам ўз ҳукмронлари бор.

Девлар орасида одам гўштини истеъмол қилувчи одам-жўрлари ҳам, баҳодир бошига битмас-туганмас кулфатлар солувчи ёмонлик тимсолига айланганлари ҳам, айни чоғда қаҳрамон билан дўст тутниб, унинг мушкул вазифаларни адо этишида фаол кўмаклашадиганлари ҳам бор. Бундай ҳол девнинг баҳодир билан тўқнашганда, дўқ-пўписа ё куч билан уни енга олмай, аксинча, енгилиб, ўзи тобега айлангач содир бўлади. Девларнинг олдиниға бундай ўта баҳайбат, кучли ва сеҳргар сифатида тасвирланб, сўнг қаҳрамонга тобе қилиниши, баҳодирнинг кўпинча сўз қудрати, топқирлиги ва уддабуронлиги туфайли дев устидан галаба қозониши, уни истаган кўйга солишида биз ҳеч шубҳасиз халқнинг инсонни улуғлаши, унинг куч-қудрати, ақл-заковатини идеаллаштиришга интилишини кўраимиз. Эртак ва дostonлардаги бу каби мотивлардан келиб чиқиб шуни таъкидламоқчимизки, ҳар қандай фольклор асари даставвал ҳазрати инсон шаънига битилган мадҳиядир.

Бу фикр ўзбек халқ дostonларига ҳам тўла тааллуқлидир. Мифлар, эртак ва афсоналардаги қатор фантастик мотив ва элементлар дostonларга ҳам транслантация бўлиб ўтганки, буни биз яна ўша девлар образи мисолида кўришимиз мумкин. Машҳур «Гўрўгли» туркумига кирган «Гулнорпар», «Маликаи айёр», «Юнус пари», «Балогардон» каби дostonлардаги бош қаҳрамонлар девлар билан тўқнашувларда ўзларининг жасур, довжорак ва уддабуронликлари туфайли ҳаминша ёлиб чиқадилар ҳамда уларни ўз хизматкорларига айлантириб оладилар. Дostonлардаги девларнинг портретлари ҳам худди сеҳрли-фантастик эртаклардагидек, ўта муболагали, айни чоғда жуда қизиқарли ва мароқли тасвирланади. Мана, «Юнус пари» дostonидаги юганда йўлидаги тошларни эзиб талқон қилувчи Самандар дев шундай кўринишга эга: «Бир қулоғи кўрнадай, бир қулоғи сунрадай, бўйлари минордай, киприклари чинордай.» «Балогардон» дostonидаги Бало дев эса, юқорида тилга олинган девдан кўра янада ваҳималироқ: «Бир жондор тоғ тепаси

билан келаётибди, якки бути осмонда, обжувов туйиб келаётибди. Сандалдай, сандиқдай тошларни упадай майда-майда қилиб янчиб келаётибди.» Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Эртак, афсона ва дostonлар сюжетига асос бўлган воқеаларнинг кескинлашуви, улардаги драматизмнинг япада таранглашуви, қаҳрамон образларининг турли қирраларини очиш ва уларнинг типиклашувида муҳим роль ўйновчи ёрдамчи персонажлардан бири — девлар образи ибтидоий жамиятнинг маънавий қиёфаси ва ўзига хос анъаналарини ифода этувчи воситалардандир.

Дарҳақиқат, эртак ва дostonлардаги «...хаёлий яратилган девлар, аждарҳолар, парилар турмушдаги борлиқнинг омма веҳидаги муболагали аксланишидан бошқа нарса эмас. Бироқ ўша даврнинг кишилари бундай махлуқларнинг борлигига ишонар эдилар. У замоннинг меҳнаткаш аҳолиси дунёни англашдаги водонликни, ўз тасаввурларининг тўлиқ-сиэлигини шундай фавқулодда бунёдлар билан тўлгазмоқчи бўладилар. Мажозли қилиб айтганда, ўша замон кишисининг тушулчасига кўра, жаҳонда жондан кўра жин кўпроқ, инсондан кўра шайтон зиёд ва ундан кўра дев ортиқроқдир. Лекин бу билан бирга шу хаёлий (фантастик) махлуқлар реал турмушдаги қарама-қаршилиқларни ҳам ўзларида акс эттирар эдилар.»<sup>1</sup>

Ушбу тўпламга кирган сеҳрли-фантастик эртаклардаги девларнинг ташқи қиёфалари ва номлари ҳам аксарият ҳолларда жуда кулгили ифода этилади. Масалан, Маймоқ дев, Япроқ дев, Афсар дев, Қизил дев, Қора дев, Сарп дев, Ола дев ва ҳоназо. «Қайроқтош бола» эртагида девларга қуйидагича таъриф берилади: «Барзангилар қилни қирққа бўлган, ўлтирган жойида етти қават ер остида нима гап борлигини билган, оловни сувга, сувни оловга бирлаштирган, сеҳри билан тоғни унга, дарёни қўрғонга айлантирган жодугар мастоннинг болалари... Уларнинг қўлига тушган киши важоҳатидан қўрқиб, жони оғзидан чиқиб кетади. Ҳар кун Ҳар бири етти ботмон гўшт-ёғ, етти қон нон, етти ариқ сув билан тирикчилик қилади. Айниқса, одам гўштини емаса туролмайдн улар...»

Еки «Абдуқодир, Вов-вов, Миёвкел» эртагидаги аждарҳо таърифига эътибор беринг: «Ҳалиги нарсанинг усти ялт-юлт қилармиш, бошида иккита тилло шохи бормиш. Усти томони ҳам қатлам-қатлам шохчалардан иборат эмиш. Пан-

<sup>1</sup> Фозил Йўлдош. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар, 3-китоб, Тошкент, 1973, 37-бет.

жалари узун-узун, тириқлари ёғоч бешликдай келармиш. Кўзи ёниб турганмиш. Тилини чықарса бир метр чўзилыб, бир ярим метрдаги нарсани дамга олармиш.»

Булардан демонологик обрааларни таърифлашда халқимиз фантазиясининг нақадар чегара билмаслиги яна бир карра очиқ-ойдин кўринади.

«Ўзбек халқ фантастикаси» сериясидаги қўлинигдаги китобни «Қора дев» деб бежиз атамадик.

Зотан тўпламга кирган сеҳрли-фантастик эртакларининг кўпчилигида девлар ва аждарҳолар иштирок этишади. Фикримизнинг далили сифатида тўпламга кирган «Тулпор кўл» эртагидаги Қора девни кўрсатиш мумкин. Ўзининг дев ўғирлаб кетган тулпор тойчоғини қидириб олиш мамлакатга келиб қолган эртак қаҳрамини — кенжа ўғил маликанинги ҳамма шартларини бажариб, тойчоғини олиб кетиш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин подшо ваъдасида турмай, йигит билан уни яхши кўриб қолиб ёнини олган қизи — маликани ҳам андонбад қилдиради. Аммо йигит билан қиз андонда бир-бирлари томон ер ости йўли кавлаб, «икковлари топишиб, қизикига» келишади... Бу ҳол ҳар кун такрорланаверади. Бундан хабар топган Қора дев йигитни катта харсанг тош остига бостириб, қизнинг олдига ўзи йигит қиёфасида боради. Чунки, у ҳам маликани яхши кўриб қолган экан-да. Бироқ қиз кўп ўтмай, бу кимса севгиллиси эмас, балки отасининг айғоқчиси — Қора дев эканини пайқаб, унга қўқисдан ҳужум қилади, сочлари билан бўйнидан ўраб олади-да, қоринга иччоқ қадаб, кимлигини сўрайди. Бундан қўрқиб кетган дев ўлдирмаслигини илтижо қилиб малика билан йигитнинг қочишларига ёрдам беришини айтади. Шу тариқа ёвуз ва айёр дев эртакдаги ижобий қаҳрамонлар олдида таслим бўлиб, ўзининг аввалги хўжайинидан воз кечади ва йигит билан қизнинг хизматига ўтади. Шундан кейин воқеалар ривожини давомида девнинг ўз янги хўжайинларига садоқати намоён бўлади. У йигит билан маликани қочириб юборар экан, уларни қувшига шайланган аждарҳонинг қанотини қирқиб, девларнинг оёғидан ушлаб қолади. Девнинг яхшилиги бу билан ҳам тугамайди. У ҳатто болаининг илтимосига биноан йигитга кўп яхшилиқлар қилиб, тулпор тойчоғини топишида йўл-йўриқлар кўрсатган тилласимон балиқни ўз ҳолига келтириш учун олиш Тулпор кўлга ҳам етиб келади. Чунки балиқ аслида Қушон мамлакати подшосининг қизи бўлиб, жодугар кампирнинг сеҳри туфайли балиққа айланган эди-да. Бу ерда кўраминики, дев дастлаб салбий персонаж ролини ўтаган бўлса, кейинчалик инсон қудрати, ақл-заковати олдида таслим бў-

либ, эртактаги ижобий қаҳрамонларнинг вафодор дўсти ва ёрдамчисига айланади. Бинобарин, таниқли файласуф шоир, драматург ва олим Мақсуд Шайхвода: «...девлар зўр қувватга эга, бир кечаю кундузда мужассам қўрғонлар солишга қодир, тоғ ичини ёриб у ерда шаҳарлар, саройлар, кошоналар қурувчи ижодчи, яратувчи, ихтирочи унсурлардир... Шу характеристика девларнинг ҳаммавақт бўлмаса ҳам бир мунча мисолларда ижобий бир функцияга эга бўлганини кўрсатади. Бундай яратилган девлар сиймосида меҳнатқан халқнинг табиатга эга бўлиш идеали, ижод ва ихтиро тиллаклари ва иқтидори гавдалангандир», — деб ёзганида тамомла ҳақли эди.

Баъзи эртақларда девлар умуман тутуриги бўлмаган, бе-ўхшов мавжудодлар сифатида талқин қилинади. Улар ўз қўрқоқликларини тазйиқи остида гоҳ ёвуз кучлар ва гоҳ ижобий қаҳрамонлар хизматига ўтиб қолганларини ўзлари ҳам пайқамай қолишади.

Айрим эртақларда эса, «қадим-қадим замонларда девлар ва аждарҳолар аслида одамлар билан дўст-биродар эмишлар-у, аммо ёмон одамларнинг касофати туфайли ғорларга кўчиб кетишган экан. Бўлмаса ариқ қазиб, ер ҳайдаш, уй қуришда одамлар дўстлари — аждарҳолар билан биргалашиб, уларнинг ёрдамида баҳраманд бўлишар экан», — деган фикр илгари сурилади. («Аждар бола» эртагига қаранг)

Бу нарса анимистик қарашлар, эътиқодлар, шунингдек, маълум даражада қадимда яшаб ўтган ҳаётий мавжудодлар негизда илк бор юзага келган девлар эртақдан эртатка тадрижий равишда «такомиллашиб», диний ва табиат билан боғлиқ функцияларидан озод бўлиб, эркин уйдирмалар асосида ривож топганини кўрсатади.

Даврлар ўтиши билан девларга янгидан-янги қирралар ва хусусиятлар бахш этилган, улардаги қўноқлик, бесўнақайлик, қўрқоқлик, калтабинлик, лақмалик, айни пайтда садоқат ва вафодорлик, ўзидан устун келган қаҳрамонга ёрдам қўлини чўзиб, унинг мушқулини енгиллаштиришга интилиш сингари хислатлар ана шу тадрижий ривожланиш маҳсулидир.

Маълумки, дев ва аждарҳолар образларини тадқиқ этган В. Пропп, Е. Мелетинский, А. Веселовский, Б. Путилов сингари олимлар халқ эпослари, миф, эртақ ва афсоналарнинг кўпроқ ана шу персонажлар орқали ўзаро боғлиқлигини таъкидлаб кўрсатадилар. Бу фикрга аниқлик киритиб яна шунини айтишимиз керакки, инсон ҳаёли өтган даражадаги дастлабки мифларда девлар ва аждарҳолар ҳаддан ташқари даҳшатли, улкан ва бесўнақай кўринишда бўлиб, фа-

қат ёмонлик ва ёвузлик тимсоли тариқасида хиёмат қилса, даврлар ўтиши билан эртақ ва афсоналарнинг қатларида улар «такомиллаштирилиб», тобора ҳаётийроқ кўриниш касб этадилар ва кўнроқ ҳайвонларга хос хусусиятларга эга бўладилар.

Тўпламдаги «Аждар бола» эртагида биз ана шундай «такомиллаштириш» жараёни натижасини пайқаб олишимиз қийин эмас.

Қадимги замон мифлари ва инсон тафаккурининг дастлабки маҳсулотларидан бўлмиш афсоналарда демонологик мавжудодлар — девлар, аждарҳоларга қарши одамзод фақат ўз жисмоний кучлари ва ҳийла-найранг ёрдамида курашган бўлса, кишилик жамияти тараққиётининг кейинги босқичларида яратилган эртақларда турли сеҳрли воситалар ишга солинади. Бу ҳам афсона ва эртақлар тадрижий ривожининг яна бир муҳим белгисидир. Бунда сеҳрли воситалар эса, юқорида қисман айтиб ўтганимиздай, турли нарсалар, предметлар ва буюмлар шаклида намоён бўлади.

Чунончи, мазкур тўпламдаги «Ҳуриной» эртагида ана шундай сеҳрли буюм вазифасини тилла узук ўтайди. Мўъжизакор узук бир қанча сеҳрли хусусиятларга эга: уни «ўнг қўлингга тақиб, кўзига қарасанг, бутун жаҳонни кўрасан. Кейин олиб бор, деган жойингга олиб боради». «Дарвеш берган узукнинг яна бир хислати бор эди. Кимда-ким ёмон ниятда уни таққан кишига ёндошмоқчи бўлса, ёмонлик қилмоқчи бўлса, у таққан кишини кўрсатмас эди».

Хуллас, эртақ қаҳрамони Ҳуриной Семурғ қушни излаб олиш тоққа келади. Лекин тушган жойи тоғ эмас, Семурғни қоп қақшатадиган аждарҳонинг боласи бўлиб чиқади. Шу даражада баҳайбат ва улкан экан-да у Ҳудаям қўрқиб кетган Ҳуриной қўлидаги узукка қарайди. Шунда узук худди қизга далда бергандай қўлидан суғурилиб чиқади-да, «парво қилма», дегандай елкасига «қоқиб», яна панжасига киради. Ҳуриной тоғ баравар аждарҳонинг боласи билан мулоқотга кириб, узук ёрдамида уни роса қўрқитади, сўнгра у билан шу даражада дўстлашиб кетадики, аждарҳонинг боласи қизни бир дақиқа кўрмаса туролмайдиган, нуқул орқасидан эргашадиган бўлади. Эртақ провардида Ҳуриной узук ёрдамида Семурғ қушни аждарҳонинг кўп йиллик истибодидан озод қилади.

Кўриниб турибдики, бундай ажойиб сеҳрли «қурол» воситасида ҳар қандай даҳшатли душманга қарши бемалол нурашавериш мумкин. Айни пайтда бу нарса инсоннинг даврлар ўтиши билан табиат кучлари ва унсурларига қарши

курашда кўпроқ ақл иброк ва фантазияга таяниб иш юритиш лозимлигини уқиб олганлигидан далолат беради.

Мифлар ва эртаклардаги девлар, аждарҳолар сингари демонологик образлар ҳозирги кунда ҳам бадий адабиётда ўз «хизмат»лари иш ўташда давом этмоқдаларки, бу кенг ва атрофлича тадқиқ этилишга сазовор бўлган жиддий масалалардандир.

Дарҳақиқат, қадимги замонлардан оқ бошлаиан ёзма бадий адабиётда халқ оғзаки ижоди, шу жумладан, миф, эртак ва афсоналарнинг композицион структураси, образлар системаси ва улардаги нореал уйдирмалардан фойдаланиш, шунингдек, унинг поэтикасидан баҳраманд бўлиш бизнинг кунларимизга келиб ялгича шакл ва услубларда жонланди.

Тўғри, бадий адабиётда бундай шакл ва услубларга ҳаммавақт мурожаат қилинган, лекин, айниқса, бизнинг кунларимизга келиб, ёзувчиларнинг халқимиз томонидан асрлар давомидан тўпланган тарихий ва эстетик тажрибалардан унумли фойдаланишга интилиши бунинг янада қўрироқ савияда бадий тадқиқ этилишига олиб келмоқда.

Фольклорга нисбатан янги қизиқиш тўлқини — халқнинг кўп асрлик допишмандлиги, тарихига бўлган қизиқишнинг ҳамда замондошимиздаги халқ билан яқдиллик ҳиссининг янада уйғулашиб, юксалроқ камолот погонасига кўтарилганидан далолат беради.

Ҳозирги замон бадий адабиёти билан фольклор ва мифологиянинг ўзаро чапишиш днапазони ниҳоятда кенг. Бу ерда оғзаки ижодда мавжуд миф, афсона, нақл ва удумларни тўплаб, уларни адабий жиҳатдан қайта ишлаш, фольклористик руҳдаги роман ва повестлар, мифологик новелла ва нақл-қиссаларнинг пайдо бўлиши, анъанавий реалистик прозага миф, эртак ва афсоналардаги турли мотив ва элементларнинг кириб келиши каби тенденцияларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Умуман, «...бизда эртаклардан кўлгина буюк ёзувчилар унумли фойдаланишган. Хемницер, Жуковский, Пушкин, Л. Толстой шулар жумласидандир. Бадий адабиётнинг халқ оғзаки ижодига нормал маънавий ва дидактик тобелиги мутлақо шубҳасиз ва жуда ибратлидир»<sup>1</sup>.

Ўзбек совет адабиётида ҳам фольклор анъаналаридан фойдаланиш тенденцияси азалдан мавжуд. Бу сўнгги йилларда тараққий қила бошлаган навқирон илмий фантастика жанрида, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда.

<sup>1</sup> М. Горький. Адабиёт ҳақида, Тошкент, 1962 й., 321-бет.

Гап шундаки, ҳозирги замон илмий фантастика адабиёти-да қадимий мифлар, афсоналар ва уларда тасвирланган девлар, аждарҳолардан, агар таъбир жоиз бўлса, сифат нуқтаи-назаридан ўзгача савияда фойдаланилади. Бошқача айтганда, улар миф, эртак ва афсоналардагига нисбатан янада «такомиллашган» ва «маданийлашган» шакллар ва шарт-шароитларда намоён бўлишади. Илмий-фантастик асарларда мазкур демонологик образларнинг кўплари одатда ўзга, олс сайёраларда истиқомат қилишади ва Ердан учиб борган фазогирлар даставвал улар билан мулоқотга киришишади. Фантаст-адиблар одатда у ёки бу демонологик мавжудотнинг ташқи қиёфасини ўша сайёра табиий шароитига тўла мутаносиб ҳолда тасвирлашадики, айни шу нарса уларни эртак ва афсоналардаги дев ва аждарҳолардан фарқловчи муҳим белгилардандир. Баъзи фантастик асарларда улар ўзга сайёранинг юз-икки юз даража иссиқ иқлимида яшашга мослашган, темирдай мустаҳкам терига эга, онгсиз ва тажовузкор махлуқ сифатида тасвир этилса, (Х. Шайхонинг «Тасодифий кўниш» номли ҳикояси), баъзи асарларда улар одамларга ўхшаб тафаккурга эга бўлишади ва ерлик фазогирлар билан бевосита мулоқотга киришишади (М. Шалимовнинг «Динозавр ови» ҳикояси). Лекин фантастик асарларда бу антиқа мавжудотлар қандай кўринишга ва қандай хулқ-атворга эга бўлишмасин, эртаклардагидан фарқли ўлароқ, сира қуюшқондан чиқишмайди ва фантаст-адиб қатъий манتيқ асосида иш тутади. Натижада ўқувчи уларни худди ҳаётда мавжуд, реал мавжудотлардай қабул қилади.

Атоқли инглиз ёзувчиси Артур Конан Доил ўзининг «Йўқолган дунё» номли илмий-фантастик қиссасида китобхонни худди ана шу улкан махлуқлар оламига олиб киради ва Ерда жуда-жуда қадим замонларда яшаган, аммо ҳозир қирилиб битган динозавр, стегозавр, птерозавр, птеродактиль сингари баҳайбат ҳайвонлар ва қушлар планетамизда ҳали ҳам мавжуд, деган гипотезани илгари суради. Буни у илмий ва манتيқий нуқтаи-назардан айтарли асослаб бера олган. Жаҳон илмий фантастикасининг асосчиларидан бири Жюль Верининг «Ер марказига саёҳат» номли романида ҳам биз улкан қўзиқоринлар, гигант одамлар билан бирга ҳозирги замон филларининг ўтмишдаги аждодлари бўлмиш мастодонтлар, юра даврининг ихтиозаврлари сингари ҳайбатли махлуқларга дуч келамиз. Атоқли француз адиби бу романда ҳам фантастик мавжудотларни тасвирлар экан, қатъий мантиқ доирасида иш тутганлиги яққол кўришиб туради.

Американинг прогрессив фантаст-ёзувчиси ва олими

Рэй Брэдбери ўзининг «Мўъжизалар ва гаройиботлар» номидаги ҳикоясида Жюль Веридан ўзига хос тарзда интервью олади. Гап фантастика, тилсимот, келажак, космос ва юлдузлар ҳақида боради. Шунда Брэдбери Жюль Верни тилидан муҳим гапни айтади: «...миллион йиллик ахлоқона урушлар, телбаликларга қарамай, биз ҳалок бўлмадик. Бугун одамзодга космос ва юлдузлар проблемасини эслатиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ; одамлар бу проблема моҳиятини чуқурроқ ўрганишса, инсон зотининг ўзи қитъалар орасидаги чегаралар ва сиёсий келишмовчиликларга нисбатан юксакроқ эътиқодга сазовор эканини англаб етган бўлишарди. Сиз ёзувчи сифатида одамларни эҳтиёткорликка чорламоғингиз лозим. Ёшларга эса, шундай деб айтинг: «Болаликнинг ёрқин тунисида орзу қилинг, балоғатнинг ёрқин кунисида меҳнат қилинг!»

— Одам табиатни ва ўз-ўзини билиш учун саёҳат қилди, — гапида давом этади атоқли фантаст, — билиш эса, мангулик демакдир. Саёҳатга менга ўхшаган одамлар иштиёқ уйғотишади, зотан улар қогоз кемачалар, ҳаво шарлари ва хитой мушакларида мангуликка интилишдан кўра каттароқ нарсалар борлигини кўра оладилар...»

Бағоят доно гаплар, тўғрими!

Қўлингиздаги тўпламга кирган сеҳрли-фантастик эртаклар ҳам кишини табиат олами ва ўз-ўзини билишга, гаройиб саёҳатларга чорлайди. «Болаликнинг ёрқин тунисида орзу қилишга ва балоғатнинг ёрқин кунисида меҳнат қилишга» ўргатади. Тўпламнинг ёш китобхонлар оммаси учун маънавий-эстетик аҳамияти ҳам, бизнингча, мана шунда.

**Малик МУРОДОВ,  
Ҳожнақбар ШАЙХОВ.**

## СЕҲРЛИ-ФАНАСТИК ЭРТАКЛАР

1. ТУЛПОР ҚУЛ. Айтувчи: *Ҳайдар Бойча ўғли.*  
Езиб олувчи: *М. Муородов.*
2. СЕҲРЛИ ТЕЛПАК. Айтувчи: *Бибисора Худойберган қиз,*  
Езиб олувчи: *М. Муородов.*
3. АЖДАР БОЛА. Айтувчи: *Усмон Мадумар ўғли.*  
Езиб олувчи: *М. Муородов.*
4. АБДУҚОДИР, ВОВ-ВОВ, МИЕВҚАЛ. Айтувчи: *Бибисора Худойберган қиз.*  
Езиб олувчи: *М. Муородов.*
5. ШАМОЛ БОБО. Айтувчи: *Бибисора Худойберган қиз.*  
Езиб олувчи: *М. Муородов.*
6. ОЛТИН ҚАСР. Айтувчи: *Усмон Мадумар ўғли.*  
Езиб олувчи: *М. Муородов.*
7. ҚАЙРОҚТОШ БОЛА. Айтувчи: *Аброр Аҳмид ўғли.*  
Езиб олувчи: *М. Муородов.*
8. КУННИ ҚАРҒАБ БУЛМАЙДИ. Айтувчи: *Ҳайдар Бойча ўғли,*  
Езиб олувчи *М. Муородов.*
9. ҲУРИОЙ. Айтувчи: *Мирза Абдулла ота.*  
Езиб олувчи: *М. Муородов.*
10. КЕНЖА УҒИЛ, ҚУМУРСҚА ВА СИРЛИ ШАМШИР.  
Айтувчи: *Нуриддин ота Исломов.*  
Езиб олувчи: *М. Муородов.*